

БРАНИСЛАВ  
НУШИЧ


---

# КИКАНДОН МАШМАШАЛАРИ

Ҳикоялар

*Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981*

Русчадан  
Мухтор Худойкулов  
таржимаси



Н  $\frac{70304-31}{M352(04)-81}$  128—81 4703000000

© Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1981 й. (Ғарзсима)

К. шаҳрида бир минг саккиз юзта фуқаро, олтита кўча, учта руҳоний, еттита майхона, битта округ бошлиғи, иккита кекса нафақахўр, ўн еттита бева хотин, учта муаллим, иккита муаллима, битта жамоа раиси, иккита бозор, тўртта сиёсий гурӯҳ ва ҳоказолар бор.

Бу хилдаги муқаддима худди саёҳатнома китобидан олинган кўчирмага ёки жуғрофия дарслигига ўхшайдику, деган таънага дучор бўлмаслик учун яхшиси, К. шаҳрида рўй берган бир ғалати воқеа ҳақидаги ҳикояга дарҳол ўтаверганимиз маъқул шекилли.

Гап шундаки, К. шаҳрида юқорида санаб ўтилганлардан ташқари яна ҳайвонотхона ҳам бор. Бу кўчма ҳайвонотхона қайси бир сайилгоҳдан омади юришмасдан қайтаётиб, бу ерга бир неча кун қўниб ўтиш учун кириб қолган эди. Тўғри, шаҳарга ҳайвонотхона келганда, котиб Пайя: «Бусиз ҳам шаҳримизда ҳайвонлар етарли», деган эди-ю, лекин ҳайвонотхона хўжайини бўлмиш муҳтарам словениялик ўз саёҳатини давом эттириш учун ҳеч вақоси қолмаганлиги боисидан К. га бурилишдан бўлак иложи ҳам йўқ эди...

Баққол Савва унга насияга тахта ва мих берди, совунгар Ничко қарзга хари ва ҳайвонлар учун гўшт беркиб турди; шу тарзда бизнинг азамат словениялик ундан ую бундан бу қилиб, қарабсизки, унча катта бўлмаган вақтинчалик бир ёғоч иморат қуриб олди ва эртасига тонг саҳарданоқ чирманда чалиб, ҳар бир муюлишда тўхта-

ганча: «Дунёга машхур ажойиб менажерия!<sup>1</sup> Умрингизда кўрмаган нарсаларни кўриб қолинг!» ва ҳоказо деган ҳаммага маълум ибораларни бақириб, шаҳар айлана бошлади.

Холбуки, агарда сиз ҳайвонотхонага ҳақиқатан ҳам кириб кўрсангиз (айтгандек, бу ерда ҳаммаси бўлиб ол-тита жонивор бор эди холос), ҳайвонотхона хўжайини сизни аввало бадбўй ҳид анқиган қафаслардан бирининг олдига бошлаб келади-да, қуйидагича изоҳ бера бошлайди. «Айиқ, фанда «Urgus bellicosus» деган ном билан юритилади... Мисли кўрилмаган баттол махлуқ. Шу пайтгача иккита ҳайвонотхоначини еб қўйган. Ўтган йили Москвада бошқа ҳайвонотхонадалигида — мен уни ўша ердан сотиб олганман, у қафасларни синдириб чиқиб кетиб, ҳайвонотхонанинг эгасини еб қўйган, битта хизматчини тамом ютиб юборган, кейин ўша атрофдаги Булон ўрмонларига кириб беркинган... Москвада уч кунгича дўконлар очилмаган, бой-бадавлат шаҳарликларнинг ҳаммаси қўшни Иркутск шаҳрига қочиб кетишган, Москвада генерал Гурко қолган, холос... Петрограддан телеграф орқали ҳадеб: «Айиқ қаерда?», «Генерал Гуркога нима қилди?», «Генерал Робикин қаерда?», «Бу ерларда генерал Бичаевни айиқ еб қўйибди, деган мишмишлар юрибди...» қабилидаги гапларни суриштиришган...»

Қанчадан-қанча рус генераллари билан муомалада бўлган бу айиқнинг турқига қараганда, у ҳақиқатан ҳам Москвада бўлгану, лекин ўтган йили ёзда эмас, балки 1812 йилда Наполеоннинг Россияга юриши вақтида у билан бирга бўлган, деб тахмин қилиш мумкин эди. Айиқ шу қадар озиб-тўзган, жунлари юлинган, ҳаммаёғи шиллинган эдики, у гўё қамоқдан ҳозиргина чиқиб келган муттаҳамни эслатарди.

Филлнинг эса яқинига бормасдан узоқроқдан айланиб

---

<sup>1</sup> Менажерия (французча) — ҳайвонотхона.

ўтган маъқулроқ эди, чунки у шу қадар қари ва аянчли кўринардики, черков остонасида турволиб садақа сўрай-диган гадойдан сира фарқи йўқ эди. Лекин турган гапки, унинг ҳам ўз лотинча номи ва ҳатто «инглиз жазокорлари» «шу филга Бухоро рожа»сини гулханда куйдиргани миндириб олиб боришган, деган афсонаси ҳам бор эди. Эҳтимолки, инглизлар бу филни эсдалик учун деб сотиб олишармиди.

Қўшни қафасда «фанда янгилик» бўлган бир парранда ўтирар ва шу боисдан ҳам у ўзининг «оммабоп» номига эга эмас эди; фан тилида эса у «*Socsocus dulcivitoreris*» деб аталарди. Бу парранда ўзининг жўжаларини «тухумдан очиб чиқармасдан, балки бошқа турдаги жониворларга ўхшаб туғиши» билан машҳур эди. Аммо томошабин бу *Socsocus dulcivitoreris* га диққат қилиброқ қараса борми, уни ўзимизнинг хонаки ўрдакка жудаям ўхшаб кетишини, фақат думи негадир кўкка бўяб қўйилганини оппа-осон пайқаб олар эди. Аммо бу парранда томошабинларни бўяб қўйилган думи билан эмас, балки «жўжасини тухумдан очиб чиқармаслиги» билан кўпроқ ҳайрон қолдирарди.

Ҳайвонотхонада бундан ташқари сувсар, тулки — уни «швед тулкиси», дейиш мумкин бўлсин учун қулоқларини бир оз қирқиб қўйишган эди ва ниҳоят, маймун бўлиб, фақат угина ҳақиқий ҳайвонга ўхшар ва худди буни ўзи ҳам фаҳмлагандек, у ҳайвонотхонанинг қолган аҳлига ва ҳатто томошабинларга ҳам менсимасдан қарарди.

Ҳайвонотхонанинг еттинчи ғаройиботи сифатида ҳўжайиннинг хотинини кўрсатиш мумкин эди, у кир босган ясама соч кийган қилтириқ бир муштипар бўлиб, шунақанги озгин ва беҳол эдики, уни гўё қўлга олиб бир варақ қоғозниғижимлагандайғижимлаб ташлаш мумкиндай туюларди. Унинг устидаги қўйлагиди худди *Socsocus dulcivitoreris* лар роса чўқигандек кўринарди, ясама сочлари эса шунақанги тўзғиб ётардики, худди булар унинг бошига паншаха билан уйиб қўйилганга ўхшарди.

У түрт томонига пардалар тутилган кичкинагина чип-тахонада ўтирар, у ҳам қафасда ўтиргандек таассурот қолдирарди. Унга қараб туриб, менинг наздимда, худди ҳозир ҳайвонотхона эгаси келиб, уни қўли билан кўрсатганча: «Фанда «Mulier Feminus» номи билан юритилди! Бу жонивор ўзи кўп учрайди, уни илинтириш осон, лекин қўлга ўргатиш қийин...» ва ҳоказо деб хитоб қиладигандай эди.

Қ. да яшовчилар менажерияни келиб кўришди, лекин қафаслар олдидан ҳамма томошабинлар ўтиб бўлишгач, словениялик тушумни санаб кўрса, ҳар бир томошабин бир тангадан тўлаб кирди, деб ҳисобланганда 210 танга йиғилибди. Кириш ҳақи арзонроқ — ярим тангадан бўлган тақдирда ҳам шаҳар ўзи бундан кўп томошабин бера олмас эди.

Ҳолбуки муҳтарам ҳайвонотхона эгаси шаҳарда турган саккиз куни мобайнида гўштнинг ўзидан 518 танга қарз бўлиб қолган эди, зероки, ҳайвонлар бирои нарса еб туришлари, уларнинг хўжайини эса ҳеч бўлмаганда бирои нарса ичиб туриши керак эди-да.

Совунгар Ничко унга бир-икки кунга қарз берган эди, аммо орадан бир ҳафта ўтса ҳамки, словениялик оғайни уни тўлаш ҳақида оғиз очмасди. Шунда Ничко унинг олдига келиб: «Қани, тилхат ёз!»— деди. Словениялик бўлса: «Жоним билан!»— дедию 518 тангага тилхат ёзиб берди.

Тўққизинчи кунга бориб словениялик қарасакки, унинг қарзлари даромадига қараганда беш барабар тезлашиб ошиб боряпти, шу кечаси у хотинини чақирди, улар иккалаларни ўтиришиб, олдиларига бир шиша вино қўйишди-да, ўзлари ҳақида, жониворлари ҳақида ва бундан буён бу зайлда тирикчилик қилиб бўлмаслиги ҳақида жиддий суҳбатлаша бошлашди. Кенгаш охирида ўзига хос бир қарор қабул қилиндики, эртасига эрталаб бундан шаҳар аҳли хабардор бўлди.

Дўконлар очила бошлаган пайтда бутун шаҳарда

«Дунёга машхур менажерия»нинг хўжайини тунда ўзи билан бирга хотинини, сувсарни ва маймунни олиб, бошқа ҳамма нарсаларни яъни қарзлари, айиғи, фили, швед тулкиси ва socsocus dilicivitorereus'ини қолдирганча, қочиб кетганлиги тўғрисида хабар тарқалди.

Бутун шаҳар томдан тараша тушгандай бу хабардан ҳайратда қолди. Қ.нинг жами фуқаросига келганимизда улар, турган гапки, ҳайратда қолишлари ҳам ёки аксинча, бепарво бўлишлари ҳам мумкин эди, лекин Савва баққол билан Ничко совунгарлар ҳақиқатан ҳам иччиларидан зил кетиб, ҳанг-манг бўлиб қолишган эди.

Ҳукумат, албатта, ҳукуматлигини қилиб дарҳол «тегишли чоралар» кўрди, ахир ҳукуматнинг ўзи бирон нарса бўлиб ўтгандан кейин тегишли чоралар кўриш учун яратилган-да.

Ҳукумат қолган барча мол-мулкларни хатга олиш учун дарҳол бир амалдорни юборди.

Жаноб Пайя қўлига қоғоз олиб, уни эн-бўйига чизиб чиқди, сўнг ҳайвонотхонага қараб йўл олди ва чиптахонада ўтириб олиб мол-мулкни хатга ола бошлади. Хат тамомлангандан сўнг унда тахминан ушбу нарсалар қайд этилган эди:

1. Бир дона фил, каттагина.
2. Бир жуфт уй шиппаги, йиртиқ.
3. Қафасдаги тулки, қулоқлари қирқилган.
4. Бир дона стол, усти кўк рангга бўялган, қутили.
5. Ўрдакка ўхшаган, думи кўк парранда, қафасда.
6. Бир дона эркаклар пайпоғи, бутунлай йиртиқ.
7. Бир дона айиқ, жунлари тушиб кетган, териси туллаган, қафасда.
8. Ярим килограмм жўн мих:
9. Бир дона эскигина чирманда, шиқилдоғи билан.
10. Бир парча оддий сурп мато, каттагина, кирланган.
11. Бир жуфт жўнгина қизил парда.
12. Бир дона катта шиша, ҳидига қараганда унда ичимлик бўлган.

13. Иккита челак, тутқичи билан.
14. Бир дона узун ёғоч таёқ.
15. Бир дона камар, тешиклари бор.
16. Бир дона чироқ, шишаси йўқ.
17. «Дунёга машҳур менажерия» деган ёзувли бир дона тахта.

Хукумат маъмури мол-мулкни хатга олиб бўлгач, ҳайвонотхонани муҳрлаб қўйди, жониворлар эса уларга овқат бериш котиб Пайянинг ҳаёлига ҳам келмаганини кўришгач, шунақанги уввос солишдики, эшитган одамнинг юраги эзилиб, кўзидан ёш чиқиб кетарди. Фил эри ўлган тул хотиндек нола қиларди, айиқ эса очликдан силласи роса қуриганидан худди саъвага ўхшаб чийилларди. Жаноб Пайянинг буларга ачиниб ўтиришга ҳақи йўқ эди, чунки у хизматчилик вазифасини бажараётган эди.

Жаноб Пайя тузган рўйхатга то тартиб рақами қўйилиб, то унинг устига тегишли қарор ёзилгунча ва у ижро этиш учун топширилгунча яна бир кун ўтди, жин ургур, «швед тулкиси» эса бу вақт ичида, бунақа муомага ўрганмаганидан, ҳатто ана шу бир кунга ҳам тоқат қилиб туришни хоҳламай, шартта ўлворибди. Эртасига эрталаб ким ошди савдосидан олдин жаноб Пайя, тулкини биров ўлдирган, деб ҳеч ким даъво қила олмаслиги учун рўйхатнинг «Эскартма» деган жойига «ўз ажали билан ўлди», деб ёзиб қўйди.

Ким ошди савдосига анча одам, шаҳарнинг жами фуқароси йиғилди, деса бўлади, зероки, бу воқеа бу ерда то шу кун бўлиб ўтган ким ошди савдолардан энг ғалатиси эди. Йиғилганлар қаҳқаҳа отиб кулишар, бир-бирларига пачинг гаплар ташлашиб, кўз қисиб қўйишарди; фақат жаноб Пайягина ўз ишини биладиган одам сифатида сипогарчилигини бузмасдан чиптахонада гердайганича савлат тўкиб ўтирарди.

Қутили кўк стол етти тангага сотилди, ярим кило мих ўттиз мирига кетди, каттагина каноп сурпни ўн тўққиз

тангага олишди, пайпоқ ташлаб юборилди, қизил пардаларга гал келганда бир оз сароснамалик юз берди: кўпчилик, бунақанги «беадабона» намоишидаги пардалар номусли хонадонларнинг деразасига тутилиб туриши мумкин эмас, деб туриб олди. Пировардида, бу пардаларни майхоначи уч тангага харид қилди. Чирмандани лўлилар қирқ икки тангага сотиб олишди. «Дунёга машҳур менажерия» деб ёзилган тахтани эса баққол сотиб олди, у «менажерия» деган сўзни устидан бўяб ташлаб, ўрнига «баққолчилик» деб ёздирмоқчи эди. Тахтани сотиб олар экан, баққол бу — «Дунёга машҳур баққолчилик» қанчалпк зўр лавҳа бўлишини хаёлида тасаввур қиларди. Бир жуфт уй шиппаги бир тангага сотилди. Ўлган тулки ўн тўрт тангага, ноёб мавжудот — *socsocus dilicivitorerus* эса жўн ўрдак баҳосида пулланди, чунки уни кечки овқат учун сотиб олишди. Буларнинг ҳаммаси сотиб бўлингандан кейин халойиқ бетоқатлик билан бир ғивирлаб қўйди, жаноб Пайя бармоғини рўйхатга қадаб туриб, қатъий расмиёна оҳангда сўзларни чертиб: «Фил олиб чиқилсин!»— деди.

Шу пайт ҳаддан ташқари шовқин-сурон бошланди. Ҳар тарафдан масхараомуз гаплар, пичинглар ёғилди. Одамлар қаҳқаҳа отиб кулшар, бор товушлари билан бақиршар, шунинг учун нималарнидир тушунтирмоқчи бўлиб бир неча марта уринган жаноб Пайянинг овози бутунлай эшитилмас эди. Шунда жаноб Пайя халойиқни тартибга чақириб қўйишни зарур деб топди ва йиғилганларга ғоятда таъсирчан гаплар билан мурожаат қилиб, бунга эришди ҳам:

— Хўш, нимага куляпсизлар? Ахир фил ҳам бошқа нарсаларга монанд бўлган бир нарсанда. Нега энди филни сотиб бўлмас экан? Ахир сизлар хонаки туфлилару михларни сотганимизда кулганларингиз, бақирганларингиз йўқ-ку? Нима учун шундай қилдинглар? Чунки булар сиз билган михлару хонаки туфлилар эди. Хўш, энди лима бўпти? Агарда филни мабодо мен ўйлаб чиқарга-

нимда бошқа гап эди... Ахир уни ҳам мен ўйлаб чиқарганим йўқ-ку. Мана у рўйхатда турибди, ким хоҳласа келиб бу ерда «фил», деб ёзиб қўйилганлигини ўз кўзи билан кўрсин. Бас, шундай экан, бу ерда куладиган ҳеч гап йўқ.

Бундай доно нутқдан кейин халойиқ кулмай қўйди, фақат икки жандарм филни етаклаб чиққанда ҳайрон қолиш ва қойил бўлиш аломати — «ўҳ-ҳў» деган овозлар эшитилди, холос.

Фил ўзини сотишларига камоли хотиржамлик билан йўл қўйиб берди. Фақат савдонинг бошида, унга икки юз танга нарх қўйилгани эълон қилинганда, унинг ори келиб, узун хартумини қаттиқ қисганча, жаноб Пайянинг бошига бир туширишига сал қолди, аммо тажрибали полиция хизматчиси гарчи бунақа ҳужумни кутмаган бўлса-да, довдираб қолмасдан бир сакрашдаёқ парда орқасига беркиниб олди. Одамлар одатга кўра яна кулишга бошлашди, ранги докадек оқарса ҳам қиёфасидаги расмийликни йўқотмаган жаноб Пайя эса яширинган жойидан чиқиб, яна ўз курсисига ўтирди-да: «Мана, мен нима учун кулмаяпман. Чунки бу ерда куладиган ҳеч гап йўқ!» — деди.

Ниҳоят ким ошди савдоси бошланди. Биров бир мири қўшса, яна биттаси бир танга қўшарди. Турган гапкй, фил ҳеч кимга керак эмас эди ва унинг баҳосини ҳам шунчаки, эрмак учун кўтаришарди, шу боисдан, ҳар сафар бир мири қўшилганда тўрт тарафдан ўнлаб ҳазил-мутойиба, пичинг ва турли гап-сўзлар ёғиларди.

Совуңгар Ничко ким ошди савдосининг қизишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдор эди, чунки у қочиб кетган ҳайвонотхона эгасининг бош даъвоғари эди ва савдодан келган тушумнинг кўпроқ қисми унга тегар эди. Бечора шу сабабдан ҳар бир нарса ҳеч бўлмаганда ярим танга қимматроқ сотилсин, деб ўлиб-тирилиб уринар, аммо ўша нарса ўзида қолмаслигининг эҳтиётини қилиб, нарсаларнинг баҳосини тобора оширгани оширган эди. Гал

филга келганда ҳам худди шундай бўлди. Унинг баҳосини ҳазил-мазах билан 206 тангага чиқаришганда Ничко бир танга қўшди — 207 танга бўлди. Кимдир яна икки танга қўшди, кейин йигирма мири, кейин яна ярим танга қўшилиб, охири баҳо 210 тангага ҳам етди. Совунгар Ничко яна бир танга қўшиб қўйди. Энди баҳо 211 танга бўлди. Аллаким яна бир мири қўшди ва жимлик бошланди. Ничко ишни яна олдинга сурмоқчи бўлиб тағин бир мири қўшди. Ҳамма жим эди.

Ногора чалиниб турар, фил сабр-тоқат билан кўзини очиб-юмар, жаноб Пайя яна бирон нима дейишни хоҳловчилар йўқми, деб йигилганларнинг юзларига диққат билан тикиларди. Ничко совунгар қўшнисини туртиб, уни ҳеч бўлмаса бир мири қўшишга қистарди. Аммо ҳеч ким баҳони кўпайтиришни истамасди. Ничко чор-пачор яна бир мири қўшди, лекин бари бефойда эди. Бир!.. Ничко совунгар гангиганича бир жаноб Пайяга, бир филга қарар, бир одамларга термилар, гўё менга раҳминглар келсин, демоқчи бўларди. Икки! Ничко гарданини қашлади, унинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Ва ниҳоят... уч! Совунгар ҳайрон бўлиб қўлларини икки томонга ёзди-да, маъюслик билан филга термулди, у ҳам хартумини лапанглатиб совунгарга ювошлик билан қараб турарди. Уларнинг атрофида эса кўз кўриб қулоқ эшитмаган тўс-тўполон юз бермоқда эди. Одамлар қаҳқаҳа отиб кулишар, бақаришар, Ничкони табриклашар ва унинг жиғига тегишарди. Совунгар ҳалиям ўзига келмай туриб, қоровул унинг қўлига арқонни тутқизди, у бўлса ҳали ҳам филнинг ўзига текканлигини тугал фаҳмлаб етмаган ҳолатда: «Шўрпешоналикдан кулманглар, одамлар!» — деб ёлворарди.

У уйига қараб йўл олди, фил бўлса бу совунгар Ничко жуда яхши одамлигига тўла ишонган кўйи бепарволик билан унга эргашганди.

Уларнинг орқасидан жами халойиқ гурра-гурра бўлиб йўлга тушди, шу боисдан, ким ошди савдоси бўлаёт-

ган жойда деярли ҳеч ким қолмади ва айиқ лўлиларга бутунлай текинга тушди.

Ничко бўлса уйига қараб юрайми, юрмайми деб зўрға кетиб борарди. У филни стаклаб боргандан кўра бирорта одам ўзини уйга арқонда судраб боришига жон деб рози бўлар эди. Бунинг устига, мана уч ойдирки, Ничкога янги қалпоқ сотиб олишга ҳам рухсат бермаётган жуфти ҳалоли Сойка бунга энди нима дер экан?

Лекин мабодо у ҳеч нарсa демаган тақдирда ҳам барибир, Исо алайҳиссалом ва у кишининг модари мубораклари ҳаққи, унга филнинг нима кераги бор? Ким уйида фил асрайди ўзи? Уйда саъва ё бўлмаса қуён, ёки ит, ёинки ёввойи эчки асраш мумкин, ҳа, шунақа ёввойи эчкиларни уйларида асрайдиганлар бор. Лекин бу қандай гапки, одам уйида фил асраса-я. Масалан, округ бошлиғини олайлик, у хийла тантиқлик қила оладиган одам, бунақа дахмазани фақат ўшагина ўзига эп қўриши мумкин. Лекин Ничко совунгарга филни ким қўйибди? Совунгар ўз уйида фил асраганини ким эшитган?

Ничконинг ҳовлиси жуда торлиги ва шу сабабдан, филни қўядиган жойи йўқлиги бирдан ёдига тушди. Шунингдек, филнинг — агарда умуман пичан еса, кунига камидо олти пуд пичан ейиши-ю, мабодо бу жин ургур фақат гўшт ейдиган бўлса кунига битта қўйдан кам емаслиги ҳам унинг эсига тушиб кетди.

Совунгар ана шундай юракни эзадиган хаёллар билан уйига яқинлашиб келар, унинг орқасидан фил виқор билан қадам ташлар, филнинг орқасидан эса халойиқ ва бир тўн болалар келишарди. Бирданига Ничкога худди оёқлари қўрғошин қўйилгандек оғирлашиб кетгандай, тиззалари эса букилмаётгандай бўлиб туюлди. Негаки, дарвозаси олдида унинг жуфти ҳалоли шай бўлиб кутиб турарди, болалар унга Ничко фил сотиб олди, деган гапни аллақачон етказишган эди. Шунини ҳам айтиш керакки, бу — оддий совунгарга мосу муносиб унча-мунча жуфтлардан бўлмай, шунақанги жуфт эдики, у билан таққос-

лаб кўрилганда совунгар унинг ярмидан келарди, бу ҳам у тек турганида шунақа эди, агарда у галга тушиб кетса борми, шўрлик Ничко унинг ўн олтидан бирига ҳам тўғри келмасди.

Юраги тўла ҳасрат бўлган совунгар худди ана шу йўсиндаги жуфтига яқинлашиб борар, унинг орқасидан эса фил хотиржамлик билан қадам ташлар, уларнинг ортидан эса бутун шаҳар ёпирилиб келарди. Агарда совунгар хонимнинг биринчи ҳайқиригига жавобан фил хартумини силкимаганида, шўрлик Ничко ўзи бутун халқ олдида филнинг родини ўйнашига тўғри келар эди. Аммо бу қулай дақиқадан фойдаланиб Ничко хотинига фил учун шунчаки, арзимаган нарса тўлагани ва ундан жудаям катта фойда кўриши мумкинлигини, чунки «фил ёғидан энг яхши, энг қимматбаҳо совунлар тайёрланиши» ни шоша-пиша тушунтиришга улгурди. Халонинг совунгар хонимнинг бир оғиз ҳам индамасдан Ничкога филни ҳовлига олиб киришга рухсат берганини кўриб, жуда ҳайрон қолди.

Шундай қилиб, ҳамма нарса тинч ва жуда кўнглидагидек тугади. Ким ошди савдоси кутилганидан ҳам зиёдароқ ўтди. Котиб жаноб Пайя умрида «фил ҳам сотиб кўрган» одам сифатида шаҳарда гердайнб у ёқдан-бу ёққа юарди; дўлилар ҳозиргина сотиб олишган чирмандаларини гумбурлатиб чалишарди; баққол ўз дўкони тепасига «Дунёда энг машҳур баққолчилик» деган янги лавҳани осиб қўйганди, айиқ эса аллақачон томоша кўрсатишга олиб кетилганди, socsocus dilicivito perus' ни эса аллақачон тоқ тузланган карамга қўшиб еб бўлишганди, фақат Ничко, шўрпешона Ничко учунгина азоб-уқубатлар ҳали тугамаган эди.

Дастлабки уч кун ичида у уйдан чиқмади. Аммо унинг учун қай бири баттарроқ — кўчада юришми ёки уйда ўтиришми — бунинг ўзи ҳам билмасди. Шаҳарда унга аллақачонлароқ «Ничко — фил» деган лақаб қўйиб олишган ва унинг «шўрпешоналиги» ҳақида яна жуда

кўп латифалар, уйдирмалар тўқиб улгуришган эди. Уйда эса уни хотини Сойка ҳадеб эговлар, чунки Ничконинг ўзи унга филдан ҳеч қандай совун чиқмаслигини айтишга мажбур бўлган эди.

Гарчи улар кўча-кўйга чиқишмасалар ҳам одамларнинг гап-сўзлари ўз-ўзидан йўл топиб, уларнинг уйларига кириб келар эди.

Чунончи, заргарнинг хотини Перса хоним Сойкага:

— Ахир, Сойка, сен барибир бепарзандсан-ку...— деб қолди.

— Худоё тавба, Перса, нималар деяпсан?— унга жавоб қилди Сойка.— Полиция бошлигининг хотини ҳам боласиз. Нега улар фил асрашмайди? Умуман, сен ҳар қандай эсли-ҳушли бирорта уй бекасидан сўра-чи, ростини айтсин, агарда эри кўчадан фил етаклаб келса, нима қилар экан?

Қассобнинг хотини Цанка Сойканинг олдига келиб:

— Зиёни йўқ, Сойка, ҳар қалай, фил ҳам битта жонивор-да, мана, биз сигир боқамиз, мен уни бирам яхши кўраманки...— деб гап бошлади.

— Мунча жаврамасанг, Цанка, худоё тавба,— деди унга Сойка.— Ахир, бу, айтайлик, мушукча бўлганда эди, тиззамга олиб, дўконнинг олдида ўтирардим... Ёки бу бирорта қушча бўлсайди, ҳар кун эрталаб дон чўқи-лаб, дўконни тўлдириб сайраб берарди... Ёки бўлмасам, курка товуқ бўлгандами...

— Курка товуқ бўлганда ҳаммасидан яхши бўларди-я,— деб донишмандларча қўшиб қўйди. Ничко ўзининг ҳам суҳбатда борлигини билдириб қўйиш учун.

Улар уйда меҳмон борлигидагина шундай суҳбат қилишарди, меҳмонлар бўлмасдан, Ничко совунгар билан Сойка ёлғиз қолганларида-чи... Унда... асти сўраманг... Шунга қарамай, улар ёлғиз қолишганларида ҳам одамларга ўхшаб гаплашган кунлари ҳам бўларди.

Бу суҳбат тахминан шу тарзда кечарди:

— Хўш, Ничко, сен ўзингнинг гирт аҳмоқ эканлигинг

ни энди очиқ-ойдин билиб олгандирсан?— дея одат бўйича гап бошларди Сойка рафиқаларга хос назокатли товушда.

— Тушунмаяпман, Сойка, нега мен аҳмоқ бўларканман?

— «Нега» эмиш... Энди биз бу филни нима қиламиз?

— Турса туравермайдими... майли, мен... билмадим нима қилишимизни...

— Уйимизга қанчалик ғурбатни олиб келганингни биласанми ўзинг? Бутун шаҳар ҳозир фақат биз тўғримизда гапиряпти. Сенга бўлса аллақачонок Ничко — фил, деб ном қўйиб олишибди.

— Ҳа, шунақа лақаб қўйишибди,— деди совунгар маъюслик билан ва худди баджаҳл муаллим олдида турган гуноҳкор биринчи синф боласидек ҳурпайиб олди.

— Қим билади, ҳали мени ҳам ургочи фил деб аташмаса бўлгани. Буларнинг ҳаммасига сен айбдорсан, Ничко, худоё сени яшин урсин, қаро ер бўл. Агарда шу хилда давом этаверса, шармандаликдан кўчага чиқолмай қоламиз.

— Нимадан уяласан, Сойка? Ахир сен айбдор эмасан-ку, мен ҳам айбдор эмасман. У йўқ-бу йўқ — пешонада бор экан-да. Бировларнинг уйини касаллик босади, бошқа бировларникида аллақандай ажиналар юради, уйида қайнонаси яшайдиганлар ҳам бор, бизнинг уйимизда эса фил яшайди, деб олдиндан пешонага ёзилганга ўхшайди. Нима ҳам қилардинг, тақдир экан. Бекорга мен ёмон туш кўрмаган эканман: булут дегин, катта қора булут... борган сари пастлаб келаверди... Тўппатўғри бизнинг уйимизга келганда шартта пастлашдию бирдан мўримиздан ичкарига кириб кетди. Бошқа уйларга қарасам уларнинг мўрисидан тутун чиқяпти, бизникидан бўлса чиқмаяпти. Бунга тўрт йил бўлди. Худди эртага авлиё Дмитрий куни деган кечаси эди.

Совунгар хоним Сойка икки марта чўқинди-да, ўчоққа қараб қўйди ва шундан сўнггина хотиржамлик билан

— Ничко, сен барибир аҳмоқсан, — деб қўйди.

Улар одамларга ўхшаб гаплашганда, суҳбат худди шу тарзда ўтарди. Одамларга ўхшамасдан гаплашишларини эса сўрамаёқ қўя қолинг. Бир куни улар қозонда совун қорпшмасини аралаштирадиган чўмични синдиришди, бошқа сафар олтита катта совун бўлагини бурда-бурдага айлантиришди, шундай бир пайт ҳам бўлдики, улар муқаддас тасвирни парча-парча қилиб юборишди, ойнанинг учта кўзини синдиришди ва темир косовни шартта букиб ташлашди. Бунинг ҳаммаси албатта улардаги ёмон бир одат — одамларга ўхшамасдан гапиришганида қўлларига бирон нимани ушлаб туришларидан келиб чиқди. Модомики, одам қўлида бирон нима ушлаб турар экан, табнийки, қандайдир йўл билан ундан фойдаланади.

Фил бўлса ўз номи билан фил-да, унинг оилавий жанжаллар билан неча пуллик иш бор дейсиз? У хўжайинига зарар келтиришни билади, кўзига кўринган нарсани захри маҳрига ютишни билади, ҳовлини бошдан-оёқ эгаллаб олишни биладики, у турган жойдан ҳеч зор ҳам ўтолмайди. Ҳовлида ўсган тут дарахтини шипшийдан қилиб бўлди, Сойка хоним ўтқазган кичкина олчани синдирди. Бу олчани Сойка хоним тўйининг эртасига эккан эди (ўша пайтда у албатта болаларим бўлади-ю, улар улғайишганда бу дарахтни «онамизнинг дарахти», деб аташади, деб орзу қилганди).

Ничко пастаккина уйининг томида одатда совун қуритар эди. Фил бўлса хартумини чўзиб, совунларни бўлак-ма-бўлак олардию кўчага — унинг жибига теккан болаларга қараб отарди. Шундай қилиб, у томда ётган олти килодан ортиқ совунни кўчага улоқтирди. Сўнг бир купин обдан сув симирди-да, хартумини девордан ошириб Живко этикдўз яшайдиган рўпарадаги уйнинг очиқ ойнасига томон чўзганча, бутун хонага сув пуркаб юборди. Бу — айни тушлик пайтида юз берди. Уйдагиларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ ивиб кетишди, болалар бўлса шунчалик


қўрқиб кетишдики, кичкинаси ҳушини йўқотди, ўртанчаси бошини столга уриб ёриб олди, энг каттаси эса шу пайтда санчқини огзига олиб бораётган экан, шунақанги суқиб юбордики, танглайини тешиб қўйишига сал қолди. Живко этикдўзнинг қайнонаси шошилганидан эшик деб ўзини билмасдан катта ойнага уриб олиб, ҳаммаёғи қашқа бўлди. Дастурхон ёнида хизмат қилиб турган шогирд бола бир товоқ қовурмани Живко этикдўзнинг нақ бошига тўкиб юборганидан унинг сочлари у ер-бу еридан шундайгина тўкилди-қолди. Турган гапки, Живко шу оннинг ўзидаёқ судга ариза берди.

Лекин бу ҳали ҳолваси экан. Якшанба куни халойиқ кўчада сайр қилиб юрадиган пайтда қайси бир муаллима фил турган жойининг яқинидан — девор ортидан ўтиб қолса, нима дейсиз. Фил беҳосдан хартумини девордан ошириб олиб, ҳар томонга лапанглатмайдими! Муаллима қўрқиб кетиб, қоча бошлабди ва қочаётиб, сал беўжшвороқ йиқилибди. Шу пайтда кўчадан унинг ўқувчилари ўтиб боришаётган экан, уни номаъқул намойишда кўришибди. Жаноб округ бошлиғи ҳам кўрибди, тўғри, у-ку, ҳали уйланмаган, лекин ўз мавқенга мувофиқ у филларнинг муаллималарни «одобга тўғри келмайдиган» тарзда йиқитиб, ахлоқ қоидаларини бузишларига сира йўл қўя олмайди.

Шўрпешона Ничко ҳадеб ўз бошига муштлар, жуфти ҳалоллик бурчпни тўғри тушунган Сойка хоним бўлса унга астойдил ёрдамлашар, яъни у ҳам эрининг бошига қўшилишиб мушт туширарди.

Филни нима қилиш керак? Сотишсинми? Ҳеч ким олмайди. Бирортасига совға қилиб юбориш керакми? Ничко уни кўринган одамга тақдим этиб кўрди, аммо ҳеч ким олишни истамасди. Ўз эркига қўйиб юбориш керакми? Тўрт томонинг қибла, бошинг оққан томонга кетавер, деб? Бунга полиция нима дер экан?

Ничко буларнинг ҳаммаси тўғрисида қайта-қайта бош қотираар, ўйлаб ўйининг охирига етолмасди.



Ўлдирса-чи? Лекин нима билан ўлдирасан? Филни милтиқ билан ўлдириб бўлмайди. Уни ўқ билан йиқитиб бўлсан, фақат жаҳлини чиқарасан, холос, ана унда хар-тумининг тагида қолганнинг аҳволига вой.

Замбаракдан ўқ узиб филни албатта ўлдирса бўлади. Аммо бечора Ничко фил сотиб олгани етмай, энди замбарак ҳам сотиб олсинми?

Заҳарлаб ўлдирса-чи? Бу фикр аллақачоноқ унинг ҳам, Сойка хонимнинг ҳам миясига келган эди, чунки бу вақт ичида фил ўлгур камида уч килоча маргимуш ва шунга яқин тўтиёни еб қўйган эди. Лекин кўриниб турибдики, бу унга зиғирча ҳам таъсир қилмаганди ва у қоразоқ еяптими, тўтиёми — фарқига бормас эди. Бунинг устига у ўз овқатига ҳар хил заҳарларни аралаштира бошлаганидан бери совунни ҳам девор ортига улоқтирмасдан, балки ея бошлади, совун унга шундай ёқиб қолдики, тўйиб олгач, роса бир соатча маза қилиб яланарди.

Қанийди бирорта яхши одам топилса-ю, Ничкога бу балодан қутулишнинг бирорта йўлини кўрсатса! Лекин ҳеч ким ҳеч нарса дея олмасди. Шўрлик Ничко эса жинни-пинни бўлиб қолмасам гўрга эди, деб ўйларди.

Нпҳоят шундай бир кун келдики, у уйига хурсанд, ширакайф қайтди. Майхонада унга филни нима қилиш лозимлигини ўргатишганди.

Милан тикувчи (у олти йил Белградда халфа бўлиб ишлаган эди) Ничкога филдан қутулишнинг энг осон йўли — уни бошлангич мактабга совға қилишдир, деди. Ёринчидан, болалар жониворларни ўрганишлари керак, иккинчидан, ҳамма биладики, муаллим Марко ҳар йили ёзда ҳар хил капалаклару қуртларни йиғиб юради. «Модомики, у аллақандай капалакларни шунақанги жонжаҳди билан йиғар экан,— деди Милан тикувчи,— у жон деб ҳар хил филларни ҳам йиғишга киришиши турган гап».

Милан тикувчи Ничкога совғани қандай қилиб бе-

ришни ўргатди. Эртасига Ничко муаллим жаноб Марко-  
га шундай деб хат ёзди:

«Муҳтарам жаноб!

Сизга ва шаҳардаги барча ҳурматли кишиларга маъ-  
лумдирким, мен совун пишириб сотадиган совунгарман.  
Бундан ташқари мен ўз хотиним Сойка билан никоҳда  
тураман, у билан никоҳланганимдан бери доим бирга  
яшайман. Биз совунгар бўлсак ҳам маърифатнинг нима-  
лигини ҳар қалай биламиз, унинг ёрдамида болаларни  
ҳар хил фанларга ва шахримизга ҳамда умуман, халққа  
фойдали ишларга ўргатилади. Биз маърифат нималигини  
билганлигимиз боисидан фанларни ўрганишда ҳар хил  
қурт-қумурсқалар, капалаклар ва бошқа жониворлар  
жуда зарурлигини тушунамиз. Биз шундай жониворлар-  
дан бирини ўзимизнинг ўқув юртимизга халқ фойдаси ва  
маърифат йўлида совға қилмоқчимиз, биз совға қиладиган  
жонивор — фил бўлиб, биз бу совғани чин кўнгилдан  
ва мактабга нисбатан чуқур меҳр-муҳаббатимиз туфай-  
лидан қилаётимиз. Биз фақат бир нарсанигина истар  
эдик: яъни, Ничко совунгар билан унинг рафиқаси Сой-  
ка ўз имонларини басаломат сақлаш ва соғ-омон бўлиш  
ниятида шу мактабга битта филни абадулабадга совға  
қилдилар, деб ёзиб қўйилса бас.

Сиздан илтимос қиламанким, филни шу бугуноқ мак-  
табга олиб кетиш учун бирор кишини юборсангиз.

Сизни ҳурмат қилиб қолувчи

*Ничко Йоксич,*

совунгар ва маърифат ихлосманди».

Аммо иш шундай кўчдики, тикувчи Миланининг ўзи  
ҳам ҳайратда қолди.

Муаллим жаноб Марко жавоб бериб, филни олол-  
маслигини, чунки унга керак эмаслигини билдирди ва  
Ничко совунгарга «маърифат ихлосманди» сифатли

муҳтож ўқувчилар фойдасига хайр-худойи беришни тавсия қилди. Марко муаллимнинг бу қилиғи тикувчи Миланни жуда ҳайрон қолдирди, негаки, унинг билишича (билишига шубҳа йўқ), Белград университетида зигирдек келадиган шиллиққурту чиғаноқларгача йиғишади, аслида филлар борасида бошқача гапнинг бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Оқибатда Ничко совунгар тамомила умидсизликка тушди. Бир сафар унинг калласига телбаларча бир фикр келди, тўғриси айтганда, бу фикр аслида Сойка хонимга тегишли бўлиб, бу филни шаҳардан ташқари узоқроқ бир жойга олиб бориб, қўйиб юбориш эди. Майли, у тоғларга чиқиб кетсину ўша ёқларда яшасин. Шундай қарорга келинди ва бу қарорни Ничко ҳам, Сойка хоним ҳам жуда махфий сақлашди.

Ниҳоят, бир куни ярим кечадан ошишини зориқиб кутган Ничко билан Сойка хоним ўринларидан қўзғалишди.

Умуман олганда, улар бу кечаси ётишгани ҳам йўқ эди, қўшнилари уларни донг қотиб ухлаб ётишибди, деб ўйлашсин учунгина кўрар кўзга хонадаги чироқни ўчириб қўйишган эди.

Шундай қилиб, улар ўринларидан туринди-да, аста-секин ҳовлига чиқишди. Олдин Сойка дарвозани очиб, кўчада ҳеч ким йўқлигини бир текшириб кўриш учун у ёқ-бу ёққа қаради. Кейин Ничко қўшнилари эшитиб қолмасин, деб овоз чиқармасдан, оёқ учида юриб бориб филни ечди-да, уни етаклаганича қоронғилик қаърига шўнғиди.

Ничко қайтиб келгунча Сойка безгак тутгандек қалтираб ўтирди. Фақат бир соатлар чамаси ўтгандан кейин Ничко қайтиб келди, гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзида йўқ хурсанд эди. У хонага кирар-кирмас, Сойка чиндаб туролмасдан сўради:

— Хўш, қўйиб юбордингми?

— Қўйиб юбордим.

— Кетдими?

— Кетди.

Шунда шоду хуррамлигидан унинг кўзларидан ёш тирқираб чиқди, у Ничконинг сочларидан маҳкам ушлаб олиб, гарданига беш-олти марта аста-аста уриб-уриб қўйди. У ҳар урганида:

— Бор, энди менга туя ҳам олиб кел!— деб қўярди.

Ничко бўлса эркалаш тарзидаги бундай калтакдан ўзини олиб қочмас, ич-ичидан хурсанд бўлиб илжаяр эди ва худодан филни ўзининг ашаддий душманларига рўпара қилишнн сўраб (масалан, Лука совунгарга, деб дуосига қўшди Ничко) чўқиниб қўйди.

Шу тунн улар тинч ва ширингина ухлашди ва Ничко тушида уларининг мўриларида тунун чиқаётганини ҳам кўрди. Шунинг ўзиданоқ, худо улардан бало-қазони кўтарди, деган хулосага келиш мумкин эди. Шу боисдан ҳам эртаси кунн Ничко уйғонган ҳамониёқ ўз ҳомийси авлиё Трифуннинг тасвири олдида уч марта чўқиниб қўйишга қарор қилди.

У ҳали бир марта чўқиниб улгурмаган эди ҳамки, дарвозанинг қаттиқ тақиллагани эшитилди. Ничконинг ўнг қўли елкасида, «...ва муқаддас руҳ ҳаққи», деган сўзлар оғзида қолди.

Дарвозани бир жандарм тақиллатарди, лекин бу жандарм мўйлови узун ва қўлида қисқагина чақириқ қоғози кўтариб турадиган ёки муштига зўр бериб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи билан ишн бўлмаган жўнгина жандармлардан эмас эди. Бунинг қўлида арқон бўлиб, арқонга фил боғлапган эди. Лекин буям камлик қилгандай жандарм Ничкога филнинг Дико бўёқчининг чорбоғини бутунлай пайҳон қилганлигини, Пера жунтитарнинг тўрт гарам пичанини ҳар тарафга сочиб ташлаганлигини, Йоца узумчининг иккита қўзичоғини босиб, эзиб қўйганлигини, Пера нафақахўрнинг узумзоридаги уйининг похол томини еб қўйганлигини ва аллақайси деҳқоннинг ҳўкизларни чунонам чўчитиб юборганлигию улар хур-

киб аравани синдириб қочиб, зовурга тушиб кетганлигини билдирди.

Бай, бай, бай! Шўрпешона Ничко ва бахти қаро Сойка хоним! Уларнинг кўзлари қонга тўлди. Улар ҳадеб филни қарғашар, ўзларини қарғашар, туғилмай ўлайлик, деб нола қилишарди.

— Билмадим, бу фил деган махлуқни худо нимага яратган экан!— деди Ничко жон аччиғида.— Эҳтимолки, уларни ҳайвонотхоначиларга ачинганидан яратган бўлса керак. Лекин мен ҳайвонотхоначи эмасман-ку, мен совунгарман. Эҳ, худо, қани айт, сен филларни нима учун яратгансан?

— Худо дунёда сендақа аҳмоқларнинг борлигини билган-да, шунинг учун филларни яратган,— деб гап қўшди Сойка хоним.

— Агарда мен ҳақиқатан ҳам аҳмоқ бўлсам, менинг жонимни олсин-қўйсин, бунча қийнаб нима қилади? У мени тоза хўрлаяпти-ку, ахир? Имоним комилки, агарда биз энди филдан қутулган тақдиримизда ҳам у бизга ё туя, ёки наҳанг балиқ, ё бўлмаса ёввойи тўпғизми, шунга ўхшаш бир бало юбориши турган гап. Биз сенга нима ёмонлик қилдик, эй парвардигор? Ахир мен ҳар якшанбада черковдан қолмасам, мавлуд қилиб турсам, ҳар ой уйимга оби худойи келтириб қўйсам, чўқинмасдан, ибодат қилмасдан бирор марта ётмасам, турмасам...— Шу ерга келганда Ничконинг кўзидан шашқатор ёш оқди.

Чошгоҳга бориб улар янаям совуқроқ хабар эшитишди: округ бошлиғининг столида Ничко совунгарнинг устидан етти дона шикоят ётарди:

1. Еб қўйилган похол томнинг товони учун олтмиш дино<sup>1</sup>р тўланишини талаб қилган жаноб Пера нафақа-хўрнинг шикояти.

2. Синдирилган арава ва енгил лат еганлик учун юз дино<sup>1</sup>р талаб қилган деҳқон Н. нинг шикояти.

---

<sup>1</sup> Сербиядаги асосий пул бирлиги.

3. Ҳар томонга сочиб юборилган пичан учун олтмиш динор талаб қилган Пера жунтитарнинг шикояти.

4. Босиб кетилган иккита қўзичоқ учун ўн икки динор талаб қилган Йоца узумчининг шикояти.

5. Пайҳон қилинган чорбоғи учун икки юз динор талаб қилган Дико бўёқчининг шикояти.

6. Ничко совунгарнинг қўшниси Живко этиқдўзнинг синдирилган катта ойна, бир сидра усти бош, синган товоқ, пачоқ бўлган битта бошни даволаётган доктор ҳақию иккита катта боласининг санчқи билан санчиб олинган танглайи, кичкина боласининг тутқаноғи ва кампирининг бошидаги жароҳат учун товон тўлашни талаб қилган шикояти.

7. Лелосава муаллиманинг шикояти, унда у маҳаллий ҳокимиятга болалар мактабга боришаётганда Ничко совунгарнинг уйи олдидан ўтишдан қўрқишлари, унинг ўзи ҳам ўша ҳаммага машҳур бўлган «филдан қўрқиб, хийла кўнгилсизликларни бошидан кечирганлиги»ни маълум қилганди.

Шу йўсинда, ҳуллас, фнл бобидаги иш сўзи қаердан бошланган бўлса ўша ерга қайтиб келди. Яъни, жаноб Пайя котиб-филни сотган эди ва ҳамма иш яна унга қайтиб келди.

Сусткашлик қилиб ўтириш мумкин эмас эди, Ничко яна бундан баттарроқ балога йўлиқмай туриб бирор иложини топиш учун Сойка билан маслаҳатлашиб олиб, адвокатнинг олдига югурди.

Адвокат биринчи галда Ничкодан йигирма динор талаб қилди. Пулни олгач, яхшилаб тўрт буклади-да, нимчасининг чўнтагига жойлаб бўлиб, чуқур ўйга толди.

У узоқ ўйлади ва ниҳоят, иложи борлигини айтди. У Ничкога ўзининг бор мол-мулкни имкон етганча тезроқ хотинининг номига ўтказиб қўйишини маслаҳат берди. Бусиз ҳам ўзининг барча инон-ихтиёрини Сойка хонимга топшириб қўйган Ничко совунгар бу расмиятчиликка унча иккиланмасдан рози бўла қолди.

Сўнг адвокат Ничкога филни ҳовлидан олиб чиқиб кетишлари ҳамона Сойка уйни қулфлаб, бошқа шаҳарга жўнаб кетсин, деб ўргатди.

Бу оқилона маслаҳатга ҳам Ничко икки қўллаб ёпишиб олди.

Тушликдан сўнг соат учларда совунгар еттита қисқа-ча чақирув қоғози олди. Уларнинг ҳар бирида учтадан қизил чизиқ тортилган бўлиб, жами йигирма битта қизил чизиқ бор эди.

Ничко уларни бир неча марталаб санаб чиқди ва аслида бу қизил чизиқларнинг йигирма ва яна яримта эканлигини аниқлади, чунки улардан биттаси ярмигача эди, холос. Лекин буларнинг иш учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ, чунки, қисқаси, Ничко совунгар эртасига эрталаб, соат саккизда округ бошлиғи ҳузурида бўлиши лозим эди.

Аммо Ничко, адвокатнинг маслаҳатига кўра ишнинг янаям чалкаштириб юбориш учун округ бошлигининг идорасига бир ўзи эмас, филни ҳам етаклаб борди. Бу пайтга келиб бор мол-мулк хотинининг номига ўтказилган бўлиб, у Ничко филни етаклаб чиқиши билан уйни қулфлаб, жўнаб кетган эди.

Бинобарин, жаноб Пайя котибнинг қаршисида икки гуруҳ — бир томонда шикоят берган еттита фуқаро, иккинчи тарафда эса Ничко совунгар ва фил турарди.

Турган гапки, округ бошқармасининг биноси томонга халойиқ ёпирилиб келди.

Дастлабки тергов жаноб Пайя котиб билан Ничко совунгар ўртасидаги узундан-узоқ муховарадан<sup>1</sup> иборат бўлди. Бу муховара ҳужжатларда равшан, оппа-ойдин қилиб ёзиб қўйилган ва ҳозиргача Қ. шаҳрининг округ бошқармаси ҳужжатхоналарида сақланади, лекин ҳуқуқчилар, ҳайвонотшунослар ва совунгарлар унинг маз-

---

<sup>1</sup> М у х о в а р а — диалог.

мунидан воқиф бўлишса зиён бўлмаслигини ўйлаб, биз уни тўла ҳолида келтиришни лозим топдик.

Жаноб Пайянинг олдида стол устида тўртта косача турар, улар қаҳва юқи эди ва ҳар бир косачанинг ёнидаги тахтачада бир тангадан пул ётарди, уларни Пайя котибга иш билан келган одамлар худди черковдаги тангри суратининг олдида қолдиргандай, ташлаб кетишганди. Ничко эшик олдида турибди. Ундан эритилган ёғнинг қўланса ҳиди гупиллаб урар, унинг ўзи ҳам филга тобора ўхшаб борарди.

Жаноб Пайя котиб идоранинг катта қайчиси билан тўртта бармоғидаги тирноғини олиб бўлгач, сигарасини тутатиб, оғзидан қалин тутун чиқарди-да, у шифтга етиб, кўздан йўқолгунча кузатиб турди. Сўнг Ничко совунгарга қовоғини солиб қаради-да, идорага хос расмий оҳанг-да терговни бошлади:

— Хўш... ҳалиги... Ничко совунгар!

Ничко совунгар (*фақат маъмурлар билан еаплашадиган ингичка товуш билан*). Нима дейдилар?

Жаноб Пайя. Сен Ничко Иоксичмисан?

Ничко. Худди шундай, шу билан биргаликда мен мазкур шаҳарнинг совунгариман.

Жаноб Пайя. Совундан ташқари яна нима иш билан шуғулланасан?

Ничко. Ёғдан шам ясайман, жаноб Пайя.

Жаноб Пайя. Мен буни сўраганим йўқ, мен сендан бирорта бошқа қўшимча иш билан шуғулланасанми, деб сўраяпман.

Ничко. Худо сақласин, жаноб Пайя. Бутун шаҳар менинг ҳалол одамлигимни билади. Қандай қилиб мен қўшимча ишлар билан шуғулланишим мумкин?

Жаноб Пайя. Лекин ҳукумат идоралари томонидан ўтказилган текшириш давомида олинган маълумотлар сенинг сўроқ пайтида берган кўрсатмаларингга қарама-қарши равишда (*бу ибора жаноб Пайяга шундай ёқиб қолдики, у товушини хийла пасайтирганича уни яна*

*бир марта такрорлади*)... тушуняпсанми, ҳукумат идоралари томонидан ўтказилган текшириш давомида олинган маълумотлар сен сўроқ пайтида берган кўрсатмаларингга қарама-қарши равишда шуни кўрсатадики, сен фил боқиш билан шуғулланиб келасан.

**Н и ч к о** (*шоша-пиша, энтикиб*). Мени кечиргайсиз, уни менга ҳукуматнинг ўзи сотган. Ахир, сиз ўзингиз яхши биласиз-ку, жаноб Пайя, филни менга сизнинг ўзингиз сотгансиз.

**Ж а н о б П а й я** (*ўзини жаҳли чиққан қилиб кўрсатади*). Мен сендан филни ким сотган деб сўраётганим йўқ, лекин сен менга айт-чи, нима учун фил асрайсан? Ҳамма биладик, фил маданиятга эришилган шаҳарда, маъмурларнинг кўз ўнгиде сақланадиган ҳайвон эмас. Шундай экан, сен шўрпешонага фил нимага керак бўлиб қолди ўзи? Сен оддий ҳунарманд бўлсанг, дорихоначи ёки элчи эмассанки, уйингда фил ёки шунга ўхшаш нарсаларни асрасанг! Одамлардан уялмайсанми? Тагин фил етаклаб шаҳар айлангани кўнглинг тусаб қолганига ҳайронман... Ишни, дўконни ташлаб қўйиб, қарангларки, филга ишқибоз бўлиб қолибдилар-да, а? Битта чирманда олволлиб кўчама-кўча томоша кўрсатсанг бўлармиди? Уят-э!

**Н и ч к о**. Жаноб Пайя, илтимос, келинг, бундай одамларга ўхшаб гаплашиб олайлик.

**Ж а н о б П а й я** (*овозини баландлатиб*). Яхши билки, биз сен билан одамларга ўхшаб гаплаша олмаймиз. Сен нима мақсадда фил асраётганлигини тўппа-тўғри, найранг қилмасдан айтишинг керак!

**Н и ч к о** (*руҳи тушиб*). Мен шундай, ҳеч қандай мақсадим йўқ, жаноб Пайя.

**Ж а н о б П а й я**. Хўп, майли. Ҳеч қандай мақсадинг йўқ, деб фараз қилайлик... лекин, масалан, филнинг ҳайвон эканлиги сенга маълумми?

**Н и ч к о**. Ҳа, бу нарсa менга маълум, жаноб Пайя.

**Ж а н о б П а й я**. Жуда соз. Қани, айт-чи, умуман,

хайвонларни уйда нима учун асрашлари сенга маълумми?

Н и ч к о. Кечаси ҳуришсин деб, жаноб Пайя.

Ж а н о б П а й я. Нима? Ким ҳуради?

Н и ч к о. Итлар-да, жаноб Пайя.

Ж а н о б П а й я (*Ничконинг шаънига қандайдир ярамас сўзни айтади, сўнг хотиржамроқ оҳангда давом этади*). Нима бало, эсингни едингми? Ёки сен ростданам тушунмаяпсанми? Сен билан қайси тилда гаплашишим керак ўзи? Ахир мен сен билан худди совунгардай жўн тилда гаплашяпман-ку? Сенинг устингдан еттита шикоят тушган. Фаҳмлаяпсанми? Сенинг филнинг нима балолар қилмабди ўзи! Келтирилган зарарни тўлаш учун сенинг хонумонинг етмайди, тамоман гадо бўласан, билдингми?

Н и ч к о. Менинг тўлайдиган ҳеч вақом йўқ.

Ж а н о б П а й я. Мен сенинг уйингни, дўконингни соттираман, бор-йўгингни соттираман...

Н и ч к о. Буларнинг ҳаммаси меники эмас, хотинимнинг мулки.

Ж а н о б П а й я. Мен сени қамаб қўяман!

Н и ч к о. Филни-чи?

Ж а н о б П а й я. Филнингни хотинингга жўнатаман, фил асрашни яхши кўргандан кейин боқиб олсин.

Н и ч к о. Уйда ҳеч ким йўқ. Хотиним қулфлаб кетиб қолган, уй бўлса унга қарашли.

Ж а н о б П а й я. Ҳм...

Ана шу «ҳм»дан кейин жаноб Пайя котиб ўзининг хийла ташвишга тушиб қолганини сезди, чунки унинг олдида филни нима қилиш керак, деган жуда мушкул масала кўндаланг бўлганди. Фараз қилайлик, совунгарни қамоққа олиш жўнгина гап — жаноб Пайя бу ишни дарҳол амалга оширди-қўйди ҳам, лекин фил-чи, фил округ бошқармасининг ҳовлисидаги устунга қандай боғланган бўлса, шундайича турарди. Филниям қамасинми? Лекин бу мумкин эмас. Биринчидан, бу иш учун зарур бўладиган шунча жандармни қаердан олади, иккинчидан

эса филни қамоққа олиш учун ҳеч қандай қонуний асос йўқ.

Хулласи калом, фил ва у билан боғлиқ бўлган жами мушкулотлар энди жаноб Пайянинг бошига ағдарилди-қўйди. Филни нима қилса экан? Бундай қалтис аҳволдан ишбилармон полиция хизматчисининг обрўсини сақлаган ҳолда қандай қилиб қутулиб чиқиш мумкин?

Ничко совунгар гарчи қамоқда бўлса ҳам шу кечаси тинчгина ухлади, лекин Пайя котиб учун эса уйқу қаёқда дейсиз. Бемалол айтиш мумкинки, у тун бўйи мижжа ҳам қоқмади, саҳар пайтига келиб аслида ишнинг ўзи учун ниҳоятда ёмон тугаганлигини, зероки, фил унинг гарданига тушиб қолганлигини теран ҳис этди ва олдиндан бундан қутулишнинг иложи қийинлигини англади. Бундан илгари министрлар ҳам, губернаторлар ҳам, округ бошлиқлари ҳам унинг гарданига чиқиб олишган пайтлари бўларди, аммо у ҳар доим бир бало қилиб чап бериб кетишнинг иложини топарди. Лекин, худоё ўзинг сақла, ҳеч қачон бундай филга дуч келмаган эди.

Баски, Пайя котиб филни нима қилиши керак? Уни Ничко совунгарнинг ишига тааллуқли илова сифатида ушлаб турсинми? Балки шундай қилиниши энг тўғри йўл бўларди, лекин бу ерда ҳам қатор саволлар туғилади: фил илова бўлиши мумкинмикин, бундан ташқари бошқа ҳужжатларга бунақа иловани қўшиб қўйиш учун бунга мос напкани қаердан топасан?

Етти ўлчаб бир кес, деган гап борлиги маълум, жаноб Пайя эса етти мартадан ҳам кўпроқ ўлчаб кўрди-ю, ниҳоят бутун ишни иловаси билан бирга қўшиб округ бошқармасига жўнатишга қарор қилди. Бу фикр жуда боп фикр эди ва Пайя котиб шу заҳотиёқ уни амалга оширишга киришди.

У жудаям ажойиб бир ҳужжат тайёрлади ва унга биринчи рақам остида Ничко совунгарнинг устидан тушган еттита шикоятни ва иккинчи рақамда филни илова қилиб, қўшиб қўйди. Жаноб Пайя ишни округ бошқарма-

сига юборишга мажбур қилган сабабларни кўрсатар экан, мугамбирлик билан округ бошқармасида мол доктори борлиги ва бу ишда унинг фикрини муҳим деб билганлигини таъкидлади. Пайя котиб бундай ҳийла билан иш тутар экан, ўз гарданидаги ортиқча ташвишни округ бошқармасининг гарданига ағдарибгина қолмасдан, балки фақат шундай қилибгина бу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйларди.

«Округ бошқармасида,— деб хаёл қиларди у,— хизматчилар кўп, иш қўлдан-қўлга, жўнатувчилардан рўйхатга олувчиларга, рўйхатга олувчилардан қарор ёзувчиларга, қарор ёзувчилардан имзога, имзодан яна жўнатувчиларга ва ҳоказо ўтгунча, иккинчи рақамли илова, худо хоҳласа, ҳаром ўлади».

Энди ҳамма иш ундан жандарм Ристанинг қўлига ўтди ва нариги кечаси жаноб Пайя котиб ҳам худди Ничко совунгар сингари ширин ва хотиржам ухлади.

Жандарм Риста иловали ҳужжатларни одатда қўлтиғида олиб юарди. Лекин у бу сафар ҳам шундай қилмоқчи бўлганда борми, илованинг ўзи бечора Ристани маҳкам ушлаб, қўлтиғига қисиб олиб кетиши мумкинлиги билинди. Шунинг учун у зиммасига тушган бу мушкул вазифани қандай адо этиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга мажбур эди. Ким ошди бозорида ҳозир бўлган бечора Ничко совунгарни қамоқхонагача кузатиб қўйган ўша халойиқ энди қўлтиғига қоғозларни қистириб, иловани эса арқонидан етаклаб олган Ристанинг орқасидан эргашганди. Турган гапки, ҳар томондан ҳар хил маслаҳатлар ёғилар, кўпчилик Риста пиёда юриб овора бўлмасдан илованинг устига миниб олиши керак, деган фикрни билдирарди. Лекин кекса ва доно жандарм бўлмиш Риста бундай қилинганда ҳужжат ва иловани у олиб борган бўлиб чиқмасдан, балки илова уни олиб борган бўлиб чиқишини дарров фаҳмлади. Бундан ташқари илова уни зарур бошлиқни қўйиб, бошқасига олиб бориши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

Лекин гап ҳужжатлар округ бошқармасига қандай юборилганида эмас, албатта. Энг муҳими — у ҳақиқатан ҳам жўнатилди ва Пайя котибнинг юраги таскин топди, Ничко совунгар эркин нафас олди, совунгар хоним Сойка ҳам эркин нафас олди, чунки Ничко қамоқда ётган жойидан унга: «Биз халос бўлдик, келавер!»— деган телеграмма юборган эди.

\* \* \*

Совунгар Ничконинг филдан қандай қилиб қутулишни билмаганлиги, котиб Пайя ҳам худди шу азобларни татиб кўрганлиги, энди навбат округ бошқармасига келганлиги — буларнинг ҳаммаси ҳали унчалик безарар гаплар эди, чунки бундан ҳикоямиз ютарди, холос. Мана энди бўлса бу ҳикоянинг энг даҳшатли жойи келяпти, зероки, мен — ҳикоянинг муаллифи, филни нима қилишу ҳикояни қандай тугаллашни билмаяпман. Турган гапки, мен уни бир бошқармадан иккинчисига ва ниҳоят, министрнинг худди ўзига ҳам юборишим мумкин эди. Лекин ахир барибир бунинг ҳам ниҳояси бўлиши керак-да.

Хўп, қани, мен филни нима қилишим керак? Муаллиф жудаям ноқулай аҳволда қолди-ку, чунки унинг назарида Ничко ҳам қутулиб қолди, жаноб Пайя ҳам қутулиб қолди, округ бошқармаси ҳам қутулиб қолди, ҳамма иш энди муаллифнинг бошига ағдарилди. Мен филни ўлди-ролмайман ҳам, заҳарлай олмайман ҳам. Бу усулларнинг ҳаммасини менинг толеи пастлик бўйича биродарим Ничко совунгар синаб кўрган. Мен филни бирорта ўқув юртига совға ҳам қилолмайман. Совунгар Ничко буни ҳам қилиб кўрган.

Айтгандай, филни ҳикоянинг ўқувчиларига топшира қолсам-чи? Майли, улар филни олишсину билганларини қилишсин. Аммо...

Мен шу тарзда ўй суриб, қийналиб, кечалари билан мишжа қоқмай чиқарканман, ақлга сиймайдиган бир воқеа юз берди. Ана шу воқеа менинг кўнглимни жойига туширди. Қаранг-а, нима бўпти: округ бошқармасининг ҳужжатхонасида ҳалиги ҳамма ҳужжатлар иловаси билан бирга йўқолибди-қолибди.

О, бизнинг худо ёрлақан ҳужжатхоналаримиз!

Улар ўз давларида қанчадан-қанча йирик ва майда ҳужжатларни ютиб, йўқ қилиб юборишмади! Уларнинг ичида оддий илова бўлган фил ҳам бошқа қоғозлар қатори йўқолиб кетса, бунинг албатта ҳайрон қоладиган ҳеч бир жойи йўқ.

Ушбу ҳикоя қаҳрамонининг расми таваллуди одатга хилоф бир тарзда бўлганлиги учун ва бу ҳол оқибатида унга исм қўйиш ихтиёри муаллифга топширилгани боисидан, муаллиф ҳикоясини бошлашдан олдин маълум қиладики, унинг қаҳрамонининг исми Максимдир. Уқувчилардан буни эсда тутишлари сўралади, токи муаллиф шусиз ҳам қайғули бу воқеага қайтиб ўтирмасин.

\* \* \*

Жазирама иссиқ. Тошлар ҳам чўғдай қизиган. Ботқоқлик ва жилғалар қуриб қолганидан ариқда ҳам сув кам. Янко Траяновичга қарашли сув тегирмонининг парраклари зўрға айланыпти, шунинг учун ҳам тегирмон олдида одамлар уймаланишган. Ун торттиргани келганлар бошларини офтобдан пана қилиш учун кенггина бўғот соясига, сув сачраб атрофга салқин шабада таралиб турган парракка яқинроқ жойга чўзилишган. Эшаклар ҳам анҳорнинг қирғоғида ётишибди, уларнинг тўқимлари биқинлари ва қоринларига оғиб, сидирилиб тушган, улар тўртала оёқларини осмонга қилиб, орқаларини иссиқ қумга ишқашади, бурун катакларини кериб зўрға нафас олишади. Уларни турғазини ва юк юклаш учун таёқ билан қанча савалашга тўғри келишини олдиндан ҳис этиш мумкин.

Шу пайт юқоридаги йўлдан бир йўловчи аста-секин

пастга туша бошлади. Ҳорғин, чангга ботган, терлаб-пишган, ниҳоятда қашшоқликкина кишини шу кўйга соладиган даражада жулдур кийинган бу одам тегирмон томонга тушди-да, ун торттирувчилар ёнига келиб, улардан шу яқин-ўртада дарёнинг кўприги бор-йўқлигини сўради. Ётганлар эса унга қайрилиб қарашга ҳам эриниб, мук тушганларича истар-истамас:

— Мана шу ерда кечик бор, ўтавер!— дейишди.

Йўловчи кўприкнинг қаерда эканлигини яна бир қайта суриштириш учун эшакларнинг олдига борди. Саволни эшитиб, улардан фақат биттаси иттифоқо қулоғини қимирлатиб қўйди, бошқалари эса ҳамон эшакларга ҳос бепарво туришарди. Йўловчи қулоғини қимирлатган эшакка ялғиниб-ёлвора бошлади, чунки бу эшак унга бошқалардан кўра раҳмдилроқ кўринди. Ниҳоят эшак унга:

— Кўприк йўқ, кечиб ўтиш керак!— деб жавоб қилди.

— Лекин мен сувга тушолмайман,— деди йўловчи, — менга бу мумкин эмас.

Эшак нима ҳақдадир узоқ ўйланиб қолди, иккинчи қулоғини ҳам қимирлатди ва ниҳоят эришибгина ўрнидан турди-да, йўловчига белини тутиб:

— Менга мина қол, мен сени ўтказиб қўяман,— деди.

Бундай мурувват йўловчини жуда ҳайратда қолдирди ва у эшакнинг устида дарёдан ўтар экан, бу яхшилиқни қандай қайтаришни ўйлаб хаёлга толди. Йўловчи эшакнинг устида ўтирган кўйи у ҳақда ўйланиб тураверсин, келинг, шу орада биз ҳам бу эшак билан яқинроқдан танишиб олайлик, зероки, бундан кейин ҳам биз у билан учрашамиз.

Унинг отаси эшак эди, онаси ҳам урғочи эшак эди. Улар тўғрисида яна қуйидагилар маълум: унинг отасини эгаси 176 тангага сотиб олган эди, онаси учун эса — у энг охириги марта сотилганда тўқминини ҳам ҳисобга олиб, 94 танга беришган. Отаси билан онаси битта хўжайиннинг қўлида эмас эдилар ва улар бир-бирларини қандай

севиб қоллишгану қандай бир битимга келишиб, қандай учрашишган — булар ҳақида биз аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Умуман олганда, бу — уларнинг иши ва биз бу эшакча севиш-севилишнинг тафсилотларини билиб, тушуниб етишимизнинг имкони йўқ, фақат қаҳрамоннинг таржимайи ҳолни тўлароқ келтириш учунгина биз унинг ота-онаси кимлар бўлганини эслатиб ўтйпмиз, холос.

Дастлаб у исқирт ҳўтикча эди, сўнг ўсаверди, ўсаверди, у билан биргаликда қулоқлари ҳам ўсди ва ниҳоят у камолга етиб, катта эшакка айланди. Вой худо-ей, бир кунни хўжайин унга ҳам эгар-жабдуқ олиб келганида ота-онасининг дили шунчалик яйрадики, уларнинг кўзлари ота-оналик қувончидан намланиб, ялтираб кетди. Ҳар бир ота-она бўйи чўзилиб қолган ўғлига биринчи марта китоб олиб берган кунни эсласа, бу қувончнинг қандайлигини аҳтимол тушунар. Лекин китоб сотиб олингандан кейин мактаб ходими болаларни мактабга мажбуран олиб кетади, эшакда ҳам худди шундай ҳол юз берди. У албатта ўзининг эгар урилгандан кейинги келажагини дарров тушуниб етолмади. У ҳатто ўз устидан эгар-жабдуқни итқитиб ташлашга ҳам уриниб кўрди, аммо бу қўлидан келмаслигини сезгач, ўз устига минган эгасини бешафқатлик билан бошидан шундай ошириб ташладики, масалан, инсон фақат ўз валинъематига нисбатан шундай бешафқатлик кўрсата олади.

Шу баҳона бўлдию у биринчи бора эгар урилатган ёшга етган эшакларга ўхшаб қаттиқ калтак еди. Эгаси уни саржини ўтин билан шунақанги сийладики, бу таомнинг таъми қарағай таёқнинг таъминини эслатарди.

Шундай қилиб, у ўзининг балоғатга етган кўнини бошқа эшаклардан қолишмайдиган намоишда кутиб олди: эгар-жабдуқни қабул қилди; биринчи бора яхшилаб калтакланганидан тўғри хулоса чиқарди, зероки, илгарилари бирортаси мабодо унинг қовурғалари орасига оёгини тираса ҳам кўпинча бу — шунчаки ҳазилдан иборат бўларди, холос.

Шу тарзда у исқирт ҳўтикчадан ҳақиқий эшакка айлангач, юк ташир, эгасини олиб юрар, ўз касби ва узун қулоқлари учун ниманки лозим бўлса — шуни бажарарди. Мана у бугун ҳам тегирмонга дон олиб келди, энди эса йўловчини дарёдан олиб ўтяпти, йўловчи бўлса ўз навбатида ҳали ҳам унинг бу яхшилигини қандай қайтаришни ўйлаб кетди.

Қирғоққа етишгач, йўловчи ерга тушди-да, эшакка қараб бундай деди:

— Қулоқ сол, сен менга кўрсатган' бу илтифотинг ўзингга қайтгусидир. Мен оддий бир йўловчи эмас, балки ҳазрати Хизр бўламан. Мен ёруғ дунёда жазо бериш ва тақдирлаш учун кезиб юрибман. Тила тилагингни. Неки истасанг — бажо қилурман.

Эшак тамшаниб қўйди, у ҳазрати Хизрга яхшилик қилганидан хурсанд эди, лекин унинг сўзларидан мушкул аҳволга тушди, чунки ўзи ҳадеганда бирон аниқ мақсадни ўйлаб тополмади. Ниҳоят, унинг калласига соф эшакча хаёл келди:

— Менинг учта истагим бор, шуни бажарсанг: мени хўжайин яхшироқ боқса, камроқ урса ва менга камроқ юк ортса,— деди у.

— Булар арзимаган нарсалар-ку,— деди ҳазрати Хизр,— мен сенга каттароқ ёрдам қилмоқчиман.

— Агар сен истасанг, майли, айтай,— деди эшак.— Менга... эшак бўлиш жудаям жонга тегди.

— Хоҳласанг одам бўл.

— Сен шундай қила оласанми?

— Сен шуни хоҳлайсанми?

— Хоҳлаганда қандай!

Ҳазрати Хизр бу сўзларни эшитиб, ичида нималарнидир уч марта пичирлади, қўлини эшакнинг боши устида айлантириб:

— Шундай бўлсин, омин!— деди.

Қарабсизки, эшак муаллиф ҳикоянинг муқаддимасидаёқ Максим деб атаган одамга айланди.

Максим-шу яқиндаги шаҳарга йўл олди, у йўлда кета туриб ўзининг кечагина эшак бўлганлигини зинҳор-базинҳор яширди. Шаҳарга кириб келгач, чорраҳада тўхтаб қолди ва қаерга боришни, нима қилишини ўйлай бошлади.

Унинг олдидан эркаклар, хотинлар, болалар ўтиб боришарди. Бирови орқасига кўтарган оғир юкдан икки букилган, бошқаси эса юксиз, енгил ва шахдәм кетяпти, бирови бир нарсадан қуруқ қолгандай шошиляпти, иккинчиси эса нлдам босайми, босмайми, деб зўрға қадам ташляпти. Бировлар пичирлашиб гаплашади, бошқаларни бақиряшди, биттаси ниманидир аравачасига солиб итариб боряпти, бошқаси бўлса аравачани олдиндан тортиб боряпти — ҳуллас, ҳар ким ўз иши билан овора.

Максим нима билан машғул бўлишини билмасдан боши қотди. Ниҳоят у ёқ-бу ёқни кўриб, ўзига ёқадиغان бирон иш топмоқчи бўлди. Кета туриб, дўконларга разм сола бошлади. Қарасаки, биттасида савдогар қўлидаги дафтарга ташвиш билан тикилиб ўтирибди, қўли нималарнидир санаяпти, лаблари аллақандай рақамларни пичирляпти, пешонаси терга ботган.

«Йўқ, бу иш менга тўғри келмайди,— деб ўйлади Максим.— Бу рақамларнинг улдасидан чиқпш учун каллани ншлатиш керак».

Яна нарига кетди-ю, бошқа дўкон олдида тўхтаб қолди. Бу ерда темирчи қорайган қўллари билан терга ботиб ҳадеб болға урарди, унинг болғаси эса Максим кечагина кўтариб юрган эгар-жабдуқдан оғирроқ эди.

«Йўқ, буям менга тўғри келмайди,— деб ўйлади Максим,— бунақа ишга тутингандан кўра эшак бўлиб қолаверганим яхши эмасмиди?»

Максим яна нарироққа бориб қандайдир бир идоранинг олдида тўхтади ва очиқ деразадан қараса, қоғозлар уйиб ташланган столда бир одам ўтирибди; қулоғи-

нинг орқасига қалам қистириб олган, олдида косачада қаҳва турибди, қўлида эса сигара; у қаҳвадан бир симириб, оғзидан тутун ҳалқасини чиқаради ва унинг шифтгача етиб боришини кузатиб туради, ҳалқа яхши чиқса хурсанд бўлиб кулиб қўяди.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, бу одам нима қилипти?— деб сўради Максим қандайдир бир ўткинчидан.

— Нимани кўраётган бўлсанг, ўшани-да!

— Нима, унинг ҳунари шунақами?

— Ҳа,— деди ўткинчи.

— Бу ҳунарниг номини нима дейишади?— сўради Максим қизиқиб, чунки бу машғулоти унга шу пайтгача кўрган барча ҳунарлардан кўпроқ ёқиб қолган эди.

— У — амалдор.

— Яхши ҳунар экан!— дедн Максим хўрсиниб.

У каттакон бинога кириб борди. Унга бу ер округ полиция маҳкамаси эканлигини айтишди, у бўлса бошлиқ ҳузурига киришни илтимос қилди. Максим бошлиқнинг қабул қилишини роса чошгоҳгача кутди, чошгоҳдан кейин роса етти соат кутди, шунчалик сабру тоқат, шунчалик ҳақиқий эшакларча чидам билан кутдики, ҳаттоки жандармлар ҳам унга раҳмлари келиб, у ҳақида жаноб бошлиққа маълум қилишди.

У бошлиқнинг олдига кириб, даставвал нимадир деб мингирлади, кейин аранг сўз топиб, ўзини кичик бир хизматга олишларини ўтиниб, жудаям ўтиниб сўради.

Кекса, аммо ақлли одам бўлмиш жаноб бошлиқ унга кўзойнаклари остидан қарар экан, чўзиб:

— Бай-бай!— деб қўйди, холос.

Максим янаям эгилиб таъзим қилди, кўзларига ёш қалқди ва у жанобнинг қўлларини ушлаб ўпди.

Жаноб бошлиққа бу ёқди. У ичида: «Кўриниб турибдики, бу эшакнинг ўзгинаси, лекин итоаткор, гапга кўнадиган, ҳар бир ишга ярайдиган бўлади!» — деб ўйлади.

Бошлиқ уни хизматга олди.

Максим маҳкамадаги энг тиришқоқ ходим; терлаб-пишиб ишлайди, ҳар қандай ишга ҳам киришиб кетаверади, ҳеч қанақа ишдан ор қилмайди. Жаноб бошлиқ қўнғироқ қилган заҳоти оёғини қўлга олиб югуради, жандармни ҳам қувиб ўтиб, ҳансираганича у билан бирга жаноб бошлиқнинг эшиги ёнида қаққайиб туради. Қандай қилиб бўлса ҳам жаноб бошлиқнинг кўнглини олсам, ҳеч бўлмаса бир стакан сув олиб келиб тутсам дейди.

Уни саводли деб бўлмасди (йўл бўлсин ҳали), лекин бу борада ҳам унча-мунча сонга кирди. Аввалига у қайси томондан бошлаб ёзишни билмасдан хўп қийналди, энди бунга фаросати етганда яна бошқа мушкулотлар пайдо бўлди: битта-иккита сўзни ёзиб бўлгунча қоғознинг ярминини чайнаб еб қўярди ё бўлмаса қоғозни шунақангиғижимдаб ташлардики, унинг нимага ишлатилганини ёлғиз худо биларди. Ҳозир иши анча дуруст, гарчи у қаерда бош ҳарф, қаерда кичик ҳарф кетишини билмаса ҳам, нуқта ўрнига сиёҳ томизиб қўйса ҳам, иш қилиб, эплаб турибди. Фақат бир нарсаси жаноб бошлиқнинг ғашини келтиради — Максим маҳкамада юрганда худди ҳалням тақалангандек, оёғини тақиллатгани тақиллатган. Аммо жаноб бошлиқ ундан хафа эмас, чунки Максимни бирор иш билан кабинетига чақирса бас, кириб келадигу жаноб бошлиқнинг локланган туфлиларига озгина чанг қўнганини айтиб (аслида борми, йўқми, барибир), дарров рўмолчасини олади-да, артиб қўяди — жаноб бошлиқ шундан кейин қандай қилиб унга қаттиқ гапирсин.

Унга нимаки иш топширишмасин, албатта тескари-сипи қилади. Бир кунни жаноб бошлиқ Максимга кимнидир қарзларини тўламагани учун қамоққа олишни буюрди, у эса бора солиб қарз берган одамни қамаб қўйди; 1863 йилга доир ҳамма ҳужжатларни жаноб бошлиқнинг болалари учун варрак ясаб, йўқ қилиб юборди; 1867 йил-

га доир васиқаларни 1882 йил ҳужжатларига, бу йилникини эса у йилникига қўшиб тикиб ташлади.

Қўлга нимаики иш тушмасин, у албатта чалкаштирмасдан қўймасди. Мисол учун, балоғатга етмаган болаларни шикоятлаб қўйган поп терговига доир ҳужжатларни қандайдир театр жамиятининг қарзлари тўғрисидаги қарорга аралаштириб юборибди. Бунинг оқибатида терговчи анчагача бу ишнинг бош-кетига етолмади: ё поп театр жамиятининг аъзосию балоғатга етмаган болаларни никоҳлаш — театр томошасими ёки театр жамияти погга қарз берганими — билолмай ҳайрон бўлди. Бир сафар у бева хотин Анканинг ўз номусига тажовуз қилинганлиги тўғрисидаги шикоятини давлат дафтарига ниманидир қайд этиб қўйиш сўралган қоғозлар билан аралаштириб юборди ва натижада қоғозлар ўқилганда гўё бева хотиннинг номуси масаласи давлат дафтарига, яна биринчи ўринга қайд этиш талаб қилингандек бўлиб чиқди. Бошқа сафар комиссияга битта кўчани тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш лозим бўлиб қолди: комиссия ҳужжатларни ўқир экан, бирдан шу кўчада яшайдиган жами аҳоли имзо чеккан ва бузуқ хотин Любицани беҳаё юриш-туриши учун ўз кўчаларидан кўчириб юбориш сўралган илтимосномага дуч келди. Бу илтимоснома комиссияни жуда мушкул аҳволга солиб қўйди ва у икки гуруҳга ажралиб кетди. Озчилик бўлган қисм бу қол кўчани тартибга солиш учун яна бир дастак деб таъкидласа, кўпчилик бунга қўшилмасди. Пировардида, комиссия ўз ичидан яна бир кичикроқ, алоҳида комиссия сайлади ва унинг зиммасига Любицани ҳам, кўчани ҳам бевосита текшириб кўриш вазифаси юклатилди. Комиссия уч ой синчиклаб текшириб бу ариза кўчани тартибга солиш масаласига эмас, балки Любицанинг хулқ-атворини тузатиш билан боғлиқ эканлигини аниқлади. Ҳамма нарса ойдинлашди, айбдор ҳам топилди. Жаноб бошлиқ ғазабланиб, бу сафар Максимни жиддий қойиб қўймоқчи бўлди. Уни чақиртирди.

— Максим, сен ғирт эшак экансан-ку,— дея гап бош-лади жаноб бошлиқ ўз лавозимиға муносиб вазминлик билан ва жаҳли чиққандан обрўйини тушириб қўймаслик учун ўзини босиб.

Максим бўлса дарров йиғиға тушди, жаноб бошлиқнинг қўлларини ўпди, бошлиқ ойимнинг ҳам қўлларини ўпиш ва ўша куниёқ бозорға бориб, хизматини қилиш учун уйиға югурди ва ниҳоят ҳамма нарсa тинчиди-қолди.

Бошлиқ ойимнинг хизматини у фақат ўша кунигина эмас, умуман, бажариб юарди. Болаларни мунтазам сайрга олиб чиқар, меҳмонлар келганда эса ошхона ишларига унаб кетарди, чунончи, чўчқа боласини сўйиб, қорнини тозалаб, катта сихда айлантриб пиширарди. У бошқа ишларда ҳам кўмаклашар эди: стол ёки стул синса шу заҳотиёқ тузатар, тешилиб, виноси оқа бошлаган бочкани ямарди; жаноб бошлиқ бошқа уйға кўчганда юklarини йиғиштиришарди. Турган гапки, бозор-ўчар доим унинг бўйнида эди, пиёз ёки карам олиб келишгине эмас, баъзида қўлсаватни тўлдириб тухум ҳам кўтариб ўтиб қоларди. Уни мазах қилишар, аммо у бундан хафя бўлмас, доим хотиржам, ўзининг эшаклик бурчини чин виждондан бажараётганлиги учун кўнгли тўқ эди.

Шунинг учун гоҳи-гоҳида у жаноб бошлиқдан жазо олгундек иш қилса, бошлиқ ойим доимо уни ўз ҳимоясига олиб, сақлаб қоларди. У шу тарзда бутун бир йил хизмат қилди, йил охирида эса жаноб бошлиқ хотини билан келишиб, унинг маошини ҳам ошириб қўйди.

\* \* \*

Ҳамма иш силлиқ бораётган эди. Ҳар қандай амалдорнинг бошиға тушиши мумкин бўлган қисмат Максимнинг бошиға тушмасдан келарди. Масалан, уни амалдор одам гапириши лозим бўлмаган гапларни гапирди, деб ҳеч қачон айблаб бўлмасди. Аксинча, бир куни уни нима-

дир дейиш керак бўлган пайтда нега индамадинг, деб қийин-қистовга олишди.

Аммо ҳаётида ҳеч ким ундан кутмаган бир нарса воқе бўлди. Максим ошиқ бўлиб қолди ва уйланиш ташвишига тушди. У черковда анча ёшда эканига қарамай кўҳликкина бир хотинни учратди. Шундан бери у черковга муттасил қатнаб, ҳалиги аёлдан худди авлиённинг суратига тикилгандай кўз узмасликка одатланди.

Дуонинг қайси жойида чўқиниб қўйишини Максим нагаритданоқ билмас эди, бу аёлни учратгандан кейин эса, умуман, ибодат билан иши бўлмай қўйди. Бутхона ҳодимлари товоқ кўтариб, черковни айланганча хайри худойи йиғиб ўзининг олдидан ўтишганда ҳам у ўз хаёли билан бўлиб, ндишга ҳеч нарса ташламасди. Ёки бўлмаса, черковда бериладиган нони худойини ейишни эсидан чиқариб, чўнтағига солиб қўяр, пальтосининг чап чўнтағида ярим килодан ортиқроқ қоқ нон йиғилиб қолган эди.

Бир куни ўша аёл айни «дуюйи калима» ўқиётган дақиқада унга қараб қўйди ва Максим бирдан шупақанги қаттиқ, шунақанги эшакларча хўрсиндики, сўфини адаштириб юборди ва у дуодаги учта сурани ташлаб кетди, поп қавмларимга нима бало бўлдикини, деб меҳробдан бошини буриб қаради, мутавалли қўлидаги товоғини тушириб юборди, танга-чақалар черков бўйлаб сочилиб кетди, художўй христианлар эса зўр бериб чўқинишганлари ҳолда битта-иккита танга-чақани оёқлари остига беркитишди.

Мутавалли ибодатдан кейин юзма-юз бўлиб, модомики у одамларга ўхшаб хўрсинишнинг уддасидан чиқа олмас экан, энди черковда минбаъд хўрсинмаслигини буюрди.

Бу ишнинг эндиликда сир бўлиб қолиши мушкул эканлигини кўрган Максим бор гапни бошлиқ ойимга айтди. Бу — бир куни чошгоҳдан кейин рўй берди; бошлиқ ойимникига унинг эри томонидан қариндоши бўлган бир

аёл пат саралашгани келган ва улар Максимни ёрдамга чақиришган эдилар. Хотинлар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришар, Максим эса зўр бериб пат саралар, индамас эди. Гап кимнингдир тўйига тақалиб, қариндош аёл куёвнинг бу қизга фақат сепи учун уйланаётганини маъқуллаб қолди.

— Қўйсанг-чи,— деди бошлиқ ойим,— мен уни ўша қизни яхши кўрармиш, деб эшитдим. Айтишларига қараганда, у анчадан бери яхши кўраркану бу ҳақда бировга оғиз очолмас экан.

Шу ерга келганда Максим чуқур хўрсинди. Бу хўрсиниш ҳам худди олдингидек вазиятдан келиб чиққани учун ўз кучи бўйича черковдаги хўрсинишдан кам эмас эди. Аммо бунинг оқибати бошқачароқ кўчди. Патлар тепага кўтарилиб, очиқ деразага қараб учди, уй билан битта бўлиб ёйилиб кетди, бошлиқ ойиму меҳмоннинг сочларини ёппасига қоплаб, ёпишиб қолди ва ниҳоят, ҳозиргина олиб келинган косачалардаги қаҳваларни оқ рангга бўяди. Максимнинг мўйловию қошлари оппоқ оқариб қолди, лекин ҳаммадан ёмон — нимадир демоқчи бўлган бошлиқ ойимнинг оғзига кириб кетиб, томоғига тикилиб қолди, натижада у зўр бериб йўтала кетди. Бечора бошлиқ ойим қариндоши бир неча марта орқасига мушт билан ургандан кейингина зўрға ўзига келди ва у ёқ-бу ёғини тузатар-тузатмас, бечора Максимга қараб ҳам-ла қилди:

— Эшак, нега сиз парга пуфлайсиз, тагин одам эмас, худди паровоздек-а!

— Мен пуфлаганим йўқ,— деди Максим, гўё ер ёрилсаю ерга кириб кетгудек бўлиб. Сўнг худди ўқитувчи олдига турган ўқувчидек оёқ остига қараб олди.

— Нима қилдингиз бўлмаса?

— Мен хўрсиндим.

Шунда бошлиқ ойим ҳам, унинг қариндоши ҳам бундай аянчли аҳволларига қарамасдан кулгидан ўзларини тийиб тура олишмади.

— Бу қанақа хўрсиниш ўзи, худоё тавба, нима, ўпкангиз ўрнида темирчининг босқони борми?

— Биласизми...— дея сўз бошлади Максим уялиб,— бу... чуқур юракдан, дилдан...

Хотинлар яна кулиб юборишди.

— Хўш, нимага хўрсиняпсиз?— деп сўради бошлиқ ойим эғнидаги патларни қоқиб-суқиб.

— Ўзим, шундай...

— Туғишганларингиздан бирортаси эсингизга тушиб кетдими?

— Йўқ!— деди Максим қатъий.

— Ёки сиз эҳтимол ошиқ бўлиб қолгандирсиз?

Бу савол пайтида Максим яна бир хўрсиниб юборишига сал қолди, аммо у тезда оғзини қўли билан беркитиб, бурнини бошмалдоғи ва кўрсаткич бармоқлари билан қисганча, янги жанжалнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Унинг кўзларига ёш қалқди, юраги дукиллаб урди, қулоқларигача қизариб кетди ва у лабларини ялаб, беозоргина деди:

— Ҳа, ошиқман!

— Э? — деди бошлиқ ойим.

— А?— деб унга қўшимча қилди қариндоши ҳайрон қолишни билдирувчи бошқа унли ҳарфга оғиз очганча, бир хилликка барҳам бериб.

— Ҳа!— деб тасдиқлади Максим.

— Аммо кимга, гапиринг, худо ҳаққи, кимга?

— Мен билмайман.

— Худоё, ўзинг сақла, нимага билмас экансиз?

— Шунақа... билмайман-да...

— Унақа бўлса, сиз ошиқ эмас экансиз,— деб гап қистирди қариндош аёл яна кулгига ҳозирланиб.

— Йўқ, мен ошиқман!— деб уларни ишонтирди Максим зўр бериб пат ажратаркан.

— Эҳтимол, сиз ўша ошиқ бўлиб қолган одамингизнинг исмини билмассиз?— унга ёрдамга келди бошлиқ ойим.

— Ҳа, билмайман!— деб жавоб берди Максим.  
— Ў-чи? У сизни яхши кўрадимиз?— деб сўради қариндош аёл қизиқсиниб.

— Билмадим, лекин мен унинг қўлини сўраб кўраман, агар у менга тегса, демак, у ҳам мени яхши кўришини билиб оламан.

— Майли, худо бахт ато қилсин! Агар сиз уни менга кўрсатиб қўйсангиз, совчиликка ўзим бораман,— деди бошлиқ ойим.

Гуноҳкор банда Максим шу аснодан сўнг ўзини тамомила бахтли ҳис қилди ва бир куни унинг иши ўнгидан келиб, ўзи уйланишни истаган хотинни бошлиқ ойимга кўрсатишга муваффақ бўлди.

— Мен уни танимайман,— деди бошлиқ ойим.— Шундай хотинларнинг биронтасидан унинг кимлигини сўраб-суриштириш керак, агар у сизга муносиб бўлса мен ўзим сизларни унаштираман.

Максим хурсандлигидан еттинчи фалакда парвоз қиларди; энди у бошлиқ ойимга ошхонада кўпроқ хизмат қилиб беришга тирнар, маҳкамада эса янаям кўпроқ телва-тескариликлар чиқарарди.

Бошлиқ ойим, албаттаки, бўлган гапларни бошлиққа оқизмай-томизмай етказди ва эри унга:

— Агар ўша аёл унга муносиб бўлса, майли, уйландирсин, у яхши одам, софқўнгл, бир оз бахти келишадир, ишдаям юқориласа, ажаб эмас,— деди.

Бошлиқ ойим бу ишларга жуда кўнгилчанлик билан қараб, ҳалиги аёлни сўраб-суриштира бошлади.

Хўш, охири нима бўлди? Охири мана бундай бўлди: бир куни бошлиқ ойим худди сиртлондек тўлганиб Максимни ҳузурига чақиртирди ва у уйга кириши биланоқ чангали билан унинг кўзларини ўйиб олай деди.

— Жаноб Максим, сиз эшакнинг ўзгинаси экансиз! Мени шармандаю шармсор қилдингиз! Янаги сафар ошиқ бўлиб, уйлангингиз келганда, марҳамат қилиб, ўша

севгилннгизнинг кимлигини олдин яхшилаб сурштириб билиб олинг!— деб бақирди у.

— Нима бўлди?— деб сўради Максим.

— Дард бўлди, бало бўлди! Унинг эри бор экан, по-нинг хотини экан, эри ҳаёт экан, олтита боласи бор экан, сиз бўлсангиз мени совчиликка юбориб ўтирибсиз!

Бундан кейин Максим жаноб бошлиқдан ҳам эшитганини эшитди, бошлиқ ҳатто бир шапалоқ қўйворай деб қўл ҳам кўтарди, лекин мартабасига мувофиқ обрўйинли ўйлаб, ўзини босди ва ўз койишини шу сўзлар билан якунлади:

— Менинг учун буларнинг ҳаммаси — эшаклик. Мен энди бирорта хизматчимга ҳам ошиқ бўлишига рухсат бермайман. Давлат ойликни уларга ошиқ бўлишлари учун тўлаётгани йўқ.

— Мени кечиршингизни ўтиниб сўрайман,— тавба-тазарру қилди Максим,— мен давлатни ранжитиб қўйганим учун ўзим ҳам хафаман. Қасам ичиб айтаманки, бундан буён давлатга ўтиришмайдиган бирор ишга уш-намайман,— деди у жаноб бошлиқнинг қўлини ўзининг икки-уч томчи илиқ кўз ёши билан ҳўл қилиб ўпаркан.

— Ҳа, ўғлим, шўнақа бўлсин! Сенинг катталарнинг гашига киришинг менга жуда ёқади,— деб қўшиб қўйди жаноб бошлиқ кўнгли юмшаб.

Шу кундан бошлаб Максим давлатнинг ва бошлиқ ойимнинг жаҳтнини чиқармаслик учун ошқолликни тамом йиғиштирди.

Максимнинг итоатгўйлиги ва унинг давлатга нисба-тан жонкуярлиги оқибатида ҳар йилнинг охирида унинг ҳақидаги фикр ёзиб қўйиладиган варақада яхши гаплар кўпайиб қолди ва бир кўни унда:

«Саводи унчалик эмас, аммо ҳалол, эътиборга лойиқ, давлатга содиқ ва ишончли, унинг қонунларига итоат-кор, ўзидан катталарга иззат-ҳурматли», деган сўзлар ёзилиб қолди.

Шу йили унинг амали ошди.

Бундан бу ёғига иш силлиқ кетаверди: унинг амали аста-секин кўтариларверди, мабодо бирор гал Максимни четлаб ўтишса, у эътироз қилмас, даражаси барибир яна юқори бўлишини билган ҳолда сабр-тоқат билан кутар эди.

Амалининг қанча юқориласа — жамиятдаги ҳурмат-эътиборинг ҳам шунчалик юқори бўлади. Максим бу бо-рада ҳам бўш келмади.

Даставвал у хор жамиятига аъзо бўлиб кирди ва бу ерда узоқ вақтгача аъзо бўлиб қолиши, эҳтимолки, раиснинг ўрнини эгаллаши ҳам мумкин эди, лекин овоз қўғури унга панд бериб қўйди. Жамиятнинг ўн йиллигига бағишланган юбилей концертида у гарчи чил юракдан куйласа ҳам ҳамманинг ўтакасини ёриб юбо-раёзди ва концертнинг расвоси чиқди.

Аммо кейинроқ Максим асаларичилик жамиятининг раиси бўлди. Бу жамият унинг раислиги остида хийла равнақ топди, ҳаммаёққа номин кетди, лекин Максим битта арзимаган нарса хусусида истеъфо берди. Арзима-ган нарса шундан иборат эди: жамият ўзининг асалари-хонасидан йил бўйи тўллаган ва кўргазмага қўйишни мўлжаллаган ҳамма асални у раис сифатида пок-покиза тушириб қўйди. Бу масалага бағишланган мажлисда битта ичиқора оппозициячи — асаларичи уни текинхўр асалари, деди. Максим эса унга нишини ичига бир оз тор-тиб туришни маслаҳат берди. Улар бир-бирларини жа-мики асаларичилик атамалари билан сўкиб чиқиш-ди (оппозициячи ҳатто раиснинг бошига асалари қути-сини кийдириб қўяман, деб дўқ ҳам қилди) ва шундан кейин Максим хафа бўлиб истеъфога чиқиб қўя қол-ди.

У ўзининг бир олижаноб ва инсонпарвар ҳаракатни ташкил этишдаги ташаббуси билан жамоатчилик ўрта-сида айниқса юксак обрў-эътиборга сазовор бўлди. Бу

ҳаракат катта аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам биз бу ҳақда батафсилроқ ҳикоя қилишимиз керак.

Кунлардан бир куни чошгоҳ маҳали ҳаво фақат июль ойигагина хос бўлган тарзда жазирама иссиқ эди. «Иноқлик» деб номланган қаҳвахонанинг пешайвонидаги пардалар тушириб қўйилган, унинг соясидаги уч-тўртта стол атрофи хийла оромбахш эди, бунинг устига, хизматкор қаҳвахонанинг олдидаги тош кўчага сув сепиб турарди. Бу ер чошгоҳдан кейин ухлашни одат қилмаганлар тўпланса тўплангудек жой эди. Бу ерға Максим, телеграфчи жаноб Михайло, солиқ йиғувчи жаноб муаллим Нова, хат ташувчи ва яна бошқа икки-уч киши йиғилишган эди. Улардан баъзилари домино ўйнашар, бошқалари газета ўқишар, ишқилиб, ҳар ким ўзига ёққанча ҳордиқ чиқарарди, фақат Максимгина ўтириб олиб қаёққадир қарар (бу — унинг энг яхши кўрган машғулоти эди) ва одати бўйича ҳеч нарса ҳақида ўйламас эди.

Лекин у ана шундай тарзда қараб ўтириб, бозор олдида ўз эшагини раҳмсиз суратда ураётган деҳқонни кўриб қолди. Бу ҳол Максимни дарғазаб қилди, ҳатто унинг елкаси ҳам қичишиб кетди ва у ўзича ғудулланиб:

— Эҳ, қуриб кетсин... наҳотки, бечора махлуқларни бунақа золимликдан ҳимоя этиш учун ҳеч нарса қилиб бўлмаса, а? — деди.

Бу шаҳарга яқинда келиб қолган ва шунинг учун ҳам ҳали бирорта жамиятнинг аъзоси бўлишга улгурмаган телеграфчи жаноб Михайло бу сўзларда янги бир жамият ташкил этиш имкониятини кўриб, қўлидаги «дупль ноль» домино суягини столга тарақлатиб урар экан, бундай хитоб қилди:

— Эҳ афандим, сизнинг каллангизга ажойиб фикр келди! Европача таълим ҳукм сурадиган жамики маданий давлатларда махсус жамиятлар, ҳа, афандим, «Жониворларни муҳофаза қилиш» жамиятлари бор. Бизда

ҳам шунақа жамият бўлиши нега мумкин эмас экан? Ахир, сиз шуни назарда тутаётирсиз-ку?

Доим касалванд бўлиб юрадиган ва шундап ҳеч нарсани ёқтирмайдиган хат ташувчи жаноб Михайлога ижирганиб қаради:

— Толган гапингларни қаранглару,— деди у.— Бундан ҳам зарурроқ ишлар бор; менга қолса, аввало хат ташувчиларни ҳимоя қилиш жамиятини тузган бўлардим.

— Бу — барибир; жаноб Михайло таклиф қилаётган жамият хат ташувчиларни ҳам ўз ҳимоясига олиши мумкин,— деб қўшиб қўйди солиқ йиғувчи. Беш йил бурун даромадининг қоқ ярми мусодара қилишга ҳукм этилганидан бери феъл-атворида бадғаразлик пайдо бўлган эди.

Бу суҳбатнинг давоми қандай ўтганлигининг ҳозир унча аҳамияти йўқ, аммо жаноб Михайло қандайини бўлмасин, бирор жамият комитетига кириб олишга уринганлигидан бу фикрни шунчалик қатъият билан бозорга солидики, ўзига тарафдорлар йиғишга муваффақ бўлди.

Бу фикрни биринчилардан бўлиб дорихоначи жаноб Хрдличек қўллаб-қувватлади, чунки у ўзини «Европа таълимини олган киши» деб ҳисобларди. Жамиятнинг низомини муҳокама қилиш ва комитетини сайлашга доир биринчи мажлис уникида ўтиши лозим эди. Комитетга жаноб Михайлонинг қистови билан хонимлар ҳам кириши кўзда тутиларди, чунки уларнинг асосий фазилатлари «юмшоқ кўнгилли» эканликлари бўлиб, бу эса олижаноб фикрга мосу муносиб эди.

Комитетни ташкил этиш мақсадида қуйидаги кишилар таклиф қилинган эди:

1. М а к с и м, жамиятни ташкил этиш фикрини билдирган киши сифатида, гарчи бу фикрнинг у давлат манфаатларига зид келиш-келмаслигини яхшилаб суриштириб билгандан кейингина ўзиники эканини тан олган бўлса ҳам.

2. Д о р и х о н а ч и н и н г хотини, унинг уйида би-

ринчи мажлис бўлиши кераклиги ва у итларни яхши кўрганлиги уйда сақлаганлиги боисидан ҳам фикрни қўлаб-қувватлашга мойил эканлиги учун. (Аслида йиғилишга дорихоначи Хрдличек таклиф этилган эди, аммо у «Европача таълим кўрган» киши сифатида ўз ўрнини хотинига берди.)

3. А н и ц а х о н и м, собиқ мол докторининг бевасаси, ҳар қалай, жониворларга алоқаси борлиги учун.

4. Э м и л и я х о н и м, юмшоққўнғиллиги учун. Ҳамага маълумки, у ҳатто жўжани сўяётганларида ҳам қараб туролмайди. Фақат жўжанигина эмас. Пасха байрамида дастурхонда қовурилган қўзичоқ пайдо бўлганида хоним унга шунчалик ачинадики, ҳатто гўштини оғзига ҳам олмайди; фақат буйраги, мияси, жигари ва шунга ўхшаш иккинчи даражали қисмларидан оз-моз татиб кўради, холос.

5. И г н а т Р и с, мол доктори, ҳайвонлар билан муамалада бўлувчи одам сифатида.

6. Ж а н о б Т о м а, нафақа олувчи қария. Унинг тўғрисидаги узунқулоқ гапларга қараганда, у вақтида ўзининг марҳума хотинини ўларча урганмиш, лекин полиция амалдори бўлиб ишлаган чоғларида мол-ҳолига ёмон қараган деҳқонларни қаттиқ жазолаб, у бундай мишмишларни йўққа чиқарган, бас, шундай экан, бирор-та жамият тузилгунга қадар ҳам кўпдан жониворларни ҳимоя қилиш соҳасида ишлаб келганлиги учун.

7. М у а л л и м а С а в к а, у ўқитувчи сифатида жониворларни ҳимоя қилиши лозимлиги учун эмас, балки телеграфчи жаноб Михайло унга ошиқ бўлиб қолгани ва жониворларни ҳимоя қилиш баҳонасида тез-тез учрашиб туришлари учун.

8. И л ь я с ў ф и, одампарварликнинг тимсоли сифатида. Гарчи бошда баъзи бировлар, жониворларни қийнашда унинг олдида тушадигани йўқ, деб уни таклиф этишга қарши чиқишган бўлса ҳам. Айтишларича, сўфи ўз қўли билан олтита мушукни ўлдирган ва Сима қас-

собнинг итини заҳарлаган экан. Бундан ташқари унинг шунчалик нафси ёмонки, бирортасининг қўйини кўрган заҳотиёқ думбасини ушлаб, салмоқлаб кўрмасдан, қон-хўрларча: «Ўҳ-ҳў!»— демасдан тура олмайди. У тирик қўйгаки шунақа муносабатда бўлар экан, қовурилган барра қўзини кўрганда унинг хаёлига қанақанги ваҳшиёна фикрлар келишини ўзингиз билиб олаверинг.

9. П а й я, қаҳвахона хўжайини. Унинг комитетга номзоди нима учун кўрсатилганлигини ҳеч зор билмайди.

10. Ж а н о б Й о ц а, солнқ йиғувчи, агарда у таклиф этилмаса жамият шаънига бўлмағур гапларни тарқатиши турган гап эди (мишмишларга қараганда, у аллақачоноқ бу комитетга «ҳайвонлар комитети» деб от қўйишга улгурибди). Ва ниҳоят,

11. Ж а н о б М и х а й л о, телеграфчи, гоёни маҳкам тутиб, уни ҳаракатга солиб юборгани учун.

Шу кишилардан иборат бўлган комитет дорихоначи оймнинг уйида белгиланган кун ва соатда йиғилди. Чоршанба кун и эди, кеч кирай деб қолган, дорихоначининг хотини кечки овқатга уннаб кетганди.

Йиғилганлар шаҳарнинг икки-учта латифалари билан оғизларини чайиб олишиб, ундан кейин кечки овқат ҳам тортилгач — овқат пайтида Илья сўфи қанд учун қўйилган кичкинагина кумуш қисқичдан қандай қилиб фойдаланишни билмасдан саросимага тушиб қолган, нафақа олувчи қария жаноб Тома эса соқолини қаҳвадаги қаймоққа шунақанги бўяб олгандики, кимдир хас-хашак устига қуритиш учун ич кийимларини ёйиб қўйганга ўхшарди. Эмилия хоним дорихоначи хонимнинг жавон и устидан атайлаб қўлини юргизиб, чанг орасидан эгат олгандай чизган ва бева Аница билан кўз уриштирган, Максим шунақанги чўкиргандики, аптекачи хонимнинг роялини кейинчалик тозалашга тўғри келган ва унинг ичидаги аллақайси тори аллақанча вақтгача дўнғиллаб турганди...— хуллас калом, мажлисининг кириш қисми ту-

гаганда телеграфчи Михайло ўрнидан туриб, Максимнинг таклифини ўртага ташлади.

Биринчи бўлиб дорихоначининг хотини сўз олди ва мабодо итлари бирон фалокатга йўлиқишса (унинг учта ити бор эди), у эртасигаёқ ўзи ҳам ўлиб қолишини айтди; ундан сўнг мол доктори жаноб Рис Европада жониворларни муҳофаза қилиш ишлари қандай йўлга қўйилганлигини борасида муфассал ахборот берди ва Максимни бу ғояси учун табрикледи. Сўфи ҳам таклифни қўллаб-қувватлади, бироқ у барча жондорларни эмас, балки чорва молларини муҳофаза қилиш тарафдори бўлиб чиқди. Эмилия хоним улар — аёллар жамиятда қандай вазифаларни бажаришлари мумкинлигини сўради.

— Сизлар, масалан, қушчаларни муҳофаза қилишнингиз мумкин,— деб жавоб берди солиқ йиғувчи.

— Қанақа қушчаларни?

— Ҳар қанақасини — қалдирғочларни, каптарчаларни...

— Ёки итчаларни,— деб қўшимча қилди Максим дорихоначининг хотини хурсанд бўлсин деб.

Телеграфчи жаноб Михайло яна сўз олди ва тингловчиларда олға сурилган фикрга нисбатан қизиқишини янада кучайтириш мақсадида анов кунги бечора эшак қандай калтакланганлигини маромида тасвирлаб берди. У бу жонивор томонидан келтириладиган фойдани жудаям моҳирлик билан таърифлади, сўнг унинг аячли тақдирига ҳамманинг эътиборини қаратди. Бу гаплар, албаттаки, айниқса Максимга жуда хуш ёқди, бунинг устига, жаноб Михайло шунақанги самимият ва ишнинг кўзини билиб гапирдики, ҳатто Максимнинг калласида: «У ҳам қачонлардир ҳазрати Хизрга дуч келмаганмикин?» — деган хаёл кездди. Ниҳоят жаноб Михайло ўтирганда, Максим бошқалар билиб қолмаслиги учун ўта эҳтиёткорлик билан уни ҳидлаб кўрди.

Жаноб Михайлонинг гаплари дорихоначининг хотинига қаттиқ таъсир қилиб, кўзларига ёш келтирди ва у

оққўнгил бу жониворга жудаям ачинганлигини айтди. Максимнинг ҳам кўзларига ёш келди ва у дорихоначининг хотинига миннатдорчилик билан қараб қўйди.

Ийилганлар шундан кейин таклифни ва жамиятнинг низомини қабул қилишди. Максим — раис, телеграфчи — котиб ва қаҳвахона хўжайини Пайя — хазиначи қилиб сайландилар.

Ганнинг рости, бу комитет ҳеч қанақа жониворни муҳофаза қилгани йўқ, лекин шунга қарамасдан газеталар бутун шой-шуҳратни Максим билан боғлаб ёзиб чиқишди ва унинг номи машҳур бўлиб кетди.

\* \* \*

Ииллар ўтди. Ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, таниқли, баланд мартабали амалдор даражасига етган Максим ўзининг келиб чиқишини батамом унутиб юборди.

Аммо бир кунни ҳазрати Хизрнинг қўли ўз ишларидан бўшаб ҳув ўша бизга таниш эшакни топгиси ва ундан ўзининг янги мавқеидан ҳурсандми, йўқми — сўрагиси келиб қолди. Ҳазрати Хизр шаҳарга тушдию ҳеч қанақа эшакнинг оғир ишга тоқати йўқлигини яхши билганидан, уни жаноблар орасидан қидира бошлади.

У бирорта кўчани ҳам кўздан қочирмасдан шаҳар бўйлаб борарди. Яхши кийинган одамларни кўриши билан у ўзинча тахмин қиларди:

— Ўша... йўқ, у эмас... Ана, ўшанинг ўзи... йўғ-э, у эмас!

У қанчадан-қанча одамларни учратди, аммо улардан қайси бири олдин эшак бўлганини билолмади.

Унинг рўпарасида битта жаноб кўринди.

«Бу — ўша»,— деди ҳазрати Хизр ўзига-ўзи ва унга қараб илдам қадам босди.

— Марҳамат қилиб, айтинг-чи,— деб сўради мулоиймлик билан,— сиз бир пайтлар эшак бўлмаганмисиз?

Ҳалиги одам унга бақириб берди-да, ўз йўлига кетди.  
Ҳазрати Хизр бошқа бир одамни учратди ва бунинг ҳув ўша, ўзига керак бўлган зот эканлигига ишонган ҳолда кулимсираб унга яқинлашди:

— Кечирасиз, биз танишимиз, а?

— Биз?— деб сўради ўткинчи ҳайратланиб.

— Ҳа-да, эсингизда борми, сиз эшак бўлганингизда...

Бу ҳам жаҳли чиқиб, тутақиб жўнаворди.

Ҳазрати Хизр учинчи бир одамни учратди, буниси ҳеч қандай шак-шубҳасиз, каллани кесса ҳам гапдан қайтиш йўқки, худди у қидирганнинг ўзгинаси эди. Хизр унинг олдига югуриб келди-да, уни қучоқлаб олди. Ҳалиги киши эса:

— Ўзларни ким бўладилар?— деб сўради.

— Мен ҳазрати Хизрман.

— Жуда яхши!

— Бу ахир, сенсан-ку, яширмай қўя қол!

— Ким?

— Эҳ, эшагим, менинг бечора содда эшагим... Бу сенсан, мен сени қулоғингдан, юришингдан таниб турибман, сағринг ҳам менга таниш туюляпти...

Аммо буниси ҳам жаҳл билан пишқириб, ўзини четга урди.

Ҳазрати Хизр кун бўйи то қора кечгача таниш зотни излашда давом этди. У эртасига ҳам, янагиси кун ҳам — то чарчаб йиқилиб қолмагунча, қилаётган иши бекорчи иш эканлигига, эшакни ҳеч қачон таниб топа олмаслигига имонни комил бўлиб, ўз ниятидан қайтмагунча излашдан тўхтамади.

Мана, ниҳоят инсоннинг қўли калталиқ қиладиган улуғвор, гаройиб ишларни бажаришга қодир ҳазрати Хизр ҳам одамлардан ким олдин эшак бўлгану ким бўлмаганини аниқлай олмади. У ҳаттоки ҳазрати Хизр бўлганда ҳам бунақа мушкул ишга қўл уриб нима қиларди!

Яқин вақтларгача Майдан-пек<sup>1</sup>да ҳамма нарса жой-жойида бўлиб келаётганлигига қараб туриб, кўнгил қувонарди. Бу ерда худди жаннатул-маъвонинг эшиги олдидаги каби жами халқлар йиғилишарди; қўлтиғига нағмасини қистириб олган чўққисоқол италиялик ҳам, халта-хуржунидан бир бурда нони кўриниб турган хумкалла влах ҳам, қўлига дуо китобини ушлаб олган кўк кўзли немис ҳам, чўнтагига бир шиша ракия<sup>2</sup> солиб олган қўнқайма бурунли словак ҳам — бу ерда кимлар бўлмас эди дейсиз! Яна шуниси ҳам борки, улар бир онанинг болаларидай хушчақчақ, иноқ яшашарди.

Улар нимадан ҳам жанжал қилишсин? Дин, эътиқод борасида баҳслашмасдилар, сиёсат эса Майдан-пекнинг туйнугига қиё ҳам боқмаган эди. Улар Сербияда нималар бўлаётганини билишмас, газеталар олишмасди, Скупщинага депутат ҳам, жамоага оқсоқол ҳам сайлашмасди, уларда жамоанинг ўзи ҳам йўқ эди. Шундай экан, нимага ҳам жанжал қилишсин ахир?

Бунинг устига, улар жуда ажойиб, батартиб одамлар эдилар: уззукун деразалари олдидан кетмай, кўрсичқондек ишлашар, кечаси билан эса худди сув билан ти-

---

<sup>1</sup> М а й д а н - п е к — Сербиянинг Дунай бўйи ерларидаги шаҳарча. 1891 йилгача Майдан-пек на округга ва на уездга кирмасдан мамлакатнинг маъмурий тармоғидан четда қолган эди. Аҳолиси ташқи дунёдан ажралган ҳолда яшарди.

<sup>2</sup> Р а к и я — мевадан қилинган ароқ.

рик балиқларга ўхшаб бетўхтов ичишарди. Шаҳар катталарига келсак, гапнинг ўғил боласини айтганда, улар ҳам ажабтовур одамлар эдилар.

Мана, ҳеч бўлмаганда Пера тақсирни олайлик! Тўғри, унинг турмуш тарзи сал бошқачароқ: у кун и бўйи балиқ сув ичгандек май симириб, туни билан эса пар тўшакда кўрсичқондек думалаб ётади, шунга қарамасдан Майдан-пекнинг тамоми фуқароси уни ўз оғаларидек иззат-ҳурмат қилишадн, зероки, у ҳар доим: «Француз бўладими, италияликми, сербми — барибир одам. Ҳамма учун худо битта. Агарки, италиялик, худоё, ўзинг кечир, чўққи соқол қўйиб юрса-ю, серб соқол қўймаса нима бўпти? Барибир уям ҳамма қатори битта одам-да», деб ваъз-насиҳат қиларди.

Полиция бошлиғига келсак, уни ҳам ажойиб одам дейиш мумкин эди. Шунақанги бағри кенги, асти қўйинг. Мабодо баъзан жаҳли чиқиб, кимнидир онасида олиб, бўралаб сўккундай бўлса ҳам бу шунчаки, сираси гап, агарда қаттиққўллик қилиб бирортасини қамоққа олгундек бўлса буям фақат қонун юзасидан, холос. Гоҳ-гоҳ қўлининг чигалини ёзиб олиш учун бирортасини шопалоқ билан тушириб қолиш ҳоллари ҳам учрайди, аммо кейин ўзи пушаймон ейди, пушаймон еганда ҳам юмшоқ-кўнгил одамларга хос, ич-ичидан афсус-надомат чекади. «Худо менга шунақанги юмшоқ кўнгил ато этган экан, дейди у, бунақа залварли муштларни бериб нима қиларди».

Турган гапни, бунақанги яхши одамлар ўзаро ҳам апоқ-чапоқ бўлиб яшашади. Аҳён-аҳёнда қаердадир, нимадир воқеа юз беради, унинг ҳам нималигини худо билади. Чунончи, ярим йилча бурун бундай бўлди: одамлар ичишиб-ичишиб, муштлашиб қолишди. Муштлашишга серб билан влах муштлашди-ю, аммо ўлдирилган қандайдир немис бўлиб чиқди, Фердинандмиди, Робертмиди — билмадим, ишқилиб, ўлдирилганини биламан, холос. Тўғрисиини айтганда, бу — жудаям унақа катта

ҳодиса эмас. Нима бўпти — одамлар ҳазиллашишибди-да... Шундан кўп ўтмай битта италияликнинг кўзини уриб чиқаришиб, калласини ҳам бир оз пўла қилиб қўйишибди. У ўнғалиб кетиши ҳам мумкин эди, лекин можародан уч соатлар чамаси ўтгандан кейин ўз ажал билан ўлибди-қолибди, эҳтимолки, бирор ички касалликдан жони узлгандир боёқишнинг.

Кунлар шу йўсинда ўтиб борар, аммо бу нэга тушган ҳаёт тартиботига қандайдир таъсир қилиши ёки одамлар орасида низо ва адоват уйғотиши тўғрисида, худо сақласин, сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Мабодо бирорта жиддийроқ жанжал чиққундек бўлса, яхши билингки — бунақа можаро фақат хотинлардан чиқади. Бироқ тузукроқ нарса устида бўлса гўргайди-я, бу ҳам бошдан-оёқ гийбат устида, холос.

Бир италиялик (кўзини уриб чиқаришган ўша марҳум) бир куни Пера отага шундай депти: «Парвардигор Момо Ҳавонни олмадан татиб кўргани учун жаннатдан ҳайдаган, деган гап ёлғон, нима, худо бир донагина олмани қизганиб ўтирармиди! Пуқ, худонинг таоло уни ўзи тўғрисида гийбат қила бошлагани учун қувиб солган!»

Аммо хотинларнинг жанжал-хархашалари ҳам умумий иноқлик ва меҳру оқибатни буза олмас эди, негаки, хотинлар тўйгунча жанжал қилишиб, оғизларига келганларини қайтармасдан айтишиб, бир-бирларининг кўзларига тупуришарди-ю, кейин яна ярашиб кетишаверарди. Полиция хотинларнинг бундай ишларига ҳеч қачон аралашмасди. Полиция бошлиғи битта офатижон италиялик хотинининг ишига унинг эри уйда йўқ пайтда аралашиншга уриниб кўрган эди, лекин аёл у гўёки ўзининг қонуний эридек, чунонам адабини бердики, асти қўйинг. Устидан қайнаган сув қуйиб, куйдириб қўйишига сат қолди; у бўлса жин ҳам урмагандек, ўзини ҳеч нарса кўрмаганга солди, аёл ҳам албатта ҳеч нарса рўй бермагандек юраверди. Яна ҳаммаёқ гўё полиция бошлиғи

гўзал италиялик аёлнинг ишларига ҳеч қачон аралашмаган пайтлардагидек жимжит бўлди-қолди.

Пера ота ва округ бошлиғига келсак, улар ҳам дуппа-дуруст умр кечириб келишарди. Оға-иниларча ўтказилган ҳаётнинг тўрт йили бадалида улар бор-йўғи бир марта муштлашиб қолишди, у ҳам бўлса кўчада, ҳамманинг олдида эмас, балки ўқимишли одамлар бўлганликлари учун идорада уришишди. Айтиш мумкинки, бу ўринда ҳам жанжал учун ҳеч қандай баҳонайи сабаб йўқ эди. Шунчаки тақсиримиз ошиёна авлиёси байрами муносабати билан ўтказиладиган тантанали ибодатга — черковда прангия<sup>1</sup> йўқлиги боисидан, тўппонча кўтариб келган эдилар. Қарангки, ибодатнинг мадҳу сано ўқийдиган жойига келганда тақсир меҳроб олдида биринчи байтни қироат билан чўзиб айтдилару кейин деразанинг олдига югуриб бориб, тўппончани чиқариб туриб «бўм!» эткизиб отдилар. Байрамдан сўнг округ бошлиғи: черковдан туриб ўқ отилмагани маъқулмиди, деб тақсирдан гина қилиб қолса, нима дейсиз? Гина қилганда ҳам одамлардек, одоб билан: «Тақсирим, сен чўчқанинг ўзгинасисан, ахир черковдан туриб ўқ отиб бўладими?» — деди.

Тақсир эса бу гапдан ранжиди ва округ бошлиғини оғзига келган номлар билан атади. Шунда бошлиқ ҳам дарғазаб бўлиб, тақсирга қандайдир қаттиқроқ гап айтди, чамаси, Пера отаю унинг хотинини қўшалок қилиб сўқди.

Тақсир оқил одам сифатида бу ишнинг кети воқелигини тушунди-ю, ҳар ҳолда жанжални бости-бости қилиш учун: «Э, худо-ей, бўлди, бўлди, бас энди. Хўп, хотинимни роса сўққанинг билан, биласанки, хотиним йўқ, тоқман. Лекин менинг шаънимга нега тил теккизасан, эшакка ўхшаган...» ва яна шунга монанд айрим гапларни айт-

---

<sup>1</sup> Прангия — байрамлар пайтида қутлаш учун мушак отади-ган асбоб.

ди. Шунда округ бошлиғи тақсирнинг соқолига маҳкам ёпишган эди, тақсир ҳам сиёҳдонни олиб бошлиққа ҳам-ла қилди. Иккаласи тақсирнинг жуббасига ўралишиб, полга ағанашди, аммо ўқимишли кишилар бўлишганидан ишни шу ерда тўхтатишиб, яхшиликча ажралишди. Шу билан можаро тугади. Фақат тақсирнинг соқоллари чап томондан бир оз сийраклашиб, округ бошлиғининг битта тиши ўрнидан қимирлаб қолди, холос.

Бўлган-турган гап — шу. Буям ҳеч нарса рўй берма-гандек ўтдию кетди. Улар ҳозир дуппа-дуруст, апоқ-ча-поқ яшаётпти.

Агарда юмшоқкўнгил полиция бошлиғини бошқа округга ўтказишмаганларида ҳамма нарса бундан кейин ҳам одатдагидек бўлиб қолаверарди, ҳеч ким бировнинг мушугини «пишт» демаеди. У кетганига ҳамма ачинди, ростини айтганда, бошлиқнинг ўзи ҳам бу ердан кўзи қиймай кетди.

Бир оз муддат ўтгандан кейин полициянинг янги бошлиғи бўлиб яккам-дуккам соқолли, лаби қалин бир йигит келди. Бунинг тўғрисида ҳам бирор ёмон гап айтиш қийинку-я, лекин у иккита гапнинг бирида «қонун» деб қўяди ва ҳамма нарсага «ундай-бундай», деб тақалаверади. Бақирешга-ку, бақирмайди-я, лекин қандайдир тартиб тўғрисида гапиргани гапирган. Ҳолбуки, у бу ерга келиб кўрган тартибдан бошқасини орзу қилиш ҳам мумкин эмас эди. Лекин бу бошлиқ одамларни идорасига тез-тез чақириб турар, «нега ундоқ, нега бундоқ», деб суриштиргани суриштирган эди. Бирортасини шунчаки ҳазиллашиб, қўл-оёқнинг чигалини ёзиш учун калтаклашгундек бўлишса, у шу заҳотининг ўзидаёқ бир қулоч протокол тузишга ўтирарди, тергов олиб борарди, сўроққа тутарди ва бунинг устига, ҳамма нарсани ёзиб борарди ва ҳар бир қоғозга рақам чекиб чиқарди. Ҳар қанақа майда-чуйда учун ҳам қоғоз қоралаб, одамларни чақиртираверарди.

Бир куни ҳатто Пера отани ҳам чақиртирди. Лекин

Пера ота олим одам, ҳар қандай саволга унинг жавоби тилининг тагида тайёр туради. Бошлиқ: «Тақсир, менга қара, мен оппозицияни хоҳламайман»,— деди.

Тақсир бўлса: «Худо шоҳид, мен ҳам хоҳламайман»,— деди.

Бошлиқ: «Менга қара, тақсир, ахлоқ сақланиши керак...»— деди.

Тақсир бўлса: «Нима қипти, сақланса сақланаверсин!»— деди.

Бошлиқ: «Ахлоқ — тартибнинг асоси, тартиб эса — қонуннинг негизи!»— деди.

Тақсир эса: «Хўп, майли...»— деб рози бўлди.

Умуман олганда, полиция бошлиғи қанақадир галати одам. Ниманидир пойлаб, ниманидир билиб олмоқчи бўлиб юради. Доим чопгани чошган, нималарнидир кавлаштириб, қидиргани қидирган — нима қидирганини эса ёлғиз худонинг ўзи билади.

Гапнинг сирасини айтганда, аслини фаҳмлаб олиш қийин эмас эди, албатта. У бошқа округда полиция бошлиғи бўлганида жаноб министрининг махсус фармойишларини бажарар, ҳар доим югуриб, ҳид билиб, одамларни ўз идорасига тез-тез чақиртириб, уларга ўзининг оппозицияга тоби тоқати йўқлигини билдириб қўйишга, сайловлар арафасида эса бир оз дўқ-пўписа билан қўрқитишга ўрганган, бу нарсалар унинг қон-қонига сингиб кетган, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, ҳамон ўша пайтларни унута олмас эди. Майдан-пекка келиб қараса, бу ерда на сиёсат, на жамоа, на сайловлар, на партиялар бор, турган-ситгани гурбатнинг ўзгинаси. Пешонасига неча марта лаб уриб, чуқур уҳ тортган пайтлари ҳам бўлди: «Билмадим, дерди, мени бу ерга нимага ҳам юборишди, мен бу ерда нима қиламан? Одамлари худди қўйнинг ўзгинаси. Наҳотки, бу ерга бирорта бошқасини юбориш мумкин эмасди?!»

Кунлардан бир куни бошлиқ билан Пера ота шийпончада улфатчилик қилишарди, ракиялар қўйилган

стаканларни совиб турсин деб сувли тоғорага солиб қўйишган, ўзлари эса дунёдаги ўтган-кетган нарсалардан гапиришиб ўтиришар эди. Пера ота бошлиққа эрталаб нахорда тузланган бодринг еб, ракия отишдан кўра яхшироқ нарса йўқлигини айтди. «Бу, деди у, ҳар қанақанги ананасдан ҳам ўтиб тушади». Кейин бошлиқ тақсирга ўзининг «ҳоп» дейилса иккита курсининг устидан сакраб ўтадиган ити бўлганлигини ҳикоя қилди.

— Ажойиб ит экан,— деб унинг фикрига қўшилди тақсир ва капитанга ўзининг хотини бўлганию қандайдир артиллериячи фельдфебель билан топишиб қолиб, ўзини ташлаб кетганини билдирди; фельдфебель урушда ҳалок бўлипти, отинойи эса (эшитган гувоҳлар бор): «Дунёда бошқа фельдфебель зоти қурибдими!»— деган эмиш ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Тақсир ҳикоясини аччиқ нчадек чўзарди. Бошлиқ эшитиб-эшитиб зериккач, уни ўз ҳолича жавратиб қўйиб, бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлаб кетди ва бармоқлари билан столни чертганича хаёли узоқ-узоқларга учди. Тўсатдан у худди уйқудан уйғонгандек Пера отанинг ҳикоясига шартта от солди:

— Демак, тақсирим, бу ердаги халқ қўйдек ювош, дегин?

— Ҳа, шундай,— жавоб қилди тақсир.

— Ҳа,— деб такрорлади бошлиқ ва бир муддатгина ўйланиб қолдию стакандан бир-икки ҳўплаб олиб, яна сўзида давом этди:

— Тақсир, бўлажак сайловлардаги бизнинг мавқеимиз тўғрисида нималар дейсиз?

— Қанақа сайловларда?— ҳайрон бўлди тақсир.

— Ҳа-я, айтгандай,— бу ердаги аҳвол бошлиқнинг эсига тушиб, пешонасига бир урди,— сизларда ҳалигидақа, а...

Тақсир индамасдан соқолини силар экан, хўмрайганича ундан кўзини узмасди.

— Э, жин урсин,— тинчимади бошлиқ,— наҳотки, сизлар ҳеч кимни сайламайсизлар?

— Кимниям сайлардик? Скупщинага депутат йўлла-маймиз, чунки ҳеч қандай округга қарашли эмасмиз; жамоа йўқ, оқсоқол ҳам йўқ...

— Бу ахир, оролнинг ўзгинаси... спёсий бўм-бўшлпк-ку!— бақириб юборди полиция бошлиғи.— Мени бу ерга нима бало учун юборишди экан, тушунсам ўлай!

Пера ота жаноб бошлиқ нима демоқчи бўлаётгани-гини унча тушунмасди, шунга қарамасдан хижолат че-киб, жим қолди.

Иккалови ҳам хийла узоқ сукутга чўмишди. Ниҳоят, тақсир чидаб туролмади ва худди гапирайми, йўқми де-гандай иккиланиброқ сўз олди:

— Сирасини айтганда, биз ҳам баъзи бировларни сайлаймиз. Албатта, бу жудаям, ҳалигидақа эмас... Ма-салан, олайлик, ҳар йили авлиё Дмитрий кунида биз, ҳа-лиги... подаларимизни боқадиган подачини сайлаймизу, лекин...

— Қандай сайлайсизлар?— унинг сўзини бўлди бош-лиқ.

— Шунчаки, жўнгина одамларни йиғамиз, биттаси «Фалончи бўлсин», дейди, биз: «Бўпти!»— деймиз. Шу холос. Бу, айтганимдай, жудаям унақа иш эмас...

— Подачини дедингизми?— яна сўради бошлиқ.

— Шундай.

Бошлиқ кулди ва «Шуям гап бўлдию!»— дегандай қўл силтади, кейин бир оз айланиб келиш учун тақсир билан шийпончадан чиқаётиб, гапни бошқа ёққа бурди.

Улар шунчаки айланиб юришарди, бошлиқ бўлса бирдан ўйга толардию: «Подачини, подачини!»— деб ғудурлаб қўярди ва аввалгисидай қўлини силтарди.

Турган гапки, подачи Иона янги жаноби бошлиқнинг ўзи тўғрисида ўйлаётганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Ахир, подачининг бу билан нима иши бор? У ўз вази-фасини ҳалол ва виждонан бажаряпти, бировларнинг

молларини худди ўзиникидек авайлаб боқиб келяпти, ҳамма билан иноқ, ҳамма уни ҳурмат қилади ва мана роппа-роса ўн икки йилдан бери уни сурункасига подачиликка сайлаб келишади. Сайлов куни келганда бирортаси бошқа одам тўғрисида оғиз очгундек бўлса ҳам одамлар бир оз гаплашиб, оз-моз талашади-ю, барибир Иона яна подачи бўлиб қолаверади.

Бошлиқ билан тақсир шийпончада улфатчилик қилишганидан кейин бир неча кун ўтди, Майдан-пек учун бир неча кун — бир кун деган гап. Косиблар ўз ишлари билан овора, Пера ота ҳам ўзи билан ўзи, ўқитувчи ҳам машғулот илинжида. Фақат полиция бошлиғигина ҳар дам ишини қўйиб, ўрнидан туриб кетар, идорада ҳадеб у ёқдан-бу ёққа юрар ва ўзича: «Подачи... Ҳм... Подачи...» — деб қўярди.

Ниҳоят, бир куни у худди бошқа ҳар қандай бошлиқ каби идорада қўнғироқни босди. Жандарм пайдо бўлди ва бошлиқ уни дўкондор Елисейни айтиб келиш учун юборди. Дўкондор олдинги жаноби бошлиққа жуда ўхшаб кетарди: худди ўшандай соқолни қиртишлаб юрар, оёғида этпкдан кўра кўпроқ уй шиппаги бўлгувчи эди. Баъзан қараб туриб, бу — дўкондор Елисейми ёки жаноб полиция бошлиғими — билмай қолардинг.

Мана, дўкондор Елисей ҳам келди, уни жаноб бошлиқ худди бошқа ҳар қандай одамни қабул қилгандай қабул қилди, эшикни беркитиб олиб, қаҳва таклиф этди ва у билан пичирлаша бошлади. Кейин қўнғироқни босиб, Пера отани чақиртирди-да, у билан ҳам пичирлашди. Ундан кейин, яхшилар, у новвой Станко билан ҳам, булкафуруш Самойло билан ҳам, ростини айтиш керак, яна кўплар билан ҳам пичирлашди.

Бошлиқ фақат муаллим жаноб Драголюб билан пичирлашмади шекилли. Анчадан бери Майдан-пекда гўё янги жаноб бошлиқ муаллим Драголюбга бошқача кўз билан қарашлиги тўғрисидаги мишмишлар бежиз эмас эди. Эҳтимол, Пера ота унинг тўғрисида бирон нарса деб

гийбат қилгандир (ахир, у, худоё ўзинг кечир, бекорчиликдан унча-мунча гийбат ҳам қилиб туради). Нима қилганда ҳам агар тақсир ўқитувчи тўғрисида бирон ёмон нарсa деган бўлса гуноҳи албатта ўзига уради, негаки, ўқитувчи ёмон одам эмас. Тўғри, у одамлар орасида ўрaлишиб юришни ёқтирмайди, лекин ўз ишини билади. Уззукун поясават тўқийди ёки чиганоқ теради ва ёхуд суратлар учун ромчалар ясайди, ё бўлмаса, боғ ёки ўрмоннинг ичкарисига кириб олиб, мукка тушиб ётганича, сурункасига беш-олти соат китоб ўқийди. Мактабда болалар билан гўёки улар бегона эмас, балки ўз болаларидек гаплашади. Ҳатто уларни жазолашда ҳам таёқ эмас, насиҳат билан иш кўради. Ишқилиб, ўқитувчи қандайлигига қарамай, шу нарсa муҳимки, жаноб бошлиқ у билан пичирлашмади.

Авлиё Дмитрий кўни аста-секин яқинлашиб келарди. Одамлар унда-бунда бу йил кимни подачи қиламиз, деб гап-сўзни бошлаб қолишганди. Бу тўғрида умуман гапирилмаса ҳам бўларди, нимани ҳам гапирардинг, Иона ўн икки йилдан бери подачилик қилиб турган бўлса. Баъзан одамлар йиғилишиб, Ионани агар унинг бирор ножоиз қилмиши сезилса қойиб қўйишар, кейин барибир, яна ўзини сайлашарди. Бу тўғрида элдан олдин элак кўтаришнинг нима кераги бор эди бу йил.

Шунақаликка шунақаку-я, лекин эндига келиб бу хилдаги гапларни новвой Станко билан булкафуруш Самойло эрта кундан бошлаб юборишганди. Уларнинг калласига нима хаёл келганини фақат яратганнинг ўзи билади. Гапириб қўя қолишса ҳам майли эди-я, улар уйма-уй изғишади, ниманидир сирли пичирлашишади, чўнтаклариди аллақандай варақаларни олиб юришиб, одамларга уларни тиқиштиришади, ҳаттоки, худоё тавба, майдонда бирам бақиривадики... Уларга нима кераклигини ҳечам тушуниб бўлмайди. Бир кўни эса Пера ота қаҳвахонада муштини ўдағайлаб: «Бундан буён Ионани хоҳламаймиз, биз у кимнинг номзоди эканлиги-

ни биламиз!»— деб бақирди. Қаҳвахонадаги одамлар ҳаяжонга тушишиб, бу тўғрида узоқ гапиришишди. Дўкондор Елисей бўлса ундан қарз олган косибларнинг олдиларига навбатдаги гал югуриб бориб, «ўн икки йилдан бери халқ ишончини суистеъмол қилиб келаётган қандайдир агитаторлар» ҳақида гапира кетди ва у ҳам: «Ионани хоҳламаймиз!»— деб бақирди.

Уларнинг хаёлига нима келганини худонинг ўзи биллади! Бу ҳам етмагандек, Пера ота қандайдир рўйхат тузибди, булкафуруш Станко эса уни Фердинанд деган бир кимсага кўрсатибди (бунга гувоҳлар ҳозир ҳам бор) ва у ўша топда гўё: «Халқ ўз дилидагини айтсин!»— деб хитоб қилган эмиш.

Бундан ташқари Пера ота, Елисей ҳам, Станко ҳам жаноб бошлиқнинг олдига тез-тез кириб туришадиган бўлиб қолишди, айтишларича, бир кунн Елисей жаноб бошлиқнинг ҳузурда кечаси соат ўн иккигача ўтирибди. Мана, ниҳоят ҳамма нарса очиқ-ойдин бўла бошлади. Индинга авлиё Дмитрий байрами деган куни чошгоҳга яқин ёмғир ёғиб ўтиб, ҳаво очилнб кетганда Елисейнинг дўконн олдига Пера ота, ўқитувчи жаноб Драголюб, дўкондор Елисей, новвой Станко, қаҳвахона эгаси Янач ва умрида сочини тарамаганлигидан бир қарашдаёқ ўрмондан чиқиб келганлигини пайқаб олиш қийин бўлмаган ўрмон қоровули Иосиф ва Пера отанинг эндиги таъбири билан айтганда бошқа «гражданлар» туришарди.

Маълумки, «гражданлар» дунёдаги ҳар қанақа «гражданлар» каби нималар тўғрисида гапиришмайди, дейсиз. Пера ота инчунин, кеча кечки овқатда қандай ширин балиқ эртисганини айтиб, шу аснода:

— Бу балиқ эмас, мен сизга айтсам, ҳолванинг ўзгинаси,— деб уч марта хитоб қилди.

Ўқитувчи жаноб Драголюб чиройли хивичлардан ажойиб стул ясагани ва уни қизил, оқ ва кўк рангларга бўяганини ҳикоя қилди.



# ЗЎРАКИ ҲОМИЙ

Дўкондор Елисей бўлса томдан тараша тушгандай ундан: «Оғайни, сен черков учун чиройли қандил ясаб бера олармидинг?»— деб сўраб қолди. Ўрмон қоровули Иосиф кула-кула ёрилаёзди ва Елисейнинг елкасига қоқиб: «Аммо-лекин, ошнам, худди ҳўкизнинг ўзисан-а!»— деди. Шунда ҳамма қандиллар тўғрисида гапириша бошлашди. Ўрмон қоровули гўё қаердадир Россияда «айвончага ўхшаган», катталиги «кемадай» келадиган улкан қандил борлигини, ибодат пайтида ўзи ёқилиб, ибодат тугагач, ўзи ўчиши, қандилнинг ичида сўфи ўтирадиган уйчаси ҳам бўлишини айтиб берди.

Шундай қилиб, улар бирмунча вақтгача қандиллар ва бошқа нарсалар устида гаплашишди, кейин гап қандайдир ўз-ўзидан подачига бориб тақалди. Бу гап ҳам бошлангишида яхши бошланган эди. Аммо Елисей дўкондор, жаноб Драголюбдан: «Жаноби муаллим, сиз нима деб ўйлайсиз, бу йил кимни подачи қилиб олсак экан?»— деб сўради ва шу аснода Пера отага қараб, кўзини муғамбирона қисиб қўйди.

— Менимча,— деб жавоб берди жаноб Драголюб,— модомики, Иона шунча йилдан бери подачи бўлиб келар экан, бундан кейин ҳам бўлаверсин. Молларга яхши қарайди...

Станко новвой Елисейнинг камзули этагидан тортиб қўйди, Пера ота эса ҳассасини ерга урди.

— Йў-ўқ энди, жаноб муаллим, сизнинг айтганингизча бўлмайди!

— Нега?— ҳайратланди муаллим.

— Шунинг учунки,— деди Елисей кўкрагини кериб,— халққа бекорга гулу соляпсан! Биз сенинг нимани хоҳлаганингу нимани мўлжаллаётганингни биламиз, биз ҳам ахир, мудраб юрганимиз йўқ!

— Сизларга нима бўлди, муҳтарам зотлар, бу гапни қаердан олдингиз...— ўзини оқлашга тушди муаллим.

— Муғамбирлик қилмай қўя қол. Бу — ҳаммаси сенинг қўйган тузоқларинг, лекин халқ нима қилишини ўзи

билади, халқ йўл қўймайди. Мана, эртадан кейин авлиё Дмитрий кунн, ўшанда кўрамиз ҳақиқат кимнинг томонида эканлигини!— деб қичқирди булкафуруш Станко ва кўкрагига уриб қўйди. -

Шунда бошланди тўполон! Елисей дўконнинг олдида ётган ёғоч қутининг устига чиқишга уринарди, муаллим қўлини кўтариб: «Келинлар, бафуржа аниқлаб олайлик!»— деб бақирарди. Пера ота ҳассасини баланд кўтариб ҳар томонга айлантирарди, булкафуруш Станко бир жойда сакраганича, зўр бериб ўз кўкрагига муштларди, ўрмон қоровули Иосиф пахмоқ бошини чангаллаб олиб, ҳадеб силкитарди, чор атрофга тўпланган халойиқ эса бу тўполоннинг нима билан тугашини кутиб турарди.

Ҳамма нарса тинчгина тугади, шунга қарамасдан бир нарса равшанлашди: Майдан-пекда икки партия пайдо бўлди. Улардан бирининг тепасида Пера ота билан Елисей, иккинчисида эса муаллим Драголюб турарди. Ўзининг қандай қилиб партиянинг бошида туриб қолганини сира тушуниб ололмас, аммо иш жиддий тус олгани учун бош тортишга энди кеч эди. Энг муҳим шундаки, маълум бўлишича, унинг партияси «полицияга қарши» ёки аниқроқ қилиб айтганда, «ҳукуматга қарши» чиқаётган эди.

Майдан-пек авлиё Дмитрий байрамининг арафасида қандай бўлганлигини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Эҳтимол, менга ҳеч ким ишонмас, лекин шу кунн Елисей баққол ўз дўконини беркитди, Пера ота эса янги тугилган чақалоқни чўқинтиришдан бош тортди, ҳатто муаллим ҳам елкасини қисиб, болаларга уйга жавоб бериб юборди, улар Майдан-пек бўйлаб сочилиб кетишди, югуришган, бақиршган, худое ўзинг кечир, гўё бутун Майдан-пек ақлдан озганга ўхшарди.

Ниҳоят, авлиё Дмитрий кунн ҳам етиб келди. Бутун Майдан-пек — барча халқлар, барча диндагилар майдонга йиғилишди: ҳамма аллақандай безовта, тўл-тўп бўлиб туришиб олиб, бир-бирлари билан нпмаларнидир

пичирлашишарди. Елисей биринчи бўлиб овозини баланд кўтарди:

— Сғайнилар, аввало биз раис сайлаб олишимиз керак, негаки, бутун дунёда шундай қилинади.

— Раис!!! Раис сайлансин!— деб бақирishi чор атрофдан. Яна ғала-ғовур бошланиб кетди. Бировлар: «Пера отани!»— деб бақирishiса, бошқалари: «Ўрмон қоровули Иосифни!»— учинчи бирлари: «Муаллим Драголюбни!»— деб қичқиришарди. Тўполон бир оз босилгандан кейин олдинга ўғли семинарияда ўқийдиган мўйсафид Еврем чиқди:

— Яхшилар, нималар деяпсизлар? Ахир, биз бирон марта раис сайлаганмизми? Бу ерга биз нима учун йиғилдик? Молимизни боқадиган подачини сайлаш учун. Шуям гап бўлдию! Нима, сизлар илгари бу ишнинг қанақа қилинишини унутиб қўйдингларми? Бир одам биттасини айтади, бошқа одам — бошқасини, бир оз ўйлашиб кўрамиз, тортишамиз, кимни хоҳласак шунини сайлаймиз, вассалом... Одамлар, сизларга нима бўлди ўзи, тушунсам ўлай агар. Ана, Иона турибди, уни хоҳламасаларинг, ана Живко, кимдир Живкони хоҳлармиш дейишяпти — майли, барибир эмасми!

— Ионани хоҳламаймиз!

— Тагин қанақа Живко?

— Йўқолсин Иона!

— Тагин қанақа Живко? Хоҳламаймиз Живконгни!

Оломон жунбишга келди, қичқириқлар кўтарилди. Ўрмон қоровули Иосиф бармоқларини сочиға тикқанича бошини силкитиб: «Одамлар, ахир биз раис сайлаяпмиз, раис! Нималарни тортишаяпсизлар?»— деб бўкирди.

— Пера ота бўлсин!

— Ўрмончи Иосиф!

— Муаллим Драголюбни сайлаймиз!

Яна ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб, ҳеч нарсани тушуниб бўлмай қолди.

Ниҳоят, ўрмон қоровули Иосиф халойиқнинг оралини

ёриб ўтиб, ҳаммага кўринадиган жойда туриб олди-да: «Одамлар, мен раис бўлсаман!»— деб бақирди. Бу сўзлар аввалгидан баттар бақирикларни кўзғатди, зероки, ҳеч ким ўрмон қоровули Иосифнинг қайси партияга мансублигини билмасди. У эса ўзини раис деб тан олмайдиган одамнинг устига ҳар бир дақиқада ҳамла қилишга тайёр бўлиб, гердайнб турарди. Ниҳоят Иосиф қўлини кўтариб:

— Мажлис очик! Кимни подачи қилиб сайлаймиз?— дедди.

— Шошманглар,— деб бақирди Елисей,— олдин аниқлаб олишимиз керак...

Пера ота сўз сўради.

— Бу ерда ҳадеб аниқлайдиган нарса йўқ...— деди раис.

— Бу ерда фитначилар бор!— деб бақирди оломон ичидан қаҳвахона хўжайини Янач.

— Бўлса нима қипти?— унинг сўзини кесди раис.— Ҳар ким ўз айтганига бизни кўндириши мумкин, шунинг учун ҳам мажлис-да. Келинглар, яхшиси овозга кўямиз.

Пера ота иккала қўлини ҳам кўтариб сўз сўрарди.

— Сенга сўз берилмайди!— деди қатъийлик билан раис.— Мен мажлисни бошқараётган эканман, нима қилишимни биламан.

Оломон ичидан кимдир мушук бўлиб миёвлай бошлади, ўрмон қоровулининг жаҳли чиқди.

— Буниси эса ҳаддидан ошиш, ҳей, менга қара, миёвлагинг келса сўз сўрагин-да, чиқиб хоҳлаганингча миёвлайвер, бўлмаса...— ўдағайлади ўрмон қоровули.

Пера ота иккала қўлини кўтарганича ҳамон сўз сўрарди, Елисей эса нуқул: «Нега тақсирни гапиргани кўйишмаяпти? Тақсирга сўз беринглар!»— деб бақирарди.

Иосиф қаддини ростлади, худди кўнғироқ чалмоқчи бўлгандай қўлини силкиди ва: «Жим! Тақсир гапирарди!»— деб қичқирди.

Пера ота оёқ учида турди, қўли билан соқолини си-  
лаб, йўталиб олди ва Елисейга кўз қисиб қўйди-да, сўз  
бошлади:

— Гражданлар, ҳаммамизнинг ҳам сигиримиз бор.  
Кимники битта, яна кимники иккита, баъзи бировларни-  
ки учта. Масалан, менга худо учта сигир берган. Биз  
ҳар йили подачи сайлашимиз маълум нарса, аммо албат-  
та айтиш керакки, биз ҳаммавақт ҳам ҳозиргидақа сай-  
лаганимиз йўқ. Қаҳвахонада ёинки бошқа бирор жойда  
шунчаки йиғилардик. Яна кимни сайлардик денг? Нуқул  
Ионани, худди биз у билан никоҳлаб қўйилгандек. Ваҳо-  
ланки, бизнинг мамлакатимиз ва давлатимизнинг би-  
рорта граждани бу Иона ўзи қанақа одам эканлигини  
ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришни хоҳламасди. Бемалол  
айтиш мумкинки, Иона бутунлай нолойиқ одам. Мана,  
бир неча йил ўтдию нима бўлди денг — меннинг сигирим-  
нинг шохи синди, Трипканинг бузоғи йўқолди. Хўп, май-  
ли, оғайнилар, шох — бу майда нарса, бузоқ эса, тўғри-  
си, анча йирикроқ нарса, лекин, майли, қўяверинглар.  
Эҳтимол ўзи йўқолгандир, ахир Иона уни атайлаб йўқот-  
магандир-ку. Лекин, оғайнилар, мен сизлардан астойдил  
сўраяпман: чин юракдан айтинглар-чи, сигирларингиз  
қанча сут беряпти? Тўрт ока<sup>1</sup> беряпти, лекин саккиз ока  
ҳам бериши мумкин эди. Тўғри гапиряпманми? Нега ин-  
дамайсизлар?

— Меники ўн бир ока беради!— деб қичқирди оло-  
мон ичидан Еврем.

— Энди сеникининг зоти шунақа. Унинг йўриги бў-  
лак. Аммо мен, масалан, Елисей, сендан сўрайман: си-  
гиринг қанча сут беради?

— Беш ока...

— Ана айтмовдимми, ҳолбуки, ўн икки ока бериши  
мумкин эди. Мен бу сигирни биламан. Уни Елисей сотиб  
олганда...

---

<sup>1</sup> О к а — қадимий оғирлик ўлчови, 1280 граммга тенг.

— Бўладиган гапни гапириш керак. Сен, тақсир, бизга сигирлар тўғрисида гап сотма,— унинг сўзини жиддийлик билан бўлди раис.— Сигирлардан бошладингу қўйиб берса, қаймоққа, пишлоққа ва шунга ўхшаган нарсаларга ўтиб кетадиганга ўхшайсан. Бўладиган гапни гапир!

— Майли, гапираверсин!

— Менга сўз беринг!— деб қичқирди муаллим Драголюб.

— Тўхтанглар, мен сўзимни тамом қилиб олай ахир,— жаҳли чиқди тақсирнинг,— гапимни бўлманглар! Мен асосий гапни айтганимча йўқ ҳали...

— Сен подачи тўғрисида гапир, нимага Елисейнинг сиғири тўғрисида гап сотасан!

— Мана, гапиряпман-ку,— бўш келмади Пера ота,— демак, у молларга яхши қарамайди. Инчунин, менинг фикримча, у яна сайлашга арзимайди, бунинг устига, орамизда Живкодай ажойиб одам бор!

— Хоҳламаймиз! Хоҳлаймиз! Хоҳламаймиз! Тўғри! Нотўғри!— ҳар томондан қичқириқлар ёнларди. Битталари у деб бақиршса, бошқалари бу деб қичқиришарди, ғала-говурнинг чеки кўринмасди.

— Тақсир сўзини тамом қилсин,— чиққирарди Елисей.— Халақит берманглар! У ҳали сизларнинг шундай адабларингизни берсинки! Жаноб раис (Иосиф шу аснода қўлларини чўнтагига тиқиб, қаддини ростлади), мен сўрайман, мен талаб қиламан, тақсирга гапиргани қўйишин!

— Ахир, жин урсин, ҳадеб битта тақсирнинг ўзи гапираверадими?— тутатди Иосиф.— Бошқаларда ҳам каллаю тил бор-ку. Шунинг учун ҳам мажлис-да. Ҳам-манинг гапиришга ҳақи бор.

— Тўғри! Нотўғри!

— Менда тақсирнинг гапига битта қўшимча бор!— деб қичқирди қаҳвахона эгаси Янач.

— Марҳамат! Марҳамат!— деди Пера ота ҳозиржавоблик қилиб.

— Жим, одамлар!— бўқирди раис, унинг бошида сочи тикка бўлиб кетган эди.

— Қўшмчам шуки,— деб ўз сўзида давом этди Янач,— Иона менинг молимни таёғи билан урган, демак, у бошқа ҳар қанақа молни ҳам калтаклайди.

— Тўғри!— деган овозлар эшитилди тўрт тарафдан.

— Сўз муаллимга берилади!— деб эълон қилди раис.

— Шундай қилиб, жаноблар...— сўз бошлади муаллим.

— Керак эмас! Эшитишни хоҳламаймиз! У нима тўғрисида гапиришини яхши биламиз!

— Шошманглар, мен ҳам сизларнинг нима тўғрисида гапиришингизни билардим-ку,— бақирди муаллим.— Мен қисқа гапираман. Қим сайланиши мен учун мутлақо барибир ва менимча, арзимаган нарса устида кўп тортишиб ўтириш аҳмоқликдир. Живко бўладими ёки Иона, Иона бўладими ёки Живко — барибир эмасми? Лекин менинг назаримда, бу ерда кимдир бизни уриштириб қўйиш учун атайлаб оловга мой пуркаб, гижгиж-лаяпти: Пера ота кейинги пайтларда ҳув, анув уйда тез-тез ўтирадиган бўлиб қолди,— муаллим бармоғи билан полиция бошлиғининг уйини кўрсатди.

Марҳаматли тангрим, шунақанги ғала-ғовур кўтарилдики! Одамларга нима бўлди ўзи, худоё ўзинг кечир!

Пера ота отасию онаси, барча азиз-авлиёлар ҳаққи-га қасам ичар, Елисей чинқирар, муаллим худди бураб қўйилган қўғирчоқдек бир жойда гир айланар, ўрмон қоровули Иосиф эса, ҳеч нарса демасдан сочларини маҳкам чангаллаб олиб, ҳадеб бошини силкитар ва худоё ўзинг сақла, кимга ҳамла қилсам экан, деб пайт пойларди.

Аммо Иосифнинг ғайрати туфайлидан (уни ўзини-ўзи раис қилиб сайлаганлиги учун худо кечирсин) тар-

тиб аранг тикланди. Тўғри, тартибни батамом тикланди, деб бўлмайди, шунчаки Иосифнинг овози умумий шовқин-суронни ёриб ўтди, холос.

— Оғайнилар, энди бирорта шайтон ҳам бир оғиз сўз айтмайди!— У бу гапларни шундай таҳдид оҳангида айтдики, қон тўлган кўзларини шунақа олайтириб, мушталарини шунақа жон-жаҳди билан силкитдики, ҳамманинг юрагида бир нима «шув» этиб кетиб, оломон жим бўлиб қолди.

Шунда у қаддини голибона тиклаб, икки бармоғини камзулининг иккинчи ва учинчи тугмалари орасига тикди-да, чап қўлини кўтариб, анча хотиржамлигу ўта тантанали кўйда деди:

— Оғайнилар, лекин мен сизга айтсам, худди ҳайвоннинг ўзгинасисизлар! (Қизиқ, бундай тантанали дебочага ҳеч ким эътироз билдирмади.) Бошим билан қасам ичаманки, энди ҳеч ким бирор оғиз гапирмайди!— У жон-жаҳди билан кўкрагига урди.— Мен фақат овоз беришга рухсат этаман; кимки Ионани ёқласа, менинг ўнг томонимга ўтсин, кимки Живко тарафида бўлса — чап томонимга ўтсин. Тушунарлими? Қани, тезроқ, тезроқ ўтларинг, нега қараб турибсанлар?

Яна ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди; оломон жунбишга келди, одамлар бир-бирларига маҳкам ёпишиб, биров-бировини ўз томонига тортишга уринарди. Қандайдир италиялик тақсирга: «Мен у ёқни хоҳламайман! Нега мени судрайсан?»— деб қичқирарди, бошқаси бўлса: «Оғайнилар, бу ёққа, бу ёққа! Гражданларнинг гули бу ёқда!»—деб бўкирарди.

Биров у деб қичқирар, биров — бу, оломон чап томонда ҳам кўпайиб борар, ўнг томонда ҳам тобора ортарди, аммо Елисей ва тақсирнинг олдида кўпроқ одам тўпланганлиги кўриниб турарди. Ниҳоят, улар батамом бўлинишди: раис Иосиф бир кўзини қисиб, олдин бир томонни, сўнг иккинчи томонни назари билан чамалаб чиқди-да, тантанали равишда эълон қилди:

— Кўпчилик бу томонда. Демак, оғайнилар, Живко сайланди.

Аммо бирдан озчилик (Ионага овоз берганлар) ичидан кимдир ўртага чиқиб, жон-жаҳди билан бақирди:

— Қани кўпчилик? Қанақа кўпчилик? У ерда турганларнинг кимлигини худо билади! Уларнинг бор-йўғи биттадан сигири бор. Буёқдагиларга қаранглар: ҳар бирида беш-олтитадан сигир бор. Биз кўпроқ манфаатдормиз! Бундай бўлишига йўл қўймаймиз! Келинлар, сигирларнинг сонига қараб овоз берамиз, кимнинг нечта сигири бўлса, шунча овозга эга бўлади.

— Тўғри!— деб қичқиришди тўпдагилар.— Қанча сигири бўлса, шунча овозга эга бўлсин!

— Йўқ, сизлар айтганча бўлмайди!— чинқириб юборди Елисей.— Ҳамма жойда шундай овоз берилади. Нима учун биз тартибни бузар эканмиз?

— Йўл қўймаймиз! Бу алдамчилик!

— Ялангоёқлару тагин овоз беришяпти! Бунақаси кетмайди!

— Биз ҳали кўрсатамиз ким эканлигимизни.

— Ана, анувнинг битта сигири бору овоз берганига ўлайликми...

— Эчкиси борлар нимага овоз беришяпти? Улар аралашишмасин!

— Нима дейсизлар, 'гражданлар, балки ростданам шундай овоз берганимиз маъқулдир?..

Оломон гувиллаб, жўш ура бошлади... Томонлар яна аралашиб кетди. (Марҳаматли тангрим, наҳотки буларнинг ҳаммаси сенинг хоҳишинг билан бўляпти?) Майдан-пекда илгари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа — жуда қаттиқ ур калтак-сур калтак бошланди. Қим мажлис раиси-ю, ким шунчаки фуқаро, ким гражданину ким гражданин эмас — ажратиб бўлмас эди. Бир-бирларини уришар, йиқилишар, бақирқшар, оҳ-воҳ қилишар, ўринларидан туришар ва яна бир-бирларини уришар эди;

Пера отанинг ҳассаси оломон устида баландга кўтарилиб яна тушар, яна кўтарилиб, яна тушарди; ўрмон қоровули Иосифнинг мушти ҳам худди шундай бўларди — дам кўтарилиб, дам тушар, яна кўтарилиб, яна тушарди... Бунинг устига, бу ерда қаердандир аёллар ҳам пайдо бўлишди. Улар чинқиришар, юз-бет юлишар, тирноқлари билан ҳурматли гражданларнинг кўзларини ўйиб олмоқчи бўлишарди. Иккала номзод эса, эҳтимолки, ўз гражданлик бурчларини ўзларича тушуниб, катта таёқлар билан қуролланиб олишганча, кимнинг қайси партияга мансублигига заррача эътибор бермасдан ҳаммани бир бошдан савалашарди. Мана, бу улуг мажлисда қаердандир керосиндан бўшаган қуруқ идиш пайдо бўлиб қолди; дастлаб у ўрмон қоровулининг бошига тарақлаб тушди, кейин бошлардан-бошларга сакраб ўта бошлади. Ҳаммаёғи тирналган, иштони йиртилган муаллим Драголюб бир италияликнинг елкасига тирмашиб чиқди ва ҳалойиқни тинчлантирмоқчи бўлди. Лекин у икки оғиз гапирмаган эди ҳамки, кимдир уни итариб юборди ва муаллим оломоннинг ўртасига калласи билан шўнғиб кетди. Фақат унинг яланғоч оёғи худди жон талвасасига тушган ғозникига. Ўхшаб, оломон устида бир печа вақт ликонглаб турди, холос. Бунинг устига, қандай бўлганини худо билади, тўполон пайтида кимнингдир этикларини ечиб олишибди, улар ҳам худди керосиндан бўшаган идишдек каллалар устидан учиб юрарди. Қаёққа қараманг, бир-бирини тирнашганини, бир-бирига мушт туширишганини, туртишганини, чинқиришганини кўриш мумкин эдики, буни қандай таъсирлаш кераклигини худо билади. Агарда жаноби полиция бошлиғи ўнтача жандарм билан келиб қолмаганда, ким билсин, бу хушчақчақ халқнинг ҳоли яна нималар кечарди ўзи.

— Тарқалларинг! Мажлис тўхтатилади!— деб бўкиришди жандармлар ва оломонга қараб ташланишди, жаноб бошлиқ эса ҳеч нарса бўлмагандек таёғига суяниб,

ўнг оёғини олдинга чўзганича, чап мўйловини чайнаб, улуғ мажлисни кўздан кечирарди.

Энди, эҳтирослар бир оз босилгач, муҳтарам граждандарининг афт-ангорларини кўздан кечириш мушкул эмасди. Мабодо жаноб бошлиқнинг юраги жиндаккина юмшоқроқ бўлганида эди, бу ҳурматли зотларнинг эзилган, тирналган афт-башараларини кўриб, ҳўнграб йиғлаб юбориши турган гап эди, лекин жаноб бошлиқ яхши полициячига юмшоқ кўнгилли бўлиш ярашмаслигини биларди ва шунинг учун ҳам у фуражкасини кўзига бостирди-да, қўлларини чўнтагига, ҳассасини эса қўлтиғига тиқиб, товонида шартта айланганича, катта-катта қадамлар билан идорасига қараб кетди.

— Жаноб министрға юборадиган маълумотимни нимадан босласам экан,— у қадамини санаб босиб бораётиб, ўзича пичирлаганча айтган бирдан-бир гап шундан иборат эди.

Кикандон! Кикандон! Буюк француз ёзувчиси Жюль Верннинг фантазияси билан яратилган гаройиб шаҳар. У ерда қувурлар бўйлаб машъум кислород югуриб кетмагунга қадар ҳамма шунчалик бахтиёр, ҳамма хурсанд эди. Бу ерда келин қайнотани, кўёз эса қайнонани иззат қилар, халқ ҳукмдорларни ҳурматлар, оқсоқол йигирма йиллаб қайтадан сайланмас, у ҳам ўз тарафидан қайта сайланишга мажбур қиладиган ҳеч қандай ҳунар кўрсатмас эди. Бу ерда ўқ дорисининг ҳидини билишмас ва фанга талпинишмасди. Умуман олганда, бу ерда ижтимоий ҳаётнинг тебрангичи бир хилда қимирлар ва эшитилар-эшитилмас: «Тик-так, тик-так... тик-так!» — деб овоз чиқарарди.

О, менинг Кикандоним! Гарчи сенинг ҳақингда бошлангич мактаблар учун барча хрестоматияларда, ўрта

---

<sup>1</sup> Кикандон — Жюль Верннинг «Доктор Окс» повестидаги шаҳар.

мактабларнинг барча география дарсликларида ва ички ишлар министрлигининг барча фармойишларида эслаб ўтилса-да, сенинг борлигингни кўпчилик хаёлига ҳам келтирмас эди, мана энди билишади, чунки сенинг осмонингга кислород ёриб кирди ва шу дамгача секингина: «Тик-так, тик-так... тик-так...»— деб чиқиллаб келган ижтимоий ҳаёт тебрангичинг тезроқ қимирлай бошлади.

Жаноб Пайя кўп йиллардирки, уезд бошлиғи идора-  
сида иш ўрганувчи ходим<sup>1</sup> бўлиб хизмат қилади. У ти-  
ришқоқ, батартиб, уезд бошлиғининг ўз оғзи билан айт-  
ганига қараганда, ҳурматга лойиқ ходим. Мана йигирма  
йилдирки, у «иш ўрганувчининг тўлиқ моянаси»<sup>2</sup> билан  
қаноат қилиб, бошлиқларнинг уни идоранинг ҳақиқий  
ҳисобига ўтказиб қўямиз, деган ваъдаларини эшитиб,  
ўзига тасалли бериб келади ва пшлайверади, тўрт киши  
учун ишлайди, беш киши учун ишлайди...

У ўз мансабига мувофиқ одобли, итоатгўй, бошлиқ-  
ни энг олий зот деб билади ва уни кўрганда худди қа-  
чонлардир ўқитувчи олдида қалтирагандай, вужудини  
қалтироқ босади. Жаноб Пайянинг саводи унчалик  
эмас, шаҳодатномасида унинг бор-йўғи бошланғич мак-  
табнинг тўрт синфини тамомлаганлиги қайд этилган, ле-  
кин у эсида кўп нарсани сақлай олиши боисидан қадр-  
қиммати хийла дуруст ходим саналади. Унинг учун қа-  
рорлар ҳам, қайд этиладиган дафтарларнинг ҳам ҳожа-  
ти йўқ, негаки, у ҳар битта қарорни, улардаги ҳар битта

---

<sup>1</sup> Иш ўрганувчи ходим — қирол Сербияси маъмурий  
идоралардаги кичик мансаб. Бундай ходим ишга синов муддати би-  
лан қабул қилинар, бу муддат ўилаб йилларга чўзилиши мумкин  
эди.

<sup>2</sup> «Иш ўрганувчининг тўлиқ моянаси» — иш ўрга-  
нувчи арзимас миқдорда маош олар, идора хизматчилари ҳисобига  
жирмас эди.

рақамни ёддан билади. Фақат бугина эмас, у юқоридан келган ҳар қандай дастуриламални ҳам, унинг нечанчи сон эканлигини ҳам ва бу ҳужжат босилиб чиққан «Хизмат газетаси»<sup>1</sup>нинг сонини ҳам ёддан биларди. На уезд бошлиғи ва на амалдорлар ҳеч қачон қоғоз ёки газетга қараб ўтирмасдилар; қачонки, бирон ҳужжат зарур бўлиб қолса, улар жаноб Пайяни чақиришар ва у керакли ҳужжатни ўша заҳотиёқ бурро-бурро қилиб айтиб берарди. Жаноб Пайя ҳамма учун тирик маълумотнома бўлиб хизмат қиларди, шунинг учун ҳам унинг ўз жойида бемалол ўтирган куни камдан-кам бўларди, қачон қараманг, у. хонадан-бу хонага бўзчининг мокисидай қатнаб, рақамгўйлик қилиб юргани юрган эди.

Жаноб Пайя уезд бошлиғининг гапи билан айтганда, шахсий ҳаётда ҳам ҳурматга лойиқ одам, у майхонага қадам босмайди, идорада иши тамом бўлгач, шаҳар ташқарисида бир оз сайр қилади-ю, кейин уйига қайтади. У Милева хоним деган бир бева аёлникида истиқомат қиларди, бу аёлнинг уйида бешта хона бўлиб, иккитасини ижарага қўйди. Хоналардан бирида солиқ йиғувчи жаноб Сима Станоевич турар, у деярли уйда бўлмасди, чоғроқ иккинчи хонада эса жаноб Пайя турар ва у аксинча ҳар доим уйда эди.

Жаноб Пайя мана, беш йилдан бери шу беваникида тўланган ҳақ бараварига тугал таъминланиб яшайди ва ўзини худди ўз уйидагидек ҳис этади. У эрталабдан бозорга бориб жамики керакли нарсаларни олиб келиб қўяди. Ўтин-чўп ва рўзгорга оид бошқа ишлар ҳам унинг зиммасида бўлиб, бева у ҳақда кўпинча:

— Марҳум эримнинг йўқлигини билдирмаяпти,— деб қўярди.

Лекин бу гап унчалик тўғри эмас: жаноб Пайя ҳам-

---

<sup>1</sup> «Хизмат газетаси» — янги қабул қилинадиган қонунлар, қарорлар, дастуриламаллар ва эски қонунларга киритиладиган ўзгаришлар босиб чиқариладиган ҳукумат органи.

ма ишда ҳам унинг эри ўрнини босолгани йўқ. У фақат бозор-ўчар қилар, рўзғор ишларига қарашар ва ҳар куни кечқурун Милева хоним билан қарта ўйнардди.

Лекин жаноб Пайя қарта ўйини пайтида оёқларини стол остидан одоб чеғарасидан чиқиброқ узатиб ўтиришга уринмасди ёки гапни узоқдан илмоқ солиб бошлашга ҳаракат қилмасди, деб бўлмасди албатта.

— Марҳум эгингиз ҳеч тушингизга кирадими?— деб сўрарди у қартани чийлар экан гўёки бепарво оҳангда.

— Сизга нима десам экан, жаноб Пайя,— соддадил кўйда жавоб қиларди бева.— Марҳум тириклигида қандай бўлса, худди шундай тўнғизлигича қолган.

— Нега?— ҳайрон бўларди жаноб Пайя.

— Шунақа, тушга киргандан кейин бошқаларга ўхшаб мушк-анбар ҳидини сочиб, яхши гаплар билан кўнглимни кўтариш ўрнига нуқул...

— Хўш, у нима қилади?

— Нима ҳам қиларди бу тўнғиз, қарангки, ўлгандаям уят нарсаларни унутмаган. Тушимда олдимга келволиб... айтишга ҳам уяласан киши...

— Шунақа-да,— деб қулай фурсатдан фойдаланиб гапни илиб кетади жаноб Пайя.— Ахир ўзингиз... ҳалигидай... Модомики, ўзингиз тирик одамлардан қочиб юрсангиз, шунақа бўлади-да...

— Э-э, жаноб Пайя, гапни қаёққа бураётганлигингизни тушуниб турибман!

— Мен гапни ҳеч қаёққа бураётганим йўқ,— ўзини оқлайди жаноб Пайя.— Сирасини айтдим-қўйдим-да... Мен ахир бу ерда бегонамасман-ку... ахир ўзингиз ҳам...

— Менга бу тўғрида оғиз очманг,— унинг гапини бўлади Милева хоним.— Яхши билиб олинг, биринчидан, мен тўғри аёлман, иккинчидан, мен ижарачиларим билан шунақа ишлар қилиб кўрганман, улар бўлса шундан кейин ижара ҳақини тўлашмай қўйишади, холос.

Табиийки, бундай қатъий гапдан кейин жаноб Пайянинг дами кесилиб, у учун бу мавзунини келгуси сафарга-

ча тўхтатиш ва индамасдан қарта ўйинини давом этти-  
раверишдан бошқа илож қолмайди.

Кейинги сафар жаноб Пайя гапни бошқачароқ бош-  
лайди:

— Милева хоним, ахир қартани ҳадеб бекорга ўй-  
найверишнинг нима қизиғи бор? Бунақада ютгандан ни-  
ма фойда?

— Майли, ундай бўлса, келинг, бир тангадан ўйнай-  
миз.

— Йўқ, бунинг ҳам қизиғи йўқ. Мен ҳар куни ютқи-  
заман, бу ахир, бир ойда ўттиз танга дегани-я.

— Бўлмаса нимага ўйнаймиз?

— Анув... ҳалигига...— дейди жаноб Пайя ҳовли-  
қиб.— Агарда мен ютсам...

— Жаноб Пайя, сиз яна анувга шама қиялпсиз. Би-  
либ қўйинг, мен номусини қартага ютқазиб ўтирадиган  
ҳалигидақалардан эмасман.

Хулласи, жаноб Пайянинг барча ҳаракатлари зое ке-  
тар, аммо бу ҳол бу уйдаги ҳаётнинг тинч, бир маромда  
кечишига сираям ҳалақит бермасди.

Бу турмушнинг тинчлигини бутунлай бошқа бир нар-  
са бузди. Қўшни хонада истиқомат қиладиган солиқ  
йиғувчи жаноб Сима хизмати юзасидан бошқа шаҳарга  
кўчирилди, у турган хонани эса шу шаҳардаги тўрт синф-  
ли хусусий гимназиянинг ёш муаллими ижарага олди.

Бу ёш йигит университетни эндигина тамомлаб ёки  
эҳтимол, ҳатто тамомламасдан бу шаҳарга келган ва  
конкурс бўйича гимназиядаги табиёт фанлари ўқитув-  
чиси ўрнини эгаллаган эди.

У ўзига тегишли хонага бир уюм китоб билан кўчиб  
келди ва уларга муккасидан тушди. Дастлабки кунлар  
қовоқхонада овқатланиб юрди, кейин эса Милева хоним  
билан келишиб, уйда овқатланадиган бўлди, энди улар  
дастурхон атрофида учовлон ўтиришарди. Янги меҳ-  
монга «профессор», деб ном қўйиб олишди. У дастурхон  
тепасида аксар индамасдан ўтирар, кундузги-ю кечки ов-

қат пайтида ҳам қўлидан китоб тушмас эди. Жаноб Пайя билан Милева хоним уни деб ўзларининг одатдаги қарта ўйинларини ҳам тўхтатишди. Шу боисдан ҳам жаноб Пайя янги кўчиб келган меҳмонни ичидан ёмон кўра бошлади.

Аммо дастлабига, улар бир-бирларини яқиндан билиб олгунларича шундай бўлди, холос. Бир куни кечга яқин жаноб Пайя ва профессор шаҳар четига айлангани боришди ва шундан кейин профессор дастурхон устида унча-мунча гапирадиган бўлди.

Мансаб поғонасига чиқишни эндигина бошлаган профессор билан роппа-роса йигирма йил хизмат қилиб қўйган иш ўрганувчи ўртасида ҳақиқий дўстлик бошланди. Қарта ўйини ҳам эсдан чиқиб кетди, ҳар куни кечки оқатдан кейин нкковлари профессорнинг хонасига киришар ва у ерда профессор дарс берадиган фанга тўппадан-тўғри тааллуқли бўлган мавзулар устида қизиқарли суҳбатга тушиб кетишарди.

Дастлаб профессорга жаноб Пайяни илм-маърифатдан баҳраманд қилиш худди завқ бераётгандай бўлиб туюлди, аммо кейинчалик маълум бўлдики, у эртасига ўз ўқувчиларига ўқиши лозим бўлган лекцияларини жаноб Пайяда синаб, машқ қилиб кўрар экан. Алаҳусус, бечора жаноб Пайя бир неча ой мобайнида тамоми илми ҳайвонот, илми маъдан ва худо билсин, яна алламабалоларни ипидан-игнасигача, бошдан-оёқ эшитишга мажбур бўлди.

Буларнинг ҳаммаси жаноб Пайяга жуда бошқача таъсир қилди. У хийла ўзгариб қолди, таниш-билишлари орасида олдингидан ўзгачароқ қиёфага кира бошлади. Идорадаги ҳамкасблари даврасида энди у аввалгидек жўн нарсалар устида суҳбатлашмасди, аксинча орасига нуқул бирорта илмий гапни қистиришининг пайдидан бўларди. Мабодо, иш ўрганувчилардан бирортаси масалан:

— Қаранглар, осмонни булут тутиб кетди!— деса,

**жаңоф Пайя шу заҳотиёқ сўз оларди ва жиддий ваъз айтарди:**

— Агарда булутлар қуруқ бўлса ва уларнинг таркибида электр қуввати мавжуд бўлса, у ҳолда булутлар ҳаракатга келганда икки қутб бир-бирига тегиб кетади ҳамда ўткир ёруғлик пайдо бўлади, биз уни чақмоқ деб атаймиз, агарда булутлар нам бўлса...

Иш ўрганувчилардан бири шунчаки тушликка қовурма еганлигини ва бу қовурма усти қоғоз билан ёпилган қозонда пиширилганлигини айтганида, жаноб Пайя агарда қовурма «Папинов қозони»да пиширилганда бундан ҳам яхшироқ бўлишини айтиб, қўлига қоғоз-қалам оларди-да, «Папинов қозони»нинг қандай бўлишини чизиб, батафсил тушунтириб берарди.

— Сенга нима бўлди ўзи, жаноб Пайя, мабодо ошиқмошиқ бўлиб қолганинг йўқми?— деб сўрарди ундан котиб.

— Йўқ!— деб жавоб берарди у қатъий.

— У ҳолда сенга нима бўлди? Бирорта қоғоз, бирорта ҳужжат, бирорта дастуриламал ҳам эсингда қолма-япти...

Жаноб Пайя бу ҳолнинг сабабини тушунтириб бериш учун котиб олдига ҳажм тўғрисидаги назарияни тўкиб солди, бу назарияга мувофиқ сувга ботирилган қаттиқ жисмлар ҳажми сувга туширилган қаттиқ моддага тенг келадиган миқдордаги сувни сиқиб чиқаради. Жаноб Пайя бу билан гўёки фан—қаттиқ жисму бу жисм унинг миясига ботирилганда ундан ўзига тенг миқдордаги рақамлар йиғиндисини сиқиб чиқаряпти, демоқчи бўлган эди.

Котиб, албаттаки, бу гапга хушчақчақлик билан кулиб қўя қолди ва агарда янаям каттароқ воқеа юз бермаганида эди—бу воқеанинг асорати ҳали ҳам уезд бошқармасининг архивида қолганлиги эҳтимолдан холи эмас—бу иш шу билан тугарди, вассалом.

Жаноб Пайя ҳаттоки уйқу олдидан шаҳар четида

сайр қилиб юришганларида ҳам унга машқ қилишини қўймайдиган ёш профессорнинг оғзидан, ҳар кuni кечки овқатдан сўнг эшитадиган лекциялардан ташқари, ҳар хил назарияларни ҳам тингларди ва оқибатда булар иш ўрганувчининг қалласидан қолган-қутган қоғоз ва дастуриламалларнинг барча рақамларини ҳам кун-бакун сиқиб чиқарарди. Масалан, муаллим ўз тингловчисига ер — думалоқ, ой эса сайёра деб тушунтирар, тиббиёт ҳақида, техника илми ҳақида, табиат борасида ва бошқа жуда кўп масалалар хусусида гапириб берарди.

Ана шундай кечалардан бирида, хийла узоқ қилинган сайр вақтида профессор унга одамнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам ҳикоя қилди. У одамнинг маймунларнинг алоҳида туридан келиб чиққанлигини узоқ ва муфассал тушунтирди, бу назарияни яратган Дарвиннинг номини эслаб ўтди ва жаноб Пайя бундан шунақанги ҳайратда қолдики, мазкур сайрдан ниҳоятда довдираб, руҳи тушиб қайтди.

Шу кечаси жаноб Пайя анчагача ухлолмади. У кўрпа остида ётиб, профессор айтган нарсани — думғазасидаги ўсмай қолган дум ўрнини излаб ўзининг орқасини узоқ сийпалади. Ниҳоят ухлаб қолганда ғалати туш кўрди: гўё Милева хоним кичкинагина маймунча эмишу дарахтдан-дарахтга сакрармиш, ўзи бўлса қари, жунлари тушган эркак маймун эмиш, икки оёғининг орасидан думини осилтириб анови, дарахтда гижинглаб муқом қилаётган офатижон маймунчани қанақа қилиб қўлга туширишнинг пайида юрганмиш.

Эртасига уйғониб у аввало ўзининг одам эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ойнага қаради ва бунга қаноат ҳосил қилгач, идорага ишга кетди, аммо у ўйга чўмган ва паришонхотир эди.

Шу кuni у ҳамкасабалари билан жуда кам мулоқотда бўлди, кечқурун эса ўзи ҳали унча ишонқирамаган нарсаларни аниқлаб олиш учун яна профессорни суҳбатга тортди.

— Тузук, жаноб профессор, майли, мен кичкина бир хизматчиман, маймундан келиб чиққан бўлай, лектин...

Жаноб Пайя сўзини давом эттиришга журъат қила олмади, у катта мансабдаги амалдорлар ҳам маймундан келиб чиққанмикин, деб сўрамоқчи эди.

Профессор бор назарияни яна бошидан тушунтиришга киришди ва у ҳамма гапни шунақанги равшан, ишонтирарли тушунтирдик, энди жаноб Пайяда бунга заррача ҳам гумону шубҳа қолмади. Эртасига идорага келиб, ўз ҳамкасабалари билан атайдан бу ҳақда сўз очди, профессорнинг исботлари ҳали унинг миёсида шундайича турганлигидан у ҳар қанақанги баҳсу мунсарага тайёр эди.

— Ҳа, ҳа, дўстлар, бизнинг ҳаммамиз маймундан келиб чиққанмиз!— деб хитоб қилди у иш ўрганувчи ўртоқлари масхара қилишмоқчи бўлганларида.

— Қани айт-чи, котиб жаноб Света ҳам маймундан келиб чиққанми?— деб сўради қарор ёзувчи ходим.

— Албатта, у ҳам.

— Жаноб уезд бошлиғи-чи?— деб сўради чийилдоқ иш ўрганувчи ичиқоралик ва ғараз билан.

Жаноб Пайя индаёлмай қолди, унинг ичида уезд бошлиғини олий зот деб биладиган олдинги жаноб Пайя билан янги, тамом ўзгарган, фан билан заҳарланган жаноб Пайя бир дақиқагина курашиб турди. Аммо кейингиси ютиб чиқди ва у:

— Жаноб уезд бошлиғи ҳам,— деди қатъийлик билан.

— Бизнинг жаноб уезд бошлиғимиз маймунми?— яна гап қўзғади чийилдоқ иш ўрганувчи.

— Мен уни маймун деяётганим йўқ, у маймундан келиб чиққан, деяпман!

— Яхши,— деди ҳалиги иш ўрганувчи ичиқоралик билан гапини давом эттириб.— Демакки, у эмас, балки отаси ёки бобоси маймун бўлган экан, барибир маймун авлодидан бўлади-да! Шундайми?

Жаноб Пайя жим бўлиб қолди, чунки бирдан унинг ўзи ҳам ўз назариясидан бир оз чўчиб қолган эди. Аммо ҳалиги иш ўрганувчи ўз саволини яна бир марта такрорлагандан кейин, унинг ўз гапини маъқуллашдан бошқа иложи қолмади.

Ҳалиги иш ўрганувчи, албаттаки, бу гапларни оқизмай-томизмай котибга етказди, котиб эса уезд бошлиғига маълум қилди.

— Оббо, падар қусур-эй,— деди уезд бошлиғи бу хабарга жавобан,— айтувдим-а, кейинги пайтларда эс-ҳуши сал ҳалигидақароқ бўлиб юрибди, деб.

— Тамом ақлдан озган!— тасдиқлади уезд котиби.

Бир оздан сўнг идорага жаноб Пайя кириб келди, унинг қўрқувдан қути ўчган эди, чунки у ўзининг бутун гаплари бошлиққа бориб етганлигидан хабар топганди.

— Ҳа, бу сенмисан?— деди бошлиқ жаҳл билан шанғиллаб у остонадан ўтганда.— Сен мени бутун идора ходимлари олдида маймун деганмишсан, шу ростми?

— Ёлғон, худо ҳаққи, унақа деганим йўқ, жаноб бошлиқ!— сўз бошлади жаноб Пайя қўрқа-писа.

— Нега ёлғон бўлар экан, ахир ҳамма гапиряпти-ку?

— Мен сизнинг тўғрингизда эмас, ҳалиги... жами одам зоти тўғрисида гапиргандим...

— Бу ерда одам зоти нима қилиб юрибди, сен менинг тўғримда, менинг ота-онам тўғрисида, аждодларим тўғрисида гап сотибсан-ку, одам зоти билан нима ишим бор?

— Б-бу...— деди жаноб Пайя дудуқланиб,— бу, жамики одам зоти...

— Менга қара, муғамбирлик қилмасдан гапимга жавоб бер: сен мени маймун, дедингми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, сен мени маймундан келиб чиққан, дедингми?

— Жамики одам зоти...— деди ғўлдираб жаноб Пайя

ердан кўз узмасдан. У қўрқувдан дир-дир титрар, ўзини тамом йўқотган эди.

— Жами одам зоти деганинг нимаси? Демак, сен жаноб округ бошлигини ҳам маймундан келиб чиққан, де-моқчимисан?

Жаноб Пайя тошдек қотиб турарди.

— Демак, сен жаноб министрни ҳам маймундан келиб чиққан, деб даъво қилмоқчимисан, шундайми?

Жаноб Пайя миқ этмас, аммо унинг бутун томирлари, аъзойи бадани қалтирар эди.

— Демак, азизим, сен жаноб митрополитнинг ҳам таги зоти маймун деяпсан, шундайми?

Жаноб Пайя жим.

— Демак, сен, қимматли биродар, айтмоқчисанки..

Шу ерга келиб жаноб бошлиқнинг ўзи ҳам бошлаган гапини охирига етказишга юраги дов бермади, жаноб Пайя эса тамомланмаган бу саволдан бутун вужудига безгак туриб, қаттиқроқ қалтирай бошлади. Шундагина у илм-фанга қанчалик ботиб қолганлигини, бу фан деганлари тўғри йўлдан тинчгина аравасини тортиб юрган одамгаки шунча ғам-ташвиш келтирадиган бўлса, аслида қанчалик ёмон нарсга эканлигини англаб етди. Шу дақиқада унинг тиз чўкиб, бошлиқнинг қўлини ўпгиси, ҳамма гапларидан воз кечиб тавба қилгиси келди, лекин у бунга улгуролмади, чунки бошлиқ бирдан:

— Йўқол, йўқол бу ердан, вайсақи аҳмоқ!— деб бақариб солди ва уни итариб чиқариш учун эшикни ланг очди, кейин эса бу жанжалнинг бошдан-оёқ гувоҳи бўлиб турган котиб жаноб Светага ўгирилиб, унга жаноб Пайядан ёзма изоҳнома олишни буюрди.

Ярим соат ҳам ўтмасдан шўрпешона жаноб Пайянинг столи устида унинг шаккоклиги ва давлатдаги барча мўтабар зотларни ҳақорат қилганлигининг боисини ёзма равишда тушунтириб бериши талаб этилган қоғоз ётарди. Жаноб Пайя бу қоғозга ғамгинлик билан узоқ тикилиб қолди, тикилиб-тикилиб, жавобиши қандай бош-

лаш ва нималар дейишни ўйланиб ўтирди. Ниҳоят, у бошқа қоғоз олди-да, айтмоқчи бўлган гапларини олдин қоралаб, кейин кўчириб ёзишга жазм этди, гапни шундай деб бошлади:

«Агарда одам ўз орқасини, белдан пастроғини пай-паслаб кўрса, шу нарсани топадики...»

У ўз изоҳномасини бемаъни бошлаганини дарҳол тушунди-ю, қоғозни йиртиб ташлади ва бошқасини олиб, янгича бошлади:

«Мен фан билан машғул бўлгунимга қадарли туппа-тузук ходим ва ҳурматга лойиқ фуқаро эдим. Буни менинг бошлиқларим тасдиқ этмоқлари мумкин...»

Бироқ изоҳноманинг буниси ҳам унга аҳмоқона бўлиб туюлди. У ўзининг изоҳномаси тавба қилиш мазмунида бўлиши кераклигини ва биринчи сўзданоқ шунга ишора этиш лозимлигини сезарди. Шунинг учун ҳам навбатдаги сафар қуйидагича бошлади:

«Падар ва унинг фарзанди, муқаддас руҳ ҳаққи, омин! Мен таваллудимга кўра насроний ва эътиқодимга кўра ушбу мамлакатнинг содиқ, итоатгўй фуқаросидирманким...»

Шу жойига келганда у барибир тузукроқ гап ёзолмаслигига кўзи етди, чунки бошлиқнинг кабинетида яқингинада бўлган можародан юраги чўккандек эди. Шунинг учун ҳам у ўрнидан туриб, котиб жаноб Светанинг хонасини тақиллатди. Ичкарига киргач, у котибдан изоҳномани эртага келтириб беришга рухсат сўради.

— Нима учун эртага?— деб сўради котиб зуғум билан, зероки, у ҳам ўзини ҳақорат қилинганлар қаторида ҳисобларди, ахир жаноб Пайя маймундан келиб чиқиш ҳақидаги гапни худди ундан бошлаган эди-да.

— Мен ҳозир галатироқман, бир оз ўзимга келиб, ўйлаб кўришим керак.

— Бунда ниманиям ўйлаб ўтирардинг, укам, айтган ҳамма гапларингга тавба қилгин-да, гуноҳимдан ўтинглар, деб ялиниб-ёлвор, бўлмаса нақ кўрасан-а...

— Худди шунақа қилмоқчиман-да!

Жаноб котибнинг раҳми келиб, жаноб Пайяга изоҳномани эртасига олиб келишига рухсат берди. Жаноб Пайя қоғозни чўнтагига солди-да, уйига йўл олди.

Жаноб Пайя аслида ўзи ишлаган хонага қайтиб, ўзининг «Падар ва унинг фарзанди, муқаддас руҳ ҳақи...» деб бошланадиган изоҳномасини тугатгани яхши бўлармиди, аммо у эртасига арзи ҳол қилишга рухсат олганлигидан, уйда бу воқеани, албаттаки, профессорга айтиб берди. Муаллим дастлабига жаҳли чиқиб, тутақиб кетди, бир оз совиганидан сўнг ҳамон паст келмасдан, манманлик билан:

— Бу хатни столим устида қолдиринг, уларга ўзим жавоб ёзаман,— деди.

Жаноб Пайя қўрқиб кетди ва ундан:

— Биласизми, бу... бу... менинг хизматим шу изоҳномага боғлиқ... Йигирма йилдан бери бенуқсон ишлаб келаётгандим...— деб илтимос қила бошлади.

Профессор бўлса унга Галилей, Гус, Лютер ҳақида, умуман, фан ва инсоният тараққиёти йўлида азият чеккан кишилар ҳақида узундан-узоқ гапира бошлади. Бу жаноб Пайяга бир оз далда бўлди ва жавобни профессор ёзишига қарор қилишди.

Профессор туни билан қоғоз қоралаб чиқди, бу оддий изоҳномадан кўра кўпроқ илмий асарга ўхшаб кетарди. Унда, жумладан:

«Илмий ҳақиқатни ҳеч қандай қоғозу рақамлар билан йўқотиб бўлмайди», «Ҳақиқат абадийдир, ҳокимлик ва зўравонлик эса вақтинча, холос», «Ҳақиқат қанчалик таъқиб этилса, у шунчалик ғалаба қозонади!»— деган иборалар бор эди. Ва ниҳоят, хулоса қисмида одамнинг маймунларнинг бир туридан келиб чиққанлиги таъкидланган эди.

Профессор ўз хонасида туни билан жавоб ёзиб чиққан аснода жаноб Пайя кўрпа тагида ётганича жуда ғалати тушлар кўрарди. Мана, у уезд бошлиғининг ду-

мидан маҳкам ушлаб олиб, сира қўйвормаяпти, митрополит, Лютер ва Гуслар бўлса уни бўғиб ўлдирамиз, деб ўзига ҳамла қилишарди, фақат Галилей ва бева хотин Милева хонимгина унинг ёнини олиб, ҳимоя қилишарди. Кейин бева хотиннинг эри — марҳум тўнғиз пайдо бўлиб, Милева хонимни қаёққадир судради, Галилей бўлса уезд бошлиғи билан шунақанги сўкишиб кетдики, жандармлар келиб зўрға ажратиб қўйишди. Жаноб Пайя уезд бошлиғининг думини қўлидан ҳеч қўйворгиси келмасди.

Эрталаб жиққа терга ботган ҳолда уйғониб қараса, қўлида иштонбоғини маҳкам ушлаб ётарди.

Жаноб Пайя котиб жаноб Светага олти варақ ёзилган жавобни келтириб берди, чошгоҳда эса унга ишдан бўшатирилганлигини маълум қилишди.

Айтишларига қараганда, шундан сўнг у йил бўйи емай-ичмай тазарру қилибди, ибодатга шўнғибди, Милева хонимнинг уйини ташлаб кетибди, профессор билан ошначиликни ҳам йиғиштириб, ўзи қурбони бўлган фандан бутунлай юз ўгирибди. Қарангки, у фандан юз ўгирган заҳотиёқ, ҳажмлар назариясига мувофиқ, унинг миясига барча олдинги кириш ва чиқим рақамлари қайтиб жойлашибди ва худди шу боисдан, уни яна хизматга қабул қилишибди.

Бу воқеа сешанбада, яъни ҳафтанинг энг оддий нарсалар юз берадиган энг оддий кунда содир бўлди. Шу кун қуёш ҳар қачонгидек шарқдан чиқди, жаноб бошлиқ ҳар қачонгидек идорага кечикиб келди, уй бекаси ҳар қачонгидек каллайи саҳардан эри билан ғижиллашди, ишқилиб, буларнинг ҳаммаси фақат худонинг марҳамати туфайли сешанба кунигина юз берадиган оддий воқеалар эди.

Аммо шу сешанба кун одатдагига сира ўхшамаган, биз айтмоқчи бўлган воқеа ҳам рўй берди. Тонг саҳарда менинг олдимга жуда антиқа меҳмон — округ бошқармасидан бир жандарм келди, бу йўқлаб келиш менга жудаям ғалати туюлганининг боиси яна шунда эдики, мен жандармнинг кўзларида ёш кўрдим, илгарилари жандармларнинг кўзларида ёш кўриб ўрганмаганлигимдан мен ўз қизиқишимни яшириб туrolмадим.

— Жаноб...— дея сўз бошлади жандарм.

— Лаббай!— деб жавоб бердим мен унинг кўзларидан оқаётган шашқатор ёшини санаб туриб.

— Жаноб бошлиқ мени сизнинг олдингизга юборди...— деб сўзида давом этди у ўпкаси тўлиб.

— Менга юборди? Яхши. Лекин нима учун?

— ...сизни идорага бошлаб боришим учун,— деб сўзини тамомлади жандарм ва йиғлаб юборди.

Сўнгги сўзларни эшитиб, менинг ҳам кўзларимга ёш келиб кетди, негаки кимнидир бу бошқармага бошлаб

боришлари ҳақиқатан ҳам қайғули ҳодиса эканлигини ниҳоят ҳис этгандим. Жандармни юпатиб, елкасига қоқиб қўйдиму мен ҳам ўпкам тўлиб сўрадим:

— Ука, мабодо билмайсанми, мен бошлиққа нимага керак бўлиб қолибман?

— Тахминан биламан. Кеча тунда савдогар Иосиф Стоич қазо қилди... Тўсатдан ўлди. Кечқурун тирик эди, тунга бориб узилибди.

— Шунақа де, худо раҳмат қилсин! Лекин айт-чи, бошлиққа нега мен керак бўлиб қолибман?

— Шу иш юзасидан-да!

— Шу иш юзасидан? Нега энди? Ука, эҳтимол савдогар Стоични ўлдириб кетишгандир? Аммо ҳамма билади — менинг у билан ҳеч қандай олди-бердим йўқ, меросхўри ҳам эмасман.

— Тўғри,— деди жандарм,— лекин шаҳар аҳли савдогар Иосифни иложи борица тантана билан дафн этишга тайёргарлик кўряпти, шунинг учун ҳам сизни чақиришган...

— Э, укагинам, аввалдан гап буёқда десанг бўлмайди... Бу албатта бошқа масала... Бу ахир... албатта...

Ва мен хотиржам, аммо кўзларимда ёш билан жандармнинг олдига тушиб, округ бошқармасига қараб йўл олдим.

Бутун шаҳар изтиробга чўмган эди. Қайси бир тапишингни учратсанг, у секингина олдинга келиб, қўлини елкангга қўярди-да, ўпкаси тўлиб:

— Афсус, минг афсус. Иосиф Стоич ўлибди, бунақалар дунёга қайтиб келмайди,— дерди.

Жаноб бошлиқ мени жуда хуш: такаллуф билан кутиб олди, ўтиришга таклиф қилди ва бутун суҳбатимиз давомида у ҳам ўпкаси тўлиб гапирди. Шу куни умуман бутун шаҳар ўпкаси тўлиб гаплашарди, деб бемалол айтиш мумкин, мотам катта эди. Имоиним комилки, мен турадиган уй бекаси ҳам бугун эрталаб эрини ўп-

каси тўлиб қаргаган, мен фақат шаҳарнинг бошига тушган бу оғир мусибатдан беҳабар бўлганим учунгина буни пайқаманман.

— Афандим,— деди менга жаноб бошлиқ,— сиз шаҳримиз бошига тушган мусибатдан энди ҳар қалай хабардор бўлсангиз керак. Кеча кечаси Иосиф Стоич қазо қилди, у киши катта хизматлар қилган, бутун шаҳар аҳлининг иззат-ҳурматини қозонган одам эдилар. Марҳумнинг шаҳримиз олдидаги хизматларию у кишига нисбатан ҳаммамизнинг дилимизда ҳурмату эҳтиром борлигини сиз ўзингиз ҳам яхши тасаввур қилсангиз керак. Хуллас, фуқаролардан бирортасининг қабр устида нутқ сўзлаши жудаям зарур. Сизнинг битта хушчақчақ ҳангома ёзганлигингиздан менинг хабарим бор, шунга кўра демакки, сизни маълум даражада қаламкаш деса бўлади. Шунинг учун ҳам бу ишни сиздан бошқа ҳеч ким ўрнига қўя олмайди, деб ўйлайман.

Жаноб бошлиқ бу гапларни жуда жиддий ва тутилмасдан айтди.

— Тўғри, бўйнимга оламан, жаноб бошлиқ,— дедим мен бир оз хижолат чекиб,— унча-мунча қаламкашлик ҳақиқатан ҳам қўлимдан келади, лекин, биласизми, ҳажвий асар билан... қабр устида нутқ сўзлаш...

— Йўқ, сираям хижолат тортманг,— деди жаноб бошлиқ шоша-пиша менинг сўзимни бўлиб.— Мен бутун ихтиёрни ўзингизга ҳавола қиламан. Сиз қанақа услубда хоҳласангиз, шунақасида нутқ ёзаверинг. Умуман, мен бу нутқ, жудаям ҳалигидек, асар даражасида бўлсин, деб талаб қилмайман. Ахир бу саҳнада ўйнаш учун эмас, бошқа нарса учун-ку...— жаноб бошлиқ гапнинг шу ерига келганда бир оз хижолат тортгандек, ўтирган стулида қимирлаб қўйди.

— Майли, бўпти, жаноб бошлиқ, лекин, биласизми, мен нутқ сўзлаш учун етарли маълумотларга эга эмасман.

— Нега энди? Нима, марҳумнинг хизматлари сизга маълум эмасми?

— Йўқ, маълум эмас.

— Ҳа, дарвоқе, сиз шахримизда янгисиз, а...

— Сиздан илтимос, марҳамат қилиб унинг хизматларини менга қисқача айтиб берсангиз...— дедим мен чўнтагимдан бир варақ қоғоз ва қалам чиқариб.

— Ҳа, ҳа, албатта... мен сизга айтиб бераман...— деди жаноб бошлиқ ва ўйланиб қолди, гарданини қашиди, худди яна бир оз хижолат бўлгандай ўтирган стулида ҳадеб қимирлай бошлади, нимагадир қўлига идоранинг қайчисини олиб, бир оз ўйнаб ўтирди-да, ниҳоят узр сўраган оҳангда бундай деди:— Тўғриси айтганда мен ҳам бу ерда янги одамман, келганимга уч йил бўлди, холос... Албатта, мен сизга у-буни айтиб беришим мумкин, лекин менинг айтганим умумий гаплар бўлади, сизга бўлса ҳозир батафсилроқ гапириш керак, шундай эмасми?

— Худди шундай, ҳўш, унда ана шу батафсил маълумотларни мен кимдан билиб олишим мумкин?

Жаноб бошлиқ жавобни пишитиб қўйганиданми, энди тез ва хушчақчақлик билан:

— Биласизми, яхшиси, руҳоний отанинг олдига бора қолинг. Руҳоний ота билан гаплашсангиз, ҳамма иш битади-қўяди,— деди.

Мен жаноб бошлиқ билан ҳайрлашдим у йўл-йўлакай нутқимни қандай бошлашни ўйлаганимча руҳонийнинг уйи томон кетдим.

Жаноб руҳонийни мен уйдан топдим. У оёқларида оқ пайпоқ ва уй шиппаги кийганича, курсида ўтирарди. Қўлида эса китоб -- «Қатта серб ошпазлик китоби» бор эди. Бу китобни Екатерина Попович-Миджина хоним ёзган бўлиб, уни ўз онаси Нанчик-Петрович-Пургер-майстерга бағишлаган эди.

— Боракалло, боракалло!-- деди руҳоний ота мен

унга келишимнинг боисини айтганимда хурсанд бўлганини яширмасдан.

— Сиз, албатта менга руҳоний сифатида марҳумнинг хизматларини бошқаларга қараганда яхшироқ айтиб бера оласиз, мен буларни қабр устида сўзлайдиган нутқимда эслатиб ўтмоқчиман.

— Албатта, албатта,— дея сўз бошлади руҳоний ота ўнг оёғини чап оёғига чалиштириб ва ўзининг хонаки шиппагнга мағрурона назар ташлаб.— Биласизми, черков хусусида гапирадиган бўлсак, бу борада у алоҳида хизматлар кўрсатгани йўқ. Тўғри, у яхши, диндор наслоний эди, ҳаммасидан муҳими — у жуда бой, шахримиздаги энг бадавлат одам эди. Қолган гапларга келсак... сизга нима десам экан... яхшиси, жамоа кенгашининг раисига бора қолинг, у сизга марҳумнинг ҳамма хизматларини иппидан-игнасиғача айтиб беради.

Жаноб руҳоний мени дарвозагача кузатиб чиқди ва хайрлаша туриб:

— Умуман, кўп яхши иш қилибсиз... Марҳум Иосиф бундан ҳам каттароқ ҳурматга сазовор одам, биз унинг хизматлари учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак, ҳурматики жойига қўйсак ҳам оз,— деди.

Раисни мен ўз идорасидан топдим. Мен унинг ҳузурига кирган пайтда — бемаврид кирдим шекилли, нимадир айб қилиб қўйган бир қассобни ота-онасини эслаб, роса бўралаб сўқаётган эди. Жаноб раис мени ҳам жамоага допр бирор иш билан келган деб ўйлаб, ана шунақа сўкишларнинг бир учи менга ҳам келиб тегмасин, деб дарров мақсадга кўча қолдим:

— Оҳ, шахримиз бошига қандай мусибат тушганлиги ва ҳамма марҳум Иосифнинг вафотидан қанчалик қайғуда эканлиги сизга маълум,— деди шоша-пиша.— Менга қабр устида нутқ сўзлаш вазифаси топширилган!

Раис қассобни чиқариб юборишдан олдин уни яна бир бора бўралаб сўқди-да, сўнг менга юзланди:

— Ҳа-я, марҳум Иосифга бирам ачинадики киши!— деди ўпкаси тўлиб.

— Сиз уни анчадан бери биласизми?

— Менми? Бўлмасам-чи? Бирга ўсганмиз...

— Мен сиздан унинг хизматларини бошдан-оёқ санаб беришингизни илтимос қиламан, буларни мен қабр устида гапирадиган нутқимга киритишим керак.

— Ҳа, ҳа, албатта нутқ сўзлаш керак, сиздан илтимос, иложи борица нутқ узунроқ бўлсин... Унинг қилган хизматларига яраша иззат-ҳурматини бажо келтирганимизни ҳамма билиб қўйсин. Мен бугун жамоа кенгашининг барча аъзоларини мажлисга йиғяпман... Эҳтимол, жамоа кенгаши марҳумнинг тобутига ўз номидан гулчамбар қўйишни лозим деб тоғар...

Мен қўлимга қогоз ва қалам олдим.

— Хўш, марҳамат қилиб, у ҳақда нимаики билсангиз, менга бир бошдан айтиб беринг.

— У ҳақда нимаики билсам ҳаммасиними?— дея сўз бошлади ранс.— Аввало, менимча, икки жойда нутқ сўзлашни мўлжаллаш керак эди, афсуски, бизнинг бунга муносиб одамларимиз йўқ-да, бўлмаса ундан ҳам кўпроқ жойда: биттасини марҳумнинг уйи олдида, яна битта нутқни жамоа кенгаши олдида, биттасини черков олдида ва сизникини эса қабрнинг худди тепасида сўзлаш мумкин эди...

— Лекин, кўрмайсизми, мен ҳали ўзим нимани гапиришимни билмай турибман...

— Билмайман дейсизми?! Э, сиз марҳум Иосиф тўғрисида айтилиши лозим бўлган ҳамма нарсани айтган тақдирингизда ҳам бу барибир камлик қилади.— Шу ерга келганда жаноб ранс ўрнидан ирғиб турди ва ўз сўзининг кейинги жумласи унга жуда ёқиб қолди шеклили, уни яна бир марта такрорлади.

— Аммо, ҳар ҳолда, мен сиздан марҳум ҳақида жамми билганларингизни айтиб беришингизни сўраяпман.

— Албатта, мен сизга ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб

бераман, ахир бундай пайтда ҳеч нарса эсдан чиқмаслиги керак-да.

Раис жойига ўтирди, бир оз ўйланди-да, сўзларни чертиб-чертиб гапира бошлади:

— Марҳум жуда бой одам эди...

— Буни мен ёзиб қўйганман...

— Қолган гапларга келсак, тўғриси айтсам мен сизга бирон нима дейишим қийин. Сиз аввало жаноб бошлиққа учрасангиз бўлармиди...

— Жаноб бошлиқ менга ҳеч нарса айтиб беролмади. У мазкур шаҳарда бор-йўғи уч йилдан бери яшаётганлигидан жуда кам нарсани биламан, деди.

— Бунисиям тўғри. Ақлли одам-да, бизнинг ишларимизга аралашиб ўтирармиди.

Раис илдаммай қолди ва рўмолчасини қидириб чўнтақларини кавлай бошлади, аммо рўмолчаси йўқлиги маълум бўлгач, қоровулни чақириб, уни рўмолча олиб келиш учун уйига юборди. Бизнинг суҳбатимизда юз берган узилтиш унга қўл келди, чунки бу пайт ичиди у жавоб ўйлаб топди ва менга тез ўтғрилиб, бундай деди:

— Менга қаранг, нега сиз яна кимнидир излаб юрибсиз, ахир руҳоний ота бу ҳақда ҳаммадан ҳам яхшироқ гапириб беради-ку! Тезроқ у кишининг олдига боринг, ҳозир мен у кишига хат қилиб бераман...

— Раҳмат, аммо мен руҳоний отанинг олдиларида бўлдим, у киши мени сизга юбордилар...

— Э, шунақами?!— деди раис ва қўлларини пастга туширди, лекин сўзида давом этаверди:— Биласизми, агарда сиз марҳум Иосиф ҳақида ҳақиқатан ҳам айтиш лозим бўлган жамики нарсаларни айтганингизда ҳам барибир камлик қилади. Менимча, агарда тўрт жойда нутқ сўзланса яхши бўлармиди: биттасини марҳумнинг уйи олдида, биттасини жамоа кенгаши олдида, биттасини черков олдида ва биттасини худди қабр тепасида сўзланса... Мабодо бирор киши гимназиямизнинг олди-



# МЕНИНГ ҚОБИЛ БОЛАГИНАМ

да ҳам нутқ сўзласа, сўзланган нутқ бешта бўларди, лекин бу ҳам марҳум Иосиф учун барибир кам...

— Тўғри, камликка кам,— унинг фикрига қўшимча қилдим мен,— лекин сиздан менга марҳум ҳақида гапириш керак бўлган нарсаларни айтишингизни сўраяпман...

— Айтаман, албатта айтаман,— деди раис ва нималарнидир эслай бошлади.— Менга қаранг! Биродари азиз, сиз яхшиси савдогар Янко Младеновичнинг олдига бора қолмайсизми, а? Уни танирсиз? У узоқ йиллар жамоа кенгашининг раиси бўлган ва марҳумнинг яқин дўсти ҳисобланарди. Ҳеч ким сизга унчалик батафсил, чиройли қилиб айтиб бера олмайди. Албатта, мен ҳам сизга бирон нима айтиб беришим мумкин эди-ю, лекин ахир бирданига ҳамма нарсани эсга келтириб бўлармиди?

Раис ҳам мени эшиккача кузатиб қўяр экан, қўлимни қисиб шундай деди:

— Жаноб бошлиқнинг олдига борганингизда нутқлар кўпроқ бўлсин, деган менинг фикримни айтиб қўйиш ёдингиздан чиқмасин. Биттасини марҳумнинг уйи олдида, биттасини гимназия олдида ва биттасини қабрининг шундай тепасида сўзлаш керак. Яна битта нутқни округ бошқармасининг олдида ҳам сўзлаш мумкин. Жаноб бошлиқ бу ҳақда ўйлаб кўрсин, зарар қилмайди...

Янко Младенович мени кутиб олиб, бундай гап қилди:

— Биродар, сизни менинг олдимга нимага юборишганларини тушунсам ўлай агар. Марҳум бой-бадавлат одам эди, ҳамма уни катта хизматлари учун ҳурмат қиларди, лекин айти қайси хизматлари учун— буни мен сизга айтиб беролмайман. Жаноб бошлиқнинг олдига бора қолинг...

— Мен у кишининг олдида бўлдим.

— Унда руҳоний отанинг олдига боринг.

— Уникида ҳам бўлдим...

— Шундайми, бўлмаса, жамоа раисига учранг...

— Унга ҳам учрадим...

— У ҳолда мен бирон нарса дейишга ожизман... Хўш, хизматлари дейсизми? Албатта, хизматлари бўлган, бўлганда қандоқ! Буларнинг ҳаммасини сўзланадиган нутқда кўрсатиб ўтиш кераклиги маълум, лекин мен буларни сизга айтиб беролмайман. Бирорта бошқа одамнинг олдига борсангиз яхши бўлармиди. Чунончи, округ докторининг олдига бора қолинг. У марҳумни даволаган, албатта у ҳаммасини билади.

Мен округ докторини излаб кетдим ва уни ҳовлисида учратдим. У кичкинагина уч оёқли курсида ўтириб олиб, бодринг тузларди.

— Тўғри, мен даволаганман, лекин менинг қўлимдан нима ҳам келарди! Мен унга енгил таом буюрган эдим, у бўлса кеча ловияга бўкиб қопти. Қаранг-а, уч товоқ ловияни пок-покиза туширибди! Мен нима ҳам қила олардим? Масалан, олайлик, сиз, соппа-соғ одам уч товоқ ловияни сб кўринг-чи, имошим қомилки, молдек ҳаром қотасиз. Кейин бўлса айб кимда — округ докторида! Марҳамат қилиб, айтинг-чи, агар ўлим тўшагида ётган одам уч товоқ ловияни пок-покиза туширса, округ докторида нима гуноҳ?

— Худонинг ўзи кечирсин,— дедим мен товушим титраб.— Бу еган уч товоқ ловияси унга нарпги дунёда ҳам етади.

— Ҳа, бунга ишонса бўлади,— деб тасдиқлади доктор ва қўлидаги охирги бодрингни усиз ҳам тўлиб турган банка идишга ташлади.

Бундай таъсирли муқаддимадан сўнг мен докторга келишимнинг боисини айтдим. У бармоқлари билан тиззасини чалишга тутинди-ю, лекин тўхталиб, жимжилоғини оғзига тиққанча, тишларини кавлай бошлади.

— Марҳум Стояч, биродари азизим, хизмат кўрсатган одам эди,— деб сўз бошлади у, мен эса унинг сўзларини ёзиб олиш тараддудига тушдим.— У жудаям бой-

бадавлат одам эди, бунинг устига, жуда ҳурматли одам эди,— деб давом этди доктор.

— Бу менда ёзилган, ҳалиги, кўрсатган хизматлари хусусида...

— Кўрсатган хизматлари хусусида, биродари азизим, мен сизга бирон нарсаси дейишим қийин. Умуман олганда, шаҳарда гимназия директори бўла туриб, нега сиз менинг олдимга келиб ўтирибсиз, ҳайронман. Сизга аниқ маълумотлар бериш ана шу одамнинг вазифасига киради. Йўқ, сизга ёрдам бериш менинг қўлимдан келмайди.

Мен ўрнимдан турдим-да, гимназия директорининг ҳузурига йўл олдим. Директор ҳам ҳовлида экан, у бадантарбия билан жиддий машғул эди. У турникнинг тепасига чиқиб олиб, гоҳ оёғи осмондан бўлиб осилар, гоҳ пир-пир айланар, нимагадир ҳадеб афтини буриштирарди.

Беш минутлардан сўнг у қип-қизариб, терлаб пастга тушди. Нимчаси, қўйлагининг бор тугмаларини ва шимининг биринчи тугмасини ечиб курсига ўтирди-да, мени ҳам ўз ёнига ўтиришга таклиф қилди.

— Афандим, сиз бадантарбия билан шуғулланасизми?

— Йўқ, жаноб директор, мен қабр устида нутқ сўзлашга тайёрланяпман.

— Э, марҳум Стоичгани, арзийди, арзийди! У жуда баҳоси йўқ одам эди. Шаҳримиз ўзининг ҳақиқий ноёб фуқаросидан жудо бўлди...

— Шунинг учун ҳам мен сизнинг олдингизга у кишининг кўрсатган хизматларини суриштириб билиш учун келдим, буни мен нутқимда эслатиб ўтишим керак.

— Менинг ўзим ҳам нутқ сўзламоқчи эдим,— сўзида давом этди директор рўмолчаси билан бўйнини артар экан,— лекин агарда сиз менинг ўрнимга гапирмоқчи бўлсангиз янаям яхши...

— Сиздан илтимос қиламан, сиз ўз нутқингизда га-

пирмоқчи бўлган ҳамма нарсани менга айтиб беринг!—  
Мен яна чўнтагимдан қоғоз ва қалам олдим.

— Стоич жуда бой одам эди...

— Тўғри, тўғри, мен буни аллақачоноқ ёзиб олганман, кўрсатган хизматларини айтинг...

— Э, ҳурматли биродар, кўрсатган хизматларига келсак, менинг ўзим ҳам бу борада округ инженерига учрашмоқчи эдим, биласизми, жамоат ишларига унинг жуда суяги йўқ. Яхшиси, сиз ҳам ўша кишига учрашиб бопинг. Ҳа, у сизга ҳаммасини ипидан-игнасигача айтиб беради.

Мен округ инженерининг олдига жўнадим...

Черковнинг тўртала жами бараварига чалинмоқда. Жами дўконлар ёпилган. Дафн маросими қатнашчилари майдон томонга келишяпти, бу ерда округ бошқармаси, жамоа кенгашининг ҳамма аъзолари, руҳонийлар, гимназия вакиллари, бошланғич мактаб вакиллари, савдогарлар, ҳунармандларнинг вакиллари бор, гулчамбарлар, черков туғларининг сон-саногини йўқ. Мана, маросим қатнашчилари черковга кирай деб қолишди, мен эса қабр устида сўзлайдиган нутқим учун ҳалиям маълумот йиғиш билан овораман.

Гимназия директори мени округ инженерига юборди, округ инженери бўлса банк директориға, банк директори шаҳар қироатхонасининг раисига, шаҳар қироатхонасининг раиси хайр-эҳсон жамиятининг раисига, хайр-эҳсон жамиятининг раиси хонишчилар жамиятининг раисига, хонишчилар жамиятининг раиси савдогарларнинг оқсоқолиға, у эса яна биттасига юборди ва ҳоказо, ва ҳоказо; менинг марҳум Иосиф Стоич кўрсатган хизматлар ҳақидаги қайдлар билан тўлдирмоқчи бўлган қўлимдаги қоғозда эса фақат: «Марҳум Стоич жуда бой одам эди», деган биттагина жумла турарди, холос.

Жаноб Илья Журжевич амалдорларнинг шундай тоифасига кирадики, бундайлар ҳақида таъзияномаларда: «Биз яна бир кекса, тажрибакор ходимимиздан жудо бўлдик», деб ёзилади. Унинг жамики фазилатлари, жами амалдорлик қадр-қиммати батартиблик деган битта сўз билан ифода этилади. У бўлим бошлиғининг соати нечани кўрсатаётганлигини доимо билиб туриш учун энг устакорона усулларни қўллар, ҳаттоки ходимларни билдирмасдан бориб кўриб келишга мажбур қилар ва идорага ҳеч қачон кеч қолмаслик учун ҳар кунни ўз соатини бошлиқнинг соатига тўғрилаб олар, бошқа хизматчиларга ўхшаб жоме, черковининг соатига қараб юрмас эди.

У фақат идорадагина батартибликка риоя қилиб қолмасдан, бу хислатни ўзининг бошқа ишларига ҳам сингдириб юборган эди. Чунончи, у доимо эрталаб соат бешда уйғонар, чорак кам олтида эса, катта бозорда ҳозир у нозир эди. Бор-йўғи ярим кило гўшт олмоқчи бўлса ҳам у олдин балиқ растасини айланиб чиқар, балиқларнинг нарху навосини суриштирар, кейин тухум, пиёз, ловияларнинг неча пул эканини билиш учун резаворчилик ва бошқа расталарга бирма-бир бош суқар, фақат шундан кейингина қассобчиликка ўтиб гўшт оларди-да, хизматкор хотиндан уйига бериб юборарди.

Чоракам ёттида у бозордаги қаҳвахоналардан бирида қаҳва ичиш учун ўтирарди ва бозордан у-бу олиб қайта-

ётган жами ўткинчиларни тўхтатиб, нимани неча пулдан олишганини сўраб-суриштирарди.

Соат роппа-роса еттида у дўкондор Тодорнинг олдига кечаги харид бўйича ҳисоб-китобни кўриб чиқиш учун кириб ўтарди. Тодор унга озиқ-овқатни насияга берар, у бўлса ҳисоб-китобни бир текшириб қўйиш ва бир-икки оғиз отамлашиб ўтиш учунгина ҳар куни эрталаб дўконга кирарди. Илья етти яримда идорага йўл олар ва ҳар доим ишга ҳаммадан олдин келарди.

Дўкончи Тодор жуда сертакаллуф ва мулоҳазали йигит эди. У етти йил бир хўжайиннинг қўлида хизмат қилган, хўжайин Тодор ишга кирган дастлабки йилларда пуқул сельтер суви ичиб, кейинги пайтларда эса қатрон сувига ўтганди. Қатрон сувининг қанақа касалларга берилишини аниқ билган Тодор келажакка хийла умид билан қараган, фақат бир нарсани — хўжайини ўз вафотидан кейин унга нимани мерос қилиб қолдиради — дўконинини ёки бевасинини, шуни билмаганди, холос. Тодор, ҳар қалай, унга иккисидан бирини тегишга имони комил эди. Лекин хўжайиннинг ўлимидан кейин унинг беваси ёшлигидан битта телеграфчига кўнгли борлигини, худоки унинг «бошини очиқ» қилибдими, энди у ўз «кўнглига қараб иш тутиши»ни айтиб телеграфчига тегиб кетганди, Тодорга бўлса қийматини тўлаш шарти билан дўконни қолдирганди. Шундай қилиб, Тодор Белград бозорининг ўртасидаги дўконнинг эгаси бўлган ва бошқа доимий мижоз — харидорлар қаторида Илья Журжевични ҳам мерос қилиб олганди.

## II

Жаноб Журжевичнинг ишдан бўшаб, кексалик нафақаси олишга ўтиши тўғрисида ҳамма ерда «пичир-пичир» гап; унинг ўзи ҳам бундан хабар топган, тақдирга тан берай деб қолган эди, лекин ишдан бўшаши тўғрисидаги

фармон чиққанда, бу — унинг учун томдан тараша тушгандай кутилмаган бир ҳол бўлиб туюлди.

У бу ҳақда расмий газетада ўқиб билгач, «Уҳ!» — дея олди, холос ва шу ондаёқ қўлига қалам олиб унга туфлаганча, қапча нафақа олишини ҳисоблашга тушди.

Ниҳоят, у нафақасини ҳисоблаб кўриб, кўнгли бир оз таскин топди, аммо у хизматдан озод қилиниб, нафақа олувчилик ҳаётини бошлаган биринчи кундаёқ кўнглига изтироб тушди.

Аввало у шу кундан бошлаб ўз соатини таниш ношуд хизматчилар сингари жоме черковининг соатига тўғрилашга мажбур эканлигидан жуда хафа эди.

Албаттаки, у худди илгаридак батартиблигича қолди. Чоракам олтида катта бозорда ҳозир нозир бўлди, чоракам еттида қаҳвахона олдида қаҳва ичди, роса еттида эса Тодорнинг олдида кириб ҳисоб-китобни текширди. Тодор билан бир оз ҳангомалашгач, одатича етти яримда ўрнидан қўзғалиб, бир йўталиб олганча, йўлга тушиш учун ҳадеб чўнтагидан соатини олиб қарай бошлади. Аммо эшикнинг олдида боргач, бирдан тўхтадию дўконга қайтди.

— Азбаройи худо, менга курси бер, — деди у, сўнг ўтириб олиб, харидорларни, шогирдларнинг чипта халталарни қандай қилнб тўлдираётганликларини тарози палласининг лапанглашини кузата бошлади ва шундай қилиб, идорага борадиган вақти ўтиб кетиб, эсидан чиққунча шу ерда ўзини овутиб ўтирди.

Бу худди наҳордан оч одамнинг чошгоҳда бағоят очиққанини сезиб, тушлик овқат пайтига энди оз қолди, деганча ўзини овутиши, ўз кўнглини кўтаришига ўхшаб кетарди.

Идорага борнш ташналиги ўтиб кетгач, жаноб Журжевич ўрнидан турди ва Қалемегдан томонга қараб юрди-да, сўнг эса бу ердаги янги уйлар қурилаётган кўчаларга кириб чиқди. У қурилаётган ҳар битта уйнинг олдида хоналар тор бўлиб қолибди, ошхонага бўлса жуда

кенг жой қолдирилиб, полиз учун жуда кам жой ажратилибди, деб ярим соат ё бўлмаса бир соат туриб қолди — унга ишқилиб, тушгача вақт ўтса бўлди эди!

### III

Куилар кетидан кунлар ўтиб, жаноб Журжевич аста-аста Тодорнинг дўконида ўтириб олганча, харидорларни, савдо қилаётган шогирдларни, тарози паллаларининг тебранишини томоша қилишга жуда ўрганиб қолди. Агарда у дастлабки пайтларда идорага борадиган вақти ўтиб кетгунча ўзини овутиш учунгина ярим соатлар чамаси ўтирадиган бўлса, энди у дўконда эрталаб соат еттидан то тушгача ўтиришни одат қилиб олди. Унинг бу одатига Тодор ҳам, шогирдлар ҳам кўникиб қолишди. Ҳаттоки, жаноб Журжевич ўтирадиган курси ҳар доим маълум жойда — қаҳва солинган қоп олдида турарди; шогирдлар унинг одатларини билиб олишди: тахминан соат ўнларда унинг учун қаҳва олиб келишарди.

Дастлабига жаноб Журжевич, турган гапки, харидорлару савдонинг боришини фақат томоша қилиб ўтирарди, холос, аммо у кундан-кунга ишга тобора тушуниб, ишни ўрганиб ҳам ола бошлади. У навларнинг фарқига бора бошлади, майиз, шам, ўсимлик мойи, қалампир, ширинликларнинг баҳосини билиб олди, қанча арзон қилиб бериш мумкину қанча мумкин эмаслигининг ҳам фарқига етадиган бўлди.

— Мана бу ёғингизни менга олти ярим тангадаң сота қолинг,— деб сўрарди, масалан, бирорта хизматкор хотин Тодордан.

— Йўқ, бўлмайди!— деб жавоб берарди жаноб Журжевич.

Энди бўлса, у ишнинг ҳавосини олволиб, дўконга тушдан кейин ҳам келишни одат қилганди. Эрталаб соат еттида келадию курсисига ўтириб олади, тушда овқат қи-

либ келиш учун кетади, иккида қайтиб келади-ю, кечгача, дўкон ёпилгунча ўтираверади. Шундай қилиб, у кундан-кунга ишга жиддий киришиб кета бошлади, ҳамма нарсаса аралаша бошлади. Чунончи, бирорта хизматкор хотин эрталаб сотиб олган гуручини қайтариб олиб келади.

— Бекам айтдиларки, гуручларинг ёмон экан. Бошқаси бўлса алмаштириб беринг,— дейди у.

Тодор бу — Белграддаги энг яхши гуруч эканлигини тушунтириш учун оғзини очар-очмас, жаноб Жүржевич унинг гапини шартта бўлади:

— Агар бекангга ёқмаса, битта ҳидлаб қўйсину ташлаб юбораверсин. Бизда бундан яхшиси йўқ!

Ёхуд бирорта бола келади-ю, дейди:

— Онам айтдиларки, берган тузингиз бир кило чиқмасмиш.

— Нега чиқмас экан?— деб бақиради жаноб Жүржевич.— Тарозида қандай тортилганини ўз қўзим билан кўриб тургандим. Чоп, тузни онангга олиб бор-да, бир грамм кам ҳам, ошиқ ҳам эмас, ролпа-роса бир кило экан, деб айт.

Пештахта олдида турадиган шогирд болалар ҳам энди ундан ҳайиқиб қолишган эди. У ҳар битта майдачуйдага аралашаверарди:

— Ҳой, ҳой, кўрмисан, нима бало, кўрмаяпсанми, қаҳва тўкилянти-ку! Қани, эгил, битта қўймасдан йиғиштириб ол. Ахир, қаҳванинг ҳар битта дони тиллоға тенг-а!

Битта шогирдга бақириб бергач, иккинчисига ёпишарди:

— Сен нимага ёғ идишнинг қолқоғини артиб қўймадинг? Қара, кир бўлиб ётишини! Агар харндор бунақа кир-чирни кўриб мол олмасдан кетса, нақ қуллогингни узаман-а!

У фақат майда-чуйда нарсаларгагина бурнини тиқиб қолмасдан, кундан-кунга каттароқ ишларга ҳам арала-

шадиган бўлди. Чунончи, Тодор пештахта орқасида ўтирганича хат ёзишга туғинади.

— Нима ёзгансан?— деб сўрайди жаноб Журжевич ҳомийлик билан.

— Озгина ёғ олдириш керак,— деб жавоб беради Тодор худди айб иш қилиб қўйгандай.

— Ёғингдан қанча қолди?— суриштиради жаноб Журжевич.

— Озгина бор шекилли.

— Ундай бўлса ҳозир олдиришнинг ҳождати йўқ. Рўзага яқин қолганда олиб келтирасан, ўшанда янги ёғ жуда иш беради.

— Кеч қолмасмиканмиз?— деб қўяди Тодор.

— Ҳечам кеч қолмаймиз, вақти келганда ўзим айтаман.

Бечора Тодор ёза бошлаган хатини йиртиб ташлайди.

#### IV

Ёзининг куни, тушликдан кейинги пайт. Харидорлар йўқ. Тодор қаҳвахонага шашқол ўйнагани кетган; шогирдлардан биттаси шаҳарга мол олиб келиш учун жўнаган, дўконда эса иккинчиси қолган. У пештахта олдида хотиржам турибди, жаноб Журжевич эса ўз курсисидан мудраб ўтирибди.

Пашшалар анжир, майиз ва пишлоқ устида гўжгон ўйнашади, бола эса уларни жон-жаҳди билан ҳайдарди. Тўғри, у бунчалик жон куйдирмаслиги, жазирама ёз кунида мудраб ўтирадиган барча шогирд болаларга ўхшаб тиккасича мудраши ҳам мумкин эди, лекин у жаноб Журжевичдан қўрқарди, чунки ёғоч челақдаги анжирдан чўнтагини тўлдириб олганини у кўриб қолган эди.

Жаноб Журжевич бир оз мизгигач, ўрнидан турди ва худди хўжайиндек сўради:

— Харидорлар келишдими?

— Йўқ,— деб жавоб берди шогирд қўрқа-писа.

— Хўжайиннинг ҳам қаҳвахонадан қайтмадими?

— Йўқ.

— Ҳм, ҳм,— деганича жаноб Журжевич пештахта орқасига ўтди-да, стол устидан крим-чиқим дафтарини олиб кўздан кечира бошлади. Дафтарни варақлар экан, у бошини чайқар ва ердан олинган бир парча қоғозга нималарнидир ёзарди. Ҳисобини тугатгач, у яна бош чайқади.

Ниҳоят, Тодор қаҳвахонадан қайтди. Жаноб Журжевич дафтарни ёпдию юзида ташвиш аломатлари билан дўконда у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Сўнг шогирдга юзланиб:

— Бирпас ташқарига чиқиб тур,— деди.

Бола кўчада эркинроқ нафас олиши мумкинлигидан хурсанд бўлиб ташқарига йўл олди.

Жаноб Журжевич дўконни яна бир марта айланиб чиқди ва қовоғини бир оз кўтариб Тодорга юзланди:

— Менга қара, Тодор, минбаъд бунақа иш кетмайди!

— Нима иш кетмайди?— деб сўради Тодор худди харидор билан гаплашаётгандай хушмуомалалик билан.

— Мен дафтарингни кўриб чиқдим, у ердаги баъзи нарсалар менга ёқмади. Укам, сен ўзинг учун кўп сарфу харажат қиялсан. Бу нима деган гап ахир, сен ёппа-ёлғиз жон бўла туриб, ўзинг учун кунига саккиз тангадан сарфласанг-а? Нега бундай қиласан, нима, сен ўзинг турган хона учун алоҳида, оби таом учун алоҳида пул тўлайсанми?

— Шунақа...— деди Тодор.

— Биламан, бундан кўпроқ ҳам чиқим бўлиши мумкинлиги кўриниб турибди. Лекин бундай қилиш ярамайди. Бундан буён мен бунга йўл қўя олмайман.

— Э, жаноб Журжевич, қўяверинг, нима қилардингиз бошингизни қотириб,— деди Тодор гўё ҳомийлик назоратидан қутулмоқчи бўлгандек.

— Нега қўяверар эканман? Агар мен қарамасам, тез орада бор-йўлингни созуриб адо қиласан!— тутақиб кетди чол.— Бунақаси кетмайди, ўғлим!

— Мен билан нима ишингиз бор?— яна қаршилик кўрсатишга уринди Тодор.

— Сен билан ишим бор. Ё сен менинг айтганларимни қиласан, ё бўлмаса, менга очиқдан-очиқ: дўконимдан йўқолинг, дейсан. Қўрқма, шундай деб айта қол, ўшанда мен дўконингга иккинчи қадам ҳам босмайман.

— Худо сақласин, жаноб Журжевич, наҳотки мен сизга шунақа десам! Мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Сизнинг менга дўст эканлигингизни, ишимга холис ёрдам бераётганлигингизни кўрмай ўлибманми?— деб уэр сўрашга тушди Тодор.

— Демакки, сен менинг дўст эканлигимни, ишингга холис ёрдам бераётганлигимни кўрар экансан, сен менинг айтганимни қилишинг керак! Сен ўзинг учун кунига олти тангадан кўп сарф қилишинг ярамайди!

Жаноб Журжевич энгиб чиқди. Бечора Тодор учун тақдирга тан беришдан бошқа илож қолмаганди. У аслида жаноб Журжевичнинг зўраки ҳомийлигидан жаҳли чиқар, Журжевич шогирдларини урганни, кўрганда ҳам, сержаҳллик билан ҳаридорларни ҳайдаб юборганига гувох бўлганда ҳам ич-ичидан аччиқланар эди, аммо бугун бу одамнинг бир қилиғини кечирса, эртага иккинчисини кечирар, унинг кексалигию «билимдонлиги»ни ҳисобга олиб, шундай қилар эди. Шу зайл у бора-бора ҳомийликка олинган одамга, жаноб Журжевич эса дўконнинг эгасига айланиб қолди.

## V

Бир куни жаноб Журжевич ҳар галгидек эрталаб соат еттида дўконга келди, лекин жудаям тажанг эди. Шу куни у шогирдларини ҳам тергамади, Тодорга ҳам ҳеч нарса демади.

Чошгоҳ пайтида у уйига кетди, кейин эса қайтиб келди-да, Тодор қаҳвахонада шашқол ўйнаган маҳалда жаҳл билан дўконнинг у ёғидан-бу ёғига юриб турди. То-

Гордор кириб келганда чол ундан шогирдларни чиқариб юборишини сўради. Тодор шогирдлардан бирини юмушга жўнатди, иккинчисига эса ташқарига чиқиб туришини буюрди, хуллас, улар икков ёлғиз қолишди.

Илья жойидан қимирламай Тодорнинг кўзларига тикилиб турарди.

— Мен эшитган гап ростми?

— Қанақа гап экан, жаноб Журжевич?— хушмуомалалик билан сўради Тодор.

— Сен уйланмоқчи бўляпсанми?

— Ҳа,— шошиб қолди Тодор.— Худо хоҳласа...

— Наҳотки, мен буни бегоналардан эшитиб билишим керак?

— Эй, худо-ей, жаноб Журжевич,— дея гап бошлади Тодор совуққина қилиб,— мен ўзим сизга айтардимунимагаям яшиардим, лекин ҳали ҳеч нарса маълум эмас. Буларнинг ҳаммаси ҳали гап, холос.

— Майли, гап бўлса, бўла қолсин,— деди Илья ҳомийлик билан.— Энди муддаога ўтайлик. Биринчидан, қизнинг сепга пули борми, агар бўлса, қанча экан?

— Пули йўқ, ўзи етим қизу, лекин жудаям оқкўнгил, чиройли.

— Пули йўқ дедингми?— данг қотиб қолди жаноб Журжевич.

— Йўқ,— деб жавоб берди Тодор.

Ҳомий тутатиб кетди.

— Ундай бўлса сен унга уйланмайсан!

— Йўг-е...— нимадир демоқчи бўлди Тодор.

— Мен сенга айтяпман: сен унга уйланмайсан. Мен тирик эканман, бунга йўл қўймайман.

— Ахир, жаноб Журжевич,— яна нимадир демоқчи бўлди Тодор.

— Сенга учинчи марта айтяпман,— бақириб солди жаноб Журжевич,— сен унга уйланмайсан. Мен ҳазиллашаётганим йўқ, эсингда тутки, мен ниманики гапирсам, билиб гапираман!

Тодорнинг жуда аччиги чиқди, у худди бир кило қалампиру ярим кило қалампир қайласини чайнаб ютиб юборгандай, қизишиб кетди ва қўлидаги бир тутам шамни пештахтага кўтариб урди-да:

— Мен уйланаман, вассалом, - мен ўзимга-ўзим хўжайинман, менинг отам ҳам йўқ, менга ҳомийнинг ҳам кераги йўқ!— деб бақирди.

Жаноб Ильянинг ҳам аччиги чиқди, балиқ солинган идишни олиб у билан Тодорнинг бошига солмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб қолди, сўнг маъюслик билан хирллаб деди:

— Тўғри, сенда ота ҳам, ҳомий ҳам йўқ, лекин дўстнинг бор, тўғрироғи, у бор эди, сен ундан айрилдинг! Мен бу дўкондан кетаман, сен эса шуни яхши билки, менинг юрагим барибир бу ерда қолади. Мен иккинчи бу останага қадам ҳам босмайман, лекин сен мени ҳайдаганингдан пушаймон ҳам бўласан ҳали!

У лимон солинган қутини жаҳл билан ағдариб юборди-да, дўкондан чиқиб кетди.

## VI

Тодорнинг виждони қийналаётгандек бўлса-да, у ўз гапидан қайтишни асло хоҳламасди. У жаноб Журженичнинг дўкондаги ҳомийлигига чидаб келганди, аммо юрагига хўжайинлик қилишига йўл қўя олмасди. Бунинг устига, унинг севгиси рад этиб қўя қоладиган севгилардан ҳам эмас эди. Бечора йигит эса шу севги дардига йўлиққанидан буён ўз дўконидан ўзи нарса ўғирлашга мажбур бўлиб қолган, чунки васийнинг кўриб қолишидан қўрқар эди. Шунинг учун ҳар гал Лепосава (унинг маъшуқасининг исми шундай эди)нинг хизматкори бўлган аёл келганида унинг бозор-ўчар қилинадиган поя саватига севги-муҳаббат мавзуидаги сурат солинган қоғозга ўроғлик бир тахта шириқлик ёки мўъжазгина қутичада шакар сепилган мева, ё бўлмаса, ширин анжир-

ни билдирмасдан солиб қўяр, хизматкор хотин буларни кимга элтиб беришини яхши биларди. Бу ишларнинг ҳаммасини у жаноб Журжевичнинг кўзини шамғалат қилиб бажаришга, тўғриси, усталик билан ўгирлик қилишга мажбур эди.

Бир кун у шу зайлда қизга ўз юрагини ҳам ҳада қилганди. Фақат сиз тескари тушунманг: турган гапки, у ўз юрагини худди каллақанддай, қовурма учун олинган гўшт, ош кўки ва карам солинган поя саватга секингина ташлаб қўйган, шу йўл билан ўз Лепосавасига юборган эмасди албатта. Йўқ, у қизнинг онаси олдига борган, кўнглидаги гапнинг ҳаммасини унга айтган ва шунинг учун ҳам энди орқага қайтиши мумкин эмас эди.

Аммо агарчи Тодор ўз қилмиши учун виждонан қийналаётганини сезар экан, жаноб Журжевич бу азобни ундан баттарроқ ҳис қиларди.

Ахир ҳазил гапми: у ўз умрининг уч йиллини шу дўконда, эрталаб соат еттидан кеч соат еттигача ўтириб ўтказди. Энди бўлса унга бир кун худди бир йилга ўхшаб туюлади, қаерга боришини, нима қилишини билмайди. Юраги бўлса нуқул уни ўша ёққа қараб тортади. Дўконнинг ёнидан ўтар экан, ичкарига аста кўз қирини ташлаб курсисининг ўз жойида турганлигини ва унда ҳеч ким ўтирмаганини кўрарди. Оҳ, қани энди ичкарига кирсаю унга яна ўтира қолса!

Бир кун тушликдан сўнг Тодор одатдагидек шашқол ўйнашга кетган, шогирд эса пештахта орқасида мудраб ўтирарди. Жаноб Журжевич дўконнинг олдида ўтиб кетаётиб, икки қути этик мойининг ерда юмалаб ётганини кўрди. У тоқат қилиб туrolмади-да, эшикнинг олдида келиб, шогирд болага қараб бақирди:

— Ҳе, эшакка ўхшаган, ухлайверасанми, ерда ётган этик мойини кўрмаяпсанми? Ҳозир адабнинг бериб қўяман!

У шундай дедию бу ердан кетишга шешилди.

Беш-олти кун ўтгач, яна тушликдан кейин бундай

воқеа содир бўлди: жаноб Журжевич дўкон ёнидан ўтиб кета туриб қараса, шогирд бола тўппа-тўғри челақдан анжир олиб кавшаб еяпти. У узоқ ўйлаб турмасдан дўконга отилиб кирдию болани бир-икки шапалоқ билан сийлагач, ҳарсиллаганича ўз курсисига чўкди. Чўкдию ундан қайтиб туришни заррача ҳам истамай қолди; ўз қасамини бузгани ҳам хаёлига келмади, у худди жанжални бутунлай унутгандек курсисида ўтираверди, гўё бу курсини сира ҳам тарк этмагандек эди.

Бир оздан сўнг Тодор ўйинни тугатиб, дўконга кириб келди ва хижолат бўлиб остонада туриб қолди.

— Майли, майли, бўлгани бўлди, — деди жаноб Журжевич курсисидан қўзғалиб, — мен манови ўғрини ушлаб олдим, у тағин анжирни тушираётган экан, чидаб туролмадим.

— Яхши қилибсиз, — деди Тодор гидирсиз, гўёки уларнинг орасида ҳеч гап ўтмагандек.

— Манови... — деб сўз бошлади яна жаноб Журжевич. — Қани, йўқол кўзимдан!

Шогирд ташқарига чиқди.

— Ҳалиги... — деб сўзида давом этди жаноб Журжевич улар ёлғиз қолишганда. — Тодор, мен сенинг уйланишингга рози бўлишга қарор қилдим...

— Миннатдорман, — деди Тодор, ундан нима учун миннатдор бўлиши кераклигини ўзи ҳам билмагани ҳолда.

— Фақат, — деб сўзида давом этди жаноб Журжевич, — қизнинг сеп пули бўлмагач, ақл билан иш туттишларинг керак. Мен сизларнинг даромадларингиздан кўпроқ харажат қилишларингга йўл қўя олмайман. Хотининг ҳар хил шойию кимхоблар кияман, деб хомтама бўлмаёқ қўя қолсин. У ҳам худди сен сингари менинг айтганларимни қилиши лозим, ана шунда ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўлади.

— Албатта, албатта, — деди Тодор ва тезлик билан гапни бошқа томонга бурди.

Тодорнинг кўзи энди очилди. У фақат шу пайтга келибгина ҳомийлик ўзини қанчалик бўйсундириб олганини ҳис этди-ю, руҳи жуда тушиб кетди.

Унинг ҳомийси дўкон билан чегараланиб қолмасдан ўз назоратини унинг уйига, оиласига ҳам ўтказмоқчи. Унга нима ейишу хотинига нима кийишни буюриб турмоқчи. Бу унинг қайнотаси, амакиси ёки қариндоши бўлганда ҳам бошқа гап эди, унда чор-ночор чидаш мумкин эди. Ҳолбуки бу ахир ҳеч қандай қариндош ҳам эмас, етти ёт бегона одам. Шундай экан, нима учун Тодор унга тоқат қилиши керак? Бечора йигит бошини қаерга урсин? Уни ҳайдаб юбориш мумкин эмас, барибир яна қайтиб келади, унга чидашнинг эса сира иложи йўқ.

Нихоят у ўйлаб-ўйлаб бир йўл топди-да, бир куни гўёки бепарво кўйда сўради:

— Жаноб Журжевич, мабодо дейлик, мен ўз дўконимни Дорчолгами ёки «Славия»гами кўчирсам, сиз ўша ерга ҳам донм келиб турарминдигиз?

— Бу гапни хаёлингга ҳам келтирма!

— Хаёлимга келтирганим йўғу сўраялман-да.

— Мен шу жойга ўрганиб қолганман ва бу ердан ҳеч қаерга жилмайман,— деб жавоб қилди жаноб Журжевич қатъийлик билан.

Фақат шу жавобдан кейингина Тодор хонадонининг келажак бахтини ўйлаб дадил қадам қўйишга қарор қилди. У ўз дўконининг бир одамга фойдаси билан бериб юборди ва бу борадаги барча ишларни битирганидан сўнггина бунинг жаноб Журжевичга билдирди.

Унинг бўлса кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Нега энди бундай қиялпсан?— сўради у маъюслик билан.

— Шундай, мен «Славия»дан дўкон олдим, ўша ер менга қулайроқ.

Жаноб Журжевич чуқур «уҳ» тортди ва узоқ ўйланиб туриб сўради:

— Мени ҳам унга ўтказдингми?

— Қимга?

— Дўконингни олган одамга-да.

— Ҳа, мен унга айтдим.

— Айт, унга айтгинки, мен бу ерда бўлиб туришим керак. Мен унга сираям халақит бермайман, қўлимдан келгунча ёрдам бераман, сенга қандай дўстлик қилган бўлсам, унга ҳам шундай дўст бўламан. Унга буни очиқ-ойдин, яхшилаб айтиб қўй!

\* \* \*

Ҳақиқатан ҳам Тодор ўз дўконини жаноб Журжевич билан биргаликда бошқа одамга ўтказди. Ҳомий чол ҳалиям ўз курсисида ўтирибди. Янги хўжайин Тодорни қарғашдан бўшамайди ва ҳаммага, мени хонавайрон қилишди, деб нолийди. Тодор бўлса ҳомийликдан эсон-омон қутулиб олиб, «Славия»даги ўз дўконига бемалол савдо қиляпти ҳамда ўз хотини билан роҳат-фароғатда умр кечиряпти.

Бу воқеа жазирама июль кунларидан бирнда айни тушликдан кейин юз берди. Ут пуркаган ҳаво юзни ялар, тош йўл шу қадар қизиб кетган эдики, унда ким юрса оёғи куярди, дарахтлар қовжираб сўлиган, одамлар эса қадамларини базўр кўтариб босишарди.

Теофило Дунич эндигина тушлик қилиб бўлган ва ўз одати бўйича бир оз ётиб дам олмоқчи эди. У жиққа терга ботганича бошини пар ёстиққа қўйди, ёстиқнинг жилди бир зумда худди сув тўла жомга атайлаб ботириб олингандек батамом ҳўл бўлди. Бунинг устига, қаёқдандир бир гала пашша етиб келди, энди мизгиб олишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Теофило у ёндан-бу ёнга ағдарилиб, бошини газета билан ёпишга қанчалик уринмасин — фойдаси тегмади. Шунда у ўрнидан турди-да, ҳеч бўлмаса, кўчада бир оз шабада тегармикин, деган умидда уйдан чиқиб, битта-битта босганича шу яқиндаги қовоқхонага қараб йўл олди. Бориб, соябоннинг остига ўтирди-да, бошидан қалпоғини олди ва ёқа тугмаларини ечиб, қаҳва чақиртирди. Қаҳва ташувчи бола столнинг остига бир графин сувни сочиб юборди, сўнгра бир косачада қаҳва келтирди, пашшалар гўё бир нарсадан қуруқ қолгандай, қаҳвага бирин-кетин ўзларини уриб, косачага туша бошлашди.

Жазирама иссиқдан зўрға нафас олаётган Теофило эса рўмолчаси билан юзию бўйнини тинмасдан артар экан, у ёқ-бу ёққа қарар, бирор киши келсаю бир қўл

шашқол ўйнашса ва шу йўл билан тушки танаффус вақти тугай қолса, деб умид қиларди.

Теофило Дунич, мана кўп йиллардирки, округ бошқармасида солиқ йиғиш бўйича ходим бўлиб ишлар, ҳалол, батартиб хизматчи ва фуқаро сифатида яхшигина обрў қозонганди. Агарда муаллим жаноб Добрага (у қабри устида нутқ сўзламаган бирорта ҳам марҳум йўқ деса бўладн, айтишларича, муаллим Скупщинага номзодликка ўтиб олиш учун марҳумлар бошида нотиқлик санъатини машқ қиларди) Теофило Дуничнинг қабри устида нутқ сўзлашга тўғри келиб қолгундай бўлса, у ўз нутқини: «Марҳум, ҳалол фуқаро, яхши хизматчи ва намунали хонадон соҳиби эди...» деган сўзлар билан тугаллашн турган гап эди.

Ҳақиқатан ҳам у ҳалол фуқаро бўлгани учун ҳеч ким билан ҳеч қачон жанжаллашмаган, тортишмаган, биров тўғрисида бирор ёмон гап гапирмаган, ҳамма билан доимо боҳурмат ва хуш муомалада бўлган эди. Теофило идорада бошлиғининг танбеҳларини худди баджаҳл муаллим олдида турган ўқитувчидек итоаткорлик билан бошини эгиб тингларди. Уйда хотини билан яхши муносабат сақлар, уларникида бирга яшовчи қайнонасининг ҳам раъйига қараб иш тутарди.

Идорада — бошлиқ, уйда эса қайнона унинг устидан ҳукмронлик қилишар ва Теофило ўз умрини буларнинг қаттиқ назоратлари остида, идора билан уй ўртасида ўтказарди.

Бошлиқдан гап эшитмаслик учун уйдан идорага ҳатто беш минут ҳам кечикмаганидек, идорадан уйга ҳам кеч қолмас эди, акс ҳолда, қайнонасидан эшитганини эшитарди.

Унинг ҳукмронлари ўзаро тил бириктиришиб иш кўришар ва улар ўртасида мавжуд бўлган маълум хизмат алоқасига кўра, бунга тўла эришишар эди. Бу хизмат алоқасини Дунич хоним ўрнатган, унда бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд эди. У — ёш, соғлом, бир сўз

билан айтганда, уни қарзини тўлашга қурби етадиган солиқ тўловчи деса бўларди. Бу хилдаги алоқа Теофи-лонинг аламига алам қўшарди. Илгарилари уни уйда — уйдаги қилган ишлари учун, идорада эса идорадаги иш-лари учун қойишарди, холос. Дунич хоним солиқни тўғ-ридан-тўғри округ бошқармасига ўзи олиб бориб тўлай-диган бўлгандан ва шу йўл билан Теофилонинг оиласи ҳамда у ишлайдиган идора ўртасида алоқани амалга ошира бошлаган пайтдан эътиборан, бечора Теофилога энди ҳар битта хатоси учун икки мартадан жавоб бериш-га тўғри келиб қолганди. Айтайлик, у бугун янглишиб кимдандир солиқни нотўғри олиб қўйсаю бунинг учун бошлиқдан дакки еса, эртасига худди мана шу хато учун қайнонасидан ҳам дашном эшитарди: «Сизнинг ўзи, афандим, анчадан бери миянгиз бутунлай кирди-чиқди бўлиб қолибди. Ҳатто солиқниям тўғри ҳисоблай олмас экансиз. Хўш, нима гап, нималарни ўйлаб юрасиз, а?»

Ёхуд аксинча — айтайлик, уйда у шўрва шўрроқ бў-либ қолибди, деб қўйгундек бўлса, шу заҳотиёқ қайнона-сидан қаттиқ танбеҳ эшитар, эртасига эрталаб уни бош-лиқ ҳам ўз хонайи хосига чақиртириб, жаҳл билан арбо-бона оҳангда панд-насиҳат қила бошларди:

— Мен сизни, жаноб Дунич, доимо жиддий ва тириш-қоқ хизматчи деб ҳисоблардим, жиддий ва тиришқоқ хиз-матчи эса ҳамма жойда: черковда ҳам, идорада ҳам, кўчада ҳам, уйда ҳам худди шундай бўлмоғи керак. Сиз-нинг устингиздан менга ҳеч ким шикоят қилгани йўқ, ал-батта, лекин мен эшитдимки, кейинги пайтларда уйингиз-да жудаям қўрслик қилаётганмишсиз...

— Лекин...— ўзини оқлашга уринарди бечора Тео-фило.

— Қўйинг ҳар қанақа важ-корсонни...— унинг сўзини шартта бўларди бошлиқ.

— Йўқ, мен айтмоқчийдимки...— яна сўз бошларди Теофило.

— Билиб турибман, сиз менга онлавий ишларга ара-

лашманг, демоқчи бўляпсиз. Лекин ахир бизнинг идора-мизга доим одамлар келиб туришади, қўполликнинг олди олинмаса, бу сиз учун одатга айланиб, феъли атворингизга сингиб кетиши мумкин. Ушанда, жаноб Дунич, ким билади, ўша феъл-атворингизни бу ерда — идора-мизга келувчи ҳурматли фуқароларимиз билан бўладиган муомалаларда юзага чиқариб қоларсиз, бунга эса мен зинҳор-базинҳор йўл қўя олмайман.

Бу сўзларнинг аёвсиз мантиғи Теофилонинг эс-ҳуши-ни олиб қўяр ва у тақдир зарбаларига бош эгиб чидамоқ керак, деб ўзини юпатганича, бир-бир босиб ўз хонасига кетарди-қоларди.

У ниҳоят қовоқхонага боришга ижозат олиши учун шунақанги жазирама июль кунлари кетиши ва Теофи-лони тер босиб, ҳамма ёстиқлар ҳўл бўлиши (бундан қайионасининг жон-пони чиқиб кетарди) керак эди. Тўғ-рисини айтганда, бу ижозат ҳам эмас эди — қайионаси уни уйдан ҳайдаб чиқарганди.

— Қачонгача ағанаб ётасан, ахир хонада нафас олиб бўлмай кетди-ку. Бундай кўчага чиқсанг-чи...

— Унда мен бир оз қовоқхонада ўтириб келай, а?— деб сўрарди Теофило қувончини яширмасдан.

— Менга деса ундан нарига кет!...— жавоб қилганди қайиона ҳамон одатдаги мулозамат оҳангида. Кўнгли тўлган Теофило дивандан туриб, шу яқиндаги қовоқхона-га йўл олган ва мана, соябон тагига ўтириб, қаҳва буюр-тиргану шашқол ўйнаш учун бирорта шерик топил-масмикин, деб кутишга тушганди. Теофило бу ўйинни охирги марта тўйидан олдин ўйнаганди. Кутгани билан шерик топилавермади ва Теофилонинг қовоқхонада таёқ-қа илиб қўйилган ва ўзи бир неча кун олдин ўқиб чиқ-қан газетани қўлга олишдан бошқа иложи қолмади. Агарда унинг хаёлига ҳам келмаган бир воқеа содир бўлмаганида, у қўлидаги газета биланоқ тушлик танаф-фуснинг охиригача қолган вақтни туппа-тузук ўтказиши турган гап эди. Теофило иккинчи никоҳга рухсат берил-

гунча сабри чидаман аллақандай руҳонийга сазо берилганлиги ҳақидаги бир мақолани эндигина ўқиб бўлиб, «Бизга хабар қиладилар» сарлавҳаси остида бериладиган ахборотга (ҳайъати таҳририя бу сарлавҳа остида босилган ахборот учун масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилиши боисидан булар ниҳоятда қизиқарли эди) энди ўтмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, майдон тарафдан аллақандай шовқин эшитилди. Кимнингдир ити занжирини узиб, кўчада қочиб борар, бир тўп бола унинг орқасидан тош отиб, «Ол киш, ол киш!»— деб бақириб қувиб келарди.

Хўжайинлари тушлик овқатдан кейин уйларнда ётиб дам олаётган, халфалар эса дўкон орқасидаги хоналарда хуррак тортаётган бир пайтда дўкон эшиклари олдида мудраб ўтиришган шогирд болалар кўз очиб-юмгунча уйқудан уйғонишиб, қайси бири уч оёқли курсини, ким газчўпни, ким қадоқ тошни кўтарганча, итни қувлаб кетишди.

Теофило бу томошани яхшироқ кўриш учун газетани пастга туширди ва қандай қилиб бўлса ҳам бир оз кўнгил очишу қолган вақтни тезроқ ўтказиш учун бирдан унинг ҳам ит тутишга қўшилгиси келди. У итнинг йўлини тўсиш учун газета илинган таёқни йўлка томон тутди. Ит бўлса ўзини шартта Теофило ўтирган столнинг тагига урди. Шунда Теофило уни оёғи билан итариб чиқармоқчи бўлди, ит эса Теофилонинг оёғини жон аччиғида шундай тишладикки, оёқ ўлгур шу ондаёқ тарашадай қотди-қолди. Қаҳва ташувчи бола буни кўриб, курси билан итнинг бошига бир урган эди, ит йиқилди, у яна шартта туриб энди қочмоқчи бўлувди ҳамки, қолган итқуварлар етиб келишди ва орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, итнинг ўлиги кўчада чўзилиб қолди.

Оломон ўзининг ваҳшийларча баттоллиги қурбони устига ёпирилиб, қаҳва ташувчи бола ва қўшни дўконларнинг бир неча шогирдлари почасининг йиртилган

жойидан қонга беланган оёғини кўздан кечираётган Тео-  
филонинг атрофини ўраб олишди.

— Оғрияптими?— деб сўради тўпланганлардан бири.

— Қара-я, ёмон тишлапти,— деди иккинчиси.

— Шимнийам йиртворибди!

— Ана шуниси чакки бўлди-да,— деди уҳ тортиб  
Теофило, бунақа катта йиртиққа ямоқ солса бўладими,  
йўқми деб чамалаб кўрар экан.

— Яраси унчаликмас,— деб сўзида давом этди би-  
ринчи бола,— озгина ўсимлик мойи билан туз қўйинг!

— Ит қутурган бўлса-чи?— тийилмади иккинчиси.

Ҳамма қотиб қолди, Теофило бўлса ранги қумдек оқа-  
риб, қўрқиб бошини кўтарди ва гапирган болага қараб,  
личирлагандай зўрға:

— Нега қутурган бўлар экан?— деб сўради.

— Шундай... қутуради-да...

— Бунақа иссиқда ҳар қанақанги ит ҳам қутуриши  
мумкин,— деди шогирд бола ишонч билан.

— Мана, масалан, яқинда Троица қишлоғида қутур-  
ган ит бир одамни қопиб олди,— деди кнмдир уни қув-  
ватлаб.

— Хўш, кейин-чи?..— деб сўради ранги оқарган, ўзи-  
ни тамом йўқотиб қўйган Теофило.

— Кейинми? Нима бўларди, ўша одам ҳам қутуриб  
қолди...

— Кейин-чи?— деб саволини қайтарди Теофило ўта-  
каси ёрилгудек ҳолга тушиб.

— Кейин ўша одамни Нишга, жиннихонага олиб ке-  
тишди,— деб гапини маъқуллапти бола.

Бундан бу ёғини эшитишга Теофилонинг юраги бар-  
дош бермади, унинг бутун юзидан қони қочиб, докадек  
оқариб кетди, курсидан аранг туриб, оёғини зўрға судра-  
ганча, уйига йўл олди, халфалар бўлса юз берган ҳодиса-  
ни мароқ билан муҳокама қилишда давом этишаверди.

Турган гапки, Теофилони уйда гўё ит уни тишлаган  
эмас, балки у итни тишлаб олган сингари кутиб олишди.

— Ажаб бўпти! Бўлар-бўлмасга бурнингни тикмай-сан энди!— деб бақриб солди хотини.

— Ахир ит бирорта бошқа дурустроқ одамни тишламабди-ку,— қизининг гапини илиб кетди қайнонаси.— Ахир у, масалан, олайлик, жаноб бошлиқни тишламайди-ку? Албатта, ит ҳам билади кимни тишлашни!

Сўнг навбат шимнинг ташвишига келди (Теофилога навбат кейинроқ келади). Идорага йиртиқ шимда бориб бўлмайди, Теофилонинг эса бошқа шими йўқ эди. Хотинлар бунақа катта йиртиқнинг устига ямоқ солиш учун қаердан бир парча қирқиб олишни чамалаб, шимни айлантириб, астарини ағдариб, ҳар тарафдан синчиклаб кўздан кечириша бошлашди; бу пайтда ярим яланғоч Теофило, бурчакда Троица қишлоғилик одамнинг тақдирини ҳақида ўйланиб ўтирарди.

Анча вақт ўтиб кетгани сабабли идорага бориш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шу боисдан, Дунич хоним жаноб бошлиққа эрининг вақтинча ишда бўлмаганлиги учун кечиришини сўраб, назокатли бир мактубнома ёзди. Дунич хоним мактубининг охирига яна яхшигина бир гапларни ҳам қўшиб қўйди ва қўшнининг боласи уни тегишли жойга олиб кетди.

Қайнона, ниҳоят Теофилога шимини берди-да, қўшимча қилди:

— Ма, оёғингга илвол-да, идорага жўна, ҳали вақт бор.

— Мен бугун бормайман, дедим-ку,— пичирлади Теофило.

— Хўш, нимага бормас экансан, қани айт-чи? Соат энди тўрт бўлди, олтигача ҳали анча вақт бор.

— Жаноб бошлиқнинг ҳам жаҳли чиқиши мумкин,— деб гапга аралашди Дунич хоним.

— Жаҳли чиқса чиқар. Мен сизларга айтяпман-ку, ярага дарҳол бирон нима қўйиш керак.

— Тавба, шунга шунчаликми?— деди қайнона лабини буриб.— Итнинг ярасидек, ўзи битиб кетади. Шу, ар-

зимаган тирпоқ изини деб сен ҳали малҳам ҳам сотиб олинглар, дерсан?

— Ҳа, олиш керак,— аччиғи чиқди Теофилонинг.— Мен сизларга айтяпман-ку, ит қутурган бўлиши мумкин.

— Нима дединг?— бақириб юборди қайнона ва ўзига тоза сув қуйиб ичмоқчи бўлган стаканни қўлидан тушириб юборди.

— Нима дединг?— қўлларини бир-бирига урди хотини.

— Мен айтганим йўқ, одамлар айтишди... айтишдики, Троица қишлоғида... биттасини... шунақа иссиқда...

— Вой, вой, вой!— пиқиллаб йиғи бошлади қайнона синиб ётган стаканнинг устига эгилганича.— Энди шуни-си етмай турувди, шу кам эди!

Хотинлар яна икковлашиб бечора Теофилога ташла-нишди ва итинг йўлида тургани учун унинг ўзи айбдор, агарда у йўлда турмаганда ит бошқаларнинг олдидан ҳеч кимни тишламасдан қандай ўтган бўлса унинг олдидан ҳам шундай ўтиб кетаверарди, деб гап маъқулла-ша бошлашди.

Ниҳоят, жами танбеҳу ҳақоратлар тугагач, улар ни-ма қилиш кераклигини ўйлай бошлашди. Қўшни кампир-ни чақириб чиқишди, у бошини сарак-сарак қилди:

— Қачон тишлади?

— Бир ярим соатча бўлди...

— Э, ундай бўлса вақти ўтган,— деди кампир.

— Нега вақти ўтади?

— Ярани дарров сўриб ташлаш керак эди...

— Ҳо, уни мен сўриб ташлашим керакмиди, а?— деб сўради қайнона.

— Энди барибир кеч,— деди кампир,— энди қонга ўтиб бўлди.

Теофило икки жандарм ўзини жиннилар кийимида **судраб** жиннихонага олиб кетишаётганини кўз олдига келтирди-да, олдингидан ҳам баттар ранги ўчди.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин бўлиб ўтган ҳодисани

қорғозга тушириб қўйиш учун полиция мирзаси келди, чўнки шаҳарда жаноб Теофило Дунични қутурган ит тишлаб олган эмиш, деган овоза тарқалган эди. Мирза Теофилодан ит қанақа эди, деб сўради, Теофило эса айтиб беролмади, лекин ит ўлдирилган, мурдаси кўчада чўзилиб ётибди, деди.

— Жуда соз,— деди мирза гапини хулосалаб,— жуда яхши бўпти. Қўлимизда *cognis delicti*<sup>1</sup> бор. Жуда соз. Мен ҳозироқ итни Белградга юборишни буюраман..

— Белградга юборишнинг нима кераги бор?— қизиқсиниб сўрашди иккала хотин ўзларидаги қўрқувни аранг босишиб.

— Текшириб кўриб, унинг қутурган-қутурмаганлигини аниқлаш учун. Жаноб Теофилонинг ўзини ҳам текширишга юбориш мумкин эди-ю, лекин мен итни юбориш дурустроқ деб ўйлайман,— жавоб қилди мирза.

Мирзанинг ниятини тушуниш учун бу округда уч йилдан бери округ доктори йўқлигини назарда тутиш лозим. Тўғри, бу ерга халқ соғлигини сақлаш ҳақида маъруза ўқиб, халқнинг фолбин-табибларда даволанмаслигию касалликнинг дастлабки белгилари кўриниши билан докторга боришини ташвиқот қилиш учун марказдан йилига бир ёки икки маротаба доктор келиб-кетарди. Лекин — у кетиши билан унинг маърузасини эшитганлар ўзларида доктор йўқлигидан яна дуохонларда даволанаверишарди.

Шунинг учун ҳам мирза итни Белградга текширишга юбормоқчи эди.

— Умуман олганда, ит ҳеч қандай қутурмаган бўлиши ҳам мумкин,— деб қўшиб қўйди мирза.

— Қутурган бўлса-чи?— қўрқиб сўради Теофило.

— Ундай бўлса, биз сизни ҳам Нишга, Пастеров шифонасига текшириш учун юборамиз...

Теофилонинг аъзойи бадани тиришиб кетди ва у кўзларини очор пирпиратди:

<sup>1</sup> Жипоят уссури (*лотинча*).

— Бу нима, жиннихона деганими?  
— Йўғ-е, бу қутурган касалларни даволайдиган жой.  
— Шунақа денг? У ерда мени нима қилишади?  
— У ердами?— қайтариб сўради мирза.— Сизни ҳар  
хил игналар сайчиб даволашади... хуллас, шунга ўх-  
шаш... Мен сизга анигини айта олмайман.

Теофило бирдан ўзига қандай игна санчишларини кўз  
олдига келтириб, ўтирган курсисиди типирчилай бошла-  
ди. Мирза эса бўлган ҳодисани қоғозга тушириб бўлиб,  
итнинг қанақалигини аниқлаб, унинг мурдасини Бел-  
градга юбориш учун воқеа юз берган жойга жўнади.

Кўп ўтмасдан, Теофилони кўргани жаноб бошлиқнинг  
ўзи келиб қолди. Дунич хоним уни илтифот билан қар-  
шилади:

— Бизга тасалли бериш учун келганингиз яхши бў-  
либди.

— Қаранг, бошимизга қандай кулфат тушди,— деб  
қўшиб қўйди унинг онаси.

— Ташвиш қилманглар, бардам бўлинглар. Эҳти-  
мол, ҳали иш у қадар ёмон ҳам эмасдир...— деди бош-  
лиқ ва Теофилонинг олдига келиб унга қўл узатди-ю,  
лекин шу заҳотиёқ қўлини тортиб олди.

— Эсимдан чиқай дебди. Эҳтиёт шарт, қутурганми-  
сиз, йўқми тўла аниқламагунча бир неча кун сиз билан  
қўл бериб кўришмаганимиз маъқул.

Бошлиқ курсига ўтирди-да, қутурган одамлар ҳақи-  
да узундан-узоқ, тафсилотлари билан гапира кетди:

— Ҳа, ҳа, улар тишлонғич бўлиб қолишади. Сиз  
ҳам, жаноб Теофило, тишлонғич бўлиб қоласиз.

Бечора Теофилонинг кўзлари олайиб кетди, у ўзи-  
дан-ўзи қўрқа бошлади.

— Вой худойим-ей,— деди Дунич хоним безовта-  
ланиб,— бунақа бўлса, биз ундан қочишимиз керак  
экан-да. Қутурганликнинг аломатларини олдиндан би-  
лишнинг иложи йўқмикин?..

— Биринчидан, жаноб Теофило қаттиқ ташналикни

ҳис қилади, иккинчидан эса иситмаси кўтарилиб кетади, айтайлик, кечқурун ўттиз тўққиз даража, эртасига эрталаб эса ундан ҳам юқориноқ бўлади. Кейин оғзидан кўпик чиқади...— жаноб бошлиқ шундай ҳикоя қилардики, худди умрида унинг ўзи ҳам камида уч марта қутуриб кўргандек эди.

Жаноб бошлиқни, турган гапки, дарвозагача кузатиб қўйишди ва эртасига ҳам келишини илтимос қилишди, сўнгра даража ўлчагич учун доя хотинникига одам юборишди, чунки бутун шаҳарда фақат ундагина бу асбоб бор эди, холос. Теофилонинг қўлтигига даража ўлчагични тиқишди, олдига уч стаканда сув қўйишди ва шунчаки айрим нарсалар ҳақида маслаҳатлашиб олгани бирпасга қўшниникига чиқиб келамиз, деб уни ишонтириб, уэр сўраб, ёлғиз қолдиришди.

Аслида эса улар қўшни хотиндан мабодо Теофило қутуриб қолгундай бўлса, ўзларига вақтинча жой бериб тура олармикин, деб сўрагани чиқишган эди.

Шундай қилиб, Теофило хаёлларию қўлтигида иситма ўлчагичи билан ёлғиз қолди. У ҳали ўлчагичга қарамаса ҳамки, унга ўзи жуда чанқаб кетаётгандай бўлиб туюлди. Шу заҳоти у гўё қутуриб кетиб, уйда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрганини, оинани, стаканларни, деразаларни синдираётганини, уйдагиларнинг эса унинг олдида қўрқувдан титрашаётганини тасаввур қилди. Уйдагиларнинг ҳаммаси қўрқиб зириллашлари ҳақидаги фикр унга жудаям хуш ёқди, агарда дунёда игна санчадиган шифохоналар бўлмаганида борми, у қутуриб қолишга жон деб рози бўларди.

Ярим соатча вақт ўтди. Қайнонаси билан хотини уйга қайтиб келишиб, биринчи галда стаканларни текшириб кўришди. Сувга қўл урилмаган, иссиқлик даражаси ҳам одатдагидек эди ва хотинлар гарчи ҳамон эҳтиёт туришса ҳам бир оз тинчланишди. Теофилони ҳаммадан ҳам уларнинг меҳрибон бўлиб қолишгани ҳайратга солди.

— Теофило, ўғилгинам, кўнглинг чой тусаётгандир?— деб сўради қайнонаси.

— Фило,— деди хотини уни худди никоҳдан кейин атаган номни билан атаб,— бир пиёла чой ичиб олсанг, яхши бўларди-да.

Бу меҳрибонликлар қўшнилардан олинган панд-насиҳатлар оқибати эди, улар беморни сира хафа қилмаслик, жаҳлини чиқармаслик керак, негаки, ҳар қанақанги арзимаган ҳаяжонга тушиб ҳам уни қутуртириб юборади, деб уқтиришган эди.

Шу тунги иккала аёл ҳам, ўз-ўзидан маълумки, қўшни хонада ётишди ва эшикни жамик илгакларини солиб, қулфлаб олишди. Теофило бўлса қўлтиғида иситма ўлчагичу боши кўрпа билан ўралганича каравотининг олдида бир стаканда сув билан ёлғиз қолди.

Уни қайғули хаёллар босди. У уйдагилар ҳақида, хизмати ҳақида, турмуши ҳақида ўйга толди. Шунда унинг кўз олдида қайнонаси жонланди. Энди унга нисбатан ўзида алоҳида бир нафрат сезди, бирдан уни оёқлари остига босиб, топтагиси келиб кетди. Кейин кўз олдида бошлиғи билан, очиқдан-очиқ, беҳаёларча алоқа қилиб юрган хотини келди; унинг юзига жон-дили билан тупуради; ва ниҳоят кўз олдида бошлиғи — хизматмавқеидан фойдаланиб, ўз хизматчисининг оқласини бузадиган разил одам намоён бўлди; унинг пешонасига шармандалик тамғасини аллақачонлароқ босиб керак эди. Бечора Теофилонинг мясига бунақанги фикрлар илгарилари ҳеч қачон келмаганлигидан, у қўрқиб кетди ва ўз-ўзидан: «Наҳотки, қутуриб қолган бўлсам-а?»— деб сўради.

Шу сонияда у, ҳақиқатан ҳам қутуриб қолдим, деб ўз-ўзини ишонтира бошлади, ҳаттоки бу фикр унга жуда ёқиб тушди. Теофило иситма ўлчагичини олди-да, даражани оддий кўрсатиб, алдамчилик қилибди, деб ўйлади ва унинг исби, ҳеч бўлмаганда, 39 ни кўрсатиши учун шишасининг пастки думалоқ жойига куҳкуҳлай

бошлади. Сўнг лиммо-лим тўлдирилган стаканга қаради-ю, бу ерда ҳам ҳеч қанақа алдов бўлмаслиги учун уни олиб икки ҳўплашдаёқ бутун сувни бир томчи қолдирмасдан ичиб юборди.

У иккала шартни ҳам бажаргач, каравотга ўтирди-да, қутуриб қолдим, деб ўз-ўзини энди жиддий ишонтирди. Унинг қўз олдига яна қайнонаси билан хотини келди. Ахир улар, мана, нариги хонада хотиржам ухлаб ётишибди, уни бўлса қўтир теккан итдек яккалаб қўйишди, тагин бизга бирор нарса қилмасин, деб қўрқишиб, эшикни ичидан қулфлаб ҳам олишган. Шу онда унинг калласига бир бадхоҳ фикр келди: уларнинг уйқусини боплаб бузса, қандай бўларкин?

Теофило ўрнидан турди, уларнинг эшиги олдига бориб, уни бор кучи билан тақиллата бошлади.

— Ким у?— деб бараварига бақириб юборишди ўтакаси ёрилган хотинлар.

— Менман,— деди Теофило.— Эшитяпсизларми, мен қутуриб қолдим.

— Вой, вой, вой!— дод солишди жон-пони чиқиб кетган иккала хотин.

— Иситмам ўттиз тўққиз, сувниям бир кўтаришда ичиб қўйдим.

Иккала хотин ҳам тишлари такиллаб қалтирашар ва миқ этишмас эди.

— Лекин шундай бўлса ҳам сизлар билан гаплашмоқчиман...

Хотинлар бир-бирлари билан пичирлашиб олишди, кейин эса Дунич хоним эшикка яқин келди-да, қулф тешигига эгилиб, эрини ширин товуш билан юлата бошлади, у бундай оҳангда никоҳдан кейинги дастлабки кунларгина гаплашган эди, холос.

— Жон Фило, ўзимнинг Филожоним, айланиб кетай сендан, бор, жойинга ёт, ухла, эрта билан гаплашамиз. Бориб ухла!


Теофило бир оз таскин топди, чунки хотинининг то-

вуши унга никоҳдан кейинги илк бахтли кунларни эслатди ва шунинг баробарида, у ўз қилиғидан мамнун бўлди. Уларга ўзининг қутурганлигини айтгандан сўнг, хотинлар ҳам худди у сингари энди ухлай олмасликларига имони комил эди. Бу фикр унга айрича ҳузур бахш этди ва у ўз хонасига қараб кетди.

Эҳтимолки, мамнунлик ҳисси ва айқаш-уйқаш таассуротлар чарчатганиданми, Теофилонн энди тез уйқу босди ва тун бўйи тинчгина ухлади, хотинлар эса аксинча эрталабгача кўз юммай чиқишди.

Тиниқиб ухлаган Теофило эрталаб ўрнидан турди-да, каравотга ўтирди ва яна ўйга чўмди. Ўзининг ўйларини маълум тартибга солиб олишни, у, ўз-ўзидан: «Мен наҳотки қутурган бўлсам?»— деб сўрашдан бошлади. Кечқурун иситмаси 39 даражага етгани ва сувнинг ҳаммасини ичиб юборганини эслади, кейин ҳаётидаги илгарилари ўзи бепарво қараган, энди эса уни фақат безовта қилибгина қолмасдан, балки газабини қўзғатган барча нарсаларни эслай бошлади. У кўпдан сабр-тоқат билан чидаб келган нарсаларни эслар экан, ўзида буларнинг ҳаммасига қарши зарба беришга қодир бўлган кучни сизди. Буларнинг ҳаммасидан у, ҳақиқатан ҳам қутуриб қолдим, деган хулосага келди ҳамда қутурган одам сифатида қандай тўполон кўтаришни ўйлай бошлади. Ойналарни синдириб, курсиларни бўлак-бўлак қилиб ташласинми? Йўқ, бу жуда қимматга тушади. Бошлайдиган бўлса пул тўланмайдиган нарсадан бошлаш керак. У атрофига синчиклаб кўз югуртирди. Худди шу пайт нариги хонанинг эшиги қия очилиб унинг тор тирқишидан қайнонасининг боши кўринди, у ҳар дақиқада ичкарига шартта беркиниб, ўз орқасидан эшикни маҳкам ёпиб олишга ҳозир турарди. Қайнона жуда ширинсуханлик билан:

— Фило, ўғилгинам, яхши ухладингми?— деб сўради.



# ҚАБР УСТИДАГИ НУТҚ

— Жуда яхши,— хотиржамлик билан жавоб берди Теоффо.— Сизлар-чи?

— Биз бўлсак кечаси билан ухламасдан сени ўйлаб чиқдик,— деб жавоб берди қайнона, Теофилонинг хийла тинчгина кўриниши ва саволларга оқилона жавоб бераётганлигидан дадилланиб. Сўнг у, афтидан, қизини тинчлантириш учун бошини эшик орқасига олди-да, ўша ердан туриб:

— Фило, ўғилгинам, чойга тобинг қалай?— деб сўради.

— Чой бўлса чой-да... Малол келмаса, майли, дамлай қолинглар...

Бундай жавоб иккала хотинни ҳам батамом хотиржам қилди ва улар ўз хоналаридан чиқишиб, уйда бемалол юра бошлашди. Теофило индамасдан уларни кузатиб турди, унинг калласига, кечагина менга тинчлик бермаган бу манфур махлуқлар энди кўз олдимда бемалол у ёқдан-бу ёққа ўтиб юришибди-ку, деган фикр келди, ўзининг қутурганлиги эсига тушиб кетиб, каравотидан сакраб турди-да, қайнонасининг елкасидан маҳкам ушлаб:

— Лаънати қари алвасти, сен ахир умрим бўйи менинг қонимни пчиб келяпсан,— деганича, уни силкита бошлади.

Қайнона жон ҳолатда чинқириб юборди, унинг кетидан Дунич хоним ҳам чинқиришга тушди ва улар икковлашиб Теофилога ташланмоқчи бўлишди, лекин у:

— Жим, қимирламаларинг, қичқирмаларинг, бўлма-са тишлаб оламан!—деб бақирди.

Хотинлар бундай пўписадан тошдек қотиб қолишди. Теофило эса қайнонасига қараб сўзида давом этди:

— Мен қутурганман, лекин сен айтганларимни яхши-лаб эсингда тут. Мен сабр-тоқат қилиб, кечириб юравераман, лекин тоқатим тоқ бўляпти, шундай кун келадими, сен ҳаммаси учун жавоб берасан. Агарда сен минбаъд менга ҳақорат қилиш учун олганини очгудек

бўлсанг, билиб қўй, ҳар битта сўзинг учун жазонгни ола-сан. Мен сени ҳозироқ тишлаб олишим мумкин эди-ю, лекин бундай қилмайман. Ҳозирча сенга шу огоҳланти-ришим ҳам етарли,— Теофило шундай деди-ю, курсини олиб қайнонасининг бошига кийгазиб қўйди. Қайнона-си яна чинқириб юборди ва курсини олиб ташламоқчи бўлган эди, Теофило бақириб берди:

— Қимирлама, қўлларингниям қимирлатма, мен ҳозирча мана бу билан ҳам ҳисоблашиб қўяй,— деди у худди терак япроғидай дир-дир титраб турган хотинини кўрсатиб.

Қайнона бошидаги курси билан қотиб қолди.

— Сен бўлсанг,— хотинига ўғирилди Теофило,— ўйлайсанки, сенинг нима қилиб юрганингни мен кўрмай-ман ҳам, билмайман ҳам, шундайми? Сен ўйлайсанки, сенинг ўша солиқ чўчқаси билан алоқангни мен бил-майман, шундайми? Сен ўйлайсанки, мен бунинг учун жазонгни беролмайман, а? Майли, шундай кун келади-ки, бу доғни қонинг билан ювасан! Туф сенга, ярамас хотин!— у худди кечаси ўйлаганидек, хотинининг юзига тупурди-да, сўнг яна битта курсини олиб, унинг боши-га ҳам кийгазиб қўйди.

Курсилар остидаги бу икки ҳайкални синчиклаб қараб чиққан Теофило мамнунлик билан кулимсиради ва кўзларини шифтга тикканича:

— Марҳаматли худойим, мени қутуртирганинг учун сенга шукроналар қиламан!— деб қироат бажо келтирди.

Сўнг хотинлар томон бурнлиб, қўшиб қўйди:

— Қани, энди курсиларни олинглар-да, ишларингга боринглар. Бугунча сизларга шуниси ҳам стар, лекин менинг айтганларимни эсларингдан чиқарманглар!

Оилавий жанжал энди тугаши билан худди шу пайтга атайин тақлиф этилгандай, жаноб бошлиқ пай-до бўлди.

— Ишлар қалай кетяпти, билгани келдим,— деди у.

— Э сен ҳам келдингми,— дарров унга ёпишиб

кетди Теофило.— Ҳа, ўғри чўчқа, мана буни бир кўрай деб келибсан-да! Сенинг ўн тўрт минг етти юзу иккинчи рақамли ҳужжат бўйича давлатдан етти минг динор ўғирлаганинг камлик қилган экан-да, менинг номусимни ҳам ўғирламоқчи бўлибсан. Йўқол бу ердан! Йўқол менинг уйимдан!— Теофило шундай дедию бошлиққа қараб курси билан ҳамла қилди. Қўрқув ва ғазабдан ўзини тамом йўқотиб қўйган бошлиқ кўчага қандай қилиб чиққанини ҳам билмай қолди.

Қутурганлиkning ролини боплаб бажарган Теофило чарчаб каравотига ўтирди. У ўз-ўзидан мамнун, бутун ўзининг аламини олганидан хурсанд эди. Лекин бирдан уни шубҳаю пушаймонлик ҳислари чулғади. Аввало у ўз амалидан ажрашдан қўрқиб кетди, сўнг ўз қилмишининг бундан ҳам қўрқинчлироқ оқибатлари борлигини ўйлаб, юраги орқасига тортди.

«Мен ўзи яхши иш қилдимми?— деб ўйлади у.— Энди хотиниму бошлиғимнинг кўзига қандай кўринаман? Энди идорага қайси юз билан бораман?»

Шу пайт яна бир меҳмон — воқеани қоғозга туширган полиция мирзаси келиб қолди. Мирза қувончли хабар келтирган эди:

— Белграддан жавоб келди, ташвишланишга ўрин йўқ, ит қутурмаган экан.

— Қутурмаган экан? Унда мен нима қиламан?— деб қичқириб юборди Теофило. Аммо шу ондаёқ калласини ишлатиб, мирзадан Белграддан келган жавобни ҳеч кимга билдирмасликини илтимос қилиб ялина бошлади.

— Ҳечам мумкин эмас,— деб жавоб берди мирза.— Мен ит қутурмаган экан, деб аллақачоноқ ҳаммага айтиб чиқдим.

Бу хабар Теофилони ларзага солди. У ўз оёғи остида катта жарлик пайдо бўлганини сизди, миллиардларча сўроқ аломатлари унинг кўз олдида жимжималаниб ўйнаб кетишди. У оғир уҳ тортди-ю, жон ҳолатда:

— Энди мен нима қиламан?!— деб бақириб юборди.

*Вилоят шахридаги муҳаррир ҳаётидан бир шингил*

Бу воқеа биз — ўқимишли кишиларда халқ ичига кириб бориш ва уни уйғотишдек олижаноб интилиш пайдо бўлган замонларда рўй берган эди. Ўша пайтда мен С. шаҳарчасидан бир газетани нашр этишга жазм қилган эдим, бу газета мазкур шаҳардаги биринчи ва шу билан биргаликда охириги газета эканлиги билан шуҳрат топган эди. Бу газета С. да асрлар мобайнида маданиятнинг бирдан-бир намоён бўлиши эди ва шундай бўлиб қолади.

Бу газетанинг қанақа бўлганлигини билганингизда эди! У турли қисмларга бўлинган эди, унда ҳар хил сарлавҳалар ва сарлавҳачалар бор эди. Унда адабий янгиликлар, олди-қочди хабарлар, телеграммалар ва жиддий газета учун керакли жамики бошқа нарсалар босиларди. Редакциянинг ўзида эса меҳнат тақсимооти қуйидагича эди: бош мақолаларни мен ёзардим, телеграммаларни ҳам мен тайёрлардим, адабий саҳифани ҳам, «бир чимдим ҳазил»ни ҳам, шунингдек, «савдо-со-

---

<sup>1</sup> Ҳикояга ёзувчининг ўз ҳаётида юз берган воқеа асос қилиб олинган. Нушич 1883 йилда Смедеревда унча катта бўлмаган босмаҳонани сотиб олади ва «Смедерев ахбороти» деган газетани нашр эта бошлайди. «Ўқувчиларни савдо-сотиқнинг аҳволи, энг сўнгги янгиликлар ва қизиқ воқеалар билан таништирувчи», ҳафтада икки марта чиқадиغان бу газета фаолияти узоқ давом этмади. Нушич ўз ҳикоясида муҳаррирнинг бошидан кечирган саргузаштларни кулгили баён этади.

тиқ»ни ҳам менинг ўзим ёзардим ва ниҳоят, «эълонлар»ни ёзиш ҳам менинг бўйнимда эди. Қисқача қилиб айтганда, мен ўзимнинг энг асосий ходимим эдим.

Бош мақолаларни мен одатда баландпарвоз услубда, чунончи: «Sine ira et studio»<sup>1</sup> ёки «Lacta est alea»<sup>2</sup>, ё бўлмасам: «Vitam comprehendere vero!»<sup>3</sup> ва ҳоказо деган сўзлар билан бошлардим. Кейин мен шаҳардаги чанг-тўзон ҳақида, жамоа чироқлари ҳақида ва бошқе кўпгина нарсалар тўғрисида узундан-узоқ ёзардим. Бу мақолалар одатда: «Бу қаттиқ ёнғоққа тишинг ҳадеганда ўтавермайди!»га ўхшаган ёки: «На худога бандая, на шайтонга косов» ё бўлмаса: «Биз билан беллашсанг, белинг синади!» сингари иборалар билан тугалланар эди.

Халқаро воқеалар шарҳи эса жуда ҳам осон эди. Икки-учта сиёсий шахслару давлат арбоблари учрашадиган икки-учта шифобахш жойлар ва яна икки-учта чет эл ибораларини тилга олсам бўлди — шу билан сиёсий шарҳ ҳам тайёр. Мен ушбу лугатдан: Бисмарк, Гирс, Гладстон, Бад-Ишл, Баден-Баден ва ниҳоят, «ташаббус», «келишув» ва «ҳамжиҳатлик» деган сўзларни кўпроқ ишлатардим.

«Шу куннинг янгиликлари»да мен одатда шу жойга хос бўлган ҳодисаларни келтирар эдим. Чунончи: «Бугун бизнинг шаҳримизга тўрт нафар саёҳатчи келди, бу ҳол шаҳримизнинг тараққийси борасида чуқур ҳулосалар чиқариш имконини беради» ёки: «Шаҳримизни ёритиш ишлари тез тараққий этмоқда. Кеча шаҳар жамоаси ўз ҳисобидан яна бир дона кўча фонуси ёқишга қарор қилди. Бу — кейинги йигирма тўрт йил мобайнида ёқилган тўққизинчи фонусдир, агарда шаҳар жамоаси ғайрат-шижоатини пасайтирмаса, бизнинг шаҳри-

---

<sup>1</sup> Ғазаб ва ғаразсиз (лот.).

<sup>2</sup> Қуръа ташланган (лот.).

<sup>3</sup> Ҳаётни чинакамга билмоқ керак! (лот.).

миз вилоятимиздаги энг ёритилган шаҳарлардан бири бўлиб қолажак».

Сиёсий телеграммаларни мен ўзим йиғиб, тикиб қўйган эски газеталардан олар эдим. «Бисмарк сафарга отланди...», «Буюк саркарда Бад-Ишлда...» қарабсизки, телеграммалар ҳам тап-тайёр. Аслини олганда булар — ҳар йили босилиши мумкин бўлган телеграммалар эди.

Адабиёт саҳифаси учун мен битта китобни сотиб олган эдим. Унда жуда қизиқарли ишқ-муҳаббат можароси ҳикоя қилинган эди. Эсимда, унда гап бир-бирини севган икки ёш ҳақида борарди, аммо ўзаро адоватда бўлган уларнинг ота-оналари бу севги ҳақида эшитишни ҳам истамасдилар. Улар бир-бирларига етиша олмаганликлари боисидан китоб охирида улардан бири ўз жонига қасд қилади. Бу узундан-узоқ можаро жуда яхши кўчириб босилар ва адабиёт саҳифасини тўлдирадиган-қоларди.

«Бир чимдим ҳазил» бўлими учун материал ҳадеганда топилавермас, лекин мен муқаддас ёзмалар, турли ҳадислар ва бошқа доно китоблардан тўппа-тўғри кўчириб «ҳикматли сўзлар» тузардим ва шу билан бунинг ҳам йўлини қилардим.

«Савдо-сотиқ» бўлимига келганда эса, жин урсин, ўша пайтда бунинг чорасини қандай топганимни то ҳануз ўзим ҳам билмайман. Бу бўлим менн ҳаммасидан кўра кўпроқ қийнарни, унинг устида жуда кўп вақтлар қалам чайнаб ўтирганим ўтирган эди. Бугун мен: «Будапешт бозорида харидорларнинг сусткашлиги туфайлидан нарх-наволар пасайиб кетди», деб ёзсам, эртасига: «Харидорларнинг сусткашлиги туфайлидан Будапешт бозорида нарх-наволар пасайиб кетди...» дердим. Хўш, индинига нима деб ёзиш керак?

Мабодо бирор кимса эълон кўтариб келса яхши-я, олиб келмаса-чи, ўзим: «эски кўзалар» ёки «500 литр қора бўза», «дуб ва арча ёғочлари», «1000 дона черепаца» ва яна «эски, лекин сирланган кўзачалар» сота-

ман, деб эълон берардим, яна нималарни эълон қилмаганман — худонинг ўзи билади.

Кўриб турганингиздек, мен бир ўзим шу тахлитда газетамни бошдан-оёқ «кийинтирар» эдим.

Менинг редакциям катта кўчага жойлашган эди, тўғри, у бир оз пастроқ бинода эди, менинг ўзим ҳам жуда юқорини чоғлаётганим йўқ эди-да. Деразанинг ёнидаги бурчакда катта қути турар, унинг устида эса винодан бўшаган ярим литрли шишада тўла сиёҳ ва мен ҳам бош мақолалар, ҳам эълонлар ва ҳам ҳикматли сўзлар ёзадиган патқалам турарди. Ҳозир бирор кимса ҳам мен ёзганларимнинг ҳаммасини биттагина патқаламда ёзиш мумкинлигига ишонмаслиги турган гап.

Қутининг устида бош мақолалар ёзиш учун тахт қилиб қўйилган узун қоғоз тахламлари турар ва уларга бир ой олдиноқ сарлавҳалар ёзиб қўйилган бўларди. Редакцияга дабдурустдан кирган кишининг кўзи тушин учун деворда чет тилларда чиқарилган икки-уч газета осифлиқ, уларнинг ёнига эса менинг кишиликка киядиган шимим илиб қўйилган эди.

Менинг редакциям тахминан шундай кўринишга эга эди.

Бу ерда энг яқин қўшним сартарош Йоца Бочарский бўлиб, бу одобли ва иззатталаб одам муштлашгани учун етти марта суд қилингани билан шаҳарда машҳур эди. У муштлашиш пайтида ҳар сафар ўз танбурини ишга соларди, ундан шунақанги фойдаланардики, иккита «эксперт» судда бу асбоб одам ўлдирадиган қурол ҳисобланади, дейишган. У муштарийларимдан бирортаси пул тўлаганлигига қарамасдан газета етказиб берилмаганлиги учун мени калтаклагани келган пайтларда, доимо жонимга ора кирар ва шунинг учун ҳам мен унга газетани бепул берардим.

Менинг газета ташувчим унчалик наф келтирмаса ҳам лекин у ҳам хийла ҳурматли одам эди. Унда ўз-ўзидан жаҳли чиқиш одати бор эди, шунинг учун ҳам

у узоқ азоб чекмаслик учун ухлагани ухлаган эди. Гоҳида шундай ҳам бўларди: газетанинг янги сонъ чиқди дегунча у жаҳлга минар, ўзини-ўзи сўкиб, кейин мен стол ўрнида фойдаланадиган қутининг устига чиқар, бошига эски газеталарни қўйганча, беозоргина хуррак торта бошларди. Мен унга ширинсўзлик билан:

— Яков, сиздан илтимос, ўрнингиздан туринг, газеталарни тарқатиб келинг!— дердим.

У бўлса қутининг устидан менга қаҳр билан қараб, худди: «Менга қандай ҳақ тўласанг, газетанинг ҳам шундай тарқатаман», демоқчидай бўларди ва нариги томонга ағдарилиб олиб, яна уйқуга кетарди. Турган гапки, бундай пайтларда мен, газеталарни ўзим тарқатиб келиш учун қўлтиғимга тикардим-да, қайтгач, унга ҳамма нш бажариб бўлинди, деб ахборот берардим.

Бозор кунларининг бирида унга пул керак бўлиб қолди-ю, лекин тасодифан шу куни менинг ёнимдан ҳемири ҳам чиқмади. У жаҳлини олдин ўз-ўзига сочди, кейин менга сочди ва томоғимдан гиппа бўғиб, деворга қисиб қолди. Шунда ҳар сафаргидек қўшним Бочарский ёрдамга чопиб келиб, иккимизни икки ёққа ажратиб қўйди ва шундай қилдики, биз бир-биримизга узр-маъзур айтишиб ярашдик.

Ишлар шу зайлда борарди. Баъзан менда пул ҳам бўларди ва шунда қовоқхонада овқатланардим. У ерда одатда мени жуда ақлли одам деб ҳисобловчи кишилар билан жиддий суҳбатда бўлардим, мени ақл жиҳатидан ўзи қатори кўрувчилар билан эса умуман гаплашмасдим.

Гоҳида бош мақола қойилмақом равишда чиққан пайтлар ҳам бўларди. Шу муносабат билан мен шляпани кўзимгача тушириб олиб, муштарийларим яшайдиган жами кўчаларни айланиб чиқардим. Одамлар гавжум бўлган жойларда кун бўйи кезиб юрардим, бозор майдонида бир-икки соат қаққайиб турардим ва одамларда қандай таассурот қолдиряпман, улар мени кўриб

анқайнб қолишяптими, кимдир қўли билан мени шери-  
гига кўрсатяптими, деб шляпа остидан қараганим қара-  
ган эди.

Мен сиёсатга аралашмас эдим, лекин бир кўни жу-  
даям кўнгилсиз можарога йўлиқиб қолдим. Мен бош  
мақола ёзишим керак эди ва мен унга: «*Quisgue suorum  
verborum optimus interpres*»<sup>1</sup> деб сарлавҳа қўйдим.  
Шайтон билсин, менга нима бўлди-ю, калламга, бундай  
сарлавҳа остида фақат бизнинг шаҳар жамоаси бошлиғи  
тўғрисидагина ёзиш мумкин, деган фикр ўрнашди-қол-  
ди. Мен бу хавфли фикрни миямдан чиқариб ташла-  
моқчи бўлдим ва бизнинг шаҳримизга ҳам худди пой-  
тахтдагидек иккита бозор зарурлиги ҳақида ёза  
бошладим... Аммо афсус! Ахир *Quisgue suorum*, деган  
гап бозорга тўғри келармиди? Бундай сарлавҳа фақат  
шаҳар жамоасининг бошлиғи учун ярайдди, холос.

Шаҳар жамоасининг бошлиғи тўғрисида кўп нарса  
ёзиш мумкин эди, лекин билмадим, нима учундир менга  
бундай сарлавҳа остида шаҳар жамоаси бошлиғини  
фақат болаб сўкишгина мумкиндек бўлиб туюларди.  
Калламга мақолани «Қонга қон, жонга жон» деган хи-  
тоб билан тугаллаш фикри келиб қолмагунча ўйлана-  
вердим.

Шундай қилиб, мен беихтиёр равишда, қандайдир  
бегона ички қистов билан бегуноҳ жамоа бошлиғини  
роса сўкдим, буларнинг ҳаммасига лотинча сарлавҳаю  
хунрезликка чақирувчи тугалланма айбдор эди.

Қандай бўлмасин, бу воқеа туфайли шаҳарда бир  
мўъжиза рўй берди. Одамлар ўзларини тўхтата олмай  
ўпқалари тўлиб, кўзларида ёш — мени бу мардона  
ишим билан табриклашди. Қаерда бўлмайин, мени бир-  
бирларига кўрсатишарди.

Шу кўни мен бозор майдонида уч соатча туриб қол-  
дим, кейин эса муштарийларим бўлмаган кўчаларни

---

<sup>1</sup> Ҳар кимса ўз сўзининг моҳир изоҳловчисидир (лот.).

ҳам айланиб чиқдим. Мен бир қанча қовоқхоналарга кириб чиқдим ва кечки ибодат бўлаётган черковга ҳам бордим. Икки-уч киши тўпланиб турганлигини кўрганим ҳамона мен дарҳол уларнинг олдиларидан ўтардим ва ҳамма жойда менга ҳайрат кўзи билан қарашарди.

Турган гапки, менга нафрат билан қараганлар ҳам бор эди (айниқса, жамоа хизматчилари шундай қилишарди). Мен ўзимга тарафдорлар топиш билан бир-галикда анчагина душманлар ҳам орттириб олганимни ичимдан сезиб турардим.

Ҳақиқатан ҳам бу мақоладан сўнг ҳамма ишларим олдингидек текис кетавермади.

Бу воқеадан икки-уч кун ўтгач, қоқ туш пайтида мен редакцияда ўтириб, «оҳ-воҳ» қилиб «савдо ва сотиқ» тўқниётган эдим. Шу куни Яков эрта турган, менинг кўчалик кийимимни кийиб, қаёққадир кетган, мен эса ёлғиз қолган эдим. Роса қийналиб ўтирган эдим ҳамки, бирдан редакцияга ташқи кўриниш ғалати бўлган бир номаълум киши кириб келди. У қадамини катта-катта ташлар, қўйнида нимадир дўппайиб турарди.

У редакцияга кирган ҳамониеқ менинг хаёлимга таёқ ва шунга ўхшаш нарсалар келди. Қалламда эса дарҳол у менинг сиёсий мухолифларимдан бири, уни балки шаҳар жамоаси бошлиғининг ўзи юборган, ҳозир у мени ёзганларим учун жавоб беришга мажбур қилади, деган фпкр ялт этди. Мен ўнг ва чап томонимга қарадим, аммо яқин атрофимда сиёҳдонлик вазифасини бажарадиган шишадан бошқа ҳимоя қуролини кўрмадим.

Ғалати одам столим олдига яқинлашган пайтда мен оёқларимни ғужанак қилиб олдим у шу дақиқада менга ўзимдан жудаям олисда бўлиб туюлган эшикка жон ҳолатда қарадим.

— Салом!— деди номаълум одам ва тахлаб қўйилган газеталарнинг устига ўтирди.

— Салом!— дедим мен ҳам аранг сўлагимни ютиб.

— Бу газетанинг муҳаррири сизмисиз?— тўмтай ганича сўради у.

Томоғим ғиппа бўғилдию товушим тамом чиқмай қолди, шу сабабдан «ҳа, мен», деганим худди қамиш поясидан қилинган сурнайча орқали айтилгандай хира ва ноаниқ эшитилди.

Шу дақиқада мен унинг дўппайиб турган қўйнидан қўлини чиқараётганлигига кўзим тушдию бутун вужудимни қалтироқ босди.

Қарангки — ё навзанбилло!— хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — у қўйнидан... катта тўппонча чиқарди!.. Менинг қўлимдан қаламим тушиб кетди.

— Мана бу тўппончани кўряпсизми?— қатъиян сўради у.

Мен — муҳаррир бечора, унга нимадир демоқчи бўлган эдим, шу пайт юқори жағимда бир йилдан бери лиқиллаб юрган тишим суғурилиб тушди.

— Қалай, бу тўппонча сизга ёқадими?— деб гўлдиради ҳалиги мудҳиш одам ва тўппончани худди бурнимнинг тагига олиб келди.

Мен хириллаган товушда бақириб юбордим ва билмадим, қайси куч билан шартта сандиқдан сакраб ўтдиму ойнани снндирдим, ҳаммаёғим тилиниб кетди, негадир ҳадеб ўтган сафарги бош мақоламнинг «Биз билан беллашсанг, белинг синади!»— деган тугалланмасини пичирлаганимча, яланг бош ва пальтосиз кўчага отилиб чнқдим.

Ўша жон ҳолатдаги дақиқада мен қўшним Йоца Бочарскийнинг эшигидаги лавҳага кўзим тушдию хаёлимга унинг одамни ўлдирадиган танбури келди. Мен унинг сартарошхонасига худди бўғизланаётган қўйдек бақирганимча, отилиб кирдим:

— Қотиллик!.. Сиёсий мухалиф! Войдод!

Мижознинг соқолини олаётган Йоца Бочарский бир сакраб тушди ва сиёсатга сираям дахл бўлмаган бир беозор фуқаронинг этини шартта кесиб олдики, бе-

кордан-бекорга жабр кўрган ўша одамга ҳалигача раҳминм келади.

— Қани? Ким? Нима?— бор овози билан бақириб юборди Йоца ва деворда осиглиқ турган танбурини олишга югурди, бундан ўтақаси ёрилган беозор фуқаро ўса бўйнида сочиғию башарасида совуни билан кўчага чиқа солиб, ура қочди.

— Чоп тезроқ, редакциянинг эшигини тираб тур, мен жандармларни олиб келгунча қочиб кетмасин!— дедим мен ўнга ва кўчага чопиб чиқиб, яланг бош, ҳаммаёғим ойна билан тилиниб, қонга беланганимча, югуриб кетдим.

Мен жандармлар ва мингларча болалару текни томоша ишқибозлари билан қайтиб келганимда Йоца редакция эшигини елкаси билан тираб турар, унинг халфаси Стева Данин бўлса хамир қориладиган катта тахтани олиб, у билан синган ойнани бекитганича, орқаси билан маҳкам ушларди.

Жандармлар худди журъатларини йиғиб олишмоқчидек, бир зум тек қолишди, кейин бир-бирларига маъноли қараб олишди ва ниҳоят, ҳар доим бир вақтлари гайдук<sup>1</sup> бўлганию давлатга қарашли иккита соябон аравани тўнагани (худди шунинг учун унинг шаҳар фуқаролари орасида ҳурмати баланд эди) билан мақтаниб юрадиган шоп мўйловли жандарм Вуча ўзининг катта таёғини кўтарди-да, гердаиганича: «Жим!»— деди ва «Қўйиб юбор!»— деб буюрди.

Йоца Бочарский сакраб ўзини эшикдан четга олди ва жандармлар бир-бирларига хушмуомалалнк билан олдин йўл беришиб, ичкарига киришди, уларнинг орқаларидан оломон ёпирилди.

---

<sup>1</sup> Гайдуқлар — XVII—XIX асрларда туркларга қарши кураш олиб борган халқ қасоскорлари. Кейинчалик ўрмонларда яшриниб юрвчи қароқчи-йўлтўсарларни ҳам гайдуқлар деб аташарди.

Сиёсий мухолиф қутининг устида бамайлихотир ўти-  
рар, унинг ёнгинасида ўша қуриб кетгур тўппонча  
ётарди.

Биз бир-биримизга изоҳ берганимизча орадан анча  
вақт ўтди. Ҳолбуки, иш жўнгина экан. Бу одам мутлақо  
сиёсий мухолиф эмас, бор-йўғи тўппонча сотадиган сав-  
до вакили экан. У газетага эълон бергани келган экану  
мендан унинг тўппончалари ёқадими, йўқми — сўра-  
моқчи экан, холос. Уни бутунлай бошқача тушунганим  
эса — бу фақат менинг айбим!

Нимаики бўлмасин, ўшандан бериға мен «Quisque  
suorum verborum»ни сарлавҳа учун ишлатмай қўйдим  
ва умуман, лотин тилини жинимдан баттар ёмон кўриб  
қолдим.

Ундан қўнғироқни тортиб олишди! Айтишларича, Петроний Евремовичнинг дам сайин қўнғироқ чалиши уезд бошлиғининг гашини келтирибди. Яна айтишларича, жаноб бошлиқ шу борада:

— Хўш, афандим, модомики, иш ўрганувчи ходимда қўнғироқ бўлса, унда мен — уезд бошлиғи, ўз столимга бутун бир қўнғироқхона ўрнатишим керак экан-да!— деган эмиш.

Петроний Евремович бошлиқнинг гапларини нотўғри тушунди. Ундан қўнғироқни тортиб олишганларида у, бу қўнғироқ катталардан бирортасига керак бўлиб қолбди-да, деган хаёлга борди. Катталарга шу нарса керак бўлгач, аниқки, иш ўрганувчи бу ҳолга ўз косасига биқинган тошбақадай миқ этмасдан бўйин эгди. У ҳар маошидан озгина-озгинадан орттириб, ўзи учун ўзи қўнғироқ сотиб олишни дилига тугиб қўйди. Лекин иш ўрганувчи қўнғироқ чалишнинг «ўзини» тақиқлаган жаноб бошлиқ унга:

— Сиз, менга деса, шақилдоқ сотиб олинг, лекин уйингизга олиб бориб, хоҳлаганингизча шақиллатинг; идорада эса фақат бошлиқ билан котиб қўнғироқ чалиши мумкин!— деди.

\* \* \*

Қачонлардир Петроний Евремовичнинг овозаси ҳаммаёққа кетганди. Ушанда — у ёш, сочлари жингалак

эди. Сочининг фарқини очиб тарар, тор, гарчли ботинка, ола-була кўйлак кийиб, ҳилпираб турадиган бўйинбоғ тақар, чўнтагида доим кичкина ойна олиб юарди. Худди ўша пайтлар у ўйин-кулги кечаларида рақсларни бошқарувчи эди, хорда ашула айтарди, турлича олифта намоёншларда суратга тушарди, пальтосининг ёқасига атиргул тақарди ва учраган қизга ишқ-муҳаббат изҳор қиларди. Эҳ, ёшлик, ёшлик, энди бўлса буларнинг ҳаммасидан фақат ёқимли хотиралару оёқларида каттагина қадоқлар қолган, холос.

Ҳозирги Петроний Евремович — бутунлай бошқа одам. Энди Петроний мўйлови калта қирқилган, шакли қанақалигини билиб бўлмайдиган ботинкаю акас дарахтининг сарғимтил-қизғиш барги рангидаги пальто кийган, сип-силлиқ тепакал бошини гарданида қолган яккам-дуккам сочлари билан авайлаб беркитиб юрадиган доимий иш ўрганувчи, холос. Жаноб бошлиқ худди ана шу Петроний Евремовичдан қўнғироқни тортиб олди.

Лекин гап қўнғироқда ҳам эмас; қўнғироқ нима — арзимаган бир нарса; ҳамма бало шундаки, жаноб бошлиқ унга умуман кекса ходим сифатида муомала қилмайди: мисол учун бошқа иш ўрганувчиларга идорада чекиш рухсат этилган, Петронийга эса бу тақиқланган, негаки, айтишларича, унинг чекканда тупуриб туриш одати бор, шунинг учун у атрофини тупукка тўлдириб, кўл қилиб юборади. Бир куни иш ўрганувчилардан биттаси идорада баланд овоз билан ашула айтди, унга ҳеч бало дейишмади, Петроний бўлса «маза қилиб» чучкириб олмоқчи бўлдию чучкирикнинг олдидан келадиган «ҳа...» деган товушни энди чолларга хос чўза бошлаб, роса авжига чиққан эди ҳамки, жаноб бошлиқ уни шартта тўхтатди-ю, идорадан ҳайдаб чиқарди ва орқасидан: минбаъд «чучкиргиси келса кўчага чиқиб чучкириши»ни айтди.

— Тушунарлими? — яна ҳам жиддийроқ оҳангда деди бошлиқ.

— Тушунарли! — жавоб қилди Петроний.

Петронийни фақатгина уезд бошлиғининг ўзи тўрт-килаб қўя қолса кошкийди!

Аммо Петроний жами хўрликларга чидаб, аламини ичига ютиб келарди. Петроний ишлайдиган уезд маҳкамасида яна иккита иш ўрганувчи бўлиб, Петроний билан муқояса этилганда улар бу номга нолойиқ, шунчаки «қаламчайнар»лар эди, холос. Улардан бири аллақайси саёқ театрнинг собиқ актёри, иккинчиси эса даражаси олиб ташланган ўнбоши эди. Улар ўзларининг бемаза қилиқлари билан унинг елкасига шунақанги чиқиб олишган эдики, бу қилиқларга бундан кейин чидаб туриш мумкин эмас эди. Улар Петронийни юз-кўзи демасдан масхара қилишар, ҳар хил шумликлар билан жонига тегишарди. Масалан, улар Петроний ўтирадиган стулга игна санчиб қўйишар, беғуноҳ Петроний унга ўтириб олиб, жон ҳолатда шунақа додлардики, буни эшитган жамм жандармлар югуриб келишарди. Ёки бирор ҳужжатни яширишар, ё бўлмаса, у ўлай деб тер тўкиб ёзиб бўлаёзган хатга гўё билмагандай снёҳ тўкиб юборишар, ёинки ҳужжатлар солинган оғир, бесўнақай папкаларни унинг тепасидаги шкафнинг четига устмас-уст, омонат қилиб тахлаб қўйишар ва Петроний шкафга сал суянгани ҳамоно папкалар унинг устига ағанар ва иш ўрганувчининг ҳам ногга ағнатарди. Бир кун у тушликдан кейин бўшашиб, бир оз миниб қолганида юзига қурум суртиб қўйишди ва уни шу аҳволда бир ёш беваникига дастлабки тергов олгани юборишди, бошқа сафар эса улар тушқи овқат пайтида унинг борлигини гўё сезмагандай идора энигини устидан қулфлаб, калитни олиб кетишди ва бечора Петроний шу кун тушқи овқатдан маҳрум бўлди.

Лекин Петроний буларнинг ҳаммасига сабр-тоқат билан бардош бериб келар, фақат елкасини қисиб қўяр, баъзан эса ўзи ҳам қўшилишиб куларди. Фақат бир нарса унинг кўнглини муттасил ғаш қилиб, қийнаб ке-

ларди: мана, йигирма бир йилдирки, у иш ўрганувчи бўлиб хизмат қилиб келяпти, уни ҳақиқий ходимликка ўтказиш ҳақидаги фармондан эса сира дарак йўқ эди. Унинг ҳаётдаги бирдан-бир орзуси — мустақил амалга эга бўлсаю шаҳарчадан бошини ғоз кўтариб ўтса ва учраган одам билан:

— Салом, Миялко хўжа, ишлар қалай? Яхшимисан, Трифун хўжа, аҳволлар дурустми?— деб сўрашса, Миялко хўжа, Трифун хўжа ва бошқалар эса унга:

— Худога шукур, жаноб Петроний, ўзлари қалайлар? Муборак бўлсин, муборак бўлсин!— деб жавоб қилишса.

Петроний Евремович худди ана шуни орзу қиларди, холос. Шундан кейин у бозордан уйига қайтиб... ўлса ҳам майлийди. Шундай ўлимдан у ҳечам бўйин товламаган бўларди. Аммо унинг бу орзулари бари беҳуда эди.

\* \* \*

Петроний Евремовичнинг азалдан пешонаси шўр эди.

Аввало Петроний Евремович онадан ўн учинчи бўлиб туғилганди. Биринчи бола бўлиш ҳам ҳаминша одамга бахт келтиравермайдди, аммо ўн учинчи бўлиш рўй-рост бахти қароликдир. Онаси уни нуқул қарғгани қарған, бошқа болаларнинг ҳаммаси ўлиб кетишган бўлса ҳамки, онлада уни ҳеч ким суймас эди. Шундан бери у ўзини одамлар ҳам, қисмат ҳам хушламаслигини ҳис этар, ҳушласи калом, ҳаётда беҳосият рақамга рўбарў келганини яхши биларди.

Озайлик, у мактабга борди. Муаллим рўйхат туздию ўқувчиларни алифбо тартибда ёзиб олди — шунда ҳам Петроний ўн учинчи ўринга тўғри келди, бу эса унинг мактабдаги тақдирини белгилади-қўйди. Мабодо синфда шорқин-сурон кўтарилгундай бўлса, муаллим ғазаб-

га минардию кимдан ўчини олишни чамалаб туриб, бор таваккал, деб узун жазвал билан Петронийнинг қўлларига, қулоғига тушириб қоларди.

— Петроний, ярамас, мен сени бочкага тикман, тузланган карамга айлантириб ташлайман!

Петроний кўзларини пирпиратар, ўзи ҳақиқатан ҳам тузланган карамга қоришиб ўтиргандай бўлиб, гўё ҳаммаёғи ачишаётгандай қалтирар, хўнграб юборарди.

Буниси ҳали ҳолва, имтиҳонлар бошлангандагисини кўринг. Петронийни ўн учинчи бўлиб чақиришарди.

— Петроний, азизим,— дерди муаллим йиғилган комиссия аъзолари ва васийлар олдида булбулигўё бўлиб,— қани, менга айт-чи, Валево қаерга жойлашган?

Петронийни даҳшат босарди.

— Валево... Валево... Валево...

— Хўш, Валево қаерга жойлашган экан?

— Валево... лево... Валево... харитага жойлашган.

— Петроний, сен худо урган ҳайвонсан! Бадбашара махлуқнинг ўзисан, Петроний!— Комиссия аъзолари ва васийлар борлигини ҳам унутиб, уни сўкишга тушарди муаллим.— Қанақа харита, қанақа Валево, кучуквачча? Саволга жавоб бер, саволга! Жавоб бер, жавоб бер деяпман сенга!..

Петроний эса сўлагини «қулт» этиб ютиб, маъюслик билан шифтга қарардию у ерда қўниб турган пашшадан кўз узмай тураверарди.

Шундай қилиб, бола имтиҳондан йиқиларди. Бу унинг ҳеч нарса ўқимаганлигидан эмас. Худо сақласин! Ўқиди, тайёрланди... лекин бари бефойда. Қанча ҳаракат қилмасин, бехосият рақамли ўқувчига билим ҳам этагини тутқазмас экан.

У мактабни ташлаб, дўконга ишга кирди. Иши яхши бошланган эди, у ҳаётда энди ўз ўрнини топиб олай деб қолган эди-ю, лекин хўжайини ҳайдаб юборди. Петронийни каллаварам, харидорларни яхши кутиб ололмайди, кузатиб қўйишни билмайди, қайтимни ҳисоблолмай-

ди, ҳеч нарсани билмайди, деб ҳайдаб юборди. У, майли, садқайи сар, деб бошқа хўжайинга ишга кирди. Озгина ишлаб кўрди, аммо буниси ҳам ҳайдаб солди. У учинчи, тўртинчи, бешинчи хўжайинда ишлаб кўрди... Биттаси уни калтафаҳмлиги учун, иккинчиси ишга яроқсиз деб, учинчиси эса ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайдиган, деб ҳайдади, шундай қилиб, беш йил ичида у ўн учта хўжайинда ишлаб кўрди, шунисини қарангки, ўн учинчиси уни шунчаки ҳайдаб юбориб қолмай, олдин яхшилаб калтаклади. Бу воқеадан кейин шаҳарда уни ҳеч ким ишга олишни хоҳламади. Петронийнинг аммаваччаси уезд бошқармасида ишлайдиган жандармга эрга теккан эди ва идорада ишлайдиган ходимлар билан таниш эди. У Петроний масаласида кичик котибга, у эса катта котибга, катта котиб бошлиққа айтиб, Петронийни идорага тайини маоши бўлмаган хат кўчирувчи қилиб зўрға жойлаштиришди.

Шундай қилиб, у хизматга кирди ва бу ерда мана ҳозир ҳам ишлаб турибди, йигирма бир йилдирки, ҳақиқий ходимликка ўтиш ҳақидаги фармонни кутиб юрибди.

Бир кун бўлса у уйланишга ҳам жазм қилиб қолди, лекин шайтон васвасаси билан унча-мунча эмас, шаҳарнинг энг олди қизига огиз солди. Қиз ўзига тинч, тузук хонадондан эди, сепи ҳам дурустгина — икки юз дукат пул, марварид қадалган телпак, олтига гилам, тўртта мис тоғора ва пўстиндан иборат эди. Унга кўп-лар совчи қўйишган, лекин рад жавобини олишган эди. Шунда Петроний ўз-ўзига:

— У мендан яхшисини топиб бўпти. Мен хизматчиман, ақлу фаросатим ҳам ёмон эмас. Шу иш жойимдан кетмайман, зеро эрта-индин амалим ошса ажаб эмас, кейин аста-секин маошимни ҳам оширтириб оламан. Унга бундан бошқа нима керак? — деди.

Петроний агарда у катта маош олсаю уйланган бўлса қандай яшашини кўз олдига келтирарди. Икки юз

дукатга эга бўлгач, у уй ижарага олади, чоғроқ, чиройли, «лекин ёнида полизи билан» бўлади. Уйида шунақанги тартиб ўрнатадики, ҳаммаёқ саранжом-саришта, ҳатто игнани ҳам хоҳланган пайтда топиш мумкин бўлади. Масалан, якшанба кунлари, хизматга бориш шарт бўлмаганда у эрта тонгда турадию хонада айла-ниб юради: ҳаммаёқда гиламлар, полни босгудек жой йўқ; йўлакка чиқиб тиллодай ярқиратиб тозаланиб деворга осиб қўйилган тўртта мнс тоғорани ғурур билан томоша қилади; сартарошга бориб соқолини олдиреди, мўйловини текислатади, кейин черковга бориб, амалдорлар турадиган ўнг тарафда туради. Ибодат тугагач, у иккита — биттаси ўзига, иккинчиси хотинига нони худон олади. Уйига келса хотини уни дарвозанинг олдида кутиб турган бўлади. Биргаликда қаҳва ичишади, кейин хотини қалпоқ билан пўстинини кияди-да, жаноб бошлиқникига меҳмонга йўл олишади. Йўлда учраган одамлар уларга қараб:

— Салом! Салом! Яхшимисизлар? Жаноб Петроний, нега рафиқангиз билан бизникига келмайсиз?— дейди.

— Келармиз бирор кун. Бугун кирамизми, деб ўйлаган эдик, кўрмайсизми, жаноб бошлиқникига тез-тез бориб турмасак хотинлари хафа бўлади. Сизларникига ҳам келамиз, албатта келамиз!

— Келинглار, марҳамат қилинглар!

Петроний Евремовичнинг хаёлида унинг келажаги ана шундай гўзал бўлиб кўринарди ва агарда у уйланганда ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин эди. Совчи хотин қизнинг ўзи билан гаплашиб кўрди, аммо унга қиз шундай дебди:

— Жаноб Петроний ажойиб одам, у менга жуда ёқади. Қанча одам менинг қўлимни сўради, улардан бирортаси менга жаноб Петронийчалик ёққан эмас. Лекин мен негадир жазм қилолмай турибман, хаёлимда биз худди ёмон яшайдиганга ўхшаймиз. Биласизми, шундай тўғри келиб қолдики, у менга ўн учинчи бўлиб

совчи қўяяпти, бу бехосият рақам, шунинг учун унга хотин бўлишга розилик беролмайман!

Совчи хотин унга, қиз айнан шунақа деб айтди, агар ёлгон гапирсам худо урсин, ёруғ дунёдаги жамики совчиларга ўхшаб у дунёда азобини тортай, деб қасам ичди. Шундан буён Петроний уйланиш тўғрисида бошқа ҳеч қачон ўйламади, аммо у фармон тўғрисида ўйларди, холос.

Бунинг учун у нималар қилмади — бари бефойда эди. Арнзалар ёзди, тавсияномалар уюштирди, ўзи илтимос қилди, бошқаларга илтимос қилдирди — ҳеч қайси си наф бермади.

Бир куни иш сип-силлиққина битадигандай бўлиб қолувди. Ўтказилган мусодара учун уездга бадал тўланиши тўғрисида ариза бериш мақсадида шаҳардан Белградга вакиллар юборилаётган эди. Петроний ваколат аъзолари билан бирма-бир гаплашиб, уларнинг ҳар биридан унинг ҳақида «гап орасида» министрга аста, икки оғиз илтимос қилиб қўйишни сўради. Вакилларнинг ҳаммаси унга ваъда беришди ва ўз сўзларининг устидан чиқишди. Эртасига Петроний вакилларни кузатиб қўйиш учун бошқалар билан биргаликда шаҳар ташқарисига чиқди. Петроний тўртта аравани кўрди. Биринчи аравада уч киши, иккинчисида тўрт киши, учинчисида учта ва тўртинчисида учта одам ўтирарди. Петроний буларнинг ҳаммасини жамловдики — ўн уч чиқди. Демак, вакиллар ўн учта эканлар. Петроний маъносиз билан бош чайқаб:

— Эҳ, ҳеч бало чиқмайди, ҳеч бало, ҳеч бало! — деди.

Ҳақиқатан ҳам министр вакилларнинг барчасига ваъда берди-ю, яна ўз сўзининг устидан чиқмади. Шундай қилиб, Петроний фармонсиз қолди.

Бир куни бўлса иш битай-битай деб қолган эди. Тақсир ота битта муаллимга эрга чиққан синглисига хат ёзиб бермоқчи бўлди, бу муаллим эса Белградда Елка-

хонимга қўшни тураркан, бу аёлнинг прапорщик ўғлининг эса академияда бир дўсти бор экан, у ҳам прапорщик экан, у почта бошлигининг тўйида тўйбоши бўлган экан, ҳалиги почта бошлиғи эса Мица деган хотинга уйланган экан, ўша Мицанинг онаси Сара хоним жаноб министрининг биринчи боласини эмизиб катта қилган экан ва уларнинг уйларига кириб-чиқиб тураркан. Шундай қилиб, ҳамма масала сип-силлиқ битадиган бўлди: иш тақсир отадан бошланиб, Сара хонимгача етиб келди, Сара хоним эса министрининг хотинига айтди, министрининг хотини — министрга айтди, жаноб министр илтимосни ёзиб олди-ю, лекин турган гапки... унутиб юборди. Тақсир ота яна ўтириб, ўз синглисига, яъни муаллимнинг хотинига хат ёзди, у Елка хонимга айтди, Елка хоним ўғлига, прапорщик ўғли эса ўз дўстига, дўсти почта бошлигининг хотини Мицага, Мица эса министрининг биринчи боласини эмизиб катта қилган онаси Сара хонимга, Сара хоним эса яна министрининг хотинига, у эса министрга айтди ва жаноб министр илтимосни иккинчи марта ёзиб олди. Қарабсизки, жаноб министр биринчи фармонгаёқ бошқалар қаторида Петроний Евремовични ҳам қўшиб ёзиб қўйди. Шундай қилиб, иш қарийб битиб қолган эди. Министр ҳузуридаги кенгашда фармон маъқулланди, демак, ҳамма иш жойида эди. Кечқурун ходимлардан бири жаноб министрининг уйига чиройли қилиб кўчирилган фармонни имзо чектиргани олиб келди. Шу кеч жаноб министрникига унинг холаси келган бўлиб, улар кечки овқатга ўтиришган эди. Жаноб министр оғзидаги овқатини чайнаб туриб, фармонни яна бир бор кўздан кечирди-да, шунчаки:

— Эртага ўн учта камбағални хурсанд қиладиган бўлдим. Бир савоб иш қилай,— деди.

Шунда жаноб министрининг холаси қўлларини тиззасига урди, унинг орқасидан эса жаноб министрининг хотини ҳам қўшилди:

— Наҳотки ўн учта? Нега энди албатта ўн учта бўлади? Улардан биттаси шу йил ўлади. Худо ҳаққи, яна бир кишини қўшиб қўй, майли, ўн тўртта бўла қолишсин. Ўн учтага бўлса қўл ҳам қўя кўрма.

Жаноб министр олдинига ҳайрон бўлиб қолди. У аёлларнинг бемаъни гапларига қулоқ солмай деганди ҳамки, лекин аёллар унга шунақанги ёпишиб олишдики, жаноб министр учун уларга ён беришдан бошқа иложи қолмаганди.

— Лекин қўшиб қўйиш учун ҳеч ким йўқ-да.

— Ундай бўлса, бирортасини ўчириб ташла, ўн иккита бўла қолсин.

— Ҳўп, майли, шундай бўла қолсин,— деди жаноб министр ва қўлига қалам олиб гоҳ униси, гоҳ бунисини мўлжаллаб кўрди ва кейингина қаламни қоғозга теккизди-ю, «чирк» этиб узун чизик чизди. У бошқа бирортасини эмас, ҳатто фармонда ҳам ўн учинчи ўринда турган бечора Петроний Евремовични ўчирган эди.

Бор умидлар пучга чиқди. Петроний бутун йил давомида бошқа ҳеч қанақа янги тадбир ўйлаб топмади, аммо бир йил ўтгач, унинг ҳаётида умид учқуни яна «йилт» этиб ёнди, яна кишини энтиктирадиган орзулар пайдо бўлди ва Петроний биби Марьямнинг тасвири олдида уч бора чўқниб туриб:

— Ўзинг қўлла, ё биби Марьям, ёки ҳозир, ёки ҳеч қачон!— деди.

Уездга янги округ бошлиғи келган эди. У ўз округни биринчи марта айланиб чиқаётган эди ва унинг жаноб министрга гапи ўтиши маълум эди. Уезд бошлиғи унинг келишидан бир ҳафта олдиноқ ўзини қўярга жой тополмай қолган, бошлиқнинг хотини эса ундан бадтарроқ ташвишга тушган эди. Округ бошлиғининг келишига ҳали бир ҳафта бўла туриб, бунақа ташвишга тушишнинг умуман ҳожати йўқ эди, чунки шу безовталиқ боисидан жаноб бошлиқнинг хотини учта ликопчани синдирди ва қамоқхонадан жаноб бошлиқнинг хотинига

ошхоҥада ёрдамлашиш учун юборилган битта маҳбуснинг калласини ёрди. Бошлиқ арзимаган нарсалар учун ходимларга жазвал билан ташлана бошлади, ҳолбуки, шу пайтгача бу усулни у фақат фавқулодда ҳоллардагина қўллар эди, холос.

Идоранинг папкалари кўзни оладиган даражада тартибга келтирилди; жандармлар тўпиончаларини ярқирагунча артиб тозалашди ва округ катталарининг келишига ҳали уч кун бўлса ҳам уларга этикларини ҳар кун тозалаш, битта иш ўрганувчига эса (қайсики, олдин актёр бўлган) ҳар кунни сочини тараб туриш буюрилди. Округ бошлиғи учун ажратилган хона Михайло хўжадан вақтинча олиб турилган катта ойна билан безатилди. Хонага жаноб бошлиқ ойимнинг каравоти қўйилиб, унга катта тўр кашталар билан безатилган кўрпа солинган, тагидан эса пуштиранг шойи жилди ҳам кўриниб турарди. Бу — жаноб бошлиқ рафиқаларининг ҳаммага донғи кетган кўрпаси бўлиб, у шу кўрпанинг остида кўз ёрган, шаҳарда бу кўрпанинг антиқа таъриф-тавсифи юрарди.

Умуман, ҳамма нарса шундай жо-бажо қилинган эдики, агарда жаноб округ бошлиғи хоҳлаб қолгундай бўлса у уч кун илгари ҳам келиши мумкин эди. Лекин у мўлжалланган куннинг ўзгинасида келди.

Шу кунни Петроний яхшилаб соқолини олди ва мўйловини текислатди, қора пальтосини кийди: сандиқнинг аллақайси бурчагидан эски пардоз мойи топиб, мўйловларини шундай пардозладик, улар худди эритилган мум билан ёпиштирилгандай бир-бирига ёпишиб қолди. У узилиб кетган ҳамма тугмаларини қадади, шимидаги доғларни тозалаб кетказди, тирноқларини олди, қўлогининг орқасидан чиқиб турган сочларини қийиб ташлади ва худо кўрсатмасин, тагин суҳбат мабодо хизмат юзасидан бўлиб қолмасин, деб полиция низомидан бир қанча моддаларни ўқиб чиқди.

Округ бошлиғи бошқа ҳар қандай бошлиқлар син-

гари уездда уни жойига қўйиб кутиб олишларини яхши кўради, уезд бошлиғи эса худди ўзига ўхшашлар сингари катталарнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади ва шунинг учун ҳам у бошқа тантанали маросимлардан ташқари кечки зиёфат уюштирди ва унга шаҳарнинг кўзга кўринган, газеталарда «жамиятнинг гули» деб ёзиладиган кишиларидан беш-тўрттасини, ўз ходимларидан бир неча кишини, яъни, иккита котиб билан энг кекса иш ўрганувчи сифатида Петроний Евремовични таклиф қилди. Петроний хийла ташвишга тушиб қолган бўлса ҳам бундай мисли кўрилмаган бахтдан боши осмонда эди. Уни доимо бир ўй ташвишга соларди: у жаноб округ бошлиғи билан кечки овқатни қандай тановул қилар экан, қўққисдан санчқини ерга тушириб ёки стулни ағдариб юборса-я, ёки эҳтимол, бирон нарсга дейиш лозим бўлар, у эса индамай тураверса-я, ёинки, аксинча, жим туриш зарур бўлганда оғзидан бир нима чиқиб кетса-я.

Майли, бўлганича бўлар! Петроний бошлиқнинг ҳузурига кетаётиб, йўл-йўлакай худди бировни қидираётгандай одамлар гавжум бўлган икки-уч қовоқхонага кириб ўтди.

— Марҳамат, ўтиринг, бир стакандан ичайлик,— деб таклиф қилиб қолди биринчи қовоқхонада Васа хўжа.

— Раҳмат, иложим йўқ, кечикиб қолмай. Биласанку, бугун тантанали зиёфат... у ерда жаноб округ бошлиғи ва бошқа катталар бўлишади... мен ҳам мутакаллимман, ўзинг биласан...

— Аҳволлар қалай, жаноб Петроний?— деб сўради ундан Мика хўжа бошқа қовоқхонада.

— Мени кечир,— деб жавоб қилди жаноб Петроний.— Сен билан гаплашиб ўтирардим, лекин вақтим йўқ, бугун мен жаноб округ бошлиғи шарафига берилаётган зиёфатга таклиф этилганман, кеч қолмай, узр...

Зиёфат дастурхони теграсида бундай тартибда ўтиришар эди: ўртада округ бошлиғи, унинг чап ва ўнг то-

монида уезд бошлиғи билан рафиқаси, рафиқасининг ёнида «жамиятнинг гуллари», уезд бошлиғининг ёнида хизматчилар, хуллас калом, Петроний дастурхоннинг охирида қолди ва у чироқ столнинг ўртасида эканлигидан ҳамда жаноб бошлиқнинг рўпарасида ўтириб қолмаганлигидан жуда хурсанд эди.

Петроний жуда эҳтиёткорлик қиларди, қўлларини пичоқ ва санчқилардан узоқроқда тутар, жудаям зарур бўлгандагина улардан фойдаланарди. У ейишдан кўра кўпроқ товоғига қараб ўтирарди. Дастурхонда эса турли-туман ширин ноз-неъматлар қалашиб ётарди. Масалан, қуён гўштини қаранг! Петроний бутун бир қуённи пок-покиза тушириб қўйиши мумкин эди, лекин у бечора қуён гўшти тановул қилмайман, дейишга мажбур бўлди, чунки у қуён билан овора бўлишига тўғри келганда ё пичоқни, ёки санчқини албатта тушириб юборишга имони комил эди. Ахир, бундан ортиқ хижолатпазлик бўлиши мумкинми?

Иккинчи таом тортилгандан кейин «гуллар»дан бири ўрнидан туриб, бутун шаҳар «гулдастаси» номидан қадаҳ сўзи айтди, бу сўзда етмиш тўртта ибора бор эди. (Петроний буларни сўзма-сўз санаб турди.) Етмиш тўртта иборадан ўттиз еттитаси «халқ» деган сўздан, олтитаси «номидан», саккизтаси «шундай бошлиқни», тўрттаси «биз намояндалар», ўн тўққизтаси «ватан», учтаси «яшасин»дан иборат бўлди. Жаноб бошлиқ бундан узунроқ гапирди, кўпроқ ибораларни айтди, лекин Петроний қадаҳ сўзи пайтида бошлиқнинг кўзига қарашга журъат этолмади ва шу боисдан, ҳаммасини тушунмади. У фақат тўртта иборани — «маърифатли халқ» ва «қишлоқ хўжалиги» деган сўзларни тушунди, холос.

Кейин жаноб округ бошлиғининг кўнгли юмшаб кетди; агарда у шу пайтгача фақат «гуллар» билан гаплашган бўлса, энди эса у хизматчиларга ўғирилди ва катта котибдан унинг қанчадан бери хизмат қилаётганлигини, илгари қаерда ишлаганлигини ва ҳоказоларни

суриштира бошлади. Кейин у иккинчи ва учинчи ҳодимга юзланди. Петронийнинг бутун вужуди — дили ҳам, юраги ҳам, стол остидаги оёқлари ҳам ва тиззаларига қўйилган қўллари ҳам дир-дир титрай бошлади. Ҳозир навбат унга ҳам етиб келади. У қалтираса ҳам кўзидан ёш чиққудай хурсанд: мака, ўша — олдин ҳеч қачон бўлмаган қулай фурсат, ўзи ҳақида нимаики зарур бўлса айтиб олиш кези келди, илло, бу бошлиқ айтган ҳар битта сўзнинг министр олдида эътибори бор. У ўзининг йигирма бир йилдан бери иш ўрганувчи бўлиб хизмат қилаётганлигини айтса кифоя. Жаноб бошлиқнинг кўнглида заррача раҳм-шафқат бўлса, бу сўзнинг ўзи ҳақиқатан ҳам унга етарли.

Ниҳоят, мана, бошлиқ кичик котиб билан суҳбатни тамомлаб, Петронийга юзланди-ю, очиқ чеҳра билан:

— Сизнинг исмингиз Петроний Евремович, а?— деб сўради.

Петронийнинг тиши тишига тегмай қолди, кўз олдида аллақандай ҳалқачалар ўйнай бошлади, у олдин кўзларини чирт юмиб олди, кейин очди ва жавоб қилиш учун оғзини энди очмоқчи бўлган эди ҳамки... бирдан уезд бошлиғининг хотини оғзини очди ва қўллари билан шاپати урганча, Петронийнинг гапини илиб кетди:

— О! Дастурхон атрофида ўн уч киши ўтирганимизни наҳотки ҳеч ким сезмаган бўлса! Вой худойим-эй!

Ҳамма ўнгга, чапга ўгирилиб қаради, стол атрофида ўтирганларни санаб чиқишди, қарашсакки, ростдан ҳам ўн учта!

— Э худо, нега буни ҳеч ким пайқамади экан!— сўзида давом этди уезд бошлиғининг хотини.— Айланай, жаноб Петроний, сиз кичиккўнгил одамсиз, хафа бўлмайсиз. Сиздан, бунақа, знофатнинг ўртасида илтимос қилиш яхши эмас-ку, лекин илтимос қилман, нариги хонага ўта қолинг, ўша ерга дастурхон солиб берамиз. Мен ўзим дастурхон тузайман, фақат сиздан илтимос, кўнглингизга олманг!

— Э, жоним билан, жоним билан,— деб уялганича жавоб қилди худди қисқичбақадай қизариб кетган Петроний ва унинг кўзларига каттагина икки томчи ёш қалқди, томоғи эса худди у бутун бир йил мобайнида сув ичмагандай, шу ондаёқ қуруқшаб қолди.

Шўрлик Петроний нариги хонада ўтириб нималарни хаёлидан ўтказмадию нималарни ҳис қилмади, дейсиз! У ўз мақсадига деярли етувди-я, лекин яна... ўн учинчи ўринда бўлиб чиқди!

Ҳамма нарса барбод бўлди! Энди унга нима қилиш ҳам қолди? Айтайлик, ўн учинчи феврални кутишу шу куни ўлишдан бошқа ҳеч нарса қолмагандек эди.

Аммо у ҳаётга бўлган орзу-интилишларидан бутунлай умид узишдан олдин бошқача ҳолларда сира журъат эта олмайдиган ишни амалга оширмақчи бўлди. Бу — энг сўнгги ва ҳал қилувчи қадам эди.

— Ё у ёқлик, ё бу ёқлик!— деди у кечки зиёфатдан қайтгач, ўз хонасида қатъий кўйда ва столга мушти билан шунақанги урдик, унинг устидаги қаҳва янчадиган келича, этик чўткаси ва у якшанба ҳамда байрам кунлари ювинадиган ифор совун ерга тушиб кетди.

У аввало тушган нарсаларнинг ҳаммасини хотир-жамлик билан ердан териб олди ва ҳар бирини ўз жойига қўйди, кейин эса ўтириб, ўзига бирмунча вақтга ишдан ижозат беришларини сўраб боодоблик билан ариза ёзди.

Бас, Белградга, министрнинг ҳузурнга боради, вас-салом! Ҳа, у билан бетма-бет учрашади-ю: «Ишлар шунақа-шунақа!»— деб бор гапни айтади. Бўлди, энди ҳар хил йўллари қилиб ўтирмайди, тўппа-тўғри министрга борадию ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилади.

Унинг ниҳоят аризаси қабул қилиниб, аризага расмий рақам қўйилган ва у: «Менга рухсат берилиши маъқулланганлигини мамнунлик билан қабул этаман», деган ёзув остига имзо чекканда, қандай ҳолатга тушганлигини бир тасаввур этиб кўринг-а. Ўшанда у уйига

йўл олди, шимидаги доғ-дуғларни қайтадан кетказди ва қора пальтосига янги духоба ёқа қўндириш ва умуман, у ёқ-бу ёғини тартибга келтириш учун тикувчига олиб борди.

— Айтаманки,— деди Петроний Евремович хонасида нарсаларини кичинча чамадонига жойлаштирар экан ўзига-ўзи.— Жаноб министр, йигирма бир йил-а, ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир шу ннсофданми?— дейман. Шу йигирма бир йил бадалида мен атиги бир марта танбех олганман, ўшанда ҳам ойлик маошимнинг ярми ушлаб қолingan, холос. Арзимаган нарсa учун. Нимага менга жазо беришди? Шунчаки, бекордан-бекорга! Битта гувоҳни сўроқ қилаётганимда гап орасида ота-онасини сўкиб юборибман. Мен унинг ота-онасини мутлақо ҳақорат қилмоқчи эмас эдим, балки шунчаки, унга савол бермоқчи эдим у нима савол беришим калламга келавермади. Гувоҳ бўлса миқ этмасди, мен ҳам миқ этмасдим, шунда, мен ўзимча, жим турмаслик учун айтворибман, бошлиқ бўлса, буни билмадим, нима деб тушунди экан, ҳе йўқ, бе йўқ — ўн беш кунлик маошимни қирқди-қўйди. Гўё ўн беш кунлик маош арзимаган бир нарсдай. Лекин бунга ям анча бўлди. Ўтган ишга салавот...

У жим бўлди, чамадонга солинадиган нарсаларни битта-битта қўлига олиб, айлантириб қарар, ўйга чўмиб, яна ўз-ўзига гапирарди:

— Министрни яхши одам, дейишади. Шундай бўлиши ҳам керак-да, агар у яхши одам бўлмаса, қандай қилиб министр бўлсин? Хулласи калом, пичоқ бориб суякка етди, унинг сал бўлса ҳам менга раҳми келар, ҳамма гап шунда!

Кейин у яна ўйланиб қолди ва тўсатдан: бу ўзи хизмат қила бошлагандан бери министр бўлган ўн учинчи одам эмасмикан тагин, деб ҳисоблаб кетди. Ҳамма министрларни бирма-бир санаб чиқди... йўқ, худога шукурки, ўн учинчи эмас экан!

У игнага ип ўтказди-да, пальтосининг узилай деб қолган енгини тикар экан, «Хайр энди, беором юрак!» деган ашула куйига ҳуштак чала бошлади. У шу сафар ўз юрак орзусининг амалга ошишига ишонганиданми ёки аҳтимол, ҳали Белградда ва министрдан узоқда бўлиб, уни ҳали қўрқув босмаганиданми, ишқилиб, хийла хотиржам эди.

Петроний худди муқаддас жойларга зиёратга кетаётгандай ҳамма танишларини бирма-бир кўриб, улар билан хайрлашиб чиқди. У ўз ҳаётида биринчи бора журъат қилган сафаридан бутун шаҳар хабардор эканлигидан ҳамма унга оқ йўл тилади.

Эрталаб у одатдагидан икки соат олдин уйғонди ва тез-тез дарвозага югуриб чиқиб, ҳовлига араванинг келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Ниҳоят, арава ҳам келди. Петроний чамадончани қўлига олди, ўз хонасини қулфлади, чўқинди-да, аравага ўтирди.

Йўлда у қўрқувга тушмаслик учун министр ҳақида ўйламасликка тиришди. У калласига келган жамик бошқа нарсалар ҳақида, чунончи, араванинг дўнг ўтиргичи ҳақида, чанг ҳақида, дўсти Миялко ҳақида, уезд идорасининг ҳовлисида турадиган устун ҳақида ўйларди, бу устунга битта... иккита... учта мих қоқилган эди. Учталиги аниқ, лекин унга михлар нуқул тўрттага ўхшаб туюларди. Шу тарзда кўз олдига министр келиб, ундан жиддийлик билан савол сўрамагунча, ҳар хил майда-чуйдалар ҳақида ўйлади.

— Исмингиз нима?— деб сўради министр унинг хаёлида.

— Камина қулингиз Петроний Евремович бўламан.

Петроний кўз олдига намоён бўлган бу манзарани шоша-пиша хаёлидан қочирди-ю, аравакашни гапга сола бошлади:

— Ҳа, ошнам, уйланганмисан?

— Ҳа, афандим.

— Дуруст, дуруст. Болалардан ҳам бордир?

— Йўқ, афандим, бари ўлиб кетган.

— Дуруст, дуруст,— деди Петроний хаёлпарироқлик билан, чунки худди шу дақиқада унинг кўз олдида жаноб министр яна пайдо бўлганлигидан аравакашнинг гапларини эшитмади.

Кучер норози қиёфада унга ўгирилиб қаради, сўнг отларга устма-уст қамчи босди, отлар пldамлаб кетишди.

— Анови, чап томондаги отнинг қариб қолибди, а?— яна гап бошлади жаноб Петроний.

— Қари-ю, лекин унча-мунча ёшлардан яхшироқ тортади.

— Неча ёшга кирди?

— Ёлғонлаяпти демангу, лекин у йигирма бирга кирган бўлиши керак. Анигини билмайману, лекин шунчага кирган чиқар.

— Йигирма бир дедингми?.. Ҳа, шунақа, унча-мунча ёшлардан яхшироқ тортади, ҳа, шунақа...

Петроний жим қолди-да, шу от тўғрисида, унинг йигирма бирга кирганлиги-ю, унча-мунча ёшлардан яхшироқ тортиши тўғрисида ўйлаб кетди. Бу тўғрида узоқ ўйлади ва бирдан унинг кўз олдида яна жаноб министр — соқолли, баджаҳл, ваҳимали, баҳайбат одам жонланиб, ундан сўрагандек бўлди:

— Исмнингиз нима?

— Кампа қулингиз Петроний Евремович бўламан.

Петроний Евремович министрнинг ўзига бемалол сарфар қилгани йўл қўймаётганини англагач, хаёлида у билан бошқа учрашувдан қочиб, бошини араванинг ён тахтасига қўйганича ухлаб олишга аҳд этди.

Петроний Евремович жуда қаттиқ ухлади ва фақат арава тун ярмидан оққанда Белграднинг тош йўлларида тарақлай бошлагандагина қаттиқ силкинишдан уйғониб кетди; у кўзини очиб, ўзининг министрга жуда яқин жойда эканлигини ҳис этди. Министр билан битта шаҳарда-я!

Петроний шу туни карвонсаройда ҳам ажабтовур қаттиқ ва ширин ўхлади. Ҳатто тушида ҳам ҳеч нарса кўрмади. Эрталаб эса у карвонсарой хизматкорларидан ҳам олдинроқ уйғонди ва дарвозанинг очилишини сабр-сизлик билан кутди. Кейин у сартарошхонага кирди, сочларини олдирди, соқолини, бўйинларини қирдирди, мўйловини ингичкалатди ва янги духоба ёқали қора пальтосини кийди-ю, шаҳарнинг Теразия майдонидаги министрлик идорасига қараб йўл олди. Кета туриб, у йўл четида ўсган аргувонларни санаб борди, дарахтлар ўттиз иккита чиқди.

Министрликка етай деганда у қадамларининг тобора қисқариб бораётганлигини сезди ва худди биров уни пальтосидан ушлаб орқага тортаётгандай бўлиб туюлди. У ҳатто тортаётган одамнинг кимлигини кўриш учун орқасига ўгирилиб ҳам қаради. Петроний эндигина остонадан ўтган эди ҳамки, унинг хаёлига бугун нечанчи кун эканлигини эсга олиш кераклиги келди, тагин ўн учинчи бўлса-я... Худога шукурки, биринчи апрель экан. У енгил нафас олди-да, қабулхонага кирди.

У сартарошхонага бора туриб, яхши сигареталардан озгина олиб, чўнтагига солиб қўйган эди. Петроний бунинг нимага керак бўлишини яхши биларди. Аввало министрининг хонайи хоси олдида турган ходимни сигарета билан сийлади, у сигаретани ёндириб, бир-икки марта тортгунча кутиб турди ва шундан сўнггина:


— Жаноб министр келганларми?— деб сўради.

Ходим сигаретасини тортиб чекди, бурнидан тутун чиқариб, юқорига кўтарилишини кузатиб туриб, бепарволик билан:

— Бугун у бўлмайди,— деди.

— Демак, бўлмас экан-да.

Петроний худди елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил тортди. Унга бугун министрининг ўз идорасига келмаслиги ҳатто ёқиб тушди. У ходимни яна бир сигарета би-



# ҚУТУРҒАН ТЕОФИЛО

лаи меҳмон қилди ва димоғи чоғ бўлиб ташқарига чиқди.

У кун бўйи Белградни айланиб юрди ва қаерда цилиндр кийган одамни кўрса, бошидан қалпоғини олиб таъзим қилди. Ким билсин, эҳтимол, улардан бирортаси министр бўлиб чиқар.

Эртасига министр идорасига келдию дарров кетиб қолди.

Инднига министр идорасига келдию, лекин ҳеч кимни қабул қилмади.

Тўртинчи кун министрнинг ҳузурда иккита бошқа министр ўтиришди ва улар «муҳим ишлар билан банд» бўлишди (Петронийга бу тўғрида ходим махфий равишда маълум қилди) ва шунинг учун ҳам у қабул қилади-ми, йўқми, номаълум эди.

Бешинчи кун министр ишнин эртагача қолдириш имконсиз бўлган кишиларнигина қабул қилишини айтди.

Олтинчи кун Петроний Евремовичга яна соқолини олдириб, мўйловини қайчилатишга тўғри келди. Лекин бу кун жаноб министр яна идорасига келмади.

Еттинчи кун идоранинг мажлиси бўлди ва шунинг учун ҳам министр ҳеч кимни қабул қила олмади.

Саккизинчи кун министр умуман қабул қилмади.

Тўққизинчи кун жаноб министр идорасига келдию, лекин дарров кетиб қолди.

Ўнинчи кун жаноб министр одамларни қабул қилди, лекин у етти кишини қабул қилди, холос, қолганларига эса ходим бошқа кун келинглار, деди.

Ўн учинчи кун Петронийга яна соқол-бўйинларини қирдиришга ва ўзини тартибга солишга тўғри келди. Аммо остонадан ўтиши биланоқ, унинг эсига бугун ўн учинчи апрель эканлиги тушди. Худоё худовандо, ўзинг жаноб министрга иршод этки, у бугун қабул қилмасин ёнки идорасига бутунлай келмасин. Ёки, эҳтимол, Петронийнинг орқасига қайтиб, эртасига келгани маъқул.

дир? Шундай қилса яхши бўларди-я, лекин у кеча ўзининг номи ёзилган варақчасини топширган ва рўйхатга ёзилиб қўйган эдики, министр ҳам кеча қабулга киришга улгурмаганларнинг бугун келишларини тайинлаган эди.

Унинг руҳи тушиб кетган эди, бутун аъзойи баданида бўлмагур қалтироқ турди, пешонаси, қўлтиқларининг таги, тиззасининг ости терлаб кетди. У довдираб қолиб, министрнинг ходимига битта ўрнига уч дона сигарета бериб юборди. Кейин у курсига ўтирди-да, министрнинг олдида мокидай қатнаб, кириб-чиқиб турган котибни томоша қила бошлади. У котибга қараб туриб, унга ҳасад қилди.

«Худоё тавба, бу котиб энди, шунчакн хизматкор экану, лекин... топган иши...» деб ўйлади у.

У ўйини тугата олмади.

Кейин у министрнинг астари шойндан бўлган пальтоси илиб қўйилган илгакка қаради. Қараб-қараб, чуқур ўйга чўмди.

Қандай яхши пальто, шундай ёнгинасида осилиб турибди-я... Пальтосига қараганда министр ўрта бўйли экан. Қиш келганда у қишлик пальто кийса керак, а?

У шу тарзда ўй сурса ҳам, лекин министрнинг олдида кираётган кишиларни санаб турарди. Еттинчи одам кирди-ю, аммо ҳамон уни чақиришмаяпти. Эҳтимол, министр уни қабул қилмас. У ўзини қабул қилишмасдан, балки эртага, ўн тўртинчи апрелда келинг, дейишларини жуда-жуда истарди.

Еттинчи одам хурсанд, кайфи чоғ бўлиб чиқди. Саккизинчиси кирди.

Тўққизинчи бўлиб аллақандай бир хотин кирди, лекин у тез чиқди. Кейин ўнинчи одам кирди, министрнинг олдида узоқ ўтириб қолди ва қип-қизариб, жаҳл билан чиқди. Ун биринчи одам жуда тез ва хурсанд чиқди. У ходимга чойчақа берди.

«Иши бешга ўхшайди,— деб ўйлади Петроний.— Мен

ҳам зарур бўлса чойчақа беришим учун майда пулим бормикан?»

У чўнтакларини пайпаслаб кўрди. Ун иккинчи одам кирди. Петроний унинг министр ҳузурида қанча бўлишини санай бошлади. У бир, икки, уч, тўрт, деб санаб бир юзу қирқ олтига етди-да, бирдан санашдан тўхтади — унинг хаёлига министрнинг олдида ўн иккинчи одам ўтирибди, демак, ҳозир қақириладиган киши ўн учинчи бўлади, деган фикр келди.

Бу фикр уни ларзага солди ва беихтиёр пичида: «Ё по-ко парвардигоро, ўзинг раҳм-шафқатингни дариг тутма», деб пичирлай бошлади, у дуонинг энди иккинчи сурасига ўтган эди ҳамки, ўн иккинчи одам чиқди ва котиб:

— Петроний Евремович! — деб қичқирди.

Дуонинг энг қийин жойини пичирлаётган Петронийнинг нафаси пичида тушиб кетди. Бу дақиқанинг ўзида у икки бора терлаб, тери қуриди... У ҳассасини қаерга қўйишни излаб орқасига ўгирилди. Ҳассачани қўйди-ю, энди қалпоғини қўярга жой тополмай тамом довдираб қолди. Котиб эса иккинчи марта:

— Петроний Евремович! — деб қичқирди.

У ролпа-роса уч марта терлаб, тердан тушди-ю, алпонг-талпонг қадам ташлаб, эшикка қараб йўл олди. У министр хонасининг остонасидан энди ўтган эди ҳамки, хаёлига: «Мабодо бирор жойимдаги тугмам ечилиб қолган бўлса-я», деган бемаъни фикр келди. У ўзини худди тубсиз жарликка қулаб тушаётгандай сездн, тугма тўғрисидаги фикр эса бу сезгини янада кучайтирди. Министрнинг хонасига кирганда эса у ўзини ҳақиқатан ҳам жар тубида тургандек ҳис қилди.

Петроний хонайи хосда бўлса ҳам министрни кўрмасди. У бир қўлини кўксига қўйган, иккинчиси билан эса бирорта тугмам ечилиб кетмадимикн, деб ҳадеб ўзини пайпасларди, холос.

Унинг чор атрөфи қоп-қоронғи эди, фақат иккита

катта, жудаям катта ойна кўринарди, холос. Бирдан қоронғидан:

— Сиз нима истайсиз?— деган овоз эшитилди.

Аммо Петроний бу овознинг қаёқдан келганлигини англаб ололмади. Унга биринчи «Сиз» деган сўз худди олдида айтилгандек, иккинчи «нима» эса чап томондан, учинчи «истайсиз?» сўзи эса ўнг томондан айтилгандай бўлди.

У ҳеч қандай жавоб қилмади.

— Сиз Петроний Евремовичмисиз?— деди яна ўша овоз, лекин унга бу сафар овоз тепадан, шифтдан келгандай бўлди.

Петроний кўзларини чирт юмиб олди ва ичида: «Худоё шайтони ландан ўзинг сақла», деб қўйди, сўнг оғзига тўлиб қолган сўлагини ютди-да, ниҳоят:

— Камнина қулингиз Петроний Евремович бўламан,— деди.

— Хўш, сиз нима истайсиз?— яна ўша овоз янгради, лекин у энди паст томондан эшитилди.

— Ёнгирма бир йил... нуқсонсиз хизмат қилиш... мени олиб келган от ҳам шунча... жудаям ўтиниб сўрайман... жаноб министр, ўтиниб сўрайман... мен, жаноб министр...

— Хўп, яхши,— деди ўша овоз, лекин энди эса унинг шундай олдигинасидан чиқди.— Агарда сизнинг илтимосингиз бўлса, бу билан министрга келиб юрмасдан ўз бошлигингизга ёзма ариза беринг. Боринг, хизматингизни қилаверинг.

Даргоҳдан қандай чиқди, карвонсаройга қандай етиб келди, қандай ётди — Петроний эслай олмасди. Тўрт соатдан кейин уйғонди ва биринчидан, министрнинг қабулхонасида ҳассасини унутиб қолдирганини ва иккинчидан эса, мана тўрт соатдан ортиқроқ у каравотда қора костюмда ва ботинкасини ечмасдан, бошини кўрпага ўраб ухлаб ётганини сезд.

Петроний Евремович уйига касал, оғир касал бўлиб қайтди.

Мен билиб турибманки, сиз — ўқувчиларни унинг ўлими эмас, балки ўлган бўлса, бу нечанчи кун содир бўлгани қизиқтиради. Лекин у ўлгани йўқ, соғайиб кетди ва турмушнинг оғир аравасини узоқ йиллар тортиб юрди. У ҳали-вери ўлмайди, унинг аччиқ қисмати ўзи шунақа.

Трифун Трифунович бориб турган ароқхўр бўлмаса ҳам ойдин кечаларда ичишни яхши кўрарди. У маст бўлганда битта кўзи сал ғилай тортар, сочлари эса идорада ўн икки йилдан бери хизмат қилиб келаётган учпинчи даражали мирзанинг сочларидан бутунлай бошқачароқ тахлитда бўлиб қолар эди. Гоҳ-гоҳда у қалпоғини керагидан ортиқроқ эзиб, ғнжимлаб ташласа ҳам, лекин, худо асрасин, бирортасини сўккан ёки кимгадир курси ўқталган, ёки менцнг гашим тўғри, деб столни муштлаган, ёки порозилк билдирган ва бошлиқларни ғийбат қилган эмас. У доимо, ўзи бир сафар «хизматчи-га нолойиқ» хулқ-атвори учун жавобга тортилганида — айтганидек, «беозор» маст бўлади.

Яъни, Трифун Трифунович ичганда, аксинча, бошлиқларга алоҳида иззат-икром билан қарайдиган бўлиб қолади.

Мисол учун олганимизда, у бир куни жандармнинг олдида жуда боодоблик билан узр сўради; иккинчи даражали мирза ҳақида: «Бу — идорамизнинг бориб турган зийнати», деди, биринчи даражали мирза ҳақида: «Бу — серб хизматчиларининг гули», котиб тўғрисида: «Э, қодир эгам, бутун Сербияда яна битта шундай хизматчи топилармикан», судья ҳақида: «Бу одам ўз шажараси томонидан тўппадан-тўғри Одам Атонинг насли насабидан, худойи таоло ўзига ўхшатиб ясаган насабдан тарқалган!» — деди, раис тўғрисида эса Трифун Трифу-

нович тагин унинг таъриф-тавсифни етарли даражада келтира олмасдан бошлнқларни хафа қилиб қўймай, деб индамади.

Трифун Трифунович шу қадар юмшоққўнгил одам эдики, бешинчи стакан винодан кейин йиғига тушарди ва шунақанги ҳўнграб йиғлардики, бунақа яхши одам нимагаям ичдийкин, деб раҳминг келиб кетарди ёки тўғрироғи, ҳамма нарса учун ойдин кечани айблай бошлардинг киши.

Бу сафар кеча айниқса ойдин эди. Трифун Трифуновичнинг кўзи ҳар сафаргидан ҳам кўпроқ ғилайлашган, қалпоғини ҳар сафаргидан ҳам кўпроқ эзиб, ғижимлаган ва ўз тақдирдан нолнб, бошлиқлари ҳақида: «Улар шунақанги ажойиб, ажойибларки, эсингга тушганда беихтиёр йиғламасдан пложинг йўқ», деб жавраганча, ҳар сафаргидан ҳам кўпроқ йиғлашга тушганди.

Аллақаёқдандир келиб қолган булут ойнинг устини қоплаб, ундан ерни сал-палгина ёритиб турган кичкина бир чеккасини қолдирганида Трифун ёқасини кўтарди-да, бошини елкасига қиспб, оёқларини худди урушда совуқ олдиргандай алпонг-талпонг босиб уйига қараб аста кета бошлади. У гандираклаб бир неча қадам босиб, яна тўхтаб қолди.

— Қани, Трифун, қани, ҳа!— деб ғудурлади у ўнг қўлини силтаб, олдинга қараб интилганча, лекин икки-уч қадам ташлаб елкаси билан қандайдир икки қаватли уйнинг дарвозасига суянганича, яна тўхтаб қолди ва муҳокамага тушиб кетди:

— Э худо, бу дунёнинг ишлари бирам антиқаки! Ахир, ростдан ҳам антиқа эмасми? Масалан, олайлик, ҳайвон маза қилиб ичолмайди... одам бўлса ичаверади!.. Ҳайвон нима учун ичолмайди, а?.. Худонинг буйруғи шундайми? Йўқ!.. Шунинг учунки, ҳайвонларнинг ақлидроки бўлмайди, одамда эса бор!.. Ана шунақа... Масалан, олайлик, чигиртка нима учун ичолмайди? Баракалла, нима учун чигиртка ичолмайдию мен бўлсам ича-

вураман?.. Жаноб котиб ҳам ичавуради... жаноб раис ҳам ичиши мумкин, чунки у ҳам ахир қанақадир ҳайвон ёки чигиртка эмас-да!..

Трифун бармоғини пешонасига қўйганича мазкур мавзу бўйича мулоҳаза юритишда давом этмоқчи эди-ю, лекин шў дақиқада ёнгинасидан эшитилган бир товуш унинг гапини бўлди.

Трифун ўзи ҳамон тиралиб турган дарвоза ёнида тинчгина ухлаб ётган катта итнинг ириллашидан чўчиб тушди. Трифун унга тикилиб қаради-да, чуқур ўйга чўмди.

— Рррр,— яна ириллади ит.

Трифун елкасини қисиб, қўлини силтаб қўйди:

— Бу нима деган гап! Тушунсам, ўлай агар... Аслини суриштирганда гап шундаки, сен одамни кўрсанг, ириллайверасан! Ахир бундан нима маъно чиқди? Айтгандай, бунда ҳеч қанақанги маъно ҳам бўлиши мумкин эмас, лекин сен, ошнам, ҳайвонларнинг ақли фаросати йўқлигини, фақат одамгина бунга эга эканлигини ҳам тушунмасанг — ит эмас, эшакнинг ўзи экансан... бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи нима?

Айтгандай, ҳеч ким сенга ириллашни ман қилмайдди... бу нарсa сенга рухсат этилган... Лекин, менга қара, у ҳолда ҳайвонлар одамга қараганда эркинликдан кўпроқ баҳраманд бўлишаркан-да, илло, одамнинг ақлу фаросати бўла туриб, унга ириллаш ман этилган, ҳайвоннинг бўлса ақлу фаросати йўғу, қарангки, ҳеч қандай қонун сенга ириллашни ман этмайди. Бундан чиқди, одамлар ҳайвон экан-да, бу — тўғри эмас. Шунинг учун, марҳаматли афандим, кет, эшитяпсанми, кет, йўқол!.. — Трифун итни қўрқитиш учун оёқлари билан депсинди.

— Рррр... Вов, вов, вов!

— Ҳааа!.. Марҳаматли тақсирим, ҳуришни ҳам билдиларми? Жуда соз. Ҳозиргина бошқача қилиқ қилаётган эдилар, энди бир оз эркин фикр қилишга ўтибдилар-да, а? Бундан чиқдики, сизнинг ақлу фаросатингиз бор

бўлганда ҳам сиз, эҳтимол, ҳурган бўлармидингиз... Де-мак, бир куни келиб жаноб раисга ҳам ҳуришга журъат этарсиз... қўйиб берса, сиз жаноб министрга ҳам ҳуришингиз турган гап... лекин афв этадилар, жаноб министр-га сиз тугул, биз ҳам гинг деёлмаймиз! А... нима де-дилар?— Трифун ўзининг келтирган шунчалик ишонар-ли далиллари уни хижолат қилдими ёки йўқми, билиш учун итнинг кўзига қарамоқчи бўлиб, унга эргашди.

— Рррр. Вов, вов!

— Шунақами... дуруст... демак, сиз ўз фикрингизда қаттиқ турибсиз ва шунинг учун ҳам яна ҳурыяпсиз,— деб сўзида давом этди Трифун яна олдинги ҳолатга келиб.— Лекин, шуни билингки, афандим, мен ҳам ҳуришим мум-кин. Масалан, ўз бошлиқларимга қараб ҳурсам бўлар-ди... Лекин бу билан, марҳаматли афандим, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, илло, масалан, мен шунақанги хуш-муомалалик билан ҳуришим мумкинки, лекин барибир буни бошқача тушунишадую... кейин... бир куни қараб-сизки, мен худди сиз ҳозир бўлганингиз каби кўчада қо-лишим мумкин. Бундан чиқди, ўзларни кўриб турибди-ларки, ҳуришним чегараси бор. Мана, ҳозир мен таёқ билан тумшуғингизга бир тушираман ва сиз ҳуришининг ҳам чегараси борлигини тушунасиз-қўясиз... биласизми, мен тумшукқа туширишни жуда яхши кўраман-да!..

— Вов, вов, вов!..

— Ҳа-а!.. Бу билан сиз ўз хатонгизни яна такрор-лаяпсиз... Очиғини айтганда, сиз ҳукумат одамига қараб ҳурыяпсиз, бу тўғрида эса, марҳаматли тақсирим, қонун-да тегишли моддалар бор, агарда сиз қонунни билмас экансиз — бу ҳол сизни жавобгарликдан халос этмайди. Шунга биноан, жиноят қонунларининг бир юз тўрттин-чи... йўғ-е, ҳа, шу моддасининг, фақат Амиди, ё Бмиди — эсимда йўқ, лекин Аям, Бям бўлмаслиги мумкин... аммо ўша ерда айтилганки: «Қимки, босма ёки босма бўлма-ган... ёки қандай бўлмасин, бирор тасвир, ёки белгилар билан қайси бир «амалдор шахс»ни ҳақорат қилар экан...

мен эса, сизга айтсам, «амалдор шахс» бўлман... ҳуриш эса, аслини олганда, «белгилар»дир, ёки белги бўлганда ҳам «тасвирлар»дир, ё бўлмаса, қуриб кетсин, «тасвирлар» бўлмаган тақдирда ҳам «босма бўлмаган сўзлар»га киради... бинобарин мен «амалдор шахс» эканман, сиз эса «босма бўлмаган сўзлар»ни оғзингиздан чиқарган экансиз, ана шу «босма бўлмаган сўзлар»нинг учун қани, марҳамат қилиб, тумшуғингизни тунинг-чи!..

— Рррр... Вов, вов, ррр!— Ит Трифунга ташланиб, унинг енгидан тишлаб олди, Трифун эса ўз тарафидан заррача ҳам қаршилиқ кўрсатмасдан енгини елкасигача йиртилгунча қўйиб берди.

Трифун яланғочланган тирсагига даҳшат билан қараб турарди.

— Ҳа, шунақа қилишни ҳам биламиз, денг... шунақа қани ҳам биламиз, денг... Демак, тишлашни ҳам биламиз, денг!.. Аҳ-ҳаа! Лекин сиз, марҳаматли жаноб, зўр бўлсангиз, нима учун тўппадан-тўғри кўкрагимга ташлана қолмадингиз? Сиз нега менгн енгимни йиртдингиз, яна шунақанг қаттиқ йиртибсизки, бу туришда эртага идорага ишга боролмайман. Жуда соз... Лекин бу ишингиз учун биз ҳам қараб турмаймиз... Турган гап-ки... мен сизнинг енгингизни йирта олмайман, илло, сизда енг-пенг деган нарсанинг ўзи йўқ... лекин тўхтанг... бунинг учун биз яна тумшуғингизга тушираемиз... марҳамат қилинг... мен тумшуққа туширишни бирам яхши кўраманки...

— Вов! Вов! Вов! Рррр...

— Ҳа... ёқмаяптими?!— Трифун Трифунович яна бир бор маза қилиб: «Ҳа, ёқмаяптими?!»— демоқчи бўлган эди, лекин шу пайт у олдигинасида бунчалик узоқ суҳбат қуриб турган уйнинг иккинчи қаватидаги дераза ғийқилладия ярим очилган деразада тунги оқ кўйлак кийган бир киши кўгнди.

Трифун Трифунович тошдек қотиб қолди. иккинчи

қаватнинг ойнасидан унга шахсан жаноб раис қараб турарди. У шу заҳотининг ўзидаёқ — бу сизнинг итингиз эканлигини билмабман, агарда олдинроқ билганимда эди, аввало, итни ҳақорат қилмаган бўлардим, иккинчидан, унга моддаларни келтирмаган, учинчидан, энг муҳими, уни калтакламаган бўлардим,— деб кечирим сўрашга шайланди.

— Ит — ҳамма жойда бир хил махлуқ-да, шу боисдан, мен бу сизнинг итингиз эканлигини билмабман,— дея сўз бошлади Трифун, лексин гаплари аҳмоқона чиқаётганлигини сезгач, жим қолди.

«Яхшиси, тезроқ бу ердан кета қолай»,— деб ўйлади у ва олишув пайтида пастга тушиб қолган ёқасини кўтариб, очик ойнага ҳўмрайганича қараб, парн кетди, ойнада жаноб раиснинг кўйлаги ой нурида ярқираб кўзга ташланарди.

Трифуннинг юраги қуённикидай урарди, у узоқ вақтгача тинчлана олмади. Фақат орқасидан беркитилган ойнанинг тарақлашини эшитгандагина у нафасини ростлаб секинроқ юра бошлади. Ўўлда унга-яна бир ит йўлиқди, у думини қисганича кўчанинг ўртасидан чопиб борарди, аммо Трифун унга бирор оғиз индамади. Ким билсин, тақдир қанақа ўйинлар кўрсатмайди: тўсатдан бу мннистрнинг ити бўлиб чиқсаю Трифун у билан ҳам тортишиб ўтирса. Ўзи шуниси етмай турувди.

Трифун анча нарироққа бориб олгандан кейин, қандайдир чироқ устунига суяндию яна хаёлга чўмди:

«Мен айтувдим-а, сенга, Трифун, бошқа кўчадан юрайлик, деб. Жаноб раиснинг уйи олдида пишириб қўйбидими?»

Аммо у ҳеч қанақа ёмон гап айтмаганини ва жаноб раиснинг кўчасига тасодифан кириб қолганини эслади; ўзи учун мулоҳаза қиладиган ҳеч нарса қолмаганини ҳис этиб; битта-битта босганча, уйига қараб кетди.

Уйига келиб у авваламбор тоза қоғоз олди-да, жаноб

раисга узрнома хат ёзишга тутинди. Хатни у шундай бошлади:

«Жаноб раис! Ўзларига маълумки, ит ҳамма жойда бир хил бўлган махлуқ, шу бонсдан ҳам мен бу итнинг сизники эканлигини билмабман. Бундан ташқари, жанжални мен эмас, у бошлади. У менга биринчи бўлиб ириллади, бинобарин, мен бошқа ҳар қандай ит билан тўқнаш келганда ниманки қиладиган бўлсам, шундай қилишга мажбур эдим. Мен итни пальтомни йиртганлиги учунгина урдим, холос.

Сизнинг камина қулингиз *Трифун Трифунович*».

Хатни ёзиб бўлгач, уни яхшилаб қуритди ва шамни ўчириб, ўрнига ётди.

\* \* \*

Трифун Трифунович эртасига эрталаб бош оғриғи билан уйғонди. Кафти билан пешонасини силар экан, ўнг қўлини силкиди.

— Э, худо, бир кечала шунчалик ҳам жингиллик қилмаганим, а!— деб пичирлади у.

Столниги устида жаноб раисга юбориш учун тайёрлаб қўйилган хатни кўриб Трифун маъюслик билан илжайди-да, конвертнинг икки бармоғида кўтарди, кейин уни чап қўлининг кафтига қўйди ва ёғимлаб столнинг остига ташлади.

Кейин кийинди, ўзининг керагидан ортиқроқ эзилган қалпоғини бошига қўндириб, тўғрилаб қўйди, ҳассачасини қўлига олди, ойнадаги аксига бир қаради-да, сўнг аста-аста босиб хизматига йўл олди.

Уйдан йигирма қадамча юргандан сўнг тўхтади-да, бир оз ўйланиб туриб, яна орқасига қайтди.

У столнинг тагидан ёғимланган хатни олди, уни майда-майда бўлакларга йиртди ва чўнтагига солди, шундан кейингина ўзига минбаъд ичмасликка сўз бериб, илласига кетди.

## МИНИСТРНИНГ ЧУЧҚАСИ

Турган гапки, рождество байрамида сизларнинг ҳам-маларингиз чўчқа боласига хўп тўйгансиз. Биласизларми, мен нима едим? Рождествонинг биринчи кунida мен шўрва билан қайнатилган мол гўшти едим, байрамнинг иккинчи кунida ҳам мен яна шўрваю мол гўшти едим, фақат учинчи кунигина ҳеч бўлмаса дастурхондан чўчқа гўштининг ҳиди келсин, деб қовурма едим.

Мен чўчқа боласидан маҳрум қолдим. Бу аҳвол яна мен чўчқа боласини ўз кўзим билан кўрганимдан, уни қўлга нақдгина киритганимдан кейин юз берса бўладими.

Мен аслида дурустгина бир чўчқа боласини сотиб олган эдим ва ўзига тузук ҳар қандай хонадон эгаси сифатида бу харидни чўчқа болалари арзон бўладиган жума кунидеъ амалга оширган эдим. Воқеа бундай бўлди. Уни уйга олиб келдим ва оила аъзолари — ҳаммамиз бирин-кетин уни сийпалаб кўриб: «Ўҳ-ҳў!»— деб хитоб қилдик. Уни биринчи бўлиб менинг ўзим сийпалаб кўрдим ва: «Ўҳ-ҳў!»— деб юбордим, кейин хотиним, ундан кейин қайнонам, қайнсинглим, болалар ва ошпаз хотин бирин-кетин сийпалаб кўришиб: «Ўҳ-ҳў!»— дейишди.

Бундан ташқари мен қайнонамнинг маслаҳати бўйича чўчқани сўйишдан олдин табаррук қилдириб олиш учун попни ҳам чақиртирган эдим. Шу зайлда ҳамма

наrsa тап-тайёр бўлганида биз хотиржамлик билан одатдаги ўз ишларимизга шўнғиб кетдик.

Хотиним болаларни ювинтириб, уларнинг бошларига рўдапога ўхшатиб сочиқларни салла қилиб қўйди; қайнонам асабларини босиш учун бўйнига гармдори малҳами ёпиштирди-да, қалин жун рўмолга ўралганича, печканинг ёнига ўтириб олди; қайнсинглим эса балларда кийиладиган оқ кўйлагини бичиб-тикиш, кийиб кўриш билан овора эди; хотиним одати бўйича картошкани майдалаб бошига боғлаб олди (бош оғриғига даво эмиш) ва қўлига оқ қўлқопларини кийиб, уларни бензин билан тозалаш тараддудига тушди; ошпаз хотин менинг эски этигимни кийиб гилам супургани чиқиб кетди, мен эсам бу пайтда соқол олаётган эдим.

Ҳар ким ўз иши билан банд бўлган ана шу осойишта дамларни ошпаз хотин тўсатдан бузди — у супургини силкитганича:

— Чўчқа боласи қочиб кетди!— деб айюҳаннос солди.

Сиз бу хабарнинг бомба портлаганидек таъсир қилганини кўз олдингизга келтирсангиз керак.

Биз бараварига алламбало деб қичқирдик-да, чўчқа боласининг орқасидан ташландик. Олдинда мен — яланг бош, чаккаларимда совун кўпигию елкамда сочиғим билан, менинг орқамдан хотинимнинг бошида картошкасию қўлларида оқ қўлқоплари билан, хотинимнинг кетидан жун рўмолга ўралган қайнонам — бўйнида гармдори малҳами билан, қайнонамнинг орқасидан қайнсинглим бал кўйлагининг юбкасида, қайнсинглимининг орқасидан супурги билан қуролланган ошпаз хотин оёқларида менинг эски этигим билан, ошпаз хотинининг орқасидан эса менинг икки «тирмизагим» бошларида салталари билан чопиб борардик.

Бу қўшинга қўмондонлик қилишни мен шахсан ўз зиммамга олдим. Душман орқа-кетига қарамасдан қочиб борар, биз эса ҳеч қандай талафот кўрмаган ҳолда

зўр бериб олга босардик. Йўлда фақат қайнонам гарм-дори малҳаминию хотиним бошидаги картошкасини йўқотди, холос. Шунга қарамай, қўшинимизнинг руҳий кайфияти тетик бўлиб, у олдинга ғалаба сари мардларча интиларди.

То душман кимнингдир ҳовлисига кириб яширинма-гунча биз шу зайлда Белграднинг икки-уч кўчасини чо-ниб ўтдик. Мен дарҳол кескин буйруқлар бериб, ўз жан-говар сафларимизни бошқача қилиб туздим. Оғир артил-лерия, яъни қайнонамни дарвозанинг оёзига қўйдим, тоғ артиллерияси — хотиним ва қайинсинглимни ҳовлига шундай жойлаштирдимки, уларга бутун яқин-атроф беш қўлдай кўриниб турарди, ошпаз хотинни эса фронт ор-қасида — ҳожатхонанинг олдида қолдирдим, ўқчилар — салла ўраган болаларни қатор қилиб жангга ҳозирлаб қўйдим-да, ўзим разведкага йўл олдим.

Бизнинг ғалаба қилишимизга ишончимиз комил эди, лекин жанговар ишларда арзимаган кичик бир нарса ҳам курашнинг натижасини ёмон оқибатларга олиб ке-лади-қўяди. Деворда бир тешик бор экан, чўчқа боласи ундан суқилиб ўтиб, нариги кварталда кўздан гойиб бўлди. Бу ҳол жанговар ҳаракатларни энди давом этти-риш бефойда эканлигини кўрсатиб турарди.

Биз жанг майдонидан худди Наполеон қўшинлари Москвадан чекингани сингари қайтардик. Қор шиғалаб ёғиб, йўлакларни кўмиб қўярди. Олдинда бошимни қуйи солганимча мен, орқамдан эса менинг қадди бу-килган ва руҳи тушган қўшиним зўрға судралиб келар-ди. Қор бўлса шиғалаб ёққандан-ёғарди... эҳтимол, шу топда нариги маҳаллада кимдир биров менинг чўчқачамни сийпалаб кўриб: «Ўҳ-хў!» — деяётган бўлса керак.

Шундай қилиб, мен рождество байрамини тишимни-тишимга қўйиб кутарканман, жаноб ички ишлар минис-трининг ҳам чўчқа боласи қочиб кетибди, деган гап тарқалди. Тасаввур қилинг-а, қандай бахтсизликки, жа-

ноб министрнинг ҳам чўчқа боласи қочиб кетибди-я ва жаноб министр ҳам рождество байрамида чўчқа боласидан қуруқ қолибди, бундан чиқдики, жаноб министрнинг ва менинг тақдирим ўртасида ўхшашлик пайдо бўлибди. Бу ҳол мени юпатарди.

Яна тасаввур қилиб кўринг-а, жаноб министрнинг чўчқа боласи билан меники ўзаро келишиб олиб, шу тарзда бизнинг хонадонларимиз ўртасида маълум бир умумийлик вужудга келтиришган бўлишса-я.

Лекин жаноб министр, турган гапки, ўз чўчқа боласини қувиш учун менга ўхшаб қўшин тўплаб ўтирмаса керак. У тўппадан-тўғри шаҳар полиция бошқармасига қўнғироқ қилган-қўйган:

— Алло!

— Алло!

— Менинг чўчқачам қочиб кетди.

Энди эса кўз олдингизга полиция участкаларининг бошлиқларини бир келтиринг, полиция амалдорларини тасаввур қилинг ва буларнинг ҳаммаси рождествода юз бераётганигини, Янги йилда эса одатда баъзи бировларнинг амали юқориланишини ҳам ўйлаб кўринг-а. Демак, ҳар қандай амалдорнинг бу ҳақда:

«Ҳм, чўчқа боласи учун юқорироқ амал тегиши мумкин»,— деб ўйлашини тасаввур қила olasиз.

Ҳамма шу заҳотиёқ ишга киришиб кетади. Бир вақт қарасангиз, шаҳар участкасидан бир амалдор келяпти, унинг орқасидан эса бир миршаб чўчқа боласини кўтарганча одим-лаяпти. Улар тўппа-тўғри жаноб министрнинг уйига йўл олишади.

— Жаноб министр, сизга шуни маълум қилиш шарафига муяссарманки, шахсан менинг ўзим сизнинг чўчқачангизни дарҳол топиш учун барча чораларни кўрдим...

Бир оз ўтгач, қарабсизки, йўлга Врачар участкасининг амалдори тушади, унинг орқасидан эса яна бир миршаб бошқа чўчқа боласини кўтариб келади.

— Жаноб министр, сизга шуни маълум қилиш шарафига муяссарманки...

Ингирма минутча ўтар-ўтмасдан Савамала участкасидан бир амалдор келади, унинг орқасидан эса миршаб учинчи чўчқа боласини кўтариб келади.

— Жаноб министр, шуни маълум қилиш шарафига муяссарманки...

Қарабсизки, жаноб министрнинг ҳовлисида учта чўчқа боласи «хур-хур» қиляпти ва учта амалдор ўз даражасининг юқорилашини ўйлаяпти. Аммо мана, Дорчол қисмидаги участкадан тўртинчи амалдор ҳам келаётир, унинг орқасида ҳам чўчқа боласи кўтарган миршаб.

— Жаноб министр, сизга шуни маълум қилиш шарафига муяссарманки, қочиб кетган чўчқангизни шахсан ўзим топдим.

Бир оз вақт ўтгач, жаноб министрнинг уйи олдида извош келиб тўхтади ва ундан Тончидер полициясининг комиссари тушиб келади, унинг орқасидан эса чўчқа кўтарган жандарм тушади.

— Қаранг-а, жаноб министр, сизнинг чўчқачангиз нақ Топчидерга қочиб борибди-я. Лекин мен уни дарров таниб қолдим, мендан қочиб қутулиб бўпти!

Шу пайт Палилула<sup>1</sup> участкасидан ҳам амалдор етиб келади ва унинг орқасидан бир миршаб... курка товук кўтариб келади. Чўчқа боласини-ку тополмабди, лекин, ишқилиб, курка товук топибди ахир, шу, арзимаган нарсаси деб ўз шерикларидан орқада қолсинми?

— Ахир менинг куркам қочиб кетгани йўқ!— деб хитоб қилади жаноб министр.

— Жаноб министр, сиз қочирган нарсангизнинг курка товук эмаслигига аминмисиз?

Шундай қилиб, мен чўчқа боласидан маҳрум бўлиб

---

<sup>1</sup> Врачар, Савамала, Дорчол, Палилула участкалари — Белграднинг район полиция участкалари.

қолган бир пайтда жаноб министрнинг уйида ҳар бир участканинг биттадан вакили «хур-хур»лайди ва ҳар бир участкадан биттадан амалдор Янги йилда ўз мансабининг ошишини кутади.

Мен полиция министри бўлганимда ва менинг чўчқам қочиб кетганида мен ҳам албатта бу ҳақда барча округ полиция бошқармаларини хабардор қилар эдим.

Авлиё Никола байрами кунда мен билан шундай бир воқеа содир бўлдики, бундай воқеа фақат менинг ҳаётимдагина содир бўлиши мумкин эди. Шу кун мен хотиним тузиб, қишлоқ пальтомнинг ўнг чўнтагига солиб қўйган рўйхатга аниқ рўйхат қилган ҳолда уйма-уй юрганча, ҳаммани байрам билан қутлардим.

Бир уйдан чиқдим у рўйхатга яна бир қараб олай деб чўнтагимга қўл солсам, ундан рўйхат ўрнига бир тўп қанақадир қоғоз парчаларини топдим.

Бу қоғозларни ҳайрон бўлиб кўздан кечирар эканман, мен халқ депутатининг пальтосини кийиб олганлигимни сездим ва ҳайратдан донг қотиб қолдим. Кейин шу заҳотиёқ уни топиш учун орқамга қараб чопдим, лекин у менинг пальтомни кийиб ўз танишларини байрам билан табриклагани кетибди.

Бизнинг қай аҳволга тушганимизни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а: мен, Бен-Акиба<sup>1</sup> халқ депутатининг пальтосини кийиб олганман, халқ депутати эса фельетончининг пальтосида юрибди.

Хаёлимга қасқларгадир жўнаб қолган фикри келди, илло, мен чўнтақларим депутатнинг мойнаси билан тўла, деб ўйладим.

Халқ депутати бўлса шу топда оладиган иш ҳақи

---

<sup>1</sup> Бен-Акиба — ёзувчининг ўз фельетонларига қўядиган тақаллуси. (Таржимон изоҳи.)

очдан ўлмаслик учун зўрга етадиган ҳар қандай бечора фельетончи сингари кўчада, ўтган-кетганларга тикилиб қараганича, зўрга судралиб бораётган бўлса керак.

Қўлларим қичишиб, депутатнинг чўнтақларини бир агдар-тўнтар қилмоқчи бўлдим, лекин мен у ердан депутатона мояна олишни ўйлаганим йўқ, чунки мен депутатларнинг одатда ўз мояналарини омонат дафтарчаларида сақлашларини яхши биламан, шунинг учун ҳам ҳар қандай депутат ўз чўнтагида олиб юрадиган қоғозларга унинг ҳужжатхонасига шунчаки бир кўз қиримни ташламоқчи бўлдим, холос, ахир бу қоғозларда халқнинг энг эзгу-истаклари ифода этилган бўлади.

Демакки, қўлим қичишган экан, мен бунинг чорасини топишим керак. Албаттаки, бунда мен ўз қимматли ўқувчиларимнинг ҳам ғамини қилдим. Бу ерда улар учун ҳам қизиқарли бўлган бирон нарсa топилиб қолар.

Қўлимга тушган биринчи қоғозда жаноб депутат томонидан бюджет ҳақидаги мунозара учун ёзилган нутқ кўзга ташланди.

Нутқ хийла узун эди ва у учта турли хил қўлёзмалардан тузилган бўлиб, улар ҳам кўп марталаб ўчирилган ва тузатилган эди. Қоғоз ёғимланиб, ундаги ёзувларнинг кўпи ўчиб кетганди. Бечора қоғоз ундаги ёзувларни ёдлаб олиши керак бўлган ҳурматли жаноб депутатнинг қўлида не азобларга дучор бўлгани кўриниб турарди.

Э худо-ей, менинг нақадар хурсанд бўлганлигимни кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а! Жаноб депутат, мабодо унинг сўзга чиқиши эълон қилинган бўлиб, ўз навбатини кутиб турса-ю, унинг нутқи менинг пальтомнинг чўнтагида, тўғрироғи, шу топда менинг эгнимда бўлган унинг пальтосининг чўнтагида ётса...

Дарвоқе, бу чўнтакда фақат нутққина эмас, халқдан келган жуда кўп арзномалар ҳам бор-а. Меҳмонхонанинг эгаси жаноб депутатдан округ мирзасини бошқа округга ўтказишни ялиниб сўрабди, гўё бу мирза:

гирт «эўравон» экан ва халқ ундан безор бўлган экан, хат муаллифининг фикрича, буни мирзанинг меҳмонхона ҳовлисида ахлат тўплашиб қолгани учун унга жарима солганлигидан яққол кўриш мумкин экан.

Бошқа бир хатда бир сайловчи депутатда Скупщинани махсус бир фармон чиқаришга кўндириш учун ҳаракат қилишни сўрабди. Бу фармонга мувофиқ ўша сайловчининг ўғли ҳарбий хизматга нолойиқ топилиши керак экан.

Учинчи хатда эса бир сайловчи ўз депутатига ўрмон қоровуллиги хизматини бутунлай бекор қилиш учун тегишли чоралар кўришни маслаҳат қилибди, чунки бу хизматнинг халққа фойдаси йўқ эмиш.

Яна бир хатда бир одам ўғил уйлаётганлигини айтибди ва депутатдан қандай қилиб бўлса ҳам Скупщинадан уни беш йилгача солиқ тўлашдан озод қилдириб беришни сўрабди, чунки ўғил уйлаш, қиз чиқаришининг халққа фойдаси йўқ эмиш.

Навбатдаги аризачи шундай деб ёзибди: «Мен болалик пайтларимданоқ шаҳар жамоасининг бошлиғи бўлишни орзу қилардим, мана энди камолотга етдим ва депутат учун овоз бердим, халқ мени ўша лавозимга сайлайди, деб ўйлаган эдим, лекин негадир халқ сайламапти. Сендан илтимос, бир бало қилиб ана шу ишни тўғрила ва халққа буюрки, мени жамоа раиси қилиб сайлашсин».

Шунақанги илтимос, истак ва таклифлар билан чўнтак тўла эди.

Аллақандай бир хотин унинг эрига хотинингни ташлаб кетма, деб буйруқ беришларини сўрабди; қишлоқ мирзаси эса университетга кирмоқчи бўлиб, депутатдан кўмаклашини илтимос қилибди. Бир жамоа раиси бўлса бошлиқлар округ бошлиғига уни жамоа аъзоларидан солиқ тўлаш учун йиғилган пулни еб қўйдинг, деб ҳалеб безорижон қилавермасдан тинч қўйсин, деб буюришларини илтимос қилибди ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Наҳотки, бирор киши халқнинг бу илтимосларини бажо келтира олмаса? Мен масалан, бу ишни қила олмайман, лекин мазкур ишларга ҳақим йўқлигидан эмас, балки бу пальтога эгалик қила олмаслигим учун шундай қилолмайман.

Бунинг устига, менинг ўзим бу илтимосларга ўз истагимни, яъни ўзимга қарашли қишлоқ пальтомга ўзим тезроқ эга бўлишимдан иборат чин юракдан чиққан истагимни қўшиб қўймоқчиман. Ахир мен уни яқиндагина насияга олганман, ҳали ҳатто қарзимни ҳам узолганимча йўқ.

Ана шу истагимга риоя қилиб, мен Халқ скупшчинасига боришдан бошқа дурустроқ парсаип ўйлаб тополмадим ва эртасигаёқ бу ишни амалга оширдим.

Мен ўз депутатимни танишимга имоним компл эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Скупшчинада бюджет тўғрисидаги масала муҳокама қилинарди. Мен залнинг юқори қаватидаги бир бурчакда жимгина ўтириб, сўзга чиққанларни диққат билан кузата бошладим. Сўзга чиқишлари ҳақида уч кун илгариёқ эълон қилинган нотиқлар бирин-кетин минбарга кўтарилишарди. Ниҳоят, навбат бизнинг депутатга ҳам етиб келди ва у ўрнидан туриб чўнтақларини кавлай бошлади. У қўлини дастлаб ўнг чўнтагига тикди, кейин чап чўнтагига тикди ва унинг излагани сайин довдираб қолганлиги юзидан билиниб турарди.

Ниҳоят у чўнтагидан бир қоғоз чиқардию уни ўқий бошлади. Биринчи ибораларданоқ мен фелъетонимнинг қораламасини таниб қолдим. Юракларим хурсандчиликдан бирам ўйноқлаб кетдики! Ҳа, бу — ўша, менинг фелъетонгинамнинг худди ўзи!

Депутат бир неча сатр ўқидию менинг фелъетоним унинг ўз нутқида сираям ўхшамаслигини кўриб, батомом гангиб қолди. Лекин у жим қолишдан олдин тилларда дoston бўлиб кетган: «Мана, мен айтмоқчи бўл-

ган гаплар ана шулардан иборат!»— деган машҳур иборани тантана билан қўшиб қўйди.

Аммо Скупшчина депутатлари уларга муҳокама қилинаётган масалага заррача ҳам алоқаси бўлмаган қандайдир бир кулгили фельетон ўқиб берилганини сезишмади. Илло, кейинги вақтларда Скупшчинанинг кўпгина депутатлари аксарият ҳазил-ҳузул гаплар ирод қилишар ва муҳокама қилинаётган масала юзасидан жуда кам гапиришардики, шунинг учун ҳам бу ҳол сезилмай ўтди.

Мен ўзимнинг қишлик пальтомни шу зайл топдим. Депутатга ўз пальтосини қайтариб бернш учун рўбарў келганимда, у менга:

— Менинг гапларимни эшитдингизми? Сиз мени хижолатпазликка солиб қўйдингизу, лекин мен йўлини қилиб кетдим,— деди.

— Сиз ҳам мени хижолат қилдингиз, жаноб депутат.

— Ҳа, албатта, сиз ҳам хийла ташвиш қилган бўлсангиз керак, ахир фельетонингизнинг қўлёзмаси менда эди-да. Қани, айтинг-чи, сиз мени топмаганингизда бугун газетангизда нимани босиб чиқарардингиз?

— Жаноб депутат, мен сизнинг бюджет тўғрисидаги нутқингизни босиб чиқарардим. Ахир у кулгили фельетондан сираям қолишмайди.

Дарёларнинг оқиши, оҳанрабонинг тортиш кучи, электр қуввати — радио тўлқинлари — табиатнинг бу қудратли кучлари одамнинг куч-қувватидан неча баробар ортиқдир. Бу кучлар жами нарсаларни ҳаракатга келтиради, жами нарсаларни ўзига тортади ва жами нарсаларни ё кўкларга кўтариши, ёнки кунпаякун қилиши мумкин.

Аммо барча табиат кучларидан қудратлироқ бир куч, инсон ақлининг шундай бир кўриниши мавжудки, у ҳам бўлса ёлғондир.

Табиатнинг юқорида зикр этилган бирорта кучи ҳам ёлғончалик ер билан яксон қилиш, вайрон этиш, куйдириб ташлаш ёнки кулини бутунлай кўкка совуришнинг уддасидан чиқа олмайди. Юқорида зикр этилган табиат кучларидан бирортаси ҳам ёлғондек кўзга яққол ташланмайди, шу билан бирга, улардан биронтаси ҳам ёлғондек беомон эмас.

У оловсиз ёндиради, гумбурлатмасдан вайрон қилади, беолишув енгади.

Унда юқорида зикр этилган табиат кучларида мутлақо бўлмаган яна бир хусусият бор. Табиат кучлари улардан қанчалик фойдаланганлигига қараб камайиб боради, ёлғон бўлса аксинча, ундан қанчалик кўпроқ фойдаланилса, шунчалик томир ёйиб, кўпайиб боради ва шунчалик кучига куч қўшилади.

Мен бу гапни ҳаводан олиб айтаётганим йўқ. Бундай

дейишдан олдин мен жуда кўп тажрибалар қилиб кўрдимки, буларнинг натижасидан сизларни хабардор этмоқчиман.

Кимки махсус текшириш билан машғул бўлар экан, қандайдир бир тасодиф унга ҳақиқатни очиб беришини кутиб ўтирмасдан, ана шу воқеаларни қидириши, уларни қўзғатиши, тажриба ва синовлар ўтказиши керак. Кимёгарлар шундай қилади, физиклар ҳам шундай қилади, ҳамма шундай қилади; бинобарин мен ҳам ҳақиқатни аниқлаш учун тажриба ва синовлар ўтказиш билан шуғулланишга мажбур эдим.

Мени — ёлгон гап Белградни қанча вақт ичида айланиб чиқадию ўзини дунёга келтирган кимсага қай тарзда қайтиб келади, деган иккита муаммо қизиқтирарди.

Бу муаммоларни аниқлаш учун мен шундай иш тутдим.

Ўтган кунни соат роппа-роса ўндан ўн етти минут ўтганда Теразия майдонидаги фонтан олдида Вида хонимни учратиб қолдим ва унинг олдига келиб расми одатга мувофиқ сиҳат-саломатлик сўрашдим-да, кейин худди оғзимдан шунчаки чиқиб кетгандек қилиб:

— Жаноб Миркович ҳақидаги гапни эшитгандирсиз, а?— деб қўйдим.

— Нима бўпти?— бир сесканиб тушди Вида хоним.

— Хотинидан ажрашаётган эмиш-ку...

— Қўйинг-е, бекор гапдир!— деб хитоб қилди Вида хоним.— Ҳеч ақлга сиғмайди! Ахир улар шунақанги аҳил яшашардики... Сабаби нима экан?

— Сабаби номаълум. Ҳа, ҳақиқатан ҳам уларнинг ажрашишлари учун ҳеч қандай сабаб бўлиши мумкин эмас. Шунчаки, бир-бирларининг меъдаларига тегиб, бирга туришдан зерикиб қолишган бўлишса керак-да.

Вида хоним мен билан шоша-пиша хайрлашдию ўн қадамча ҳам юрмасдан Персида хонимни учратди.

— Азизим, сени кўрганим яхши бўлди-да. Вой, худо-ей, янгиликни эшитдингми?

— Қанақа янгилик?— деб сўради Персида хоним қизиқиб.

— Миркович хотинидан ажрашаётган эмиш.

— Йўғ-э!

— Нега «йўғ-э», дейсан, ахир хотини унинг уйида яшамаётган бўлса. Кеча уни онасиникига жўнатиб юборибди-ку!

— Вой, худо-ей, нима учун?

— Нима учунлигини ҳеч ким билмайди. Лекин, эҳтимол, ҳу, ўша поручик туфайлидан бўлса керак. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди-ку, бир гап бор-да. Ахир одамлар бирга туришдан зернкканлари учунгина ажрашшмайди-ку.

— Ҳа-я... Э... гап бу ёқда дег?... Менинг бўлса, хаёлимга ҳам келмабди-я. Хўп хайр, Вида хоним, хайр!

Персида хоним князь Михаил кўчаси бўйлаб ўз йўлида давом этдию ўша ерда «Рус подшоши» деб номланган қовоқхона олдида жаноб Любага дуч келди.

— Мен сиздан хафаман,— деб гап бошлади у йўл йўлакай.

— Нимага?— ҳайрон бўлди жаноб Люба.

— Негаям хафа бўлмай, ахир сиз кеча меникида бўлдингиз, бутун оқшом дунёдаги бор гапларни айтиб чиқдингиз муҳим бир гап тўғрисида лом-мим демабсиз-а.

— Қанақа гап экан?

— Ие, сиз Миркович хотинидан ажрашаётганидан беҳабармисиз?

— Худо ҳаққи, энди эшитиб турибман.

— Қанақасига энди эшитаркансиз, ахир бутун Белградда дув-дув гап-ку? Бу шунчаки можаро эмас, гирт жанжалнинг ўзи. Қаранг-а, у хотинини аллақандай поручикка ўчакишиб ҳайдабди-я. Уни ўз уйида гувоҳлар-

нинг олдида ушлаб олибди, айтишларича, улар муш-лашишибди ҳам. Албатта, мен бу ишлар қанақа бўлган билмадим, лекин қаранг, уларнинг дон олишиб юришганини... Менга қаранг, нима бўлганини яхшилаб суриштириб билингу бугун кечқурун ё эртага эрталаб бизникига келинг, ҳаммасини айтиб берасиз.

— Вой, худо-ей, албатта-да! Мен ҳозир идорага бораману бор гапни биламан-қўяман. Мен билан ишлайдиган учала ходим ҳам уйланган. Улар бу ҳақда хотинларидан аллақачонлар эшитган бўлишлари керак. Хайр, хоним, қўлчаларини ўпаман.

— Бизникига келиб айтиб беришингиз эсингиздан чиқмасин!

— Нега эсимдан чиқар экан?

Жаноб Люба идорасига йўл олди ва у ерда ҳалиям қаҳва ичиб ўтиришган ва бугун тушликда кимникида нима таом пиширилиши мавзусида суҳбат қуришгаётган учала оилали ходимни учратди.

— Жаноблар, Мирковичнинг иши тўғрисида муфассалроқ гапни қайси бирингиз эшитдингиз?

— Қанақа иш тўғрисида?— ҳайрон бўлиб қайтариб сўрашди учала оилали ходим.

— Оилавий жанжал тўғрисида! Наҳотки сизлар ҳеч нарса эшитмаган бўлсаларингиз, а!

— Эшитганимиз йўқ!— деб бараварига жавоб қилишди учала ходим.

— Эсизгина. Ахир бу жудаям қизиқ можаро-ку! Демак, гап бундай: аллақандай бир поручик Мирковичнинг хотинига ошиқ бўлиб қолибди. Албаттаки, майдачуйда тафсилотлари сизлар учун қизиқ гап эмас, асосийси шундаки, ўтган кун у хотиннинг олдида деразадан ошиб тушибди, Миркович бўлса иккита гувоҳ билан эшикдан бостириб кирибди... Кеча... эрталаб улар якма-якка дуэлга чиқишибди... Дуэл-ку, албатта бўлмабди, лекин умуман бўлиши керак экан-да. Мен ҳамма тафсилотларни билмадим, лекин эшитдимки, Мирко-

вич хотинини қўлидан етаклаб онасининг олдига олиб борибди-да: «Ана, олинг қизингизни!»— дебди.

— Вой, уни қара-я,— ҳайрон қолишди учала оилали ходим ва тушки таом пайтигача зўрға чидашиб, уй-уйларига, ўз хотинларининг олдига чопишди ва турган гапки, ҳозиргина эшитган янгиликларини ҳар қайсиси ўзича ҳикоя қилди. Бу тахминан шу тарзда бўлди:

— Қара-я, Мица, нималар бўляпти ўзи! Ким ўйлабди, Мирковичнинг хотини...

— Қайси Мирковичнинг хотини?

— Сен ҳали уни танимайсанми?

— Танийман, нима бўпти?

— Ким ўйлабдики, уни шунақа бузук деб!

— Ие, нималар деяпсан?

— Айтишяптики, эри уни бундан олдин ҳам ўн мартача ушлаб олган экану, лекин жанжал бўлмасин, деб тишини-тишига қўйиб юрган экан. Энди бўлса пичоқ бориб суякка етганга ўхшайди. Хотинини ҳайдабди, кеча уни жандармлар билан биргаликда онасининг уйига олиб бориб, тўппа-тўғри: «Олинг, қизингизни пишириб енг! Қуш уясида кўрганини қилади!»— дебди.

— Бўлмаган гап!— деб анграйиб қолди ва чўқинишга тушди Мица хоним.

— Э, бу жуда ғалати можаро, ҳақиқий ишқ можароси! Биласанми, қандайдир бир поручик бошқача кийиниб олиб, унинг уйига кирибди; улар кеча дуэлда олишишибди, ўша поручик яраланибди.

— Қаеридан яраланибди?

— Билмадим. Қўлига тегибди, битта панжасини учириб кетибди, дейишяпти.

Мица хоним тошдек қотиб қолди. Фақат Мица хонимгина эмас, иккала уйланган ходимларнинг хотинлари — Лепосава хоним ҳам, Ела хоним ҳам тошдек қотишди, илло, эрлари тушлик овқат пайтида уларга ҳам бу янгиликни айтишган эди.

Мица хоним, Лепосава хоним ва Ела хонимлар туш-ликдан кейин, эрларини идорага кузатиб қўйишиб, апил-тапил ясанишганча, турли томонларга қараб йўл олишди, худди улар Белградни олдинданоқ турли бў-лакларга бўлишиб олишгандек эдилар.

Хонимлардан биттаси ғарбий Врачарнинг ҳаммаси-ни ва шарқийсининг бир бўлагини бошдан-оёқ айланиб чиқди. Иккинчиси Палилуланинг ҳаммасини ва Теразия майдонининг бир қисмини, учинчиси эса Варош маҳал-ласини бошдан-оёқ ва Дорчолнинг театрга туташган қисмини югуриб кезиб чиқди.

Хонимлар уйма-уй шундай изғишдики, уларнинг орқасидан кузатиб бориш унча-мунча азаматнинг қўли-дан келмасди. Аввалига мен уларнинг орқасидан бориб, қанча уйга кириб чиқишларини санамоқчи ҳам бўл-дим, лекин кўп ўтмай уларни йўқотиб қўйдим. Мен пай-қаган бирдан-бир нарса шу бўлдики, бизнинг хоним-лар кирган уйларнинг бекалари уларни кузатиб қўйи-боқ, ўзлари ҳам кийиниб, бирор ёққа жўнаб қоли-шарди.

Шундай қилиб, Мирковичнинг «иши» тўғрисидаги хабар шаҳар бўйлаб телеграф алоқаси тезлигида тарқа-ларди. Тахминий ҳисобларга кўра (ҳисобот ҳужжат-лари ҳар доим ҳам тахминий ҳисобларга асосланиб тузилади) мен шуни аниқладимки, кун ярмидан ўтган-да, соат учдан бешгача бўлган вақт ичида икки юзу ет-миш иккита хотин уйма-уй юриб Мирковичнинг «иши»-ни ёйиш билан овора эди.

Кечга яқин, соат роппа-роса олтидан йигирма ол-ти минут ўтганда мен эрталаб соат ўндан ўн етти минут ўтганида ўзим тўқиб чиқарган янгиликни бирин-чи бўлиб айтганим — ўша Вида хонимни яна учрат-дим.

Вида хоним қандайдир меҳмондорчиликдан қай-таётган эди, у мени кўриб, қўлларини бир-бирига урди:

— Вой, худойим-ей, модомики, сиз менга шундай қизиқ янгиликни айтар экансиз, нега ҳаммасини айта қолмадингиз? Қарангки, сизни деб бор гапни бошқалардан билиб олишга мажбур бўлдим-а.

— Ахир мен бор гапни билмас эдим-да. Илтимос, ўзингиз айтиб бера қолинг. Жудаям билгим кел-япти.

— Албатта билгянгиз келади-да. Мен ҳозиргина Юлка хонимникида бўлдим ва бу ишни битта хонимдан эшитдим, у бор гапдан ипидан-игнасигача хабардор экан. Поручикнинг исми Иосиф экан. Турган гапки, Миркович хоним у билан эрга чиқмасидан олдиноқ ошиқ-маъшуқ эканлар, шунинг учун ҳам у жаноб Мирковичга текканда қиз эмас экан. Лекин жаноб Миркович уни эсини йиғиб олар, деб кечирган экан.

Поручик бўлса унинг олдига келиб туришини қўймабди. У ҳар сафар ҳар хил кийиниб келганлигидан уни қўлга тушириша олмас эканлар. Гоҳ гўё ишга ёлланмоқчи бўлиб хотин кишининг кийимида келаркан, гоҳ бўлса мўри тозалайман, деб мўри тозаловчининг кийимини кийиб оларкан.

Гапнинг нимадалигини билиб олишмагунча у шунақа келиб-кешиб юраверибди. Айтишларича, гўё жаноб Миркович ўз каравотида қурум изларини сезиб қолибди. У шундагина ҳалигини қўлга туширибди. Одам демаган бирам йиғилибдики, ғиж-ғиж! Йигирмата жандарм уйни ўраб олибди, Миркович хотинини ўласи қилиб урибди, унинг ясама сочини бутунлай тўзитиб ташлабди, кейин эса уни жандармлар билан биргаликда аравага ўтқазибдию онасининг олдига олиб борибди ва онасининг юзига тупурибди! Эртасига эрталаб поручик билан дуэлда олишишибди ва унинг қўлидаги ўнала бармоғини таг-тугидан қирқиб ташлабди. Поручикни ҳарбий хизматдан бўшатишга тўғри келибди. Буларнинг ҳаммасини тамомила ишончли манбалардан эшитдим,

Биз хайрлашдик. Тажриба жудаям зўр чиқди. Ёлғон гап саккиз соату етти минут ичида Белградни бошдан-оёқ қоплаши мумкин экан. Мен уни ёруғ жаҳонга қай тарзда қўйиб юбордиму Вида хоним уни менга қай тарзда қайтарганлигига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

Ҳолбуки, ўша оқшом жаноб Миркович ўз хотини билан хушчақчақ ва хурсанд ҳолда кўчада қўлтиқлашиб, оилавий бахт тўғрисида суҳбатлашиб кетишаётганларини мен ўз кўзим билан кўрган эдим.

Мен мактабда ўқиган йилларимнинг ҳаммасини охириги партада ўтириб ўтказганман.

Ўқишимнинг энг бошида, охириги парта ўзлаштириш даражасини кўрсатувчи далиллардан бири эканини пайқаб, мен унда ўтиришга ўрганиб қолган эдим, кейинчалик у ерга шунчалик ўрнашиб олдимки, то охириги кунгача ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қиладиган ўша жойда қолавердим.

Ана шу ҳолатда менга ўз мактабдош ўртоқларимни доимо орқадан қўзатиб ўтиришимга тўғри келарди ва хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен уларнинг кўпчилиги министри бўлишини олдиндан сезган эдим, кейинчалик худди шундай бўлди ҳам.

Агарда кимгаки бу фикрим галати бўлиб туюлса, мен гапнинг нимадалигини тушунтириб беришга тайёрман.

Масалан, менинг Р. деган ўртоғимнинг елкалари ниҳоятда кенг эди. Мен неча йиллаб унинг орқасига қараб ўтириб, ўша пайтлардаёқ бундай елкалар учун ҳаётда алоҳида ўрин тайёр турибди, деган фикрга келган эдим. «Икки нарсадан бири бўлади,— деб ўйлагандим мен,— бу гарданга ёки оғир қоплар, ёки бўлмаса, катта давлат ишлари ортилади». Бунинг устига, худо унинг қаддини хийла букик яратган эди. Маълумки, бизнинг мамлакатимизда эгилмайдиган қоматдан кўра букик қад билан яхшироқ мансабга эришиш мумкин.

Бу ҳол мени дўстимнинг кенг елкали қадди-қомати келгусида албатта министрлик креслосини безаши керак, деган фикрга олиб келди.

Қарангки, айтганим тўғри чиқди. Бу елкалар ҳаётда ўзига йўл очиб, министрлик вазифасида ҳузур-ҳаловат топди.

Айтишларича, филлар ва салобатли одамларнинг орқага бурилиб қарашлари жуда қийин бўларкан. Мен ана шу ўртоғим мисолида бунга ишондим. У министрлик креслосига ўтирган пайданоқ кетига бурилиб қарашни бутунлай эсидан чиқариб юборди ва унинг орқасида нима ишлар бўлаётганлигидан бутунлай беҳабар қолаверди.

Менинг бошқа бир ўртоғим ҳам амал-тақал билан министр бўлиб олди. Мен уни жуда яхши эслайман, чунки унинг гардани ҳам ҳар доим менинг диққатимни ўзига тортарди. Унинг гардани худди эгарланиш учун махсус яратилгандек эди, эҳтимол, шунинг учун ҳам бу гарданнинг эгаси ўз юрагини ҳам эгарлаб олишларига йўл қўйиб берди. Ҳаммасидан ҳам мени доимо унинг пальтосининг елкаси ишқаланиб, ялтираб юриши ҳайрон қолдирарди. Бошқа ўқувчиларнинг пальтолари одатда тирсаги, шимларининг эса тиззалари ва орқадан пастроғи ишқаланиб, ялтираб юрса, унинг пальтоси белдан юқорироғи, орқа куракларининг усти ишқаланган бўларди. Худоё ўзинг кечиргини менга шундай туюлардики, у юк ташишни мактаб партасидан бошлаб, зарур тажриба ортирди ва ҳаётда ҳам шу йўлдан бориб, кўрганингиздек кўп нарсаларга эришди.

Мен мактабдаёқ бу эгарбоп гарданни албатта эгарлашади, деб ишонардим, зероки, «Эгарга ўрганган шаталайди», деган гап бор. Мен ўртоғимни кузатар эканман, бу гапнинг тўғрилигига ишондим. Унинг орқасига министрликнинг креслоси тегмагунча у одамохун дўст, ошна, оға-инидек эди, уни эгарлашлари биланоқ у устун ёнига туриб олиб, кишнашга тушди ва бизнинг конс-

титуцион давлатимиз имкон берганича шунақанги шат-  
талай бошладики, асти қўйинг.

Учинчи ўртоғимнинг орқаси қанақалиги эсимда йўқ,  
чунки у биринчи партада ўтирарди, мен эса унга охирги  
партадан қарардим ва увоққина, нимжон бу боланинг  
фақат қулоқларини кўрардим, холос. Унинг елкалари  
партадан сал-палгина чиқиб турарди, шунинг учун ҳам  
мен охирги партадан унинг қулоқларидан бошқа ҳеч  
нарсасини кўрмаганимга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Баъзан кўзингни қисиб, киприкларнинг орасидан ун-  
га қарагудай бўлсанг, унинг елкалари кичкинагина те-  
паликларга, қулоқлари эса эндигина ботаётган иккита  
куёшга ўхшаб кетарди. Турган гапки, хаёлингга роса  
эрк бериб юборганингагина шундай бўлиб кўринарди.  
Умуман олганда, унинг қулоқлари қанақадир гайрита-  
бий чиганоқларни эслатарди. Мен мактабдаёқ унинг  
ҳамма нарсани динг қулоқлик билан эшитиш ва эшит-  
ган сўзини қўймаслик одати борлигини сезган эдим, шу-  
нинг учун ҳам у қандайдир бошқа мутахассисликни  
эгаллаш тўғрисида ташвиш қилмаса ҳам бўларди. О,  
мен бу қулоқлар мактаб партасидан чиқиб турган пайт-  
лардаёқ уларнинг порлоқ истиқболига ишонардим ва  
мен хато қилмадим. Эндига келиб, бу қулоқлар жуда  
баланд кўтарилиб кетди ва қараб турунг-а, ҳатто пар-  
тия байроғининг ҳам ўрнини босиши мумкин.

Яна бир ўртоғим ва дўстим эсимда қолган. Унинг ор-  
қаси пастига қараб кенгайиб борганидан у сўнгги пар-  
тадан каллақандга ўхшаб кўринарди. Бунинг устига, у  
партада роппа-роса иккита жойни эгалларди. Худо бун-  
чалик катта қуймич берган одамнинг ҳаётда ҳам албат-  
та кенг-мўл жойни эгаллаши кераклигига мен ўша вақт-  
даёқ ишонган эдим. Худди шундай бўлди ҳам. Дўстим  
мактаб партаси билан хайрлашгач, ҳаётда ҳам ўзи учун  
иккита жой талаб қилди, илло, бир жой унга камлик  
қиларди.

Битта стулга сигмайдиган салобатли кишилар одат-

да тепса-тебранмас бўлиб, у ёқдан-бу ёққа кўчишда қийналадилар, дейишади. Лекин бундайларнинг атрофида уларни опичлаб кўтариб юрадиган одамлар доимо топилишини эсдан чиқариб қўядилар. Уни ҳам худди шундай қилиб кўтаришди, кўтариншди, кунлардан бир куни у бирданига икки министрнинг креслосини эгаллади-қўйди.

Кўриб турибсизки, худо менинг дўстимга ато қилган бунақанги катта қуймич учун ҳаётда ҳам керакли даражада кенг-мўл ўтириш топилишини мен билган эдим.

Лекин менинг кўпгина ўртоқларим ҳали ҳам қабулхоналарда тиқилнишиб юришибди. Сиз уларнинг исму шарифларини Белград газеталарининг «Кўннинг янгиликлари» бўлимида, эҳтимол, учратгандирсиз, илло, уларни ҳар бир ҳукумат танглиги пайтида янги ҳукуматга номзод сифатида тилга олишади. Бир оз сабр қилинг, улар ҳамманинг кўзи тушадиган даражага етганларида мен уларнинг орқалари мактаб давридаёқ қандай эканлигини сизларга албатта айтиб бераман.

Менимча, уларнинг юзларини тасвирлаб ўтиришнинг асло ҳожати йўқ, негаки уларнинг кўпчилиги юзсиз одамлар.

У тугилганда думи йўқ эди. Худди тиканли ўтлар орасидан ўтиб бораётган одамга қўйतिकанак қандай ёпишса, дум ҳам унга турмуш сўқмоқларида шундай ёпишди.

Думдан халос бўлиш учун у ҳатто операция қилдириб ҳам кўрди, аммо бу унга ёрдам бермади. Аниғини айтганда, у операция столига ётгани йўқ, балки судьянинг яшил мезут билан қопланган столи олдида жавоб берди, бу эса жарроҳнинг ништарини остига ётган билан баробар эди. Операция муваффақиятли ўтди, у бегуноҳ деб эълон қилинди, аммо кўриниб турибдики, дум таг-тубидан кесилмаган шекилли, шунинг учун ҳам у думи борлигини яна ҳис қила бошлади.

Дум унга на ейиш, на ичиш ва на ухлашга халақит берарди, фақат стулга ўтиришида, чунончи, мансаб стулга, умуман, ишонч белгиси бўлган жойга ўтиришига халал берарди, холос.

У бошқалар ҳеч ҳам кечирмайдиган шу думини яшириш учун нималар ҳам қилмади дейсиз. У ким билан кенгаша олса ўшанга маслаҳат солди ва берилган маслаҳатларга жону дил билан амал қилди. Дўстларидан бири бир сафар унга:

— Художўй бўл, ибодату тарки дунёга берил,— деди.

Қарабсизки, у черковни канда қилмай қўйди, ҳар бир «Омин»у «Худоё ўзинг кечир!»дан кейин чўқинадиган

бўлди, дуоларни бошдан-оёқ ёдлаб олди, ҳатто тез-тез черков хорининг чап қанотида ашула айтадиган ҳам бўлди. Аммо ҳар сафар ибодатдан чиқаётганда у ўз думини ушлаб кўрмаса ҳам бошқа қавмларнинг қарашлариданоқ ҳалиям думи орқасидан судралиб келаётганлигини яққол сезарди.

У ғамга ботди ва ўша маслаҳат берган дўстларининг олдига борди ва ўз ҳасратини айтди. Улар бошларини қуйи солганларича, ўйга чўмишди ва унга янги маслаҳат беришди:

— Вақтичоғлик қил, атрофингга дилкаш улфатлар йиғ. Хурсандчилик думингни қурилади ва у тушиб кетади.

У ўзини маишатга урди. Май, қўшиқ, хушчақчақ улфатлар унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Унга кўнгилхушликларини қондириш учун тунлар ҳам етмасди ва у бу иш учун кунларни ҳам сарфларди. Аммо у ҳар сафар базму сафолардан уйга қайтаётганда ўз думини ушлаб кўрмаса ҳам, лекин ҳамшишаларининг қарашларидан ҳали ҳам думи орқасида осилиб турганлигини яққол сезарди.

У яна ўша маслаҳат берган дўстларининг олдига борди ва ўз ҳасратини айтди. Улар бошларини қуйи солганларича, ўйга чўмишди ва унга яна янги маслаҳат беришди:

— Олижаноб бўл, хайрли ишлар қил. Бу — одамни ҳар қандай думдан халос қилувчи бирдан-бир даводир.

У хайрли ишлар билан машғул бўла бошлади. У бадавлат эмас эди, аммо ўз бойлигининг ярмидан кўпрогини савоб ишларга сарф қила бошлади. Кимга ёрдам керак бўлса — ёрдамлашди, камбағал-ночорлар билан борини баҳам кўрди, бирорта мурувватталаб иш учун пул-мул керак бўлса, аямай хайр-эҳсон қилди. Аммо у ҳар сафар хайрли иш қилиб бўлиб, ўз думини ушлаб кўрмаса ҳам ўзи яхшлик қилган одамларнинг қарашларидан думи ҳали ҳам орқасида осилиб турганини яққол сезарди.

У ғамга ботганича, ўша маслаҳат берган дўстларининг олдига борди ва ўз ҳасратини айтди. Улар бошларини қуйи солганларича, ўйга чўмишди ва унга яна янги маслаҳат беришди:

— Бой-бадавлат бўл. Бойлик — кишига ҳаётда ёпишган ҳар қандай думни яшириб кетади.

У ишга киришди. Тер тўкиб ишлади, пулларини муомалага солди. Бир динордан икки динор, иккидан — олти, олтидан — эллик, элликдан юз, икки юз, уч юз динор чиқарди. Чўнтаклари нақдина қоғозларидан дўмпайиб кетди, кассасига даста-даста пуллар сиғмай кетди, у ишбилармонлар даврасига қабул қилинади ва қарангки, думи аста-секин қуриётганини сеза бошлайди. У ўз думини ушлаб кўрмаса-да, аммо ўз ишбилармон дўстларининг қарашларидан ниҳоят думи билан абадий хайрлашганини тушунди.

Бугина эмас, у аввал ўтиришига думи халақит берган ҳув, ўша стулларга энди бемалол ўтира олишини сезди. Қарабсизки, кунлардан бирида у банклардан бирининг назорат кенгаши аъзоси бўлиб олди, кейин эса фирқа қўмитасининг аъзоси, кейинроқ эса жамоа кенгашига номзод бўлди. Қим билади дейсиз, балки у оддий стуллардан каттароқ креслога кўчиб ўтар.

Ҳар кеч у ўзига ёпишган балодан қутулганига шукур қилиб ухлашга ётар экан, дўстлари берган сўнгги маслаҳатни кўрпанинг тагида ўзига-ўзи пичирларди:

— Бой-бадавлат бўл. Бойлик — кишига ҳаётда ёпишган ҳар қандай думни яшириб кетади.

Ҳозирги Петрович хоним бир вақтлар нозиккина, чўччайган бурунли ва жуда бой, сепли, чиройлигина, ёқимтой қиз эди. Куёвликка номзодлар унинг атрофида доим гирдикапалак бўлишса-да, қиз уларга менсимай қарар, сепига мос келадиганини кутар эди.

Унинг раҳматли онаси, қизининг акси сифатида қирғий бурунли Мара хоним уни никоҳ масаласида алоҳида нуқтаи назарга эга бўлиш руҳида тарбиялаган эди.

— Сенинг сепинг билан, болажоним,— дерди марҳума,— бемалол одам танлашга ҳақинг бор.

Қиз онасининг гапларига ишонарди ва унинг чўччайган бурни янаям кўтарилиб кетарди.

Бир ўқитувчи қизнинг қўлини сўради.

— Шу камиди!— деди онаси қизга.— У отинбуви Натанинг Юлкасига уйланаверсин, ўша унга жуда мос келади. Белграддаги учта жувондан биттаси — ўқитувчининг хотини, сен бўлсанг...

Қизнинг қўлини бир инженер сўради.

— Шу камиди!— деди онаси қизига.— Сида хонимнинг Мицасига уйланаверсин, унга ўша тўғри келади. Сени инженерга бериб қўйсаму сен бечора бутун умр унинг орқасидан у қурадиган давлат йўлларида эргашиб юрсанг...

Савдогар ҳам, божхона ходими ҳам, министрликнинг мирзаси ҳам, врач ҳам киши қўйдирди. Онаси ҳар биридан бир айб топар, қизи эса онаси нима деса рози эди,

**Фақат** поручик Петрович хусусида она билан қизнинг гаплари тўғри келмади.

Поручик чиройли, ёш ва ёқимтой эди, қиз унинг дадил, ўтли қарашларини доим сезиб юрарди. Аммо... у поручик эди.

— Сен фақат генералга ёки министрга тегишинг мумкин,— деб ўқтирарди онаси унга ва қизнинг чўччайган бурнида шу дақиқадан бошлаб, «Мен фақат генералга ёки министрга тегишим мумкин!»— деб ёзиб қўйилгандек гуюларди.

У онаси ўлгандан кейин ҳам бурнидаги ана шу ёзув билан ҳаёт кечирар, унинг олдидан инженерлар, савдо хизматчилари, ўқитувчилар ва офицерлар ўтиб боришар, ўтишардию ҳар бири ўз йўлига, ўз томонига қараб кетарди. Фақат уларгина ўтиб бормасдан, унинг олдидан вақт ҳам тўхтамасдан ўтиб борарди ва бпр кўни келиб қарасаки, яхшигина қиздан анча ўтиб қолган қари қизга айланиб қолибди, чўччайган бурни эса эндига келиб хийлга ўсиб, хунуклашибди. Вақтдан тез ўтадиган нарса борми, бўй етган қари қиз семира бошлади, сочларини бўйашга ўтди, қачонлардир садафдек тишларини сунъий тишлар билан алмаштирди, ҳиссиётга доир романлар ўқишни хуш кўриб қолди ва мушук боқа бошлади. Илгариги ҳаётидан фақат қарашлари ўтли бўлган шўх поручик эсида қолди, холос. Қиз энди у ҳақда ўйламасди, орзу ҳам қилмасди, лекин гоҳ-гоҳ мудроқ аралаш кўз олдидан илгариги ҳаёти ўтиб, унинг шўх боқишларини эслаганида, бадани жимирлашиб кетарди.

Поручик бўлса аллақачонлароқ генераллик даражасига эришган эди. Унинг қалин, жингалак сочлари сийраклашиб, оқариб кетган эди. Бурнининг остидан оппоқ мўйловлари осилиб турар, қорни эса шу даражада эдики, отга минмоқчи бўлса учта солдат кўтаришиб юборар эди.

Поручикнинг олдидан ҳам замон ўтиб кетди, лекин у кўп йилларини худди ўртоқлари сингари жанг майдонида

Ўтказса ҳам вақтини бекор кетказгани йўқ. Урушдан хотира сифатида у бўйнида жанговар хочу бўгинларида эса бод, бунга қўшимча равишда ватан ташаккурнию нафас қисиш касалини орттирди.

Нафас қисиш касали тутиб, ҳаво етишмай, жони ҳалқумига келганда, генерал оғир уҳ тортар ва уйланмаганидан афсус қиларди.

— Уйланиш керак эди,— деб ҳасрат қилди у ўз дўсти — истёфодаги полковникка,— жудаям керак эди. Қариган чоғида хотинсиз жуда қийин бўладиганга ўхшаяпти.

— Нимага уйланмадинг ахир?

— Шунақа бўлди-да. Ўзим ҳам билмайман, тақдир буюрмаган экан-да...

— Хотин барибир керак. Сенга дори ўт қайнатиб бериш, латта ҳўллаб босиш, терлатиб, уқалаб қўйиш учун кимдир керак-ку, ахир.

Генерал ҳам бу вазифаларни бажариш учун унга ҳақиқатан ҳам хотин кераклигини тушунди. У ўртоғининг айтганларига рози бўлди ва ўзига мос хотин топиш ҳақида бош қотира бошлади.

— Сен бирор бевагами ё ўтириб қолган қари қпзгами уйлансанг, яхши бўларди,— деб таклиф қилди полковник.

— Фақат боласи бўлмасин. Бевами, қари қпзми, менга барибир, боласи бўлмаса бас,— деб розилик билдирди генерал.

— Биласанми,— деб эслаб қолди полковник,— сен қачонлардир қўлини сўраган ҳув, ўша қиз ҳалиям эрга теккани йўқ.

— Ким эди у?

— Марҳума Мара хонимнинг қизи.

— Наҳотки?

Улар шу гапда тўхташди ва ўтириб қолган қари қизларнинг эшиги совчилар учун ҳамиша очиқ бўлиши боисидан иш дарров бита қолди. Мара хонимнинг қизи никоҳ

куня арафасида онасининг мазорига бориб шам ёқди ва қабрга қараб:

— Ойи, ойижоним, мен генералнинг хотини бўляпман!— деб хитоб қилди.

Тўй куни эса генерал уни рафиқалик вазифалари билан дарҳол таништириб қўйишни истаб, уйқу олдидан хотини ўзи учун ўзлардан дори тайёрлашини, кўкрагига иссиқ компресс қўйишини, тиззаларини спирт ва кофур мойи билан ниҳалаб, иссиқ жун рўмолга ўрашини талаб қилди.

Тўйнинг эртасига эрталаб генералнинг хотини яна онасининг мазорига келди-да:

— Ойи, ойижон, менга эрим билан бирга поручикликдан генераллик пайтигача хизмат қилгани қўймаганингни асло кечири олмайман!— деб таъна билан фарёд чекди.

## «ПОЛИЦИЯ ҚИДИРМОҚДА»

Нимагалигини билмадим, лекин ҳар сафар газетадаги жиноят воқеаномасининг охирида «Полиция қидирмоқда», деган ва албатта бўладиган иборани учратганимда, у менга вафот ҳақида билдиришлардаги «Худо раҳмат қилсин!»— деган иборани эслатади.

Бу икки ибора ўртасида деярли ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки бизда полиция қидираётган ҳар қандай нарсанинг арвоғига фотиҳа ўқиш мумкин..

Ўз вақтида, мен ҳали гўлгина бир одам бўлиб, «полиция қидирмоқда» деган гапларга ишонадиган вақтимда — бу эса анча бурунги гап, бир кунги таваккал қилиб ана шу қидирув хизматидан фойдалангим келди. Менинг соатимни ўғирлаб қўйишди, гарчи мен бу соатдан ҳеч қачон фойдаланмасам ҳам соат қимматбаҳо эди, шунинг учун ҳам унинг ишқибозлари кўп эди ва шу жумладан, менинг ўзим ҳам уни қадрлардим.

Умуман олганда, мен соатларни ёқтирмайман: бу асбоб ҳаётни майда бўлақларга бўлиб туради ва унинг дақиқаларни сановчи ҳар бир уриши менга ҳаётимни бўлақма-бўлақ уриб, синдириб олаётган кичкина болғачанинг зарбасидек туюлади. Лекин айни пайтда қулоқларим қамоқхонанинг тош майдалайдиган устахонасидаги чўкич урилишига ўрганиб қолган одамлар ҳам топилиб қолди... Худди ана ўшаларга менинг соатимнинг «так-тук»и ҳалақит берибди. Бу одамлар шахсан менинг қадримни ошириб қолмасдан, балки бозор қимматиға, ҳам

эга бўлган нарсамдан мени маҳрум қилганликлари боисидан полицияга ҳимоя излаб бордим.

Ис босиб кетган ва жиноят ҳиди буруқсаб турган йўлакда қандайдир гуруҳбозларнинг газетасини ўқиб ўтирган жандармга кўзим тушди. Мен сиёсий фаолиятга шунчалик жон куйдириб тайёргарлик кўраётган ва жандармерияда тегишли хизмат муддатини тугатиши билан ана шу фаолиятни бошлаб юборишга бел боғлаган одамга халақит беришни истамадим. Фақатгина унинг мақолани бошдан-оёқ тугаллаганини кўргач, мен унга ҳокимиятдан ҳимоя излаганда чиқадиган бўшгина товушда мурожаат қилдим:

— Мени ўғри уриб кетди, сиздан илтимос қиламанки, мени ўғирликлар билан шуғулланадиган ходимга рўпара қилсангиз.

Жандарм менга қўли билан бир эшикни кўрсатди ва мен бу эшикни очиб, бир жаноб олдига кириб қолдимки, бу жанобнинг бутун қиёфаси унинг мансабини дарҳол ошириш лозимлигини кўрсатиб турарди. Унинг кўзларида «қидирув» деган сўз порлар, ингичка бурнининг учида эса сезгирлик электр учқунларидек чақнарди.

— Афандим,— дея ўз арз-додимни баён қила бошладим мен,— ҳозиргина қандайдир бир ярамас менинг чўнтагимга қўл солди...

— Ва?— деди полициячи.

— Ва менинг тилла соатимни ўғирлаб қўйди.

Полициячи менга кўз қири билан қаради, унинг бурнининг учидан электр учқунлари чақнади, кўзларида эса яна «қидирув» деган сўз порлади.

— Ва агарда сиз ёки сизнинг идорангиз тезроқ ҳаракат қилса,— давом этдим мен,— ўғрини ҳали ушлаб олиш мумкин эди. У ҳалиям ўша ерда, жиноят содир бўлган жойда, мен уни тўппа-тўғри кўрсатишим мумкин эди.

— Э, муҳтарам афандим,— тилга кирди полициячи,— агар бор аҳвол сиз тасаввур қилгандай бўлганида эди! Ахир бу жўн иш эмас...

— Йўқ,— эътироз билдиришга журъат этдим мен,— бу жудаям жўн иш.

— Марҳамат қилиб ўтиринг, мен сизга тушунтириб бераман.

Серб идораларида қонун бўлиб кетган одатга биноан мен у ҳозир менга қаҳва таклиф қилса керак, деб ўйлаб ўтирдим.

— Биласизми, муҳтарам афандим,— деди полициячи виқор билан ва қўлига тушган кимнингдир берган гувоҳликларини қайчи билан майда-майда қилиб қирқа бошлади,— бу жўн иш эмас. Агарда бундай ҳоллар учун криминалистика томонидан назарда тутилган барча воқеалар тўғри қўлланган тақдирдагина ўғрини ушлаш мумкин бўлади.

— Лекин, афандим, ўғри ҳалиям ўша ерда, жиноят содир бўлган жойда ва мен уни шундоққина кўрсатиб беришим мумкин.

— Шошманг!— деб хитоб қилди полициячи асабийлашиб, худди нима демоқчи бўлаётганини эсидан чиқариб қўйишидан қўрққандай.

— Биринчидан, у сизнинг чўнтагингизга қўл солган, деб фараз қилсак, у ҳолда у сизнинг нимчангизда ўзининг бармоқ изларини қолдирган бўлиши керак. Биринчи галда сизнинг нимчангизни суратга олиш керак. Шундай қилиб, биз фотография сурати ёрдамида унинг бармоқ изларини билиб оламиз. Бу бизга терговни бошлаш имкониятини берувчи жиноят белгиси бўлади...

— Аммо, афандим, ўғри ҳалиям ўша ерда...

— Ундан кейин, муҳтарам афандим,— бемалол давом этди у,— ўғри ўғирликни амалга оширган жойда ўзининг оёқларининг изларини ҳам қолдирган бўлиши керак.

— Ахир, унинг ўзи ўша ерда...

— Илгимос, шошилманг. Демак, у ўз оёқ изларини қолдирган бўлиши керак. Мана сизга яна маълумотлар, улар терговни қайси томонга йўналтиришда ёрдам беради.

— Майли, лекин соатни қандай қилиб қайтариб олиш мумкин?

— Сиз уни биз бундай воқеалар учун криминалисти-ка томонидан назарда тутилган барча воситаларни тўғ-ри қўллаганимиздагина қайтариб олишингиз мумкин. Демак, сизнинг гувоҳлик бериш учун қўшни хонага ки-ришингизни сўрайман...

— Ундан кейин-чи?..

— Ундан кейин, биз терговни дарҳол бошлаб юбора-миз.

Мен бошқа хонага кирдим, ходим бу ерда олдин қим-матчилик тўғрисида ва ўзининг маоши жуда камлиги тўғрисида гапириб кетди ва мен суҳбатни ўзим атайлаб келган масалага зўрға буриб олдим.

Турган гапки, тажрибакор полициячи менга жиноятни очишга илмий ёндашувга доир ўз назариясини баён қил-гунича, ўғри жуфтакни ростлаб қолди. У ўғирлик қилин-гандан сўнг одоб ва андиша полицияни кутишни қанча-лик талаб этса, роппа-роса шунча кутди, кейин кутиш жонига теккач, у жўнаб қолди ва унинг ўзи ҳам илмий назарияларга амал қилиб, соат ўгирланган жойда оёқ изларини қолдирди.

Лекин менга унинг оёқ излари эмас, балки менинг соатим керак бўлганлиги боисидан эртасига яна поли-цияга бордим ва ҳув, ўша мутахассисга рўпара келиб, унинг нима чоралар қўрганлигини ва қандай натижалар борлигини сўрадим.

У менга серб амалдорларига хос бўлган ва: «Менга қаранг, жуда жонимга тегдингиз-да!»— деган бутун бир иборани ўқиш мумкин бўлган назар билан қаради ҳамда менинг соат нима бўлди, деган саволимга виқор билан:

— Полиция қидирмоқда!— деб жавоб берди.

Боднинг азобини чекканлару маъмурлар билан қан-дайдир кўнгилсизликларга дуч келганлар жон-диллари билан ҳасрат қилишиб, ўзларига берилган ҳар қандай маслаҳатга жон деб амал қилишади. Менга ҳам бошқа

полициячига, бошқа бўлимнинг бошлиғига мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Айтишларича, у жуда эпчил экан, ҳалиги, жиноятларни илмий йўл билан очишни одат қилиб олган полициячига ўхшаб, у ҳам чет элда давлат ҳисобида ўқиб келган экан, хуллас, ўшандан яхшироқ бўлмаса ҳам ёмонроқ эмас экан. Мен ўгрининг ҳалиям Белградда эканлигини ва шаҳар четидаги ўз шеригининг уйида беркинниб ётганлигини эшитганим учун ҳалиям уни ушлаш кеч эмас, деб умид қилардим.

Полициячига менинг ҳақимда маълум қилишди ва кўп ўтмасдан у мени қабул қилди. Менинг олдимда худди қуйиб қўйгандай Шерлок Холмсинг ўзгинасига ўхшаган жаноб турарди, тўғрироғи, мен унинг олдида турардим. Уша дақиқада у менга худди қўлини силтагани заҳоти енгидан ҳар томонлама текширилган ишлар, ихтиролар, шов-шувлар тушаверадиған сеҳрғарга ўхшаб кетди.

Барча Холмслар одатда шу билан ажралиб турадиларки, улар сизнинг нима учун келганингизни айтишингиз учун оғзингизни ҳам очиришмасдан ҳамма нарсани кўзингиздан билиб олишади. Буниси ҳам бошини кўтаргани ҳамонοқ, кўз-кўзга тушгани ҳамона ва мени бошдан-οёқ кўздан кечиргани ҳамона, тамомла ишонч билан:

— Ҳм! Мен сизнинг нима иш билан келганлигингизни биламан. Хотинингиз қочиб кетдими?— деди.

— Йўғ-е,— дедим мен,— у шу ерда, уйда бақлажонни гўштга қўшиб пиширяпти, қочиб кетиш хаёлига ҳам келгани йўқ.

— Ҳм! Ҳм! Ҳм!— деди Холмс «ҳаётда биринчи марта» айтгани тўғри чиқмаганлигидан танг қолиб.— Ҳўш, нима воқеа юз берди?

Мен унга бўлган воқеани бир бошидан ҳикоя қилиб бердим ва гапни:

— Агар сиз ёки сизнинг идорангиз тезроқ ҳаракат қилганида ўгрини ҳали ҳам ушласа бўлади. У ҳали Белг-

радда, мен унинг қаердалигини айтиб беришим мумкин...— деган сўзлар билан тугатдим.

— Ҳа, шундай, шундай...— деб бир неча марта такрорлади Холмс бармоқлари билан столни чалиб туриб, бу эса унинг калласида ҳийлагарлик билан қўлланиладиган тадбир туғилаётган тантанали дақиқаларни билдирарди. Бирдан у қип-қизариб кетди, афт-ангори қийшайди, бутун вужуди тортишиб қолди. У чўнтагидан шоша-пиша дастурмолини чиқарди, гўё унга пишиб қолган фикрларини тўкиб солмоқчидек эди. Аммо бунинг ўрнига у бор овоз билан чучкирди ва узоқ, оҳангга солиб «и-ин», деб чўзиб қўйди.

Узоқ ўйга чўмгандан сўнг, ниҳоят у менга:

— Иложи йўқ, афандим, қандай бўлмасин, бирорта қидирув ишини олиб боришнинг сира иложи йўқ, чунки давлат бошқа ҳеч қанақа маблағ ажратмаяпти. Бунда фақат полиция итларигина ёрдам бериши мумкин эди. Биласизми, улар сизни ҳидлардию...

— Лекин, афандим, ўғри Белградда, мен унинг қаердалигини биламан, агарда сизнинг идорангиз...

— Биласизми, итлар сизни ҳидлардию изга тушарди. Биласизми, замонавий полицияларнинг барчасида ана шундай иш тутиляпти. Замонавий полиция бўлиш учун эса бизга фақат итлар етишмайди. Сиз итнинг полиция хизматида нима дегани эканлигини биласизми? Қани, менга айтинг-чи, полиция хизматида итнинг аҳамияти қанақа?

— Билмайман, мен фақат бир нарсани—соатим йўқолганини биламан.

— Бу—афандим, иккинчи даражали масала, энг муҳими —бизда ҳам маданий халқлар эришган ютуқларни қўллашнинг аллақачонлар вақти келган. Масалан, мен ўз ихтиёримда полиция итларига эга бўлмай туриб, сизнинг соатингизни ўғирлаган ўғрини қандай қилиб ушлайман?

— Афандим, бу жуда осон,— дейишга журъат этдим

мен,— менга битта миршаб беринг, мен унга ўғрининг қаерда эканлигини кўрсатиб қўяман.

— Бу, биласизми, жудаям хом усул. Агар менда ит бўлганида эди, ўғрининг қочиши ҳам ҳеч гап эмас эди.

— У шундай ҳам қочиб кетади.

— Майли, қочсин, қочаверсин, хоҳлаган томонига қочсин. Масалан, мана бу нуқтани кўряписизми?

Холмс кимнингдир берган кўрсатмаларига бир нуқта қўйди.

— Айтайлик, бу ўғри. Энди эса, мана бу бошқа нуқтани кўряписизми?

Ва у қоғознинг нариги томонига нуқта қўйди.

— Бу, фараз қилайлик, ит. Ўғри бўлса, айтайлик, мана бу томонга қараб қочяпти, қочяпти, қочяпти...

Холмс шундай деб туриб ҳужжатнинг устига бурама нонга ўхшаб кетадиган бир балони чизди...

— Хўп, энди эса мен итга: «Ол!»— деб қичқираман...

— Бунга-ку, тушундим, афандим, лекин мен соатимни қандай қилиб қайтариб оламан?

— Ол!— деб яна қичқирди Холмс,— лекин менинг жуда чатоқ саволим уни фикридан адаштириб юборганидан у овозини бир оз пасайтирди.— Ҳа, дарвоқе... мен сизга айтмоқчийдимки, сиз ўз пшингиз юзасидан қўшни хонага кириб гувоҳлик беришингиз керак.

Қарабсизки, иш яна биринчи галдагидек бўла бошладди. Холмс менга ўзининг итларга доир назариясини тушунтиргунча, бошқа ходим менинг гапларимни ёзиб олгунча, текшириш бошлангунча ва менга уч кунгача: «Полиция қидирмоқда», деб бир хилда жавоб бергунларича, ўғри полицияни кутавериб тоқати тоқ бўлиб, Белградни ташлаб Земунга жўнаб кетибди.

Менга «кримналистика бўйича алоҳида тажрибага эга бўлган» учинчи ходимга киришни маслаҳат беришди. Ўғри ҳали Земунда эди, уни тутишга умид бор эди. «Кримналистикада алоҳида тажрибага эга бўлган» бу учинчи ходим миршаблик ишини қайтадан кўриб чиқиш

масаласи билан шуғулланарди. Мен унинг лойиҳасини бошдан-оёқ эшитишимга тўғри келди.

У лойиҳани ўқиб эшиттираётганда мен:

— Лекин, афандим, ўғри Земунда, агарда сиз ёки сизнинг идорангиз теэроқ ҳаракат қилса...— деган хитоблар билан унинг сўзини бўлишга беҳуда уринардим.

Унинг сўзини бўлишнинг барибир иложи бўлмади. У тўхтамасдан ўқигани ўқиган эди. Мен миршаблар мактаби тўғрисида, унинг тарбияланувчиларини чет элга юбориш тўғрисида, Белграддаги полиция ходимларини мояналарига қўшимча қилиш тўғрисида, хизматдаги юқорилашлар тўғрисида ва ҳоказо, ва ҳоказолар тўғрисида унинг лойиҳаларини қулоқ қоқмасдан эшитдим.

Ва қарабсизки, яна қўшни хонада гувоҳлик бериш, ва яна «Полиция қидирмоқда!» Биринчи кун «полиция қидирмоқда!», иккинчи кун ҳам «полиция қидирмоқда», учинчи кун ҳам... шунинг худди ўзгинаси. Ўғри бўлса Земунда кутди, кутди, бир неча кун кутди, полицияни кутиш учун қанча лозим бўлса шунча кутди, кейин кутавериш жонига теккач, Будапештга қараб жўнаб қолди.

«Жинсий ишлар бўйича» тўртинчи «мутахассис» қандайдир полиция газетасининг редактори эди ва у менга ўз мақолаларини ўқиб берди. Ўғри бу орада Руминияга ўтиб кетди.

Бешинчисининг қанақа назарияни олдинга сурганлиги ҳам эсимда йўқ. Мен ўғрининг изини тамом йўқотдим.

Полиция бўлса шу аснода қидиряпти, жуда жиддий равишда қидиряпти, менинг соатим эса йўқ-йўқ, шу кунгача ҳам йўқ, жиддий равишда йўқ.

Бундан буён агарда менинг бирор нарсамни ўғирлашса, мен Белград полицияси ҳидини сезиб қолмасин учун буни ниҳоятда пинҳон тутаман. Мен фақат шу йўл билангина ўғирланган нарсамни топишга умид қиламан.

Жаноб Пера Здравкович — бир хусусий идоранинг хизматчиси. Уни катталарни ҳурмат қилувчи ва ҳамкасабалари билан хуш муомалада бўладиган камсуқум, ип-тизомли ходим, деб гапиришади. У ҳисобчилик бўлимида ишлар ва ходимдан кўра кўпроқ ҳисоблаш асбобига ўхшаб кетарди. Бош ҳисобчи уни тез-тез ҳузурига чақирар, унга бир даста қоғоз тутқазар ва хонаси бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрганича, ҳар хил йиғиндиларни айтиб турар, жаноб Пера эса бу рақамларни бир-бирига қўшар, кўпайтирар ва бўларди.

Бир куни жаноб Пера ҳисоб-китоб натижаларини бошлиғига олиб келган эди, бошлиқ унга тўсатдан:

— Жаноб Пера, нега сиз уйланмайсиз?— деб савол бериб қолди.

Бу савол жаноб Перани жуда ҳайрон қолдирди ва уялтирди, чунки ҳисобчилик бўлимида бунақа гаплар гапирилмасди.

— Сиз уйлансангиз бўларди, чунки мен сизга очигини айтсам, бундан идорамиз ҳам манфаатдор бўлади. Бизнинг идорамизда бўйдоқ ходимларга бошқача кўз билан қаралади.

Жаноб Пера жавоб бермади ва ўз хонасига кириб кетди. У шунақанги уялиб, довдираб қолган эдики, унга айтиб турилган рақамларни бир-бирига ҳеч қўша олмасди. У, идора нега унинг шахсий ишларига аралашади, агарда у уйланса, идора қандай фойда кўради, деган саволга жавоб тополмасдан хавотири ошарди.

Бош ҳисобчи эса биринчи суҳбат билан чегараланмасдан жаноб Перани идоранинг манфаати йўлида уйланиши кераклигига ишонтиришда давом этарди. Узоқ кўндиришлардан кейин жаноб Пера идора ҳақиқатан ҳам унинг уйланишидан манфаатдор эканлигига ишонди. У ўзининг уйланиши ҳақидаги қарорини бир куни бош ҳисобчига етказди.

— Жуда соз, жудаям соз,— деди бошлиқ жаноб Перанинг бир қарорга келганидан мамнун бўлиб, кейин қўлларини бир-бирига ишқаб, унга қандай уйланиш тўғрисида маслаҳатлар бера бошлади.

— Сиз танлаб уйланадиган ёшингиздан ўтгансиз,— деди бошлиқ,— аҳволингиз ҳам жуда талаблар қўядиган даражада эмас. Тўғрими?

— Ҳа,— жавоб берди жаноб Пера.

— Шунга қарамасдан сиз дуч келганга уйлана олмайсиз. Чунки бу идоранинг манфаатларига тўғри келмайди.

— Ҳа,— деб яна тасдиқлади жаноб Пера.

— Ҳа, ана шунақа-да! Бирор обрўли оиланинг қизи сизга чиқишга рози бўладими?

— Билмадм.

— Рози бўлади. Лекин қачон? Қачонки, сиз агарда бирор айби, яъни қандайдир қусури бўлган қизни олишга рози бўлсангиз, ана ўшанда.

Жаноб Пера гардапини қашиди.

— Мен ё чўлоқ, ё букри, ёки масалан, ғилай қизни айтаётганим йўқ, лекин барибир билинмайдиган бирорта айби борини айтяпман.

Жаноб Пера ҳеч нарса демади, лекин унинг чеҳрасида савол аломати зоҳир эди.

— Мен шуни назарда тутяпманки, масалан...— деди бош ҳисобчи чайналиб.— Сизга қандай тушунтирсам экан... Сиз эсли-ҳушли одамсиз, ўзингиз биласизки, қизлик даврининг ҳар хил шўхликлари бўлади ва деярли ҳар қандай қиз шунақа шўхликларга мойил. Масалан,

айтайлик, сиз илгари қанақадир шўхликлар қилган, лекин шу билан биргаликда обрўли кишиларнинг қизини хотинликка олишингиз мумкин.

— Тушунарли...— деб чайналди жаноб Пера,— фақат, у қанақа шўхлик экан?

— Вой худо-ей, оддий шўхлик-да. Ишонаверинг, бу қусур арзимаган бир нарса, холос, унга бемалол чидаш мумкин.

Бу қанақа қусур экан? Жаноб бошлиқ бу — қизларга хос оддий шўхлик, деяпти. Агарда бу, оддий шўхлик бўлса ҳеч нарса эмас... Айтайлик, агарда қиз шўхлик қилиб қимматбаҳо гулдонни синдириб қўйган бўлса. Вой худо-ей, шуям гапми? Қизнинг ўзига ҳеч нарса қилмаган бўлса, бас, гулдонни эса елимлаб тузатиш ёки янгисини сотиб олиш мумкин. Олайлик, бу бўлмасаю қиз кимнидир севиб қолиб, ишқий мактублар ёзган бўлса-чи?.. Буям ҳеч нарса эмас, хатларни шартта йиртиб ташланса — гап тамом, вассалом.

Бу хаёллар жаноб Перани қийнади ва бир куни у бошлиқ билан очикчасига гаплашишга қарор қилди.

— Мен, жаноб бошлиқ, модомики, буни идоранинг манфаати тақозо қилар экан, қусури бўлган қизга уйланишга розиман, фақат сиздан гап қандай қиз ҳақида бо- раётганлигини очик айтишингизни сўрардим.

— Ҳа-я,— бирдан ўзига келди бош ҳисобчи.— Биласизми, меннинг хотинимнинг холаваччаси бор, ақлли, чиройли қиз ва энг муҳими — жуда обрўли оиладан.

Жаноб Перанинг чехраси ёришиб кетди. У жаноб бош ҳисобчи ўзи билан қариндош бўлмоқчи эканлигидан мамнун эди.

— Лекин, эҳтимол, айтганингиздек унинг бирорта қусури бордир,— деб барибир сўраб қўйди жаноб Пера.

— Бор, шунчаки қизлар шўхлиги.

— Барибир, мен бу қандай қусур эканлигини билсам девдим.

— Сизга қандай айтсам экан?.. У сизга ҳеч қандай

ғам-ташвиш келтирмайды, чунки қизнинг бу «қусур»и— гимназиянинг биринчи синфида ўқийди.

— Қанақасига?!— хитоб қилди жаноб Пера ва йиқилиб тушмаслик учун курсининг суянчиғини маҳкам ушлаб қолди.

— Ҳа-да, бола анча катта бўлиб қолган, одамни овора қилмайди. Чиройли, бўла, соғломгина ўғилча.

— Шунақа денг?— жаноб Пера гапни энди бошламоқчи эди ҳамки, нафаси тикилиб қолди.

— Нима ҳам қилардик, жаноб,— давом эттирди бош ҳисобчи,— ўзингиз кўриб турибсизки, ҳозир шунақа шўхликларнинг замони. Лекин сиз бахтли ва тинч оилавий ҳаёт қуришга қарор қилган экансиз, бундай арзимаган нарсага аҳамият бермаслик мумкин.

— Сиз бунга арзимаган нарса деб ўйлайсизми?— ҳайратда қолди жаноб Пера.

— Ҳа-да, гимназиянинг биринчи синфига борса... Арзимаган нарса-да. Агарда мен сизга у гимназияни тамомлаган, деганимда эди, ўйлаб ўтирсангиз бўларди, ахир гимназиянинг биринчи синфи холос-ку!..

Шундай бўлса ҳам жаноб Пера узоқ ўйланди, жаноб бош ҳисобчи эса уни идоранинг манфаати учун камчилиги бўлса ҳам обрўли оиланинг қизига уйланиши кераклигига тинмай ишонтирарди.

Ва ниҳоят кўндирди. Жаноб Пера қусурли, тўғрироғи — болали қизга уйланди. Идоранинг манфаатига келган хавф уларни четлади, жаноб Пера тинч ва бахтли оилавий ҳаётга мушарраф бўлди, «қусур» эса олдинги йили гимназиянинг иккинчи синфига ўтди.

Мен ўзимнинг бир қобилиятимга иқрор бўлишим керакки, жуда кўп воқеаларни олдиндан башорат қила оламан. Чунончи, уйланганимга беш ой тўлгач, олдиндан яқин-орада ота бўлишимни ҳис эта бошладим.

Биринчи фарзанд — ўғил кўрдик, туғилганда унинг кўзлари кўм-кўк эди, кейинроқ бу кўзлар ола-кула, сўнгра қўнғир ва пировардида, қоп-қора тус олди.

Ўғлим аввалдан бола эмас — бир бало бўлди, ғалати-ғалати қилиқлар чиқара бошлади. У, масалан, мўйловимнинг тукларини битта-битталаб юлишдан шунақанги роҳат қилардики, асти қўйинг. Мен бўлсам оғриқдан кўзларимдан ёш чиқай-чиқай деб, тишимни-тишимга қўйганча бунга чндаб берардим, негаки қайнонам, ота учун ўғли мўйловини юлгандан каттароқ роҳат борми, дерди. Қайнонам, устига-устак, менинг кўпроқ роҳат қилишимни истаб, зулмкоримни нуқул: «Юл, юлавер!» — деб гижгижлаб ҳам турарди.

Тўғри, бу ҳали фақат бошланмаси эди, холос, бундай пайтда болага кўпроқ онаси қарайди. Аммо мана, орадан бир неча йил ўтдию ўғлимнинг бўйи хийла чўзилиб, унинг тарбияси ҳақнда кўпроқ бош қотириш отасига, яъни менга ўтди.

«Бош қотириш», деганим шунчаки гап эмас, бошим ҳақиқатан ҳам қотганлигига жилла туриб ўзингиз ҳам тан берасиз.

Ўғлим ҳали бировларнинг деворларидан ошиб юрга-

нида мен у Ганнибал бўладию келажакда Альп тоғларидан ошиб ўтади, деган хаёл билан ўз-ўзимни овулардим. Менинг бошимдан сакрай бошлаганида эса мен уни белига ёниб турган қилич боғланиб, учта отнинг устидан сакраб ўтадиган Милош Войнович<sup>1</sup>га ўхшатардим. Қўшниларикидан тухум ўғирлаб юрганида, у буюк фотиҳ Наполеон бўлади, деб умид қилардим.

Аммо кўп ўтмасдан ўғлим шунақанги ҳунарлар кўрсата бошладики, мен на сиёсат бобида ва на маданият соҳасида унинг ўхшадини тополмасдан ҳанг-манг бўлиб қолдим.

У, масалан, қўшнимизнинг деразасидаги ойналарни чилпарчин қилди. Ўўқ, бу ҳеч гап эмас, ахир не-не улуг одамлар ҳам ўз вақтида қўшнилари билан ойналарни синдиришмаган. Лекин у бир куни менинг энг яхши ёзлик пальтомни олиб, этагини қирқиб, ундан байроқ ясабди. У бу байроқ остига бутун бир қўшин тўплаб, менинг уйимни қуршовга олганча ҳужумга ўтди. Унинг қўшинлари на бу дераза-ю, на полиз ва на бошқа нарса демасдан қалъани босиб олишиб, ғолибларнинг ҳақи бор, дея ҳақиқий қирғинбарот қилишди, яъни жами жўжаларнинг бўйинларини шартта-шартта узиб ташлашди.

Турган гапки, бу воқеа мени аввало ота сифатида, қолаверса, қурбон бўлган жўжаларнинг эгаси сифатида чуқур қайғуга солди.

Ўз хафачилигимни хотинимга изҳор қилдим, табиийки, у ҳам хафа бўлди. Ўша куни кечқурун биз боласидан хафа бўлган ҳар қандай ота-она сингари фикр олишил учун кенгаш чақирдик. Хотиним ўғлимизни жуда қобилиятли бола, бошдан-оёқ менга ўхшайди, деб айтди. Мен унинг бу фикрига қўшилдим, аммо менинг қобилиятли болам ўз қобилиятини беқиёс даражада намойиш қилиб, ҳозироқ бекорга сарф қилиб юбораётганидан,

---

<sup>1</sup> Милош Войнович — серб халқ дostonларининг қаҳрамони.

келажакда унинг буюк одам бўлишига путур етмаётган-  
микин, деб қўйдим.

Мен, албатта, ўғлим Сербиянинг дунёда ҳеч наф кел-  
тирмайдиган ортиқча одамлари сафини тўлдирганини  
жудаям хоҳлардим, деб айта олмайман, мен фақат унинг  
ҳаддан зиёд қобилиятли бўлиб улғайишидан қўрқардим,  
холос. Менинг шунга имоним комил эдики, агарда унинг  
жудаям қобилияти барқ урса, биринчидан, у ҳеч қачон  
министр бўла олмайди, иккинчидан эса, худо кўрсатма-  
син, мусодара қоғозлари ёки давлат маркаларини қал-  
баки қилиб ясашни ўрганиб олади, масъул шахс бўлиб  
олиб, атайин ёлгон ҳисоботлар тузганича, давлат солиқ-  
ларининг бир қисминини чўнтагига уриб қолиш йўллари-  
ни қидиради, ёки бўлмасам ўз танишлари ва дўстлари-  
нинг устидан ғийбатномалар ёзади, ҳуллас, Сербиядаги  
қобилиятли одамлар ниманики қилишаётган бўлибса,  
шунини қилади. Турган гапки, бу қобилиятлари билан уни  
албатта округ бошлиғи ёки жамоа раиси, ёки солиқ йи-  
ғувчи, ёки хат ташувчи, ёнки ҳеч бўлмаганда, қайси  
бир молия идорасига хазиначи қилиб тайинлашади.  
Менга эса бу лавозимларнинг ҳаммаси бирдек ёқмасди  
ва худди шунинг учун ҳам мен ўғлимнинг ҳаддан зиёд  
қобилиятли бўлишига қарши эдим.

Ўғлимнинг келажаги тўғрисидаги ташвишлар менга  
тинчлик бермасди, зероки, умуман, ташвишлар ҳар қан-  
дай одамга тинчлик бермайди, қобилиятли боланинг  
отасини эса қўяверасиз. Хотиним жумлайи вафодор ра-  
фиқалар сингари ва умуман, яхши хотинлар эрлари би-  
лан ташвишини баҳам кўришгани каби бу ташвишларни  
мен билан баҳам кўрарди. Бизнинг келажак бахтимиз  
чироғи эса Ганнибал ҳам, Войнович ҳам ёки Наполеон  
ҳам бўлишдан бутунлай воз кечиб, кунлардан бир кун  
мушукни сувга чўктирди, менинг эса на Ганнибал, на  
Войнович ва на Наполеон мушук чўктирганига ақлим  
бовар қилмайди.

Ўғлимнинг келажаги тўғрисидаги ташвишлар мени —

энг атоқли мураббийларимиздан бири, Маориф бўйича кенгаш аъзоси, таълимни қайтадан ташкил этиш бўйича тузиладиган комиссияларнинг доимий вакили, кўпгина ўқув программаларининг тузувчиси, Болаларни тарбия қилиш жамиятининг фахрий аъзоси, бундан ташқари яна «Она боланинг тарбиячисидир», «Болани тарбиялашда оиланинг хизмати» (ҳали тугалланмаган илмий асарнинг I, II, III жилдлари), «Болада фуқаролик бурчини қандай қилиб тарбияламоқ керак» (оммавий маъруза), «Ота-оналарнинг хатоси» (муқовасига «Боланинг хатоси — ота-онанинг хатосидир!»— деган сўзлар ҳам ёзилган) ва бошқа машҳур илмий асарларнинг муаллифига мурожаат қилишга мажбур этди.

Кеча мен жаноб мураббийнинг ҳузурида бўлдим ва уни ўз таъбири билан айтганда, болалар тарбиясига доир бўлган ишидан қолдирганим учун жудаям хижилман.

У мени ўтиришга таклиф қилди, аммо мен курсига энди ўтирай деган эдим ҳамки, даҳшатли ўкириб юбориб, ўрнимдан сапчиб туриб кетдим ва устознинг олдида бешармларча орқамни силай бошладим.

— Ҳай, ҳай, ҳай,— деб гўлдиради мураббий хижолат бўлиб, синиқ товушда ва у ҳам меининг у ёқ-бу ёғимни сийпалашга тушди.— Узр сўрайман, минг бора узр. Бу менинг катта ўғлимнинг иши, у бирам шўхки! Мана қаранг, курсига игна санчиб қўйибди-я!.. У тез-тез шунақа қилиб туради. Кечирасиз-да, энди...

— Меҳмонларнинг курсидан сапчиб туришларини сиз ҳам тез-тез томоша қилиб тураркансиз-да?— деб сўрадим мен бир оз заҳарханда билан. Лекин мен оддий меҳмон эмас, балки илтимосчи бўлганим учун кўп ўтмай ҳовуриmdан тушдим ва курсига қайтиб ўтирдим.

Мен биринчи саволимни эндигина бошламоқчи бўлиб турган эдим ҳамки, қўшни хонага кириладиган ойнаванд эшикнинг юқори қисми жаранглаб синиб, оёғимнинг олдида уй шиппаги келиб тушди.

— Живко,— ўрнидан сакраб турди жаноб мураббий,— нима қиялпсан, жин ургур!

Синдирилган ойнанинг орқасидан ёқимтой боланинг боши кўринди.

— Мен оиймга отяпман, у менга ширинликлар турадиган жавоннинг калитини бермаяпти,— деди бола.

— Ҳай, ҳай, ҳай! Уялмайсанми? Наҳотки сен менинг олдимда меҳмон борлигини кўрмаётган бўлсанг?!

Болакай менга шўхчан қаради-ю, кейин бирдан ба шарасини шунақанги буриштирдик, худди жавоннинг калитини унга мен бермаётгандек эдим.

Ниҳоят, жаноб педагог чуқур ўйга чўмди ва менга болани қандай тарбиялашим кераклиги ҳақида муфассал маъруза ўқий кетди, у мазкур масала юзасидан нисмаларни ўқиш лозимлигини айтиб, нуқул ўзининг асарларини тавсия этарди ва ўғлимнинг барча бад қилмишлари учун менинг айбдор эканлигимни уқтирарди. Буюк мураббий қоқсуяк қўлларини ҳурпайган сочлари ичига тикқанича, ҳадеб ўзининг бош асари муқовасидаги! «Боланинг хатоси ота-онанинг хатосидир!»— деган шиори ҳаяжон билан такрорларди.

Шу пайт кўчадан болалар дўмбирасининг овози янгради ва ижодхона деразаси олдидан элликка яқин бола аскарлардай саф тортиб, бараварига қадам ташлаб ўта бошлашди. Аскарларга буюк мураббийнинг катта ўғли қўмондонлик қилар, олдинда қизил читдан қнлинган байроқни кўтариб олишган эди. (Худди шу пайтда жаноб мураббий деразанинг битта пардаси йўқлигини сезиб қолди.) Ҳар қайси аскар елкасида таёқ кўтариб борар, ҳар бирининг бошида эса қоғоздан қилинган учбурчак қалпоқ кўзга ташланарди.

Буюк мураббий дераза томонга тикиларди, дастлаб у болаларни хотиржам томоша қилиб турди, кейин эса бирдан унинг ранги докадек оқариб кетди ва қалтироқ

қўллари билан ёзув столининг тортмасини оча бошлади. Тортманинг бўм-бўшлигини кўргач, даҳшатдан чапак чалиб юборди:

— Эҳ афандим, вой, вой, вой!

— Айтсангиз-чи, ахир, нима бўлди ўзи?— деб сўрадим ундан.

— Ҳаммаси тамом бўлди, эй худо, ҳаммаси тамом бўлди,— деди буюк мураббий йиғи аралаш.— Олти ой бадалида кечасию кундузи муттасил ўтириб «Болани тарбиялашда оиланинг хизмати» деган бош асаримнинг тўртинчи қисмини ёзган эдим. Ўзи уни ўн кунча бурун тугатган эдим. Қаранг-а, ўи кун бўлувди, холос...

— Жуда яхши, лекин мен тушунмаяпман, сиз нима учун...

— Ахир анови қалпоқларни кўрмаяпсизми? Катта ўғлим тортмадаги қўлёзмамни олиб, ундан ўз қўшинига қалпоқ қилибди...

Дунёда хунук ҳодисаларни кўрганда хурсанд бўладиган одамлар бор — менинг ўзим ҳам шундайларданман, унақалар бундай пайтларда кулмасдан туришолмайди. Бу суҳбат мени тўла қаноатлантирди, ахир менинг ўғлим ҳар ҳолда буюк мураббийнинг ўғли эмас-ку. Мен гарчи кулмасам ҳам буюк мураббийга қараб, шундай демасдан тутолмайдим:

— Жаноб профессор, наздимда, сизнинг катта ўғлингиз жуда қобилиятли болага ўхшайди. Келажакда, эҳтимолки, яхши ва талабчан танқидчи бўлиб етишар ва энг муҳими, кўриниб турибдики, у ўзи ҳозиргина қалпоқ қилганга ўхшаш назарияларнинг душмани бўлади.

— Начора?— уҳ тортди буюк мураббий.— Биласиз-ку, бўзчи — белбоққа ёлчимайди.

Бу сўзлардан кейин мен у билан хайрлашдим-да, уйга жўнадим, йўл-йўлакай «Бўзчи — белбоққа ёлчимайди», дегани кишига нақадар тасалли берадиган мақол эканлигини ўйлаб кетдим.

Уйда менга қувончли хабарни етказишди: ўғлим бир балодан эсон-омон қутулиб қолибди.

Маълум бўлишича, у қудуққа йиқилиб тушмаслиги керак бўлган бир пайтда унга йиқилибди. Айтишларича, у аслида шерикларидан бирини қудуққа итариб юбормоқчи бўлган экану тойиб кетиб, ўзи қулабди.

Ҳай, майли, эсон-омон қолибдими, шунисига шукур! Энди бундан берисига эҳтиётроқ бўлади ва бирор кимсани қудуққа итариб юборишдан олдин ўзининг йиқилмаслиги чорасини кўради.

## МУНДАРИЖА

|                            |     |
|----------------------------|-----|
| Бизнинг ҳужжатхоналар      | 3   |
| Максим                     | 32  |
| Кикандон машмашалари       | 54  |
| Фап қурбони                | 77  |
| Қабр устидаги путқ         | 90  |
| Зўраки ҳомий               | 101 |
| Қутурган Теофило           | 115 |
| Сиёсий мухолиф             | 132 |
| Бехосият рақам             | 142 |
| Ойдин кеча                 | 166 |
| Министрининг чўчқаси       | 173 |
| Халқ депутатининг пальтоси | 179 |
| Елгон гап                  | 184 |
| Менинг министр ўртоқларим  | 192 |
| Думли одам                 | 196 |
| Шу камиди!                 | 199 |
| «Полиция қидирмоқда»       | 203 |
| Қусурли қиз                | 211 |
| Менинг қобил болагинам     | 215 |